

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

“ТАРИХ” ФАКУЛЬТЕТИ

**“ЎЗБЕКИСТОДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ НАЗАРИЯСИ
ВА АМАЛИЁТИ” КАФЕДРАСИ**

ПОЛИТОЛОГИЯ

фанидан

МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

АНДИЖОН -2011

КИРИШ

Қадимги грек мутафаккири Аристотель таъкидлаганидек, “Сиёсат инсон фаолиятининг ажралмас қисмига айланган ҳолда у тирикжон сифатида инсон табиатида” жой олган бўлиб жамоада, давлатда яшаши ва бошқа одамлар, давлат институтлари билан ўзаро ҳаракат қилмоқликка маҳкум этилган.¹

Ўтган асрлар ва янги даврда давлат бошқарув унсурларига бағишланган илмий изланишлар, шунингдек, сўнгги даврларда Ғарбий Европа, Шимолий Америка, Япония политолог ва ижтимоий фанлар олимлари томонидан амалга оширилган политологиянинг назарий ва амалий жиҳатлари қамраб олинган илмий ташкилотлар, ривожланган мамлакатлар тажрибаси чуқур таҳлил этилган монографиялар, олий таълим тизими талабалари учун дарсликлар яратилди.

Шунингдек, фуқаролик жамиятининг келиб чиқиши, унинг ривожланишига доир назарий қарашлар ва хорижий тажрибалар, фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши тамойилларини ўрганиш ва тадқиқ этиш, бу соҳадаги ўз ечимини кутаётган масалалар ва муаммолар юзасидан илмий таҳлиллар қилиниб амалий ҳаётга тадбиқ этилмоқда.

Демак сиёсат, сиёсий ҳаёт, халқаро сиёсий муносабатлар масаласи демократик ҳукукий давлат фуқаролик жамиятини кураётган давлатлар ва уларнинг лидерлари, шунингдек кенг фуқаролар жамоаларини қизиқтираётган муаммога айланган. Бу масала эркин, одил, адолатли фуқаролик жамиятини кураётган Ўзбекистон учун ҳам бевосита тааллуқлидир. Янгиланиш, мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш, модернизациялаштириш жараёни барча соҳалар каби ижтимоий фанларни ўқитиш, уларнинг мазмун-моҳиятини давр талаблари асосида қайтадан ўзгартириш вазифасини қўйди.

“Политологияни ўқитиш давлат дастури”да таъкидланганидек, сиёсий билим бериш – ҳозирги давр кишининг сиёсий ҳаётда қатнашуви ва сиёсий маданиятни шакллантириш демократик кадриятларга қатнаштириш усулларида биридир. Политология фани талабага сиёсий веқелик, сиёсий хулқ-атвор қоидалари, сиёсий кадриятлар ҳақида энг зарурий билимларни беришга қаратилган. Ҳаёт сиёсий ходисаларни ҳолисона ва танқидий баҳолашга, сиёсий йўлни танлашга қодир бўлган сиёсий билимдон кишиларни камол топтиришни тақазо этади. Бўлажак мутахассислар маълум билимларни эгаллашлари билан бирга, жадаллик билан ўзгариб бораётган ижтимоий-сиёсий вазиятни тезда англаб етиб, унга мослашган, мустақил ҳолда шахсий қобилиятларини ривожлантиришни, фаол ва ижодий равишда ҳаёт томонидан илгари сурилган муаммоларни ҳал этиш каби маҳорат ва малакани эгаллашлари даркор.

Политология фанини ўрганиш жараёнида талабалар хорижий ва мамтлакатимиз ички ва ташқи фаолиятларида сиёсий ҳокимият ва муносабатларда юз бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг мураккаблиги ва хилма-хиллигини ўрганадилар. Давлатимиз ва бошқа мамлакатлардаги демократиялашувнинг, бозор иқтисодиёти қонуниятларининг ўзига хос томонларини англаб оладилар.

Президент И.А.Каримов “Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш” асарида таъкидлаганидек, - “одамнинг иродаси, дунёқараши бақувват бўлиши учун унинг ҳаётга, эртанги кунга, ўзининг куч ва имкониятларига ишончли мустаҳкам бўлиши керак”.²

Шубҳасиз, Политология фани бошқа ижтимоий фанлар каби бўлажак мутахассисларни ана шундай шахс бўлиб етишишларига ёрдам беради.

Политология фани бўйича ушбу дарсликни тайёрлашда мамлакатимиз олий таълим тизимида, МДХ, жумладан, Россияда сўнгги йилларда нашр қилинган дарсликлардан, ўқув-услубий адабиётлардан, ўқув-қўлланмалардан тасвия ва илмий асарлардан, Президент И.А.Каримов асарлари, рисоалари, нутқ мақолаларидан кенг фойдаланилди.

¹ История политических и правовых учений. Издательства Михайлова В.А. Санкт-Петербург, 2000, 16 б.

² И.А.Каримов. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т. “Ўзбекистон”, 2009. 13-б.

Мазкур дарслик Давлат таълим стандартлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижтимоий комплексининг махсус методологик комиссияси баённомаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий ўқув юртлари илмий-услубий бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаш Президиумининг 2003 йил 1 июль қарори билан тасвия этилган “Политология” фанидан намунавий дастур асосида тайёрланган. Китобда фанга оид бўлган катта ҳажмдаги назарий материалларни умумлаштириш ва тизимлаштиришга ҳаракат қилинган. Шунингдек, ҳозирги давр сиёсий жараёнларида юз бераётган воқеалар умумлаштирилган ва ушбу соҳада фикр юритаётган мутахассисларнинг хулосалари жамланган. Бундан ташқари дарслик Ўзбекистон сиёсий ҳаётидан олинган далиллар ва мисоллар билан тўлдирилган ҳамда унда ўқув-услубий, кўргазмали намуналар келтирилган.

Дарслик олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва талаблари ва бошқа “Политология” фани билан қизиқувчи мутахассисларга мўлжалланган.

1-МАВЗУ: ПОЛИТОЛОГИЯНИНГ СИЁСИЙ ФАНЛАР ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА РОЛИ.

1.1. Политология фани предмети, мақсади ва вазифаси.

Политология – юнонча *politika* – давлат, *logos* – тушунча, таълимот тушунчаларининг бирлигидан ташкил топган бўлиб, у сиёсат, сиёсий муносабатларни ўрганувчи илмий билимлар соҳаси демакдир.

Политология фан сифатида XX аср ўрталарида ташкиллашган бўлсада, сиёсий ғоялар тарихи бир неча минг йилликларни ўз ичига олади. Политология мустақил илмий фан сифатида расмий жиҳатдан 1948 йилда ЮНЕСКО экспертлари томонидан сиёсий фанларнинг объекти, предмети, тузилиши ва вазифаларини белгилаб берган махсус хужжатни қабул қилиниши билан эътироф этилди.

Политологиянинг объекти давлат ва сиёсий партиялар, сиёсий тизим ва сайлов тизими, сиёсий муносабатлар ва алоқалар, сиёсий маданият ва ахлоқ каби сиёсатнинг серқиррали манзарасини ташкил этади.

Аммо политология предметини аниқлашда бир муҳим фикрга келинган эмас. Ёнма-ён икки муқобил қарашлар мавжуд бўлиб, улардан бири политология предметига кенг маънода ёндашса, иккинчиси тор маънода қарайди.

Француз философи М.Фуконинг политология концепцияси яхши маълум бўлиб, унинг айтишича сиёсат ҳозирги замон кишисини ҳар тарафлама кўршаб олган, яширин ва ошкора равишда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига сўралмаган ҳолда қириб келмоқда. Ҳозирги замон оммавий ахборот воситалари сиёсий жараённи нихоятда фаоллаштириб рекламага ўхшаш ҳамма ерда хозиргу манзур. Шунинг учун политология предметини турлича изоҳлаш мумкин: Политология фанлараро фан бўлиб сиёсат социологияси, сиёсий фалсафий,

сиёсий маданиятшунослик, сиёсий этика бўлиши керак, деган ғояни Россиялик политолог илгари сурган бўлса, унга муқобил равишда америкалик олим Г.Беккер қуйидагича ёндашади.

Г.Беккер қарашларига биноан сиёсий ҳокимият соҳаси тор доирасида тақсимлашга асосланган – фақат давлат муносабатлари доирасида чегараланган бўлиб, бошқа соҳаларга – иқтисодиётга, маданият ва фуқаролик жамиятига аралашмаслиги керак. Шунинг учун бу фан сиёсий ҳокимиятининг айнан ўзига тегишли тор соҳасини ўрганиши керак.

Аммо кўпчилик ҳозирги политологлар политология фани предметини аниқлашга бўлган тор ва кенг ёндашувдаги чегарадан четга чиқиб ҳаракат қиладилар. Ҳозир турли сиёсий фанларни ўз предмети доирасида фарқлаш қабул қилинган. Мисол учун К.С.Гаджиев ва И.С.Панарин Сиёсат социологияси фуқаролик жамиятидаги одамларнинг ўзаро муносабатларини ўрганса, Политология – уларнинг давлат доирасидаги муносабатларини яъни ҳокимият хусусидаги масалани ўрганади, - дейди.

Сиёсий антропологиянинг предмети сиёсийлашган шахснинг фаолиятини таҳлил этса, сиёсий географиянинг предмети давлатлар ўртасидаги маконий, масофий муносабатларини ўрганади. Бошқа сиёсий фанлардан ажралмаган ҳолда политология ҳам ўзига хос предметига эга. Агар политологиянинг предмет доирасини аниқлашга уриниб кўрилса, айтиш мумкинки, политология сиёсат дунёси, сиёсий институтлар, жамиятдаги ҳокимиятга бўлган муносабатларнинг умумлаштирилган, тизимлашган билимларни берувчи фан эканлигини кўради.

Шундай қилиб, политология сиёсий тадқиқотларга урғу ва йўналиш беради, политологиянинг ҳулосалари эса ўз навбатида бошқа сиёсий фанларнинг ривожланиши учун муҳим методологик асос бўлади.

Политология фани одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, одоблилиги ва адолатлилиги, ижтимоий ҳаётнинг қадриятлари ва нормалари, демократик истиқболи ҳақидаги масалани қай даражада ҳал қилинганлигига қараб сиёсий социология ва сиёсий антропология, сиёсий психология ва сиёсий география ривожланишининг асосий йўналишини белгилайди.

Аммо муаммонинг бошқа томонини ҳам таъкидлаш лозим. Шубҳасиз, барча сиёсий фанлар бир-бирини тўлдиради ва бойитади. Сиёсий ривожланиш муаммоларини социологик ва психологик доирадан ташқарида, сиёсий антропология тадқиқотларидан ташқарида, статистик маълумотларга ҳозирги замон сиёсий география ютуқларига мурожаат этиб қараш мумкин эмас. Ҳозирда уйғун бирликда ривожланаётган сиёсий фанлар тизимида политология марказий ўринни эгаллайди.

Юнеско экспертлари ҳозирги замон политологиясининг тўрт асосий йўналишинини таснифлайдилар:

1. Сиёсий назария:
 - а) сиёсий назария;
 - б) ғоялар тарихи.
2. Сиёсий институтлар:
 - а) конституция;
 - б) марказий ҳокимият;
 - в) Минтақавий ва маҳаллий бошқарув;
 - г) Давлат муассасалари;
 - д) Ҳокимиятнинг иқтисодий ва ижтимоий функциялари.
3. Партиялар, гуруҳлар ва ижтимоий фикр:
 - а) Сиёсий партиялар;
 - б) Гуруҳлар ва бирлашмалар;
 - в) Фуқароларнинг ҳукуматда ва маъмуриятда қатнашиши;
 - г) Жамоатчилик фикри.
4. Халқаро муносабатлар:
 - а) Халқаро сиёсат;
 - б) Халқаро ташкилотлар;

в) Халқаро ҳуқук.

Политология – бу мустақил фан. У ўзининг объекти ва ўзига хос ўрганиш предметига эга. Политологиянинг объекти бўлиб, жамият сиёсий соҳаси, унда содир бўладиган ҳамма ҳодиса ва жараёнлар ҳисобланади. Политологиядан бўлак ижтимоий ҳаётнинг бу соҳасини фалсафа, социология, ҳуқук, тарих ва бошқа фанлар ўрганади, аммо уларнинг ҳар бири ўзларининг хусусиятларидан келиб чиқиб, уни тадқиқ этадилар.

Политология фанининг предмети бу сиёсий ҳокимиятнинг шаклланиши ва ривожланиши, унинг амал қилиш шакллари ҳамда усуллари ва жамиятнинг тузилмасидан фойдаланиш ҳисобланади. Бизнингча, Политология фани предметига берилган қуйидаги тариф кенг қамровлиги билан аҳамиятга лойиқ.

Политология – жамиятнинг сиёсий тизими, сиёсий жараёнлар ва сиёсий ҳокимият, унинг асосий таркибий қисмлари, давлат ҳокимияти, сиёсий партиялар, сиёсий ташкилотлар ва сиёсий ҳаракатлар билан ўзаро муносабатда бўлган турли ижтимоий гуруҳлар, фуқароларнинг ўрни ва роли, ҳокимиятга муносабат, уни сақлаб туриш механизми ва воситалари, жараёнлари ҳамда амалиётини ўрганадиган фан.¹

Политология фанининг ўзига хослиги шундан иборатки, у ҳамма жараёнларни сиёсий ҳокимиятга муносабат нуқтаи назаридан кўриб чиқади. Айнан “сиёсий ҳокимият” категорияси “сиёсат” ҳақидаги сўзнинг моҳият ва мазмунини ўзида тўлиқ акс эттиради. Сиёсат ҳокимият бор жойда юзага келади, у (яъни сиёсат) давлат ташкилотларига суянган ҳолда мавжуд жамиятнинг қоида ва қадриятларини қарор топтиришга хизмат қилади. Ҳокимиятсиз сиёсатнинг бўлиши мумкин эмас, сабаби, айнан ҳокимият уни амалга оширишнинг воситаси ҳисобланади. “Сиёсат соҳасидаги фан ҳақида гапирадиган бўлсак, - деб айтади Г.Лассуэл, - биз ҳокимият ҳақидаги фанни назарда тутамиз”.²

Ҳокимият, сиёсат ва давлат ифодасини акс эттириб, ўзига хос мезонни ифодалаганлиги туфайли политология мустақил ижтимоий фан ҳисобланади.

Политология бошқа сиёсий фанлардан фарқли равишда сиёсий ҳаётнинг хилма-хил масалаларини сиёсий ҳокимият, сиёсий партиялар, ташкилотлар ва ҳаракатларнинг фаолияти билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этади. Негаки бу ташкилотлар ва ҳаракатлар сиёсий аҳамиятни касб этади. Улар ҳар қандай ижтимоий тузумда ҳам жамиятнинг ривожланишига, уларда вужудга келадиган муаммоларни ҳал этишга таъсир кўрсатади.

Политологиянинг ўрганиш марказида қуйидагилар туради:

1. Сиёсий ҳокимиятни ташкил этиш, унга амал қилиш шакли ва услублари.

2. Мавжуд сиёсий тизимлар, сиёсий ҳаёт, сиёсий онг, сиёсий субъектларнинг манфаатлари ва хатта-ҳаракатларини, шунингдек, ғоявий-сиёсий таълимотлар ва назарияларни ўрганиш.

Политология фан сифатида амалий ва назарий жиҳатдан ўзаро боғлиқликда бўлади. У ижтимоий-сиёсий, тарихий, ҳуқуқий ва ижтимоий ёндашувларни таҳлил этиб ўз предмети доирасида иш тутаяди.

Политология илмий ва ўқув фани сифатида қуйидагиларни тадқиқ этади ва ўрганади:

Биринчидан, у сиёсий тафаккур тарихи; сиёсий тизим, жараёнлар, сиёсий онг ва маданият, халқаро кенг қамровли сиёсий муаммоларни тадқиқ этади.

Иккинчидан, муҳим амалий тадқиқот ишларини олиб боради.

Учинчидан, жамиятнинг сиёсий соҳаси, унинг ривожланиш қонуниятлари ҳақида тушунча беради.

Тўртинчидан, ҳозирги давр сиёсий институтлари, уларнинг ўрнатилиши ва амал қилиниши, демократик жамиятдаги фуқароларнинг ҳуқук ва эркинликлари, бурчлари, уларда сиёсий жараёнларнинг ўзгариш суръатлари, турлари, шакллари, унинг субъекти ҳақида билимлар тизимини беради.

¹ Х.Т.Одилқориев, Д.Х.Раззақов. Сиёсатшунослик. “Ўқитувчи”, Нашриёт-Матбаа ижодий уйи. Т.2008 18-б.

² Лассуди. Современная западная социология. Словарь. Политиздат. 1990, 152-153 стр.

Бешинчидан, талабаларда сиёсий маданиятни, ижтимоий-сиёсий воқеликни таҳлил этишда ҳозирги замон сиёсий тафаккур тамойилларини қўллаш маҳоратини шакллантиришга ёрдам беради.

1.2. Политология фани, қонун ва тушунча, категориялари, ҳамда унинг услублари.

Политология фани ўзининг қонуниятлар мажмуиға эга. Бу қонуниятлар уларнинг намоён бўлиш хусусиятларига қараб ўрта асосий гуруҳга бўлинади.

Биринчи гуруҳ қонуниятлар – бу сиёсий-иқтисодий қонуниятлар бўлиб, у жамият иқтисодий базаси ва сиёсий ҳокимият ўртасидаги нисбатни акс эттиради.

Сиёсат тегишли равишда сиёсий ва давлат ҳокимияти системаси ҳамда иқтисодий жараёнларнинг ривожланиши билан боғланган. Иқтисодий манфаатлар сиёсий фаолиятнинг ижтимоий сабабчиси ҳисобланади. Сиёсий ҳокимият иқтисодий ҳокимиятни юзага келтириш учун хизмат қилади. Шунинг билан бирга сиёсий ҳокимият иқтисодиётга нисбатан ҳосила бўлиб иқтисодий жараёнларга сиёсий таъсир кўрсатиш учун кенг имконият яратади. Сиёсий ҳокимиятга сиғиниш, маъмурий таъсир кўрсатиш йўли билан иқтисодий қонунларни “чеклаб” ўтиш, қўйилган мақсаддан четга чиқишга олиб келади.

Иккинчи гуруҳ қонуниятлар – сиёсий-ижтимоий қонуниятлар бўлиб, сиёсий ҳокимиятни ривожлантиришни характерлайди.

Сиёсий ҳокимият тизимнинг асосий қонунияти бўлиб барқарорликни мустаҳкамлаш ҳисобланади. Бу қонуният сиёсий ҳокимиятнинг турли тизимларида турлича амалга оширилади. Масалан, авторитар системада барқарорликни мустаҳкамлаш учун ҳокимиятни юқори даражада марказлаштириш ҳамда кенг қўламдаги зўравонликни талаб этади. Унга қарама-қарши ўлароқ демократик тизим ҳокимиятни тақсимлашни суд, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳокимиятларни қўзда тутди, манфаатлар ва қелишувчилик принципларига суянади.

Учинчи гуруҳ қонуниятлар – уларни шартли равишда сиёсий-психологик деб аташ мумкин. У шахс билан ҳокимият ўртасидаги муносабатни акс эттиради. Сиёсий-психологик қонуниятлар ичида энг характерлиси сиёсий раҳбарнинг ҳокимиятни қўлга киритиши ҳисобланиб, бу қўзланган мақсадга эришишда энг қадрлиси ва қимматлиси ҳисобланади. Бу қонуният биринчи маротаба Н.Макиавелли томонидан таърифлаб берилган.

Баъзи адабиётларда¹ политология қонуниятлари икки гуруҳга ажратиб кўрсатилган.

Биринчи гуруҳга Давлат ҳокимияти ва мамлакат ички сиёсий ҳаётида амал қиладиган қонунлар бўлиб, у ўз ичига:

- 1) Жамият сиёсий жараёнларида сиёсий ҳокимият механизмларидан самарали фойдаланиш;
- 2) Жамият сиёсий ҳаётининг демократиялашиши;
- 3) Сиёсий бошқарув жараёнлари;
- 4) Сиёсат ва ижтимоий-иқтисодий, маданий, маърифий ҳаёт муносабатлари;
- 5) Шахс, жамият ва давлат тизимида инсон манфаатининг устиворлиги ва бошқалар.

Иккинчи гуруҳ қонунлари халқаро муносабатларда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий-маърифий алоқалар билан боғлиқ бўлиб, улар:

- 1) Халқаро хавфсизлик ва ўзаро ишончни ривожлантириш;
- 2) Халқаро ва давлатлараро ихтилофларни бартараф этишнинг сиёсий воситалари;
- 3) Умумбашарий муаммоларни бартараф этишнинг сиёсий йўллари;
- 4) Турли сиёсий институтлар, сиёсий партиялар, ташкилотлар ва ҳаракатлар билан сиёсий ҳамкорликни йўлга қўйиш;
- 5) Жамият сиёсий ҳаётида сиёсий етакчининг ўрни ва ролини таҳлил этиш ва ҳ.к.

¹ Муаллифлар ҳамкорлигида: Политология. Т. ТДЮИ. 2006, 10-11 б.

Политологиянинг моҳияти ва мазмунини ифодалашда унинг категориялари муҳим аҳамият касб этади.

“Категория” тушунчаси сиёсий фанларда, жумладан Политологияда нарса ва ҳодисаларнинг энг умумий белги ва боғланишларини ифодалайди.

Политология фанининг асосий категориялари.

1. Сиёсий ҳокимият.
2. Жамият сиёсий системаси.
3. Давлат ва давлатлаштирилмаган бирлашмалар.
4. Сиёсий партиялар.
5. Сиёсий тартибот.
6. Сиёсий муносабат.
7. Сиёсий онг.
8. Сиёсий маданият.
9. Демократия.
10. Халқаро сиёсий муаммолар.
11. Халқаро муносабатлар.
12. Сиёсатнинг объекти, субъекти ва бошқалар.

Бу категориялар политология фанини бошқа сиёсий фанлардан фарқлашга ҳамда унинг моҳиятини тушунишга хизмат қилади.

Политологияда муҳим ўринни илмий тушунчалар тизими эгаллайди, унда “сиёсий ҳокимият” марказий ҳисобланади. Политология категорияси ва ўзига хос тушунчаси шунда ифодаланадики, улар сиёсий ҳокимиятнинг турли томонлари ва муносабатларини очиб беради. Масалан, “сиёсий тизим” категорияси сиёсий ҳокимият турли ташкilotлари фаолияти жараёнидаги ўзаро муносабатларини характерлайди; “сиёсий жараён” ижтимоий субъектининг фаолият мажмуини акс эттириб, унинг ёрдамида сиёсий ҳокимиятнинг шаклланиши, ривожланиши ва ифодаланиши юз беради: “сиёсий социализация” деганда жамиятдаги мавжуд ҳокимият тизими томонидан қўллаб-қувватланадиган қоида ва қадриятларни шахс томонидан ўзлаштириб олиш жараёни тушунилади: “давлат” сиёсий ҳокимиятнинг асосий ташкилоти сифатида қаралади; “армия” – унинг бир бутунлигини қуролли йўл билан ҳимоя этишда, сиёсий ҳокимиятнинг ўзига хос қуролидир.

Политологияда уч гуруҳдаги усул қўлланилади: булар назарий, эмпирик ва умумназарий.

Назарий усулда сиёсий воқелик ва сиёсий хулқ-атвор мураккаб мавхумия тузилма ҳисобланади. Бевосита кузатилиши қийин бўлган сиёсат ҳақидаги билимларни олишга қаратилган.

Назарий усуллар дунёни англашга ёрдам берибгина қолмай шунингдек у фанининг категориал муассасасини шакллантиради ҳам.

Ҳозирги кунда асосий ёндашиш усули синергетик (бирликда, ҳамкорликда, ҳамоханг ҳаракатда) усул бўлиб, мазкур усул фанлараро илмий тадқиқот олиб бориш йўллариини англашиб, унинг моҳиятини ўз-ўзидан уюштириш, вужудга келиш, амал қилиш ташкил этади.

Уларнинг асослашларича, ҳозирги дунёнинг илмий манзараси кўп томонламалик, тез суръатли ҳақиқат ва мураккаблик томон кескин ўзгармоқда. Ўзининг хусусиятига кўра бизнинг коинот уйғун бирликка эга.

Ҳозирда кўпчилик олимлар синергетик ёндашув табиий-илмий ва гуманитар ёндашувни яқинлаштиришга ёрдам беради деб ҳисоблайдилар.

Социологик усул ички ва ташқи сиёсат юритишнинг жамият тараққиёти муштарак қонуниятлари билан узвий боғлиқ эканлигини, шунингдек, иқтисодий муносабатлар, синфий тузилма, мафкура ва маданиятнинг сиёсий тизимга таъсирини аниқлайди. Социологик усул сиёсий фанда етакчи мавқени эгаллаб, сиёсий социологиянинг ўзига хослигини белгилайди.

Эмпирик усулга қуйидагилар қиради: статистикадан фойдаланиш, биринчи навбатда электроник; ҳужжатларни таҳлил этиш, анкетали сўров, лабаратория тадқиқотлари; кузатишлар, аниқ сиёсий воқеликни бевосита иштирокчиси томонидан амалга оширилаётган

кузатувчилар ёки одамларнинг экспреминтал шароитда бўлган ҳатти-ҳаракатини кузатиш ва ҳоказолар..

Политологлар аҳоли фикрини аниқлаш, сиёсий етакчининг ҳақиқий мақсадини, ижтимоий гуруҳларнинг қадриятли йўналиши ва сиёсий кўрсатмаларини, омманинг, давлат бошқарув қарорларига бўлган муносабатини аниқлаш мақсадида кузатиш ва сўров усулларида кенг фойдаланадилар.

Культуралогик усул сиёсий жараёнларнинг сиёсий маданиятга боғлиқлигини аниқлашни талаб қилади.

Меъёрий-қадрият усули – сиёсий воқеликни жамият ва шахс учун аҳамиятини уларнинг умумманфаат йўлида, адолат, эркинлик, инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат қилишни аниқлашни талаб этади.

Институтлаштирилган усул – сиёсий фаолиятни яъни давлат, партия, бошқа ташкилот ва бирлашмалар, ҳуқуқ, ҳукумат дастурлари ва сиёсий ташкилотнинг бошқа муассасалари бўлган институтларни ўрганишни талаб қилади.

Антропологик усул – сиёсатни социал омиллар билан боғлиқлигида эмас балки ибтидонини жамият сифатидаги табиатига асос бўлган эҳтиёжларни йиғиндисини (овкатга, кийимга, уй-жойга, хавфсизлиги, эркин фаолият кўрсатиши, маънавият ривожланиши ва ҳоказолар) тадқиқ этишни талаб этади.

Психологик усул – сиёсий ҳулқ-атвор, индивидуал хис-туйғу ва хислатларнинг социал жиҳатларини тадқиқ этади.

Умуммиллий (манتيкий) усул – умуммиллий назарияларни ривожланиши жараёнида, аввало фалсафий анъаналар чегарасида ҳамма фанлар учун объектив реалликни англаш ва аниқлаш усулидир.

Мантикий усул – оммабоп қонидани ўзида ифодалаб мақсадга мувофиқ ҳулосаларни қарор топтиришни назарда тутати. Бунга қуйидаги усуллар киради.

1. Аниқлаш ва таснифлаш, фаннинг асосий категориялари бўйича келишувга эришиш ва уларни маълум бир тартибга солиш.

2. Таққослаш бир тартибдаги жараёнлар, воқеа ва ҳодисаларни солиштириш, хусусан турли мамлакатлар ва минтақаларда амал қилаётган ва ривожланаётган сиёсий ҳодисалар ўзаро нисбатида ихтисослашаётган солиштирувчи политология асосида амалга оширилади.

3. Таҳлил ва синтез, ҳодисаларни ўзаро боғланган, бир бутун ҳолда текшириш усули мураккаб сиёсий тузилмаларини ва ички тузилишини кўришга имкон беради.

4. Тарихий таҳлил орқали сиёсий воқеа-ҳодисаларни, сиёсий жараёнлар оқими билан ўлчаб, ўтмиш сабоқлари, ҳозирги ҳаёт муаммолари, истиқбол режалари каби масалаларни мужассамлаштириб, мантикий ва узвий бир-бирига алоқадорликда мушоҳада қилиш ҳамда инъикос этиш имконини вужудга келтиради.

5. Тизимий ёндошиш – политология барча қисмларини ўзаро мантикий боғлаш, улар ўртасидаги алоқадорлик ва мазмунли боғлиқлик муносабатларини очиқ бериш, сиёсий воқеа-ҳодисаларни қиёсий таҳлил қилиш, ҳар бир политология муаммосини яхлит бирлик тизими тарзида мушоҳада этиб, унинг ички ўзаро мутаносибликларини аниқлаб олиш муқаррардир.

Сиёсий институтлар ҳақидаги назарияга биринчи ўринда жамият сиёсий ташкилотлари, давлат ва ҳуқуқ, сиёсий партиялар ва бошқа институтлар назариялари киради ва унинг чегарасида кўплаб мустақил фанлар мавжуд. Масалан, давлат ва ҳуқуқ назарияси, давлат ҳақидаги умумий назария билан бирга яна бир қатор юридик фанларни ўз ичига олган.

Сиёсий институтлар анъанавий ҳолда сиёсий ташкилотларнинг марказида туради ва ҳозирги кунда марказий ўринлардан бирини эгаллайди.

Халқаро сиёсат назарияси – сиёсий ташкилотлар соҳаси бўлиб – унинг предмети халқаро ташкилотлар, бирлашмалари (БМТ, НАТО, Халқаро Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Халқаро амнистия ва ҳ.к.), давлатларнинг, партияларнинг, ижтимоий ташкилотларнинг ташқи сиёсий фаолияти ҳисобланади. Шунингдек, у уруш ва тинчлик

муаммоси, халқаро ихтилофларни олдини олиш ва бартараф этиш, янги халқаро тартибни шакллантириш масалаларини ҳам тадқиқ этади.

Сиёсий тарих сиёсат ҳақидаги назарияни, қарашларни, институтларни ва воқеаларни хронологик тартиб асосида ўрганади. Тарихни билмай туриб келажакни англаш ва тушуниш қийин. Шунинг учун сиёсий тадқиқотларнинг даражаси сиёсий тарих хулосаларига боғлиқ.

Оралиқ сиёсий фанлар ичида сиёсат социологияси – жамият ва сиёсат ўртасидаги муносабатларни, социал тузилма ва сиёсий институтлар ҳамда жараёнларни тадқиқ этади. Аниқ эмпирик сиёсий-социологик тадқиқотлар амалий политологиянинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Амалий политология амалий йўналишига эга бўлиб давлат, партиялар, социал гуруҳ ва индивидлар фаолиятидаги аниқ воқеа ва ходисаларни ўрганади.

Амалий политология сиёсий фаолиятда қатнашаётганлар учун амалий маслаҳатлар ва тавсиялар ишлаб чиқади ва уларга у ёки бу сиёсий қарорларни қабул қилишда хизмат қилади.

Политологиянинг ижтимоий-фанлар тизимида тутган ўрни.

Ўз аҳамиятига кўра бир бутун яхлит ҳисобланган политология ички нуқтаи назардан табақалаштирилган бўлиб сиёсатнинг алоҳида жиҳатларини, томонларини ва жамият билан ўзаро алоқасини ифодаловчи бир қатор бошқа хусусий фанларни ҳам ўз ичига олади.

Сиёсат илмий таҳлил объекти сифатида ўзининг хусусий билимларидан ташқари, чегара доирасида кам деганда яна саккиз турдаги жумладан, фалсафа, ҳуқуқшунослик, тарих, маданиятшунослик ва иқтисодий фанлар томонидан ҳам ўрганилади.

Сиёсий фалсафа – сиёсатни бир бутун ҳолда, унинг табиати, инсон учун унинг аҳамияти, шахс, жамият ва давлат ҳокимияти ўртасидаги ўзаро муносабатларни, давлат қурилиши, шунингдек, сиёсатни баҳолашнинг умумий мезонларини ўрганувчи билимлар соҳасидир.

Сиёсий фалсафа сиёсий тадқиқотларнинг умумий методологик асоси бўлиб хизмат қилади, турли концепцияларнинг мазмун-моҳиятини белгилайди, инсон, жамият ва ҳокимият муносабатларининг универсал (турли) тамойиллари ва қонуниятлари, унинг ахлоқий мезонлари ва далилий асосларини аниқлайди, давлат ҳокимиятининг чегара ва принципларини белгилайди.

Сиёсий назария индивид ва жамият ҳаётий фаолиятига тегишли бўлган сиёсий соҳани тадқиқ этади. Сиёсат назарияси давлатшунослик ва ҳуқуқшуносликдан ажралган. У Давлат ва ҳуқуқ назарияси, конституцион ҳуқуқ, халқаро ҳуқуқ ва ҳ.к. ва бошқа юридик фанлар билан туташ.

Ушбу масалалар доирасида сиёсат назарияси давлатнинг келиб чиқиши ва унинг роли, уни ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари ва принциплари, ҳуқуқий онг ва бошқаларни тадқиқ этади.

Сиёсий назариясининг марказий муаммоларидан бири – бу сиёсий ҳокимият, унинг моҳияти, ўзига хослиги, манбалари, асослари, расмийлашганлиги ҳисобланади. Шунингдек, сиёсат назарияси сиёсий тизимни, давлат институтлари, сиёсий тартиботлар, сиёсат субъекти кабиларни ҳам таҳлил этади.

Сиёсат назариясини ишлаб чиқишда, политология доирасида турли мамлакатлар ва минтақаларнинг сиёсий маданияти, сиёсий тизимлар, ташкилотлар, сиёсий антропология ва психология устида тадқиқотлар ўтказилади.

Сиёсий психология сиёсий феъл-атвор механизмининг субъектив жиҳатларини, одамнинг онги ва тафаккури, эхтирослари ифодасига, ишончлари, қадриятли йўналишлари ва кўрсатмаларни тадқиқ этади.

Бу фан инсоний феъл-атворни индивид билан муҳит ўртасида ўзаро таъсир этишнинг жараёни ва натижаси сифатида қарайди.

Сиёсий-психологик тадқиқотлар сиёсий феъл-атвор, сиёсий етакчи, сиёсий умумлашув (социализация), сиёсий ихтилофлар ва ҳамкорлик соҳаларида кенг қўлланилади.

Сиёсий антропология инсоннинг оддий сифатларига сиёсатнинг қарашлилигини, биологик, интеллектуал, ижтимоий, маданий, диний, шунингдек, сиёсий тартиботнинг шахсга акс таъсирини ўрганади.

Сиёсий география сиёсий жараёнларнинг, уларнинг масофавий ҳолати ўртасидаги алоқани, (масалан, океанга яқинлиги билан боғлиқ равишда кудратли давлатлар ва ҳ.к.) территориал, иқтисодий-географик, иқлим ва бошқа табиий омилларни тадқиқ этади.

Сиёсий астрология космоснинг, юлдузларнинг жойлашуви, қуёшнинг фаоллашуви, сиёсий воқеалар ва сиёсий феъл-атворга таъсирини ўрганиш билан шуғулланади. Биз политологиянинг фанлараро хусусиятини очиш орқали сиёсий фанлар ва унга яқин гуманитар ва ижтимоий фанлар: фалсафа, тарих, социология, психология фанларининг ўзаро таъсир ва алоқаларнинг характерини кўрсатиб бердик.

1.3. Мустақиллик ва Ўзбекистонда политология фанининг шаклланиши ва ривожланиши.

Политологиянинг фан сифатида вужудга келиши узок тарихий тараққиётнинг натижасидир. Унинг дастлабки асослари биринчи марта Юнонистонда шаклланган бўлса, кейинчалик сиёсий фикр Шарқда, сўнг Ғарбда тараққий этган.

XVII-XVIII асрларга келиб Европа ва Шимолий Америкада сиёсий ҳаёт жонлана бошланди. Бу даврда буржуа революциялари юзага келди, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар ташкил топа борди ва жамиятда демократик ўзгаришлар рўй бера бошлади. Бу каби ўзгаришлар сиёсий назарияларнинг вужудга келиши ва шу орқали XIX асрнинг охирига келиб, политология фанига бўлган эҳтиёж пайдо бўлди. Натижада, политологиянинг хилма-хил илмий мактаблари, тадқиқот йўналишлари шаклланди ва уларнинг айримлари аста-секин илмий-тадқиқот марказларига айлана борди.

Биргина мисол: 1795 йилда Францияда “Этика ва сиёсий фанлар академияси” таъсис этилди.

1872 йилда сиёсий фанлар мактаби вужудга келди, унинг зиммасига сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий фанлар бўйича мамлакат учун раҳбар кадрларни тайёрлаш юклатилди.

1945 йилда чиқарилган қарорга мувофиқ мактаб ўрнига иккита ўқув юрти ташкил этилди: биринчиси – сиёсий тадқиқот институти, иккинчиси – сиёсий фанлар миллий институти.

1949 йилда сиёсий фанлар ассоциацияси ташкил этилди. Ассоциация Америка, Канада, Хиндистон билан биргаликда халқаро сиёсий фанлар Ассоциациясини таъсис этувчилари бўлдилар. Ҳар уч йилда халқаро конгресс чақирилиб, унда сиёсий тадқиқотлар натижалари таҳлил этилди, янги режалар тузилди.

XX асрнинг йигирманчи йилларидан бошлаб сиёсий ҳаёт муаммоларига бўлган илмий-амалий қизиқиш авж олиб кетди. Сиёсий ҳокимият ва унинг фаолият йўналишлари, сиёсий тизим ва унинг таркибий қисмлари, сиёсий маданият ва унинг турлари, кўринишлари, жаҳон сиёсати ва халқаро ташкилотлар масалалари жиддий илмий изланишлар, тадқиқ ва таҳлил объекти бўлиб қолди.

Ҳозирги кунда дунёнинг турли мамлакатларида политология масалаларини ўрганувчи юзлаб илмий-тадқиқот марказлари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг кўпчилиги халқаро сиёсий фанлар Ассоциациясига бирлашган, Ғарбдаги деярли ҳамма ўрта ва олий ўқув юртларида политология фани мажбурий фанлардан бири сифатида ўқитилмоқда.

Собиқ Иттифокдаги барча жумҳуриятларда политология фанини ўрганиш ва ўқитиш масаласига узок йиллар давомида ўта эътиборсизлик билан қараб келинди.

Собиқ Шўро тузумининг парчаланиши, унинг ўрнида мустақил давлатларнинг вужудга келиши, демократик жараёнларнинг ривожланиши фуқаролар давлатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаоллик кўрсатишга интилаётганлиги ва шу муносабат билан

сиёсий онг ва сиёсий маданиятни шакллантириш, политология фанини олий ўқув юртларида ўқитишнинг заруриятини вужудга келтирди.

Мустақиллик ва ўзликни англашнинг кучайиши жараёнида ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида сиёсий фаолият, давлат, сиёсий партиялар, нодавлат, ноҳукумат ташкилотларининг иш усуллари, сиёсат ва инсон, давлат ва жамиятнинг ўзаро муносабатларини, сиёсатшуносликнинг асосий тушунчаларини англашга бўлган эҳтиёж кучаймоқда. Шу боис сиёсатшуносликни ўрганиш инсон камолотининг, мамлакатда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг зарур шартига айланмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Бугунги кунда – сиёсатчи, иқтисодиёт ҳақида-иқтисодчи бўлиб фикр юритишни, маънавият ва маърифат ҳақида маърифатчи, ҳаётий-фалсафий муаммолар хусусида философ бўлиб баҳсга киришиш – мана шундай юксак қобилият ва маҳоратга эга бўлишни ҳаётнинг ўзи...”¹ кун тартибига қўймоқда.

Мамлакатимизда ушбу фаннинг жорий этилиши Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тавсия этган жаҳон амалий стандартлари талаб ва тажрибасига жавоб берадиган уйғун малакали мутахассислар тайёрлашни яхшилашга олиб келмоқда. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибаларидан унинг олий тизимда ўқитилиши қонун устиворлигига асосланган адолатли демократик фуқаролик жамиятини барпо этишда назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Мустақиллик шарофати билан 1991 йил кузида олдинги Ўзбекистоннинг Компартияси Марказий Комитетига тегишли олий партия мактаби Политология ва бошқарув институти этиб ташкиллаштирилди. 1992 йил 23 сентябрда Ўзбекистон Президенти фармони билан Политология ва бошқарув институти тугатилиб, унинг базасида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ташкил этилди.

Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси, Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтининг ташкил этилиши, И.Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти қошида сиёсатшунослик бўлимининг, олий ўқув юртларида ўнлаб сиёсатшунослик кафедраларининг фаолият юритаётганлиги фикримизга асос бўла олади.

Политология фанининг бугунги кундаги аҳамияти ва ролининг ўсиб бориши қуйидагилар билан изоҳланади:

Ушбу фанни ўргатиш ва ўрганиш ҳозирда жадал кечаётган ислохотчилик ва янгиланиш ҳаракати даврида ижтимоий заруриятгина эмас, балки ҳаётий эҳтиёжга айланган. Бу эҳтиёж миллий, маънавий, мафкуравий, сиёсий уйғониш, маданий ва иқтисодий юксалишларга бўлган эҳтиёжларнинг бош мезони ҳисобланади.

Иккинчидан, ҳозирги даврда ҳар бир фуқароларнинг сиёсат билан шуғулланишга бўлган эҳтиёж, сиёсатни англаш, унда онгли фаолият кўрсатишга бўлган эҳтиёжларнинг ортиши, жадал равишда юз бераётган демократик жараёнлар билан белгиланади.

Учинчидан, жамият сиёсий ҳаётида, сиёсий муносабатларида, сиёсий тизимида бўлаётган туб ўзгаришларни англаб етиш, фуқароларнинг давлат бошқарувидаги фаоллигини орттишига бўлган эҳтиёж;

Тўртинчидан, Демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини қуриш билан боғлиқ жараёнларнинг мазмун моҳиятини чуқур илмий-назарий ва амалий жиҳатдан ўрганишига бўлган қизиқишининг ортишидир. Бу ушбу жараённи атрофлича сиёсий таҳлил этиб боришни тақозо этади.

Бешинчидан, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти сафидан муносиб ўрин олиши, халқаро муносабатларда умуминсоний қадриятларнинг қарор топиши, терроризмнинг ўта хавфли халқаро сиёсий ҳодисага айлангани ушбу ҳодисани атрофлича ўрганишини тақозо этади.

Олтинчидан, фуқароларнинг сиёсий маданияти ва фаоллигини ошириш, жамиятни иқтисодий, ижтимоий, маданий-маърифий соҳаларида бўлаётган воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятини сиёсий жиҳатдан англаб етиш, демократик жамиятга хос бўлмаган ҳолатларнинг

¹ И.А.Каримов. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т. “Ўзбекистон”, 2009, 23-б.

олдини олиш учун асосий кафолатларидан бири мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва сиёсий фаолиятини ривожлантириш эҳтиёжларининг ортиши.

Ҳозирда Олий таълим тизимида умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш, айниқса Политология таълим йўналиши бўйича ўқув-услубий, моддий-техника таъминоти масалалари бўйича катта ишлар қилинишига киришилди.

Шундай қилиб, политология билим соҳаси сифатида тобора мустақил фан ва ўқув дарси даражасида шаклланиб, мустақил Ўзбекистон фуқаролари сиёсий тафаккурининг вужудга келишига улар кўраётган жамиятнинг илғор, ривожланган ва жаҳон ҳамдўстлиги доирасидан ўзига муносиб ўрин эгаллаб олишига хизмат қилади.

Қисқа хулосалар.

Сиёсат ҳақидаги фан (политология) мақсад, вазифа, қонуниятлар, ҳаракатга келтирувчи кучлар ва асосан, шахслар, фуқаролар, давлатлар, синфлар, миллатлар ўртасидаги фаолиятнинг сиёсий мазмунини ташкил этади, бошқача қилиб айтганда, сиёсат жамият сиёсий ҳаёти ҳақидаги изчил, мантиқан асосланган билимлар тизимидир.

Политология ижтимоий-сиёсий фан сифатида биз яшаб турган жамиятга ҳар тарафлама ва объектив таъриф бериш учун кенг имкониятларга эга. Шундан келиб чиқиб политология фани зиммасига ижтимоий жараёнларни ва ҳодисаларни таҳлил этиш, уни ҳаракатга келтирувчи кучларини аниқлаш ва дунё қарашни шакллантириш вазифаси юкланган.

Политология ижтимоий ҳаёт сиёсий соҳасининг назарий ифодаси сифатида шу соҳани тушунтиришга хизмат қилади, ҳамда унинг қонуниятларини очиқ беради. Юқоридагиларга суяниб сиёсий фаолиятнинг аниқ тарихий шароитларини ва мавжуд сиёсий кучларнинг жойлашувини ҳисобга олган ҳолда энг мақбул бўлган қоидаларни ишлаб чиқади.

Таянч сўзлар.

Политология фани предмети, объекти, қонуниятлари, категориялари, усуллари, политология ва бошқа сиёсий фанлар, ҳозирги замон ва политология фани, Ўзбекистонда политология фанини ўқитилиши.

Назорат ва муҳокама учун саволлар.

1. Фан ва санъат сифатида сиёсатнинг аҳамияти қандай?
2. Нима учун сиёсатга кўп ҳолларда санъат имконияти сифатида қарайдилар?
3. Политологиянинг моҳияти нимада?
4. Политологиянинг қандай усуллари биласиз?
5. Политология категориялари ва тушунчалари синоним сўзларми?
6. Политология қонуниятларини қандай туркумлаш мумкин?
7. Политология фанининг объекти ва субъекти деганда нималар назарда тутилади?
8. Политология фанининг мақсад, вазифалари қандай?
9. Ўзбекистонда олий ўқув тизимида қачондан бошлаб политология фани ўқитила бошланди?

Адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: Ўзбекистон. 2009 й. 3-35 б.

2. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11. Т “Ўзбекистон”, 2003. 3-55, 214-265 б.
3. Каримов И.А, Юксак маънавият – енгилмас куч. Т. “Маънавият”, 2008. 110-118 б.
4. Е.Н.Каменская. Уч.пособи. М.2006, 3-54 б.
5. Алиев Б. Ҳошимов Т. ва бошқалар. Политология. Т.2006, 6-18 б.
6. Б.Алиев ва А.Бобоев. Политология. Ўқув қўлланма. Т. 2006. 5-30 б.
7. Х.Т.Одилқориев, Д.Х.Раззақов. Сиёсатшунослик. “Ўқитувчи”. Нашриёт-матбаа ижодий уйи. Т. 2008, 6-31 б.

2-МАВЗУ: СИЁСИЙ ҚАРАШЛАР ВА ТАЪЛИМОТЛАР: ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ.

“Сиёсат” – юнонча “polis”, “politicos” сўзларининг таржимаси бўлиб, у давлатни бошқариш санъати, “давлат ишлари” деган маъноларни англатади.

Қадимги юнон файласуфи Демократнинг фикрича, “сиёсат давлатни идора этиш, бошқариш махоратидир”¹. Афлотун сиёсатни хукмдорларнинг санъати сифатида, яъни шохнинг одамларни (жамиятни) бошқариш соҳасидаги билими ва қобилияти сифатида таърифлайди. “Сиёсат санъатининг моҳияти, - дейди у, - давлатнинг умумий ҳаётини оқилона ташкил этиш ва олиб бориш қобилиятида, сиёсий “матони” тўқиш қобилиятида намоён бўлади”².

“Сиёсат” ибораси амалиётда Арастунинг “Сиёсат” рисоласи чоп этилгандан кейин кенг фойдаланишга киритилган. Арасту айтадики: “Сиёсат ҳар бир фуқарога энг яхши ҳаёт тарзини таъминлаб берадиган бошқарув услуги”. У пайтида бўлганидек ҳозирги кунга қадар “сиёсат” тушунчаси ҳақидаги тасаввурлар анча кенгайди.

Бугунги кунда сиёсат давлат ишларида иштирок этиш, давлатни йўналтириб туриш, унинг шакли, вазифалари, фаолияти мазмунининг белгиланиши (ифодаланиши) сифатида талқин қилинади. Аслида сиёсат турли ижтимоий гуруҳларнинг давлат ҳокимиятига муносабатининг ифодасидир.

Демак сиёсат деганда, биз давлат ҳокимияти ишларида қатнашиб, унинг фаолиятини йўналтириб туришга, у ёки бу даражада таъсир ўтказа олиш, давлат ҳокимияти фаолиятининг шакллари, бурч-вазифалари ва туб мазмунини белгилаб беришда у ёки бу тарзда иштирок этишни англаймиз. Шу жиҳатдан олганда “Сиёсий фикрлар тарихи”³ни ўрганиш доимо муҳим бўлиб келган.

2.1. Қадимги дунё ва ўрта асрларда сиёсий қарашлар.

Сиёсий таълимотлар – давлат тузилиши, сиёсий ҳокимият ва ижтимоий (синфий, миллатлараро, халқаро ва бошқалар) муносабатларга оид назариялардир.

Сиёсий назариялар улар вужудга келган у ёки бу жамият ҳаётининг ижтимоий-синфий шароитлари билан боғлиқдир. Сиёсий назарияни сиёсатнинг асосий бўлаклари (ҳокимият, сиёсий муносабатлар ва муассасалар, сиёсий фаолият, сиёсий ҳаёт нормалари, сиёсий онг ва ҳ.к.) тўғрисидаги бир-бири билан боғланган тасаввурлар ташкил қилади. Сиёсий назария ривожланиши силлиқ ва текис амалга ошмайди. Ҳар қандай сиёсий назарияни ўрганишнинг асосий талабларидан бири унинг давр шароитлари билан алоқасини аниқлашдир. Мутафаккирлар давр муаммоларини қай даражада ёритилганини ҳам аниқлаш зарурдир. Сиёсий ғоялар сиёсий кураш воситасидир. Унинг давомида курашаётган синфлар ўз олдиларига маълум мақсадларни қўядилар. Давлат фаолиятининг шакллари, вазифаси ва мазмунини белгилаш сиёсатнинг муҳим элементларидан биридир. Жамият ва давлатнинг сиёсий тузилиши, сиёсати, ҳамда ҳокимиятнинг характери тўғрисидаги тасаввурлар ҳар қандай сиёсий назариянинг сиёсий таркибий қисми ҳисобланади.

¹ Файласуф луғати. Т. “Ўзбекистон”, 1976, 135 б.

² Ўша жойда, 378 б.

³ Б.Алиев, Т.Ҳошимов. сиёсий фикрлар тарихи. Т. 2009. 4 б.

Сиёсий таълимотлар ижтимоий муносабатларнинг ифодаси сифатида жамиятнинг синфларга ажралиши натижасида уларнинг манфаат ва мақсадлари ўртасида зиддиятлар келиб чиққан. Уларни ҳал этиш учун эса, қандайдир ташкилот зарур бўлган. Бундай ташкилотнинг сиёсий намоёндаси сифатида давлат вужудга келган ва у сиёсат тушунчасини англаган.

Демак, сиёсий қарашлар аввал бошда афсона, кейин эса философ билимларнинг бир қисми сифатида амал қилиб келинган бўлса, уйғониш даврига келиб сиёсий тадқиқотга нисбатан мустақил фан сифатида амал қила бошлади. Янги тарихий даврда фаннинг мазмуни давлатнинг мақсадлари ва унга эришиш воситалари, шунингдек, давлатга амал қилаётган ижтимоий кучларни ўрганишга қаратилган. Ҳозирги сиёсий тадқиқот адолатлилик, ҳокимият, қонун, сиёсий барқарорлик, ижтимоий ва сиёсий ташкилотлар ривожланиш стратегияси, сиёсий тарғибот, сиёсий тизим, сиёсий маданият кабиларни ўрганишга қаратилган.

Юқоридаги фикрлардан хулоса қилиб шунни айтиш мумкин: сиёсий таълимотнинг вужудга келиши узок тарихий ўтмишга эга бўлиб, у жамиятнинг ривожланиши билан бирга такомиллашиб, тадқиқот доираси кенгайиб боради. Демак, сиёсат, сиёсий назариянинг ривожланиш ғоялари тарихи, ғояларнинг ўрин алмашуви ва ғоялар кураши тарихидир.

Ҳар бир тарихий даврнинг, ҳар бир ижтимоий-иқтисодий тузумнинг туб табиатини асл мақсад-манфаатларини, унда содир бўлаётган турли йўналишдаги ижтимоий сиёсий ва маънавий-ахлоқий ҳаракатларни айнан ва унга яқин тарзда ифода эта оладиган сиёсий ғояларнинг мазмуни шаклланади ва амалиётга тадбиқ этилади. Кўпинча бирор объектив хусусиятга сиёсий ғоялар ва унинг заминида ётган ижтимоий-сиёсий тузумнинг ўзига хос ва ўзига мос келадиган, унинг моҳиятини англатадиган сиёсий ғояларга амал қилинишини кузатамиз. Ана шу хусусиятларни эътиборга олган ҳолда, қадимги шарқ ва ғарб мутафаккирларнинг жамият ва инсон, сиёсат ва давлат тўғрисидаги назарий қарашларига эътибор қаратилади.

Конфуций (Кун-цзи, милоддан олдинги 551-479 йиллар) хитойлик мутафаккир. Унинг қарашлари ўлимидан сўнг шогирдлари томонидан устозларининг қолдирган кўлёзмалари асосида тузилган “Сухбатлар ва мулоҳазалар” китобида баён этилган.

Конфуцийнинг фалсафий ва ахлоқий ғоялари марказида инсон, унинг ақлий ва маънавий қиёфаси, оламдаги ва жамиятдаги ўрни, вазифаси муаммолари туради. Унинг фикрича, оламдаги ҳамма мавжудот сингари инсоннинг тақдири ҳам самовий қудратга боғлиқ, шунинг учун одамларнинг “олийжаноблиги” ёки “тубанлиги”, “олий, паст” табақага мансублигини ўзгартириб бўлмайди. “Подшоҳ-подшоҳлигича, фуқаро-фуқаролигича, ота-оталигича, фарзанд-фарзанлигича қолиши керак”¹. Бундай ғоя шубҳасиз мавжуд тузумни сақлашга қаратилган эди. Шу билан бирга у идеал, олий инсон (Цзюнь цзи), асл, мард киши концепциясини ишлаб чиқди. Бу концепцияга кўра, одамлар ижтимоий келиб чиқиши ва жамиятдаги мавқеи орқали эмас, балки одамийлик, адолатгўйлик, ҳақгўйлик, самимийлик, фарзандлик иззат-ҳурмати каби юксак маънавий фазилатларга эришиш туфайли юксак камолотга етишувлари мумкин. Давлатни Конфуций катта оила сифатида талқин қилади. Император ҳокимиятини ота ҳукмронлигига, ҳукмронлар ва тобеълар ўртасидаги муносабатларни эса кичикларнинг катталарга қарамлигига асосланган муносабатларга ўхшатади. Конфуций акс эттирган ижтимоий-сиёсий табақаланиш, кишиларнинг тенгсизлик принципига асосланган қора кишилар, кичиклар олий катта кишиларга бўйсунликлари лозим. Оддий халқ давлатни бошқаришдан бутунлай четлаштириб қўйилган. Мутафаккир эса табақа тузumi тарафдори сифатида намоён бўлди.

Бироқ, Конфуций ҳукмдорлар ва тобеълар ўртасидаги ўзаро муносабатларни эзгулик асосида қуришга чақиради. Бу чақириқ, биринчи навбатда ҳукмдорларга қаратилган, чунки уларнинг эзгулик шартларига амал қилишлари тобеълар хулқ-атворида ахлоқ нормаларининг ҳукмронлик қилишларида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Зўрликни инкор этиб, Конфуций

¹ М.Қирғизбоев. Фуқаролик жамияти: Назария ва хорижий тажриба. Т. “Янги аср авлоди”. 2006, 13-б.

ёзади, - “Давлатни бошқара туриб, одамларни ўлдириш нега керак. Агар сиз (“хукмдор”) яхшилик қилсангиз, халқ ҳам “Кичик” кишининг ахлоқи ўт-ўланга ўхшайди. Ўт шамол йўналиши томонга эргашади”, - дейди.

Мутафаккирнинг таълимоти зиддиятлидир. Унинг реакцион ва консерватив ғоялари айрим илғор фикрлар билан ёнма-ён туради.

Милоддан аввалги II асрда конфуцианчилик Хитойда расмий мафкура сифатида тан олинди ва давлат дини вазифасини ўтай бошлади.

Қадимги грек файласуфларининг ижтимоий-сиёсий қарашлари, уларнинг маънавий кадриятлари, илмий ҳақиқат мантиқини, кучини улуғлаш, инсон ақл-заковати қудратини кўрсата олиш санъати, юз йиллар давомида кишилар эътиборини ўзига тортиб келган. Чунки инсоният тарихида илк бор буюк алломалар математикани, сиёсат ва фалсафани, тарих ва табиатни, ўрганиш илмини кашф этдилар.

Уларнинг дунёвий, сиёсий ва маданий билимлари ахлоқий ва маънавий ҳаёт ҳақиқати билан узвий боғлиқ эди.

Қадимги юнон сиёсий фалсафаси адолат, ақл-заковат, яхшилик, ҳаётий ҳақиқат бўлиб, у доим ҳамма разил нарсадан устун туришини кўрсата олган. Шулардан бири Сукротдир. (Милоддан аввалги 469-399 йиллар). Унинг шогирди Плотоннинг фикрича Сукрот тириклигидаёқ ўз номи, фалсафий ва сиёсий мероси абадул-абад яшашини айтади. Бу улуғ инсонийлик белгисидир. Сукрот сиёсатидаги “демократия” бу ҳақиқий халқ иродаси, халқ хоҳишидан иборат, бу фикр бугун ҳам аҳамиятлидир. Ҳақиқатда ҳам халққа хизмат қилмаган, унинг хоҳиш-истагини рўёбга чиқаришга хизмат қила олмаган демократия, демократиянинг аксидир, албатта. Ёки Сукротнинг иккинчи фикри: мажлис аҳли, фақат сон учун эмас, балки сифат учун, мажлиснинг бош мақсадини – халқ мақсадини тушина оладиган ва унинг учун курашга қодир бўлган билимли кишилар бўлиши зарурлигини кўрсатади. Масалан, фақат сут соғувчи ёки тикувчидан иборат бўлган ҳокимият нимага олиб келишини собиқ СССРнинг яқиндаги тарихидан кўриш мумкин. Истиклол туфайли Ўзбекистон Олий Мажлиси таркибида зиёлилар, иқтисодчи, ҳуқуқшунос олимлар, ишбилармонлар кўпайди.

Сукрот одил қонунлар ҳукм сурувчи шаҳар-давлатнинг эътиқодли тарафдоридир.

У сиёсий эркинликни ақлга таяниб ишлаб чиқилган ва адолатли қонунларнинг ҳукмронлиги билан боғлаган. Инсоннинг жамият олдигаги мажбуриятлари тўғрисида гапирар экан Сукрот, ақлга асосланган ва адолатли равишда тартибга солинган давлат шароитидаги озод ва тенг фуқароларнинг қонуний мажбуриятларини назарда тутган. Унинг фикрича, фақатгина шу йўл билангина “Инсон учун ҳам, давлат учун ҳам гўзал ва буюк бойлик бўлган” эркинликка эришиш лозим. Сукрот қонунсизлик ва зўрлик тузуми бўлган истибдодни кескин инкор этади. Демократиянинг камчилигини кўрсатиш билан бир қаторда уни мукамалроқ ҳокимият шакли томон ривожлантириш тўғрисида фикр юритади. Хулоса қилиб айтганда, Сукротнинг назарий қоидалари ўз даврида мавжуд бўлган у ёки бу тузумни маъқуллаш ёки инкор этиш билан тавсифланмаган, шунингдек унинг қарашларини реакцион давлат тузумини оқлашга йўналтирилган деб ҳам бўлмайди. Қадимги Юнонистонда сиёсий фалсафанинг вужудга келиши Афлотун (Платон милоддан олдинги 427-347 йиллар) номи билан боғлиқ. Унинг сиёсий фалсафаси, сиёсат, давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги таълимоти унинг фалсафасини ажралмас қисмидир. Афлотуннинг сиёсий дастури “Давлат”, “Қонунларга”, “Политик” асарида баён этилган. Афлотун ўз сиёсий системасида қулдорлик тузумини энг буюк жамиятнинг асосий шарти сифатида акс эттиради. Шунинг учун ҳам у фақатгина қулдорлар синфи доирасидаги муносабатларинигина таҳлил қилади. Афлотун ўзининг “Идеал давлат” утопияси ҳаёлотида жамиятда уч табақа: ҳокимлар ва файласуфлар, ҳарбийлар, деҳқонлар ва ҳунармандлар бўлишини тахминлайди. Давлат ҳокимияти оксуяқлар - файласуфлар қўлида бўлиши шарт. Ҳарбийлар – ёлланма кўрикчилар давлат бошқаруви ходимларини – қулдорлар ҳокимиятини ҳимоя қилишлари даркор.

Деҳқонлар ва ҳунармандлар давлатга зарур ҳамма нарса, маҳсулотларни тайёрлаши шарт. Ҳар бир табақа ўз вазифасини бажариш билан чекланиши ва бошқа ишларга

аралашмасликлари зарурдир. Афлотун кулларни ҳатто одамлар қаторига қўшмайди, уларни маънавий ҳаётдан маҳрум маҳлуқлар деб ҳақорат қилади. Умуман, демократияга, айниқса Афина демократиясига бутунлай душман бўлган Афлотун кулдор Аристократлар ҳокимияти ҳақида ҳаёл сурган. Мутафаккир кулдорлар аристократлари республикасини энг олий давлат шакли деб ҳисоблаб, уни илоҳийлаштирган. Афлотун давлат тузилишининг беш турини ажратган: Аристократия, демократия, олигархия ва истибдод. Аристократия Афлотун фикрича, энг идеал давлатдир. Демократияни у ёқимли ва ранг-баранг, лекин етарли бошқаришга эга бўлмаган тузум сифатида баҳолайди. Эркинлик демократияни гангитиб қўяди ва ундан қонунсизлик, зўрлик ва зулм ҳукмрон бўлган энг ёмон давлат тузилиши истибдод ўсиб чиқади. Шу ўринда талабалар бизнинг жамиятимизда бораётган демократиялаштириш жараёнини Афлотун қарашлари билан алоқадорликда фикрлашга ҳаракат қилишлари мақсадга мувофиқдир.

Арасту (Аристотел милoddан олдинги 384-322 йиллар) қадимги грек файласуфи ва энциклопедик олими бўлиб, мустақил сиёсат илмига асос солган. Унинг сиёсий қарашлари “сиёсат”, “Афина политияси”, “Этика” асарларида баён этилган. Арасту сиёсат тўғрисидаги фанни ҳар тарафлама ишлаб чиқишга ҳаракат қилди. Унинг таълимотида сиёсат фан сифатида этика билан боғланган. Сиёсий фanning объектлари гўзаллик ва адолатдир, чунки сиёсат инсон ва давлатнинг олий фаровонлиги тўғрисидаги фандир. Давлат Арасту фикрича, ҳаётий эҳтиёжларни қондириш учун табиий йўл билан вужудга келади, бироқ унинг мавжудлигининг мақсади - кишилар фаровонлигига эришишдир¹. Арасту давлат ҳокимиятининг энг олий формалари деб шундай формаларни ҳисоблайди, ундан ҳокимиятдан таъмагирлик мақсадида фойдаланиш истисно қилинади ва бунда ҳокимият уюшмасининг олий шаклидир ва унда бошқа уюшмалар ўз мақсадларига эришадилар.

Арасту давлатнинг тўғри ва нотўғри шакллари фарқлайди: тўғри шаклларда ҳокимлар умум фойдасини, нотўғри шаклларда эса фақат ўз фойдасини назарда тутадилар. Монархия, Аристократия, Полития – давлатнинг тўғри шакллари. Полития давлатнинг энг тўғри шаклидир (“полития” – умумий давлат тузумини билдирувчи атамадир), чунки унда кўпчилик умумий манфаатини кўзлаган ҳолда жамиятни бошқаради. Қонунчилик Арасту фикрича, сиёсатнинг бир қисмидир. Шунинг учун қонунчи санъати давлат тузумининг хусусиятларини қонунларда тўғри акс эттиришдан ва шу орқали мавжуд муносабатлар тизимини турғунлаштиришдан иборат. Сиёсий ҳукмронлик – инсонларнинг эмас, қонунларнинг ҳукмронлигидир. Инсонларнинг ҳукмронлиги ҳокимиятни суистеъмол қилишга ва истибдод олиб келиши мумкин. Қонун оқилонадир, чунки унда ҳуқуқ ғояси тўғри акс этган. Қонунларнинг нормал амал қилиши кишиларнинг ривожланганлиги, эзгуликка тайёр эканлигини, оқилона, турмуш ва ҳуқуқ атворга эга эканлигини назарда тутди. Арасту сиёсий таълимотига баҳо берганда шуни таъкидлаш зарурки, айнан инсон ва унинг сиёсий ҳодисаларнинг объектив асосларини ва илдизларини кўради.

Арасту қарашлари сиёсий муаммога ўзидан аввалги ёндошувларнинг ўзига хос синтези бўлди. Хулоса қилиб айтганда сиёсий фикрларнинг вужудга келиши ижтимоий ишлаб чиқариш усули ривожининг, жамиятнинг синфларга бўлишини ва давлатнинг вужудга келиши босқичи билан боғлиқ бўлди. Қадимги мутафаккирлар сиёсий қарашлар ривожига, давлат ва ҳуқуқ муаммоларини назарий асослашга катта ҳисса қўшдилар. Бу эса ўз навбатида кейинги босқичларда ижод қилган файласуфлар, жамиятшуносларга ва уларнинг сиёсий фикр тарихидаги ролига таъсир этди.

Қадимги Юнонистон мутафаккирларининг сиёсий қарашларидан фойдаланган ҳолда Қадимги Рим сиёсий тафаккури ҳам вужудга келди ва ривожланди.

Цицерон Марк Туллий (эрамиздан олдинги 106-43) – Қадимги Рим нотиғи, философи ва сиёсий арбоби, у ўзининг “Давлат ҳақида”, “Қонунлар ҳақида”ги асарларида давлат тузумининг энг яхши формалари масаласини қараб чиқади.

¹ Гутов В.А. История политических и правовых учений. Из-ва. Михайлова В.А. Санкт-Петербург. 2000, 19-б.

Унинг фикрича, давлат ҳокимияти табиий ҳолда вужудга келган бўлиб, у қадимги оиладан ўсиб чиққан, унинг асосий мақсади эса фуқароларнинг мулкӣ манфаатларини мулоҳаза қилишдан иборатдир. Давлат ҳокимиятига бўлган аристократик тасаввурлар билан бирга Цицерон сиёсий қарашларида янгича сиёсий ақидалар мавжудлигини кўрамиз. Унинг фикрича, давлат ҳокимияти нафақат табиий ҳосила, айни вақтда у сунъий тизим “халқ иродасининг ифодаси” ҳамдир, шунинг учун Цицерон давлат “халқ иши” атамасини белгилайди.

Цицероннинг сиёсий орзуси – аристократик сенат республикасидир. Мазкур сиёсий ғоя юнон мутафаккирларининг сиёсий ҳокимиятининг аралашма шакллари маъқуллиги ҳақидаги таъминотлардан келиб чиққан бўлиб, Цицерон бундай давлат бошқаришини унинг куйидаги уч шаклида: 1) подшо ҳокимияти – монархия; 2) оптиматлар ҳокимияти – аристократия; 3) халқ ҳокимияти - демократия шаклларида амал қилиши мақсадга мувофиқ келишини уқтиради¹. Бундай аралаш давлат тури унинг фикрига Рим республикасида мужассамлашган бўлиб, унда монархия кўринишлари – консуллар ҳокимиятида, аристократия белгилари – сенат бошқаришда, демократия – халқ мажлиси ва трибунлар ҳокимиятида ифода топгандир.

2.2. Ўрта аср (Шарқ уйғониш даври) сиёсий қарашлари.

Ўзбекистон ҳудудида вужудга келган сиёсий қарашлар узоқ тарихий ўтмишга эга. Бундай сиёсий қарашлар эрамиздан аввалга тахминан тўрт мингинчи йилларда вужудга келган бўлиб, бу ҳукмрон сиёсий ғоялар-диний сиёсий мифология шаклида ривожланади. Дастлабки диний таълимотлар “Авесто”да ёритилган. Авесто (асли) Овасто – зардуштийлик (зороастризм) динининг муқаддас китоби. Авесто Ўрта Осиё, Эрон, Озарбайжон халқларининг исломгача давридаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, диний қарашлари, олам тўғрисидаги тасаввурлари, урф-одатлари, маънавий маданиятини ўрганишда муҳим ва ягона манбадир.

Авесто таркибига кирган материаллар олимларнинг исботларича қарийб 2000 йил давомида вужудга келиб, авлоддан-авлодга оғзаки кўчиб борган. Авестонинг кўп қисмлари йўқолиб кетган, унинг тахминан еттидан бир қисми сақланиб қолган ва милоддан олдинги 3 аср Аркашийлар даврида тўпланиб китоб шаклига келтирилган. Авестода тарих, этика, медицинага оид маълумотлар ҳам бор. Унда подшоҳ, олий табақа, диндорлар ва диний урф-одатларга катта ўрин ажратилган, уларнинг жамият ҳаётида юқори ўрин эгаллаганликлари алоҳида таъкидланади, рухонийлар муқаддас кишилар деб таъкидланади.

IX-X асрлар Ўрта Осиёда феодализм ривожланишида муҳим босқич бўлди. Айнан шу даврда Сомонийларнинг марказлашган мустақил давлати ташкил топди, қишлоқ хўжалиги ва хунармандчилик ривожланиб бориши билан бирга халқни эксплуатация қилиш кучайди, озодлик, тенглик адолат тўғрисидаги қарашлар шаклланиб кенг тарқалиб борди. Бу даврнинг буюк алломаларидан бири Фаробий (асл исми Абу Носир Муҳаммад Фаробий, 260-хижрий, 873-950 милодий йиллар) Фароб – Туркистон шаҳрида яшаб ва ижод этган. Фаробий 160 дан ортиқ таржималар, турли ҳажмдаги асарлар, ёзишмалар қолдирган². Ўзининг сиёсий таълимотида Фаробий ўз даврининг долзарб масалаларини, хусусан давлатнинг жамиятга бўлган муносабати масаласини қўйган ва ҳал қилган. У давлатга инсоний эҳтиёжларни ҳамжиҳатлик билан ижтимоий асосда ҳал қилишга мўлжалланган ташкилот сифатида қарайди.

Фаробий адолатли ва адолатсиз давлатларни фарқлайди. Унинг фикрича давлат яратувчиликка йўналтирилган бўлса, у адолатли. Бундай давлатда инсоннинг ҳатти-ҳаракати ислом қоидалари билан чекланмайди. Адолатли жамиятнинг вужудга келиши унинг

¹ Гутов В.А. История политических и правовых учений. Из-ва. Михайлова В.А. Санкт-Петербург. 2000, 21-б.

² “Бахт-саодатга эришиш йўллари ҳақида рисола”. (“Рисола фит танбех ала асбоб ас-соати”), “Шаҳарни бошқариш” (“Ас-сиёсат ан-мадания”), “Уруш ва тинч турмуш ҳақида китоб” (“Китоб фи маойиши ва-л хуруд”), “Фазилатли хулқлар” (“Ас-сийрат ал-фазилат”), “Фозил одамлар қарашлари” ва ҳ.к.

бошлиғига боғлиқ. Давлат бошлиғи қобилиятли, ақлли, иродали ва фанни севувчи бўлиши лозим.

У ўзининг асарларида жамиятнинг келиб чиқиши, давлатнинг пайдо бўлиши, унинг шакли давлат арбоблари ва уларнинг вазифаси, улар олдига қўйилган асосий талаблар, давлатни идора этиш усуллари ҳақида ўзининг чуқур фалсафий-сиёсий қарашларини баён қилади. Фаробий инсон томонидан жамиятда яшаш учун содир қилинадиган ҳаракатларни иккига бўлади:

1. Адолатли, ақлга мувофиқ ҳаракатлар. Бу ҳаракатлар, уларга бахтлиқ келтиради.
2. Адолатсиз, мақсадга мувофиқ бўлмаган ҳаракатлар, уларга бахтсизлик келтиради.

Фаробий уруш ва тинчлик масаласида уруш икки хил бўлиши, яъни адолатли ва адолатсиз урушлар ҳақида фикр юритади. Фаробий ўрта аср Шарқ илғор ижтимоий-фалсафий фикрларининг ривожига катта таъсир кўрсатди.

Ўрта асрларда кўпчилик мутафаккирлар ўз ижодларида жамиятда ҳукмрон бўлган ёвузликлардан озод қила олиши мумкин бўлган қандайдир одил ва доно ҳукмдорларга илтижо қилганлар. Ана шундайлардан бири 360-хижрий (973-1048-милодий) йилида Хоразмда туғилган Абу Райҳон Берунийдир. Беруний туғилган ва ижод этган давр кескин социал тўқнашувлар, қонли феодал жанглар борган давр эди. Шунинг учун ҳам у катта тарихий аҳамиятга эга бўлган ҳодисаларни ўз кўзи билан кўрган ва уларда бевосита иштирок этган эди. Беруний Сомонийлар ҳукмронлиги кучайган даврининг охириги йилларида туғилиб, икки бошланғич феодал империя – қорахонийлар ва ғазнавийларнинг кучайиши ва йиқилиши даврини бошидан кечирди. Шу вақтларда Сирдарёга яқин даштларда яшовчи варварлар – оғуз салжукийларнинг янги кучли империясининг ташкил этилишига шохид бўлди. Ўз ватани Хоразмда Африғ хонадонининг ҳалокати ва қисқа вақт ичида тикланиб гуллаган, лекин Маҳмуд Ғазнавийнинг дахшатли хужуми билан тор-мор келтирилган. Мавшунийлар даврини кўрган. У яна 3 Хоразм Сулоласи – Олтинтош ва Хорун Сулоласининг ҳалокатини бошдан кечирди.

Беруний яшаган ва ижод этган давр воқеаларга энг бой даврлардан бири бўлибгина қолмай, Ўрта Осиё халқлари тарихидаги бурилиш даврларидан бири ҳам эди. Бу даврда жамиятнинг прогрессив ва реакцион кучлари орасида кескин кураш давом этарди. Бу кураш ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларини ўз ичига қамраб олган бўлиб, руҳий ҳаётда, фан, адабиёт ва илмнинг бошқа соҳаларида ҳам ўз ифодасини топган эди. Шавқатсиз суратда эксплуатация қилиш ва қашшоқлик, ҳуқуқсизлик, шунингдек, ҳокимиятларнинг зулми, феодал ва руҳонийларнинг ўзбошимчалиги, уларнинг бемаъни фитналари ва ўзаро олиб борган талончилик урушлари буларнинг ҳаммаси халқ оммасини раҳмсиз суратда эзар, кийнар ва буғар эди.

Ибн Сино (1080-1037) – жаҳон маданиятига катта ҳисса қўшган қомусий олим. Авиценна туфайли Франция – ғарб Аристотель асарларини ўрганди. 200 дан зиёд асар қолдирган. «Тиб қонунлари» ўша даврдаёқ тезда лотин тилига таржима қилиниб, Европа, қатор Шарқ мамлакатларида дарслик бўлиб хизмат қилиб келган, келмоқда. Шунингдек, унинг «Нажот китоби», «Донишмандлик китоби», «Ишорат ва танбеҳ» асарлари муҳим аҳамиятга эга. Сиёсий қарашларида Ибн Сино идеал жамият аҳолисида кишиларни бажарадиган вазифасига кўра уч табақага бўлади:

- 1) бошқарувчилар – маъмурий ишлар билан шуғулланувчилар;
- 2) меҳнаткашлар – ишлаб чиқарувчилар;
- 3) ҳарбийлар – жангчилар.

Давлатсиз қонун-қоидалар бўлмайди. Агар одамлар фақат шоҳу-султонлардан ёки оддий меҳнаткашлардан иборат бўлса, барчалари ҳалок бўлади. У моддий тенгликни эътироф этади, лекин одамларнинг бойиб кетишлари тарафдори, ҳамма аъзолари учун бир хил бўлган қонун ўрнатилган жамиятда адолатсизлик бўлмайди. Адолатсиз кишилар жазога лойиқдирлар. Агар ҳукмдорнинг ўзи адолатсиз бўлса, унга қарши кўзғалишни оқламоқ керак, - дейди у.

Ўрта Осиё илғор кучлари намоёндаси сифатида Ибн Сино идеал ижтимоий тартиб мавжуд бўлган, бекорчилик қораланадиган ва судхўрлик таъқиқланган давлат тузумини тарғиб этган. Бундай давлат аҳолиси ҳукмдорлар, ишлаб чиқарувчилар ва ҳарбийлардан иборат бўлиши керак. Давлатда бирорта ҳам ўз иш ўрнига эга бўлмаган киши қолмаслиги керак.

Ибн Сино фикрича, инсон жамиятдан ажралган ҳолда яшаши мумкин эмас. Кишилар яшаш учун бир-бирлари билан ҳамкорлик қилишлари зарур. Лекин бу муносабатлари доно, фанни эъзозловчи, одил шох томонидан амалга оширувчи адолат нормаларига мос келиши шарт. Агар қонун чиқарувчи адолатсиз бўлса, унга қарши кўзғолон жамият томонидан қўллаб-қувватланади.¹

Ҳамадон амри Шамсуддавла Ибн Синонинг ақл-заковатини маъқул кўриб уни вазирлик лавозимига лойиқ кўради. Ибн Сино қаттиққўл, ҳар бир муомалада ақл-идрок билан иш қиладиган, ўз шахсий манфаатига ёнбосмайдиган одам бўлган. Одатдаги амалдорлар каби мол-дунёга кўзи ўйнамас эди, пора олиш, хазинага хиёнат қилиш каби кайфиятлардан холи эди, у қўл остидагиларга ҳар киши ўз бурчини ҳалол, тўғри бажо келтиришни уқтирар эди. Бу борада ҳарбий кишилардан талаб қилар эди.

Ибн Сино уй ва оила тадбирларига оид масалаларга ҳам тўхталган. Чунончи, эр-хотиннинг бир-бирига бўлган муносабати, бир-бирини ҳурмат қилишнинг бола тарбиясидаги муҳим роли, аёлларнинг оила ва жамиятдаги роли тўғрисида баҳс юритади.

У ахлоқ ҳақида қимматли фикрларини илгари суради. “Инсонпарвар бир-бирлари билан дўст бўлиб яшашлари учун уларда инсонпарварлик руҳини ривожлантириш керак. Уларда муҳаббат, ҳалоллик каби ахлоқий ҳислатлар мужассамлашган бўлмоғи лозим”² – дейди. У айтган ажойиб фикр-мулоҳазалар, унинг ахлоқий қарашлари ҳозирги даврда аҳамият касб этмоқда.

Ўрта Осиёдаги сиёсий фикрни ўрганишда ўрта аср салжукийлар давлати арбоби Низом-ул-Мулkning (Абу Али ат-Тусий 1017-1092 йй.) “Сиёсатнома” асари алоҳида ўрин тутади. Алп-Арслон ва Малик-Шох даргоҳида вазирлик қилган Низом ул-Мулк ҳақиқатда давлатга ҳокимлик қилган. Давлат ҳомиятини марказлаштириш сиёсатини юргизган. Боғдодда мусулмон дини уламоларини, қозилар ва давлат хизматчиларини тайёрлаш учун мўлжалланган “Низомий” илмий-диний мактабини ташкил қилган. “Сиёсатнома” асари насихат шаклида ёзилган бўлиб, тарихий ва кундалик ҳаётни акс эттирувчи мисоллар билан мустаҳкамланган иқта системаси ва феодал тарқоқликка қаратилган.

Иқта – Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида феодал томонидан ҳарбий хизматни ўташ шарти билан вақтинча маълум миқдордаги ерга эгалик қилиш. Иқта эгалари-иқтадорлар натура ва пул тўловлари ундириб олиш орқали ўз ерларида яшаган деҳқонларни эксплуатация қилганлар, ўз иқталарини мерос бўлиб қолувчи ер мулкига айлантиришга ҳаракат қилганлар. Вилоятнинг кўп сонли иқталарига бўлиниши ер эгалари орасидаги тўқнашувлар ва урушларга олиб келарди, натижада деҳқонлар хонавайрон бўлардилар. Иқтадорларнинг марказий ҳокимият билан қураши уларнинг фойдасига ҳал бўлди, бу эса ўз навбатида салжукийлар давлатининг заифлашуви ва парчаланишига олиб келди.

“Сиёсатнома”да муаллиф ҳокимлар ва фуқароларни адолатга, қонунларга амал қилишга ундайди. Низом-ул-Мулк томонидан олға сурилган ғоялар ўз даврида амалга ошмаган бўлса ҳам юқорида баён этилган шароитни ҳисобга олганда давлат ва фуқаролар манфаатларига мос келадиган ғоялар эканлиги кўриниб тарибди.

Ўрта Осиё, айниқса Самарқанддаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт, давлат сиёсатига доир маълумотларга бой мерос Шайбонийхоннинг (1451-1510 йй.) “Шайбонийнома” асаридир. Бу асар ҳозирга қадар Туркияда Истанбул кутубхонасида сақланмоқда ва турк олимлари томонидан маълум даражада ўрганилган. Лекин ўзбек олимлари тоталитар сиёсат туфайли Шайбоний меросини ўрганишдан чўчиб келадилар. Олмонияда яшовчи ўзбек профессори

¹ Х.Т.Одилқориев, Д.Х.Раззақов. Сиёсатшунослик. “Ўқитувчи” нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2008, 74-б.

² Т.Хошимов. Сиёсатшунослик (Сиёсий тафаккур тарихи). Ўқув қўлланма. “Фан” нашриёти босмахноси. Т. 1999, 19-б.

Темур Хўжанинг (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” 1991 йил 20 декабрь) “Турк саройидаги нодир асар” номли мақоласини ўқиган киши “Шайбонинома” тарихчи, адабиётшунос, фалсафа ва сиёсатшунослар эътиборига лойиқ, дарҳақиқат нодир асарлигини тушуниб етади. Асарда Самарқанд, Бухоро, Урганч, Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаётига доир маълумот борлиги аҳамиятлидир.

Масалан:

“Билки ато қилди, ҳақ ёнда жуй бор,
Тўрт ориғи ҳар тараф ори Самарқанд эмиш”.

Ёки

“Айтайин мен, йигитлар, ушбу сирни, тинглангиз,
Сарвар уларга лойиқ эр жохи Туркистон эмиш”.
(“Шайбонийнома”)

Бунда Самарқанд ва Туркистон таърифини кўриб турибсиз.

“Подшолигида Шайбоний фикрдан айрилмагил,
Фикр шохи олам ичра будур подшо,
Тангри гар берди сенга Эрон, Турон,
Бандалик таврсен Шайбоний бермагил элдин даҳо”
 (“Баҳр ул-худо” яъни “Ҳақиқий йўлнинг денгизи”

бу асар Лондон кутубхонасида сақланмоқда).

Адабиётшуносни бу мисраларнинг гўзаллиги мафтун этса, сиёсатшунос гўзал мисралар ичида шохлик салтанатининг сиёсатини излаб топиши мумкин. Масалан: Самарқанд Туркистоннинг ўша даврда сиёсат маркази бўлгани, Эрон ва Туркистон буюк арқони давлат эканини кўриш мумкин. Шайбоний шоҳларга хос золимликдан ўзга фикрларга суяниши билан, халқдан мадад олишни тушунган инсон эканлигини англаш мумкин.

Яна бир Ўрта Осиёлик мутаффақирлардан бири Юсуф Хос Ҳожиб бўлиб, унинг бизгача етиб келган бирдан-бир китоби “Қутадғу билиг” асаридир. У XI асрнинг энг муҳим ёзма адабий ёдкорликларидан бўлган бу йирик асарни 1069 йилда ёзган. Асарда давлат обрўсини кўтариш соҳасидаги тадбирлар, давлат обрўсига ҳалакит берувчи ҳолатлардан тийиш ҳақида кўрсатмалар, тиклаш ҳақида кўрсатмалар ва турмушга доир бошқа қатор масалаларни муаллиф алоҳида бобларда кенг изоҳлаб берди. Натижада, 73 бобдан иборат сиёсий, илмий, адабий асар майдонга келди.

Юсуф Хос Ҳожиб ўз асарида айниқса давлат қурилиши масалаларига катта ўрин ажратди. У ўз асарида қорахонийлар давлати бошқарулувида вазирлар, ҳожиб, хос ҳожиб, су боши (лашкарбоши), ялавочлар (элчилар), гариг (қўшин) бошчилар, адолат қилувчилар (арбитраж ҳакамлар), адиб-шоирлар, сагитчилар (савдогарлар), таригчилар (деҳқонлар), битикчилар, таллуқчилар (хизматкорлар), чорвадорлар билан қандай муносабатда бўлиш кераклиги каби масалалар қонунда акс этмоғи ҳақида таъкидлаб ўтган. У мамлакат иқтисодиётини кўтариш учун меркантилизм сиёсатини тарғиб қилди, мамлакатда ишлаб чиқарилган ортиқча маҳсулотларни четга чиқаришни тавсия қилди. Шунингдек, мамлакатда ишлаб чиқариш мумкин бўлмаган молларни четдан келтиришни таклиф этди. Деҳқонлар, чорвадорлар, ҳунармандларнинг имкониятларига қараб иш, муомала қилиш усуларини маҳсус баён этган. “Қутадғу билиг” ёзма обидасининг кириш қисмида Тантаг (Хитой), Рим, Эрон, Араб мамлакатларида бу асар номи турлича ифодаланганлиги ҳақида сўз боради. Бу маълумотлар қорахонийлар давлати боя айтилган мамлакатлар билан дипломатик, иқтисодий, маданий алоқада бўлганлигидан далолат беради.

Шарқ халқлари ижтимоий-сиёсий ҳаётида, сиёсий тарихида жуда катта ўринни олган буюк асарлардан бири бу Амир Темурнинг (1336-1045) “Темур тузуклари”дир. Бу асар 1967 йилга қадар, яъни ҳозирги ўзбек тилида илк бор нашр этилгунча, неча юз йиллар давомида турк, форс, араб, инглиз, француз, немис ва бошқа ўнлаб тилларда нашр этилиб келинган. Кўплаб йирик давлат арбоблари учун маҳсус нусха кўчиртирганлари маълум.

Китоб икки қисмдан иборат бўлиб, I қисмида Амир Темурнинг 1342 йил, яъни 7 ёшдан то вафотигача қадар бўлган ҳаёти, ижтимоий-сиёсий фаолияти, марказлашган давлат

тузиш учун қилган ҳаракати ва ҳарбий юришлари баён этилган. II-қисм эса Амир Тумурнинг ўз ворислари, фарзандларига аталган васиятлари, ахлоқ-одоб қоидаларидан иборат. “Темур тузуклари”нинг ҳам илмий, ҳам тарбиявий аҳамияти катта эканлигини айтишга ҳозирга қадар бизда андиша қилинган. Ҳаттоки бу асарни тилга олган олимлар гуноҳкор ҳисобланганлар. Балки, бу Амир Темурнинг буюк давлат арбоби эканлигини собиқ Иттифок томонидан тан олишликни ўзига эп кўрилмаганлиги бўлса керак.

“Темур тузуклари”нинг аҳамияти ҳақида фикримиз қуйидагича:

1. Асарда XIV аср ўрталарида XV аср бошларига қадар Ўрта Осиёда бўлган ижтимоий-сиёсий ҳаёт ўз аксини топган.

2. Одамлар ва давлатлараро бўлган ижтимоий-сиёсий муносабатлар кўрсатилган.

3. Асар сиёсат назариясигагина эмас, шунингдек, амалий назарияга ҳам бағишланган. Давлатни идора этишнинг ўз даврига хос қоидалари таҳлил этилганки, уни ҳозирги замон учун ҳам аҳамияти катта.

4. “Темур тузуклари” фақат шохнинг таржимаи холи эмас, балки халқнинг тарихи, XIV асрдаги феодал муносабатлар, ижтимоий-сиёсий ҳаёт тарихидир.

“Темур тузуклари”да давлатни идора қилишнинг ўз даврига хос бўлган 12 қондаси изчиллик билан баён этилган. Асосий қонун вазифасини бажарган Темур тузуклари (қонунлари) Темурийлар давлатининг барча сиёсий ва иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқларини ифодалаб беради ва унга кўра иш юритади.

Шахсан Амир Темур ташаббуси билан давлат интизоми ва ҳарбий интизом мустаҳкамланди. Ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотмаган ҳарбий тактика, стратегия назарияси сақланиб қолди. Ҳарбий иш фан даражасида ривожланди, сиёсий ва ҳарбий разведка, мунтазам қўшин ташкил қилинди. Иқтисодий, сиёсий имтиёз-тархонлик анъанаси давом этди. Маданий муассасаларга ҳомийлик кучайди, шунга кўра мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёт даражаси ўз замонасига нисбатан юксалди ва ҳозирги кунга қадар аҳамиятини сақлаб қолди.

Соҳибқирон ҳар бир ишда сиёсатни адолат билан амалга оширишга ва бунда турли воситалар асосида унинг изчилигини таъминлашга эришди. Масалан, у нафақат давлат хизматчиларининг қандай сифатга эга бўлишини, балки шундай сифатларни қандай қилиб давлат бошқарувига келишини таъминлашнинг йўналиши томонларини ишлаб чиқди. Бу борада у шундай дейди: “Агар ҳар нарсани ва ҳар кимни ўз мартабасида сақлай олмасанг салтанатингга бунда кўп ҳалол ва зиён етгай. Демак, ҳар кимнинг кадр-қимматини, тутган маҳсими ва ҳар бир нарсанинг ўлчовини белгилаб олишнинг ва шунга мувофиқ иш юритишнинг керак”¹, деб, у давлат хизматида салоҳиятли шахсларнинг иштирокини амалий тартибга айлантирди. Жумладан, “Кимнинг ақли ва шижоатини синов тарозисида тортиб кўриб, бошқаларникидан ортиқроқлигини билсам, тарбиямга олиб, амирлик даражасига кўтарар эдим, сўнгра кўрсатган хизматларига яраша мартабасини ошириб борардим”², - дейди.

Темурийлар сулоласининг жуда йирик намоёндаси, XIV аср охири ва XV аср биринчи ярмида яшаган улуғ сиймо, бу Улуғбекдир. Улуғбек 1394 йил 22 мартда туғилиб, 1449 йил 25 октябрда ўғли Абдулатиф ва унинг тарафдори Аббос томонидан муқаддас ҳаж сафарига кетаётганида ўлдирилган.

Улуғбек бобоси Амир Темур ва отаси Шохрух салтанатини обод қилиш ва сақлашда, осойишталик ўрнатишда катта хизмат кўрсатган буюк шахсдир.

Темур ва Улуғбек даври Моварауннахр ва Хуросонда фан ва маданий, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг кўтарилиш вақтлари бўлган. Улуғбек даврида ҳам Самарқанд, Бухоро ва Ғиждивонда мадрасалар очилган. Самарқанднинг дунёга танилган мадраса майдони Регистон, Тиллақори ва Шерзод мадрасалари барпо этилган.

Улуғбек Самарқандни 1417 йилдаёқ, 100 дан ортиқ олимларни тўплаб, илм-фан марказига айлантирди. Унинг энг яқин ходимларидан бири Ғиёсиддин Жамшид Улуғбекнинг

¹ Темур тузуклари. Б.Алиев, Т.Хошимов. Амир Темурнинг давлатчилик тамойиллари. Т. 2006, 20-37-б.

² Ўша жойда.

мантик, ҳисоб, юлдузшунослик, Куръони Каримнинг билимдони деб таърифлайди. У ўзининг “Зич Курағоний” (“Зич Улуғбек”) асарининг бош қисмида подшоҳликлар, давлатларнинг ўткинчи эканлигини, фан ютуқларнинг, илмий ҳақиқатнинг сақланиб қолиши, илмий бўлиш инсон учун олий фазилат эканлиги ҳақида фикрлар олға сурилган.

Алишер Навоий (1441-1501 йй.) ўзбек адабиётининг асосчиси. Унинг ижтимоий, чуқур зиддиятли ва ўша давр ижтимоий-иқтисодий тузумга қарам бўлган давлат арбоби ўртасидаги кураш кўзга ташланади. Бу курашда инсонпарварлик енгиб чиқади ва Навоий ўз даврининг илғор кишиси сифатида намоён бўлади.

Мамлакатдаги зулм, реакция ҳукмронлиги Навоийни кўп мартаба давлат, бошқариш системаси тўғрисидаги масалаларга қайтишга мажбур қилади. Бу масалаларни ҳал этишда у тарихий тажриба ва ўз давридаги ҳаётга асосланади. Навоий фикрича, “давлат, ҳукмдорлар, аҳоли ва мамлакат осойишталиги учун зарур бўлган тартибни ўрнатиш ва назорат қилиш учун яратилганлар ва мавжуддирлар: улар халқни ва мамлакатни хонавайрон қилувчиларни жиловлашлари; фуқароларни олийжаноблик руҳида тарбиялашлари лозим; инсонпарварлик ғояларига зид келувчи нарсаларга ўрин қолдирмасликлари керак. Фуқаролар тўғрисида, мамлакат фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишлари, жамият аэзоларининг адолатли тинчлик ва келишувда яшашлари учун барча шароитларини яратишлари лозим”¹.

Навоий одил шох тўғрисида, адолатли қонуноар ҳукмронлик қилувчи давлат тўғрисида орзу қилган эди. У ўз орзусини “Садди Искандарий” достонида Искандар тимсолида баён этган. Навоий фикрича, шох Искандар одиллар орасида энг одил, адолатлиси, олимлар сифатида энг доно ва алломасидир. А.Навоий ўз фаолиятида монархия (якка подшоҳ ҳукмронлиги) тарафдори эди. Унинг фикрича монархия анархияга, ўзаро низолар ҳамда урушларга чек қўяди. У Искандар образига кўп мурожаат қилади. Бироқ Навоийнинг Искандар, унинг салтанати тўғрисидаги фикри илмий асосга эга эмас эди.

Ватанпарварлик ва байналминаллик – Навоий дунёқарашининг асосий хусусиятларидандир. Унинг энг севикли қахрамонлари турли халқнинг вакиллари. Масалан: Фарход-хитойлик, Ширин-Арман қизи, Шопур-эронлик, Маъсуд-эронлик, Искандар-юнонистонлик, Лайли ва Мажнун араблар. Уларни инсонпарварлик бирлаштириб туради, уларни хатти-ҳаракатларини инсонга нисбатан муҳаббат бошқаради.

Навоий сиёсий таълимотида ўша давр зиддиятлари ўз аксини топган. Улар мутафаккир ижодида чуқур из қолдиради. Лекин шунга қарамай, Навоий феодал-клерикал зулмат даврида инсонпарварлик, ватанпарварлик, халқсеварлик, ҳақиқат ва тинчлик байроғини баланд кўтарди. У шундай сиёсий кадриятлар яратдики, улар дунё сиёсий меъроси дурдоналари сафидан ўрин олди.

Навоий инсон шахсини жуда ҳам юқорига кўтаради, оддий халқнинг меҳнатсеварлиги, софдиллиги, тўғри сўзлигини мадҳ этади. У меҳнаткаш халққа ёрдам беришни, бева-бечоралар ва муҳтожларга ҳеч қандай миннатсиз яхшилик қилишни ўзининг шарафли бурчи деб ҳисоблади. Навоий “Фарход ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” достонларида ҳақиқий дўстликни куйлайди. Кишиларни адолатли бўлишга, ҳалолликка, тўғриликка, инсонийликка, меҳнатсеварликка, касб-хунар эгаллашга чақиради. Шунингдек, Навоий ўз асарларида инсоннинг энг гўзал хислатларидан бири саҳоватни улуғлайди. Навоий ҳар қандай қўли очикликни, ҳаммани ҳам саҳоватли ҳисобламайди, айрим кишиларнинг обрў орттириш учун қилган саҳийлигини, исрофгарчиликка йўл қўйишни ҳам саҳоватга киритмайди.

“Битта ўтмакни икки бўлиб, ярим бир очга берганни саҳий де, ўзи емай барини муҳтожга берганни саҳий де”² – деб ёзади. Навоий фикрича, муҳтожларга ҳеч қандай ғаразсиз, ёмон ниятсиз ёрдам беришни, уларнинг ҳожатини чиқаришни саҳийлик деса бўлади. Шундай қилиб, Ўрта Осиё халқларининг буюк арбоблари Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Яссавий, Улуғбек, Навоий ва бошқалар жаҳон фалсафий, адабий ва ижтимоий-сиёсий фикри ривожига ҳисса қўшиш билан чекланмайдилар. Ўрта Осиё халқларида ижтимоий

¹ Т.Хошимов. Сиёсатшунослик (Сиёсий тафаккур тарихи). Ўқув қўлланма. Т. 1999, 27-б.

² Ўша жойда. 28-б.

хаётга, ҳақиқий бахтга эришиш йўл-йўрқларини излашга жонли қизиқиш мавжуд бўлган. Улар ўзларидан олдин ўтган мутафаккирлар ғояларига таянган ҳолда жаҳон фанини янги қоидалар билан бойитдилар ва материалистик ва рационалистик назарияларни ривожлантирдилар.

Президент И.А.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобларида таъкидлаганларидек, “Буюк мутафаккир аجدодларимиз мероси бизни доимо ҳалол меҳнат билан яшашга, мардлик, саховат ва камтарликка чақиради”¹.

2.3. Янги давр ва XIX асрлардаги сиёсий қарашлар.

Сиёсий қарашлар Ғарбий Оврӯнада уйғониш даври ва феодализмга ўтиш даврида ўз тараққиётининг янги янада юксак босқини бошидан кечирди. Ушбу даврда мутафаккирларнинг бутун бир плеядаси тенглик, адолат, давлат тузилиши, сиёсат илми соҳасида кўп қиррали фаолият кўрсатдилар.

Уйғониш – қадимий цивилизациянинг ўз даврида йўқотиб юборилган ютуқларнинг тикланиши, янгилаши демакдир. Уйғониш даври мутафаккирлари қадимги цивилизация маънавий маданиятига мурожаат қилибгина қолмай, балки мавжуд ҳукмрон сиёсий-ҳуқуқий тартибларни феодализм жамияти қоидаларига норозилик билдирдилар, уларни танқид қилдилар. Худди ана шу учта ижтимоий мавқе – уйғониш даври алломалари олдида турган тарихий вазифаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган давлатшунослик ғояларини тадқиқ этилишининг асосий йўналишини белгилаб берди. Бу эса ўз навбатида ўша даврдаги сиёсий таълимотларнинг мазмунини белгилайди.

Уйғониш даврнинг буюк мутафаккирларидан Николо Макиавеллидир (1469-1527 йй). Макиавелли юқори табақаларнинг манфаатларини акс эттирувчи буржуа сиёсий фанига асос солди. У юқори давлат лавозимларида ишлаган ва шу бой сиёсий тажриба унга ўз мазмунига кўра чуқур империк назарияни яратишга кўмаклашди.

Макиавеллининг сиёсий қарашларини ёритишда унинг сиёсий меросида “Ҳукмрон”, “Тит Ливиянинг биринчи ўн кунлиги ҳақида мулоҳазалар”, “Флоренсия тарихи” асарлари алоҳида аҳамиятга эга.

Унинг фикрича, сиёсий ҳатти-ҳаракат асосида христиан ахлоқи эмас, балки ахлоқнинг фойдалилиги ва кучи ётади. Шунинг учун ҳам сиёсий санъат қоидаларини диний ақидалардан эмас, реал инсоний сифатлардан, инсоннинг табиатидан, жамиятдаги курашаётган кучларнинг жойлашуви ва ҳаракатидан, қизиқишларидан келиб чиқаришга интилади. Бошқача қилиб айтганда мавжуд борлиқни билиш асосида амалий кучга эга бўлган сиёсий қоидаларни ишлаб чиқади ва унга боғлиқ ҳолда сиёсий тарихни яратади. Макиавелли методологиясининг илғорлиги, новаторлиги шу билан белгиланади.

XVI асрда маълум бўлган сиёсий атамалар – “Жумҳурия”, “Князьлик”, “Қироллик”, “Ҳокимият”, “Монархия” кабилар билан бир қаторда “Давлат” атамасини қўллади. Давлат унинг фикрича, жамиятнинг сиёсий ҳолатини, ёки бўлмаса ҳукмронлик ва тобелик муносабатларини, сиёсий ҳокимиятнинг (давлат бошлиғи, сенат, консуллар ва бошқалар), шунингдек, ҳуқуқ ва қонунларнинг мавжудлигини англатади.²

У давлатни келиб чиқишини ўзига хос, янгичасига кўрсатиб беради: аввал бошида кишилар озчилик бўлганлар ва тарқоқ яшаганлар. Сўнгра улар курашдилар, бирлашдилар ва ҳимоя учун энг довурак кишини сайлаб “бошлик” қилдилар, унга бўйсунма бошладилар. Ўзаро ҳафагарчилик бўлмаслиги учун қонунларни ва уларни бузувчилар учун жазо чораларини ишлаб чиқдилар. Бундан эса адлиянинг зурурлигини англаш вужудга келди. Шунинг учун ҳам, ҳукмдорни сайлашда кишилар кучга эмас, балки ақл ва адолатга аҳамият бера бошладилар. Унинг қарашларидан давлатнинг таркибий қисми сифатида бошқарувчиларни тобеларга мажбур қилувчи куч сифатида сиёсий ҳокимият кўрсатилади.

¹ И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т. “Маънавият”. 2008, 21-б.

² Н.Макиавелли. Танланган асарлар. М. 1982. 18-б.

Унинг давлат шакллари тўғрисидаги мулоҳазалари эътиборга лойиқ. Бу давлатнинг тўғри (монархия, аристократия, демократия) ва нотўғри (тирания, олигархия, анархия) шакллари кўрсатади. Бу давлат шаклларининг ҳар бири ҳокимият учун курашаётган кучлар нисбати билан боғлиқ ҳолда ўрнатилади.

Давлатни инқилобий янгиланиш воситаси сифатидаги диктатура тўғрисидаги назария Макиавелли сиёсий меросида муҳим ўрин тутди: фавқулодда ҳолатларда ҳам, шунчалик зарурлидир. Мутлоқ ҳокимият ҳукмрон табақаларни ҳам, бошқарилувчи табақаларни ҳам жуда тез йўлдан чиқаради. Шунинг учун ҳам янгиланган давлатнинг муваффақиятли ривожланиши, унинг фикрича, давлатчиликнинг республика шакли билан боғлиқдир. Макиавелли ўз сиёсий қарашларидф ҳокимият ва етакчилик, инқилоб ва турғунлик, озодлик ва мазлумлик, тараққиёт ва реакция каби муаммоларини кўтарган.

XVI аср мафкурасининг ривожига халқ оммаси аҳолининг ёмонлашуви, шу билан боғлиқ ҳолда юзага келган деҳқон қўзғолонлари ва халқ қўйи табақаларининг ҳаракатлари катта таъсир ўтказди. Маълумки, меҳнаткашлар оммасининг мафкураси ҳаёлий социализм назариётчиларнинг асарларида ўз аксини топди. Ана шундайлардан бири инглиз мутафаккири Томас Мор (1478-1535 йй)дир. У шох саройида катта лавозим эгаси бўлишига қарамай, оддий халқ ҳаётини яхши билган, ижтимоий - сиёсий муаммолар бўйича ўз қарашларини “Утопия” номли китобида баён этган.

Унинг китобида тенглик, адолатли меҳнат ва тақсимот, илм-фанни ўрганиш каби масалалар дадил кўтарилган. Идеал эркин утопия давлатининг асосий хўжалик ячейкаси – оиладир: ишлаб чиқариш ҳунармандчиликка асосланган бўлади. Утопиячилар демократик идора усули шароитида яшаб, тенг меҳнат қиладилар, унда шаҳар билан қишлоқ ўртасида, ақлий меҳнат билан жимоний меҳнат ўртасида қарама-қаршилик бўлмади.

Одамлар кунига 6 соатдан ишлаб, қолган вақтларини илм-фан ва санъатга бағишлайдилар. Шахснинг ҳар томонлама ривожланишига катта аҳамият берилади: бу эса тарбия соҳасидаги илғор фикрдир.

Италия мутафаккири Томазо Компанелла (1568-1639 йй.) ҳам социал-сиёсий ғояларнинг жўшқин тарғиботчиси сифатида майдонга чиқди. У ўзининг “Қуёш шаҳри” номли асарида Морнинг “Утопия” асарига яқин ғояларни илгари сурган. Инсон учун ақлий ва жисмоний қобилиятини ўстириш зарурлиги ва бунда олимларнинг юқори ролини кўрсатишга интилади. Компанелла инсониятнинг бирлигини ва роҳат-фароғатда яшашини орзу қилади.

1599 йилда Компанелла Италияни испанлар истибдодидан озод қилиш мақсадида қўзғолон кўтаришга уринди. Компанелла хусусий мулк бўлмайдиган, яъни меҳнат мўл-кўллиги таъминланадиган, аммо турмушнинг қатъий илмий таркиби мавжуд бўлган кохонлар ҳокимияти, аслида идеал жамият ҳақида ёзган. Масалан, “Қуёш шаҳри”ни олимлар коллегияси бошқаришни айтади.

Европада XVII-XVIII аср ижтимоий-сиёсий тафаккури ривожига Англияда Жерард Уинстенли “Озодлик қонуни” китоби, Францияда Жан Мелье “Васият” асари ва Габриель Мабли “Сиёсий жамиятнинг таркибий ва зарурий тартиби хусусида, иқтисодчи, философларга таклиф ва шубҳалар” китоби билан майдонга чиқдилар. Уларнинг илгари сурган ғоялари тенглик, адолат учун курашиш ғояси бўлди.

Инсоният тақдирида XVII аср кўринарли давр ҳисобланади. Негаки феодализмдан капитализмга ўтиш жараёнининг бошланиши худди шу асрга тўғри келади. Капиталистик формациянинг шаклланиши инсоннинг янги ҳаётига, янги дунёқарашига бўлган қизиқишини уйғотади. Буржуа давлатчилигининг ғоявий асоси бўлган сиёсий таълимотларни вужудга келтиради.

Мутлоқ монархияга қарши курашда буржуа мутафаккирлари давлат ва ҳуқуқ муаммоларини диндан ажратган ҳолда тадқиқ этишга ҳаракат қилдилар. Бу интилиш табиий ҳуқуқ назариясида ўз аксини топади. Шу муносабат билан буржуа сиёсий фикрининг кейинги ривожига катта таъсир ўтказган Г.Гроций ва Б.Спинозаларнинг таълимлари аҳамиятлидир.

Голландия буржуазиясининг мафкурачиси Гуго Гроций (1584-1645 йй.) табиий ҳуқук мактабининг биринчи назарийчиси эди. Гроций назариясига кўра, табиий ва ҳуқуқнинг мавжуд инсон табии, унинг ақл-идроки ҳуқуқнинг манбаидир. Ихтиёрий ҳуқуққа оила, фуқаро ҳуқуқлари таъллуқдир. Гроций ўз сиёсий таълимотида давлатнинг келиб чиқиши ва моҳиятини дин ва “худоларнинг насиҳатларига” эмас, ақлга боғлади.

Гроций фикрича, қачонлардир – давлат ҳам хусусий мулк ҳам йўқ даврда “табиий ҳолат” мавжуд бўлган. Лекин инсониятнинг ривожланиши ва дастлабки “табиийликни” йўқолиши мол-мулкнинг бўлишига ва давлатнинг вужудга келишига олиб келди. Қонунлар ишлаб чиқариш, одил судлаш, мансабдор шахсларни тайинлаш, солиқ ундириш, уруш ва тинчлик масалалари., халқаро шартномалар тузиш, Гроций фикрича олий ҳокимиятнинг хусусиятидир.

Ижтимоий шартнома ҳар қандай шаклдаги давлатнинг манбаидир. Унинг розилигисиз ҳокимият шаклини ўзгартириш мумкин эмас, чунки шартномалар табиий ҳуқуққа асосан бажарилиши шарт. Шу нуқтаи назардан, Гроций мавжуд ҳокимиятнинг ҳар қайсисини, шу жумладан мутлоқ монархияни ҳам ҳаққоний деб ҳисоблайди.

Умуман Гроцийнинг сиёсий таълимоти етарлича мўътадил табиатга эга. Бу таълимот сиёсий ҳокимиятга эргашиб бўлган ва халқ оммасининг ҳар қандай инқилобий фаоллигидан кўркувчи Голландия йирик буржуазиясининг аҳволини акс эттиради.

Табиий ҳуқуқ назарияси голланд материалистик – файласуфи Бенедикт Спинозанинг (1632-1677 йй) асарларида ўз ривожини қатъиян танқид қилади; унинг фикрича ҳокимиятнинг бундай шаклида подшоҳ ўз фуқароларидан кўрқади ва уларга қарши фитналар уюштиради. Шу сабабли ҳам монархия куллик, вахшийлик ва кимсасизлик ҳукмрон бўлган сахрога ўхшайди.

Спиноза демократияни давлатнинг энг яхши шакли деб ҳисоблайди. Бошқаришнинг бундай шаклида умум манфаатлари, ақл ва эркинлик ҳукмронлиги кўпроқ таъминланади. Ақл ва эркинлик ҳукмронлиги, агарда олий ҳокимият фуқаролар мажлисига берилган бўлса, бошқа давлат шаклларида ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Етарли даражадаги кўп сонли мажлиснинг қарори ҳар доим умумий бахт-саодатни таъминлашга йўналтирилгандир, чунки бундай мажлиснинг хоҳиш-иродаси ақл билан белгиланади. Шундай қилиб, Спиноза табиий ҳуқуқ назариясидан ўз ўтмишдошларига нисбатан радикалроқ хулосалар чиқаради. Биринчи каторда у демократия, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини назарий жиҳатдан асослаб беради.

Капитализм шаклланиши даврида сиёсий таълимотларнинг кейинги ривожланиш жараёнининг фаранг маърифатпарварларидан бири Шраль Луи Монтескьедир (1699-1775 йй.). Унинг сиёсий таълимоти юқорида амалга ошириладиган ислоҳат воситасида жамиятни янгилашга қаратилган. Унинг сиёсий озодлик, ҳокимиятнинг тақсимланиши (қонун чиқарувчи, ижроия ҳокимияти ва суд) тўғрисидаги ғоялари таҳсинга лойиқдир.

Монтескьенинг ҳокимиятни бўлиниши тўғрисидаги ғояси бутун бир назариягача ривожланиб борган ва бу назариянинг мақсади қонунийлик принципини асослашдан, сиёсий эркинликни таъминлашдан, ҳамда ҳуқуқни давлат ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларини амалда тартибга солувчи воситага айлантиришдан иборатдир. Бошқача қилиб айтганда, ҳокимиятнинг бўлишини – фуқароларни қонунсизлик ва ҳокимиятни суистеъмол қилишдек иллатлардан ҳимоя этувчи омилдир.¹

Қонунларнинг амалдаги устиворлигини таъминлаган дунёдаги энг илғор давлат бу Америка Қўшма Штатларидир. Шу туфайли ҳозирги дунёдаги кўпгина давлат арбоблари, жамиятшунос олимлар, сиёсатшунослар ушбу давлатда барқарор бўлган ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий нормаларни тарихий ўрганишга катта қизиқиш билан қарамоқдалар. Шунинг учун биз талабларнинг эътиборини қисқача бўлсада, Америка Қўшма Штатлари мустақиллиги, инқилобий демократик ва ҳуқуқий ўзгаришларнинг отахонлари, дастлабки қабул қилинган Конституциянинг асосчилари бўлмиш Томас Джефферсон, Томас Пейинларнинг сиёсий

¹ В.А.Гуторов. История политических и правовых учений. Из-во Михайлова В.А. Санкт-Петербург.2000, 8-39-б.

қарашларига жалб этишни лозим топдик. Томас Джефферсон (1743-1826 йй) номи Америка халқининг демократия учун кураши билан боғлиқ. У ўша даврнинг буюк инқилобий ҳужжати бўлган АҚШнинг Мустақиллик Декларациясининг муаллифидир. Джефферсон давлатнинг монархия шаклини танқид қилади. У подшоҳ ҳокимиятини халқ ҳокимиятининг ҳосиласи деб ҳисоблайди. Халқ мустақиллиги ғоясини ҳимоя қилади. Ҳеч бир кимса, унинг фикрича давлат ҳокимиятини барпо қилиш ва уни назорат этишда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас. Агар ҳокимият халқ ҳуқуқларини топтаса, ҳукуматни ўзгартириш ва ўрнига ўз манфаатларига содиқлик билан хизмат қиладиганини сайлаш ҳуқуқига эга.¹ Бу ғоя билан Джефферсон золим подшоҳларга қарши халқнинг кўзғолон қилиш ҳуқуқини асослайди.

Джефферсон АҚШнинг 1787 йилги Конституциясини бир қатор ғайри демократик ҳолатлари учун уни жиддий танқидга олади. Сўз, матбуот эркинликлари тўғрисидаги моддаларнинг йўқлиги, унинг фикрича Конституциянинг асосий камчилигидир. Джефферсон ва бошқа сиёсий арбоблар ташаббуси билан Конституция матнига қўшимча қабул қилинган. Улар 1791 йилда кучга кирди ва айна демократик ҳуқуқ ва эркинликларини эълон қилдилар.

АҚШ асосчи отахонларидан бири Томас Пейн (1737-1809 йй) инсоннинг сўз, матбуот, виждон эркинлиги, бахтга эришиш ҳуқуқи каби табиий эркинликларни ва ҳуқуқларнинг тенглиги ғоясини илғари сурди. Шу ҳуқуқлар асосида фуқаро ҳуқуқи, яъни халқ мустақиллиги, халқнинг инқилоб ҳуқуқи шаклланади. Инқилоб, Пейн фикрича, қонуниятлар ва бу қонуниятсиз инсоният жамияти тараққий этиши мумкин эмас.

Пейн биринчи қаторда жамият ва давлат ўртасидаги фарқ борлигини кўрсатади, у агар одамлар нуқсоларига эга бўлмаганларида эди, ҳукуматлар керак бўлмас эди деб билади. Нуқсонлар бор экан, хавфсизлик ва эркинликни сақлаш мақсадида ҳукуматлар тайинлаш мақсадга мавофиқдир. Пейн монархияга қарши чиққан. Умумий сайлов ҳуқуқи амал қилувчи демократик республика унинг идеали эди.

Шундай қилиб, Джефферсон ва Пейн майда буржуазия, эркин фермерлар ва мануфактура ишчиларининг манфаатларини акс эттирган сиёсий фикр, илғор буржуа-демократик йўналишларнинг намоёндаларидир. Сиёсий фан немис классик файласуфлари Кант, Фихте, Гегеллар ҳам ўзларининг қимматли улушларини қўшдилар. Улардан Вильгелм Фридрих Гатлат Гегель (1770-1831 йй) қарашлари диққатга сазовордир. Давлат ва ҳуқуқ муаммолари Гегель қарашлари ижодий ривожининг барча босқичларида унинг диққат марказида бўлган. Гегельнинг давлат тўғрисидаги таълимоти сиёсий таълимотлар тарихидан муҳим ўрин олган “Ҳуқуқ фалсафаси” асарида дадил ҳамда изчил равишда баён этилган.

Гегель фуқаролар жамияти ва сиёсий давлатларни фарқлайди. Фуқаро жамияти деганда буржуа жамияти назарда тутилади. Фуқаро жамияти хусусий мулк ҳукмронлиги ва одамларнинг умумий, расмий тенглигига асосланган эҳтиёжлар тизимидир. Қадимги дунёда ва ўрта асрларда мавжуд бўлмаган бундай жамиятни шаклланиши буржуа жамиятининг қарор топиши билан боғлиқ.

Сиёсий давлат – шахсий давлатдир. Ўзининг такомиллашган кўринишида бундай давлат ҳокимиятининг бўлинишига асосланган конституцион монархиядан иборатдир.

Гегель таълимотида сиёсий давлат қонун чиқарувчи ҳокимият, ҳукумат ҳокимиятда подшоҳ ҳокимиятларга бўлинади. Гегель таълимотида халқнинг мустақиллиги тўғрисидаги демократик ғоя танқид қилинади ва конституцион подшоҳ (монарх) мустақиллиги асосланади. Ҳукумат ҳокимиятининг вазифаси подшоҳ қарорларини бажариш, мавжуд қонун ва идораларни ҳимоя қилишдан иборат. Қонун чиқарувчи ҳокимият ҳаммаси ва ҳамма нарса учун амал қилувчи қонунларни аниқловчи ва ўрғанувчи ҳокимиятдир. Гегель табақа жамоалари палаталардаги мунозараларнинг ошқоралиги принципнинг тарафдори бўлади.

Буржуа сиёсатшунослигининг ривожига Алексис Токвиль (1805-1859 йй.) катта ҳисса қўшди. У ўз даври учун янги демократия назариясини яратди ва “Америкадаги демократия

¹ Т.Хошимов. Сиёсатшунослик (Сиёсий тафаккур тарихи). Ўқув қўлланма. Т. 1999, 37-38-б.

хакида” асарини ёзди. Бу китоб сиёсий тартибларни қиёсий таҳлил усулида ёзилган. Америка тўғрисидаги аниқ баёни Токвильга оз туйилди ва у Британия оролларида махсус сафар қилди. Англия сиёсий ташкилотини ўрганиш унингча жиддий қиёсий таҳлилсиз амалга ошириш мумкин бўлмаган умум назарий қоидаларини ифодалаш учун зарур эди.

Токвиль асосий сиёсий ғоялари қуйидагилардан иборат: биринчидан, Токвиль фикрича, бутун дунёда аристократиянинг тўхтатиб бўлмайдиган даражада заифлашуви ва демократиянинг мустаҳкамлаш жараёни кузатилмоқда; иккинчидан, демократия аристократияга қараганда қисқа ривожланиш тарихига эга бўлса ҳам, у фойдаланадиган воситалар етарлича мукамал бўмаса ҳам, шунга қарамай унинг афзалликлари равшан кўриниб турибди. Камчиликларининг мавжудлигига қарамай демократия ёрдамида бошқариш жамиятнинг ривожланишига кўпроқ таъсир ўтказади; учинчидан, демократия ўзининг энг ёрқин аксини АҚШ сиёсий ҳаётида, Америка конституциясида, давлат органларининг тузилишида; тўртинчидан, Америка демократияси тўғрисида гапирар экан, Токвиль унинг камчиликларини ҳам эътибордан четда қолдирмайди. АҚШ конституцияси фақатгина ўзининг яратувчилари учун шуҳрат ва бойлик келтиришга мўлжалланган, бошқалар қўлида эса у мевасиз дарахтдир.

Шундай қилиб, уйғониш ва капитализмнинг шаклланиши даврида давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги жуда кўпгина қизиқарли ва фойдали ғоялар олға сурилди, синфий жамият давлат ва ҳуқуқни ишончли, тўғри тадқиқ этишда мазмунли методологик ёндашувлар намоён бўлди.

2.4. XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида шарқдаги сиёсий қарашлар.

Махтумқули – (1733-1782 йй) туркман классик адабиётининг отаси, забардаст лирик шоир ва мутафаккирдир. У ўзининг энг яхши шеърӣ асарларида халқ ҳаётининг реалистик лавҳаларини чизган. У эзилган меҳнаткаш омманинг зулм ва зўравонликка қарши норозилигини ифодаловчи “Замонлар”, “Ахтарди”, “Кўпнинг ҳаёти” шеърларида у тарқоқ туркман қабилаларининг бирлашувини, мустаҳкам адолатли давлат тузишни орзу қилди. Унинг поэзиясида ватанпарварлик ғоялари кучлидир. У кўп асрлар давомида Эрон шохлари, Бухоро амирлари ва Хива хонлари зулми остида қолиб келган ўз ватанини чет эл босқинчиларидан озод қилиш ҳақида қўйлайди.

Унинг шеърларида одоб-ахлоқ тўғрисида баён этган фикрлари, шубҳасиз ўз замонаси учун прогрессив аҳамиятга эга. Ўзининг сиёсий қарашларида у текинхўрликка йўл қўйилмайдиган, озод меҳнат ҳукмрон бўлган ва бу меҳнат меваларидан ҳамма баҳраманд бўлган жамият тўғрисида орзу қилган.

Мутафаккир маърифатли подшоҳ тузуми тарафдори эди. Бундай подшоҳ тимсоли гавдаланган. У халқ бахти, озодлик ва адолат қоидаларини изчиллик билан амалга оширувчи одил, ақлли, инсонпарвар ҳамда қаттиққўл ҳукмдор тимсолини акс эттирди. Махтумқули урушларнинг душмани эди. Шунингдек, у озодлик ва мустақиллик учун босқинчиларга қарши урушни тарғиб қилди. Махтумқули халқ орзу ва манфаатлари амалга оширилган жамиятни қўйлайди. Унинг бу орзуси “Туркистоннинг келажаги” асарида ўз ифодасини топди.

Аҳмад Дониш (1827-1897 йй). У ўқимишли илғор зиёли эди. Унинг дунёқарашидаги халқпарварлик ва маърифатпарварлик қарашлари рус адабиёти ва маданияти таъсири остида шаклланади. У Бухоро амирининг элчилари қаторида уч марта (1857, 1869, 1874 йй) Петербургга сафар қилди. Шу сафар вақтида у Россиядаги ижтимоӣ ҳаёт, рус подшоларининг ҳокимиятни идора этиш усуллари, хусусан, рус ёзувчиларининг ижоди билан феодал Бухоро амирлигидаги ижтимоӣ ҳаётни таққослаш имконини берди. Тараккийпарвар шоир ва маърифатчи ўз ватанига қайтгач Бухоро амирига мактуб ёзиб, давлат идора усулини, яшашни руслардан ўрганиш лозимлигини уқтиради.

Унинг сиёсий қарашлари Бухоро амирлигида давлат тузилишини ислоҳ қилиш зарур деб ҳисоблайди, ўзи тузган лойихада давлат бир гуруҳ кишиларга эмас, балки бутун халққа лозимлигини таъкидлайди.

Аваз Ўтар – (1884-1919 йй) – Хоразмнинг исёнкор шоири ижодида халқни уйғотиш, унинг ўзлигини таништириш, озодлик йўлида зулму ситам устунларига қарши бош кўтаришга даъват этди. Аваз Ўтар ижод этган давр Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II вафотидан сўнг ўрнига унинг ўғли Исфандиёрхон ҳукмронлик қилган даврга тўғри келди. Ҳамма хонлар сингари Исфандиёрхон даврида ҳам халқ оғир, кулфатли кунларни бошдан кечирди. Бу даврда қора гуруҳлар-руҳонийлар, мулла-эшонлар, амалдорлар халқни истаганча талайдилар. Аваз Ўтар ўзининг танқидий-сатирик асарларида ҳоким гуруҳи вакиллариининг сирларини фош қилади. Шунинг учун шоир Аваз Исфандиёрхон томонидан бир неча марта жазоланади. Шунга қарамай у ўз ижодий фаолиятини ва зулмга қарши курашишни давом эттирди. Хон, руҳонийларни ҳайвон қиёфасида кўради, уларни жаллод деб атади. У халқдан ажрамайди, ўзини халқ билан деб билади, чинакам халқпарвар шоир эканлигини исботлайди. У мазмундор сатирик шеърлар ёзиб, халқпарвар, маърифатпарварлик ғояларини хормай-толмай тарғиб қилади. У ўзининг “Тил” шеърида инсонга барча тилларни билиш зарурлигини ўқитиб, ота-оналарни ўз болаларини мактабга юборишга ундайди.

Хар тилни билу энди, баъни одамла жондир,
Тил воситаси – робитаи оламидир,
Ғайри илму ҳунарлар мани андин аёндир.
Лозим сизга ҳар тилни билув она тилидек,
Билмакка ани ғайрат этинг, фойдали қондур.
Илму фан уйига юборинглар болангизни,
Анда ўқуганлар бари сактойи жаҳондур.¹

Тараққийпарвар шоир Аваз Ўтар ўғли чекланмаган ҳукмронлик юрғизиб мамлакатни харобага айлантирган бундай реакцион кучларнинг бир кун келиб маъсулиятга келишларига, халқ олдида жавоб бериб, адолатли ҳукмга учрашларига чуқур ишонади. Халқ учун озодлик куёши чиққанини, яқин келгусида хуррият бўлишини тараннум этади.

Аваз Ўтар маърифатчи, инсонпарвар, демократик шоир сифатида халқ оммасининг бахт-саодатли ва озод ҳаёт кечиришини истайди. У хоннинг шахсан ўзига нисбатан қилган золимлигини ва ўзининг доимо халққа, ҳақиқатга содиқлиги ҳақида гапириб, қуйидаги мисраларни баралла куйлайди:

Балки ушбу замон ғамнокидурман,
Қуйиб, ўртаниб элнинг ҳукимидурман.
Авазким, назм элин чолокидурман,
Бошин олмоққа хоннинг покидурман.

У исёнкор шеърлар ёзгани учун хон томонидан калтакланиб, жиннихонага маҳбус этилган, умрида ёруғ кун кўрмган 35 ёшида оламдан ўтган. У “Хуррият”, “Тил”, “Халқ”, “Мактаб” каби шеърларида миллат тақдирини ва келажагини янгича талқин этади: халқ тушунчасига кенг маънода қараб, уни ривожланган миллатлар билан тенглаштиришга даъват этади. У давлатни хонавайрон этувчи нотапон ва ногирон табақалар ношудлиги, калтабинлигини фош этади.

Фурқат – (1859-1909 йй.) маърифатпарвар шоир эди. У Қўқонда туғилиб, шу ерда таълим олган. Унинг “Суворов”, “Илм хосияти”, “Виставка хусусида” шеърларида рус маданиятига муҳаббат тасвирланган.

Фурқат оташин ватанпарвар шоир эди. У ўз халқини, ўз ватанини чексиз муҳаббат билан севар, унинг истиқболи, бахт-саодати ҳақида қайғулар эди. Фурқат узоқ муддат чет элларда яшаган даврида ҳам ўз ватанини, халқини унутмаган Гарчи Хитой тупроғи Фурқат учун иккинчи ватанга айланиб қолган бўлса ҳам у ўзининг ғурбатда эканини сезмаслиги мумкин эмас. Чунки шоир ўз ватани бағрида яйраш, ижоди билан халқига хизмат қилиш

¹ Б.Алиев, Т.Хошимов. Сиёсий фикрлар тарихи. Т. 2008. 62-б.

бахтидан махрум этилган эди. Хоким гуруҳлар, уларнинг фитна ва иғволари шоирни ўз ватанини ташлаб чиқишга мажбур этган ва унинг қайтиб келиш йўллари тўсиб қўйган эди.

Она ватан дардини Фурқатга ўхшаб чуқур хис этган ва ўз ижодида мукаммал ёритиб, ватан муҳаббати ҳақида кўп ва ажойиб асарлар яратган шоирларни кам учратамиз.

Фурқат ўтмишдаги ҳамма маърифатпарварлар сингари, халқ бахт-саодатини илм-маданиятни эгаллашда қўради. У халқ фожиасининг, оғир ва мусибатли ҳаётининг бирдан-бир сабабини нодонлик, жаҳолат деб билади. Шунинг учун зўр эхтирос ва ғайрат билан халқ ўртасида илм-маърифат ва маданиятни тарғиб қилишга киришади.

Унинг илмга, илмнинг жамият ҳаётидаги ролига бундай юксак баҳо бериш, шубҳасиз унинг қолоқликка, маданиятсизликка бўлган чуқур нафратидан, жаҳолат занжирида сақланган халққа бўлган чексиз муҳаббатидан далолат буради. У ўз шеърларида ишқ-муҳаббат, ёр гўзаллигини куйлайди, халқни маърифатга чақиради. Фурқат “Гимназия” шеърида дунёвий фанлар ўқитилишини, ўз халқида дунёвий билимларга муҳаббат хиссини уйғотишга ҳаракат қилади. Мусулмон хотин-қизларини жамиятдан мутлоқ четлаштирилганига ачинади.

Фурқат ўз халқининг содиқ фарзанди сифатида бутун куч ва қобилиятини, ижодий талантини халқ иши учун сарф этди, халқнинг озодлик йўлида олиб борган курашида ўз асарлари билан иштирок этади. Фурқат ижоди ўша давр ҳаётини ўрганишда илмий маърифат аҳамиятга эга бўлиши билан бирга ҳозирги кунимиз учун муҳим тарбиявий, амалий аҳамиятга эга.

Муқимий – (1850-1903 йй) ўзининг жамиятга бўлган муносабатини тематик жиҳатдан ранг-баранг, мазмун жиҳатдан бой бўлган сатира ва ҳажвларда акс эттирган. Муқимий сатрлари жамият ҳаётининг ҳамма асосий томонларини қамраб олди. Эксплуататор синфларга хос бўлган ҳамма ижтимоий табақаларнинг типик образини яратди. Ўзбек демократик адабиётида яратилган ажойиб ижтимоий турлар галереяси орасида эксплуататорлар синфининг ҳамма табақаларини мустаҳкамловчи амалдорларни, маҳаллий бойларни, рус капиталистларни, текинхўр рухонийларни, мустамлакачиларнинг ювиндихўр малайларини ва бошқаларни учратамиз.

Муқимий ўз сатрларини, танқид объектига қараб шартли равишда уч гуруҳга бўлиши мумкин:

1. Чор чиновниклари ва маҳаллий амалдорлар зулмини кўрсатишга, уларнинг жирканч образларини яратиб фош этишга қаратилган асарлар (“Танобчилар”, “Сайлов”, “Ахтаринг”).

2. Маҳаллий бойлар, мустамлакачиларнинг кирдикорларини очиб ташлашга, уларнинг пасткашликларини кўрсатишга қаратилган сатиралар (“Московчи бой таърифидан”, “Ҳажвчи Виктор”, “Гап тўғрисида гап” ва бошқалар).

3. Жамиятда текинхўрлик билан кун кечирувчи баъзи дин ахллари танқид қилишга, уларнинг феъл-атворидаги ифлосликларини, кулгили холларини тасвирлашга бағишланган сатиралар (“Авлиё ва бошқалар”). Бу сатрларда мустамлакачилик тартиблари ҳукмронлик қилган даврда чор амалдорларининг меҳнаткаш халққа типик шахслар фаолиятида тасвирланган.

У жамият асосини синфлар ташкил қилишини, уни ҳаракатга келтирувчи куч синфлар кураши эканини, бутун кишилик жамияти тарихи эса синфлар кураши эканини, англаб етмаган бўлсада, жамиятнинг бир-бирига зид икки лагерга: мулкдор бойлар, судхўрлар ва қашшоқ халқ лагерига ажралиб қолганини ва бу лагерлар ўртасида муттасил кескин кураш бораётганини яхши тушунган эди. Бу курашда у шоир сифатида ўз ўрнини ҳам белгилаб олган эди. Муқимий жамиятдаги бутун ҳодимларни халқ нуқтаи назаридан баҳолаётган, унинг манфаати учун тинмай курашлар эди.

Жаҳолат, очкўзлик, хирсу-хавасга, босқинчиликка қарши бош кўтариш хисси асарларнинг асосий моҳиятини ташкил этади. “Дунё қурилган дор экан”, - халқпарвар шоирнинг зўр хулосаси икки ёқлама зулм замони устидан ҳукмдир.

Жадидчилик. Яқин тарихимиздаги ижтимоий-маданий ҳаракатларда жадидчиликдек муҳим ўрин эгаллаган, айти пайтда унингдек хилма-хил баҳо ва талқинга сазовор бўлган иккинчи бир ҳодисани топиш қийин.

Жадид – арабчадан олинган бўлиб, “янги усул” деб номланади. Улар жамиятни руслаштиришга қаратилган рус-тузем мактабларига қарши чиқиб, унга қарама-қарши ҳолда турк тили ва диншуносликни ўрганувчи, “Янги усулдаги мактаб”ларни ташкил этиш дастури билан чиқдилар. Жадидчилик мактабдан, маорифдан бошланган, сўнг матбуот, театр, сиёсатга ўтган. Жадидчиликнинг тамал тошларидан бўлган янги мактаб-маориф концепцияси ўтган асрнинг 80-йилларида Қримда пайдо бўлган эди. Унинг асосчиларидан бири боқчасаройлик Исмоил Гаспирали эди. У кўзга кўринган қрим-татар сиёсий арбоби ҳисобланган. Гаспирали юқори аристократик доирага мансуб бўлиб, диний маълумотни Қримда, харбий маълумотни Москва кадетлар корпусида олган. У ўз эътиқодига кўра монархист, Романовлар хонадонининг содиқ хизматкори эди.

Жадидлар дастури мактабни ислоҳ қилишга қаратилган Гаспирали янги усулдаги мактабларни ташкил этиш учун Бухоро амири Абдуллахонга (1893 йил) мурожаат этади, аммо рад жавобини олади. Шундан сўнг у Қозон татарларидан ёрдам олиб шундай мактабларни очади. 1910 йил бундай мактаблар 50 тани ташкил этади. Жадидлар мактабининг йирик маркази Тошкентда 20 та, Қўқонда 16 та мактаб бўлган. 1905 йил революцияси жадидларни ажралиб кетишга олиб келди. Булар радикал оқим – модернистлар маорифда чуқур ислоҳатлар ўтказиш тарафдори эди. Улар ўз фаолиятининг маркази этиб театрни танладилар. Аҳолининг асосий қисми саводсиз, бутун босма адабиёт улар учун йироқ бўлган. Бу ерда Бехбудий, Фитрат, Чўлпон, А.Қодирий, А.Авлоний, Х.Шукурилло ва бошқалар фаолият кўрсатганлар.

Шундай қилиб, XIX асрнинг охири, XX аср бошларида Россия мустамлакаси ҳисобланган Ўрта Осиё, Кавказ, Ўрта Сибирь халқлари орасида бошланган миллий кўтарилиш маданий-маърифий оқим-жадидчилик сифатида намоён бўлди.

Россияда бошланган биринчи инқилоб йилларидан бошлаб то 1929 йилгача бу ҳаракат мактабчилик, матбуотчилик, ноширчилик, ҳар хил ижтимоий маданий-маърифий, хайрия ва иқтисодий уюшма, ижтимоий-сиёсий ташкилот, ҳукумат ва фуқаролар кўринишида янада кенгайди. 1917 йилга келиб жадидчилик ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётда асосий ҳаракатга айланди. Жадидчилик туфайли Россия қўли остида бўлган мусулмон халқлари орасида миллий бирлик ҳаракати, миллий озодлик кураши авж олган, миллий фикрлар, миллий мухторият ҳукуматлари ташкил топди.

Шуни айтиш керакки, жадидчилик ҳаракати тарихидан дастлаб мактаб ва маориф, таълим ва тарбияни ислоҳ қилишдан бошланган бўлсада, шакл ва моҳиятига кўра бошидан бошлабоқ тўла маънода ижтимоий-сиёсий мазмун ва характерга эга бўлган. У ўша мустамлакачилик ва мутаасиблик муҳит, ижтимоий иқтисодий турмуш шарт-шароити ва ҳаёти асосида шаклланади.

Мустамлакачилик зулми ва сиёсатнинг XIX аср охирига келиб Туркистондаги маҳаллий мусулмон халқлари учун “ё ҳаёт, ё мамот” масаласи юзага келтирди. Жадидчилик ҳаракатининг йирик намоёндаси Абдулла Авлонийнинг “Тарбия бизлар учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё фалокат масаласидир”¹ – деб айтиши бежиз эмас эди.

¹ Фалсафа қомусий луғат. Т. 2004. 11-12-б.

Изоҳ. Махмудхўжа Бехбудий 1875 йил, Самарқанд – 1919 йил, Қарши руҳоний оиласида таваллуд топган, эски мактаб ва мадрасада ўқиган.

М.Бехбудий Туркистонда янгича “Усули жадид” мактаблари зарурлигини назарий асослаган ва уларни ташкил этишга йўналтирилган катта ишларга раҳнамо бўлган. Бундай мактаблар учун у юздан ортик дарсликлар ва қўлланмалар ёзиб чоп эттирган.

М.Бехбудий Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг асосчиси ва қарвонбошчисидир.

М.Бехбудий фаолияти ва унга боғлиқ дунёқарашида қуйидаги уч қондани олға сурди:

1. Замон талабларидан келиб чиқиб иш кўриш;

2. Миллат тақдири ва истиқболни белгиловчи миллий кадрларни етиштириш;

Жадидчилик тарбияси миллатни ҳалокатдан “саодатга” олиб чиқишга, унда миллий эрк ва мустақиллик мафкурасини тарбиялашга қаратилган эди.

Мустамлакачилик миллат қалби ва онгини асир қилиш ва эгаллаш учун кураш давлат миқёсида кучайтирилган бир пайтда, миллий маориф ва маданиятнинг тараққий этиши, диний мутаассибликни танқид қилиш, миллатда ўзлигини англовчи маданий-маърифий, ижтимоий сиёсий онгни шакллантириш объектив заруриятга айланган. Бу ўта муҳим маъсулиятли ишни илк бор жадидчилик асосчилари Махмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхон ўғли, Абдурауф Фитрат, Абдулхамид Чўлпон, Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев, Тошпўлатбек Норбўтабеков ва бошқа ўнлаб миллат фидоийлари қалбан тўла ҳис этиб, бунинг учун ўзларини масъул деб билдилар.

Мана шу маънода жадидлик ўзликни, диний эътиқодни, шахсий виждони, эрки ва маънавий мустақиллиги, ватаннинг иқтисодий-маданий тараққиёти химоячиси, яъни миллий муҳофаза ҳаракати ҳам эди.

Жадидчиликнинг мақсад ва вазифаси фақат мустамлакачиликка қарши кураш билан чекланмайди. У ўзининг ислоҳатчилик ва маърифатчилик фаолиятини миллий мутаассибларини аниқроғи диний арбоблар орасида Исломи дини моҳиятини очиқ беришга ожиз баъзи чаласавод “мулла”ларни танқид остига олади.

Хулоса шуки, жадидчилик маърифатпарварлиги ҳам диний, ҳам дунёвий қарашларга асослангандир.

Жадид мактаблари дарсликлар ва уларда ўқитиш жараёни миллий руҳ ва миллий озодлик мафкураси асосларига миллий ғуруригагина эмас, балки умуминсоний қадрият ва байналминалчиликни ҳам сингдира бошлади.

Жадидчилик Туркистонда ярим аср чамасида тарихга эга. Бу унинг учун беҳад оғир ва мусибатли, шу билан шарафли ҳамда ҳозирги авлод учун ибратли ўтди. Туркистонда Шўро ҳокимияти, коммунистлар ҳукмронлиги ўрнатилгач, жадидчилик ҳаракатининг янги даври бошланди. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, шўро адабиётида жадидчиликнинг бу даври ҳақида қарийб ҳеч нима айтилмайди.

Маълум бўлишича, бу даврда мустабид ижтимоий-сиёсий тузум, коммунистик тартиб ва мафкуравий яқка ҳукмронлик жадидчиликни ажратиш, гуруҳларга бўлиниш ва парокандалик ҳамда юксак даражада ривожланиш ҳам юз берган. Жадидчилик фаолларининг бир қисми ленинча шиорларга ишониб, охир оқибатда алданган “социализм қурилиши”да фаол қатнашишган.

Мунавварқори Абдурашидхон ўғли бошлиқ собитқадам жадидлар эса шўро ҳукуматиға қарши уюшган ҳолда истиқлолчилик курашини 20 йилларнинг охиригача узлуксиз давом эттирдилар. Бунинг учун улар аввало Большевиклар “илғор” ва “миллатпарвар” сиёсатининг ўзидан кенг фойдаландилар. Масалан, раҳбар кадрларни маҳаллийлаштириш, маорифни ривожлантириш, ўрта махсус ва олий ўқув юр்தларини ташкил этиш, мухторият Изох. Абдулла Авлоний (1874-1934) – давлат ва жамоат арбоби, фан ва маориф ривожига катта ҳисса қўшган олим, шоир ва журналист, жадидчилик ҳаракатининг раҳбарларидан бири. У 1878 йилнинг 12 июлида Тошкент шаҳрида тўқувчи оиласида туғилган.

А.Авлоний Туркистонда биринчилардан бўлиб, география, кимё, геометрия, физика фанларини таълим дастурига киритган, бир синфдан иккинчисига ўтишда имтиҳон тизимини жорий этган таълимини реал турмуш билан боғлашга ҳаракат қилган.

3. Миллий биқикликдан чиқиб, дунё миқёсида фикрлай оладиган, чет эллар билан сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий муносабатлар ва мулоқатларда жаҳон андозалари даражасида иш юритадиган миллатга айланиш.

Асримиз бошида илғари сурилган бу қарашлар ҳозирги даврга ҳамохангдир ва бу нарса улғ сиймо нақадар узокни кўрабилганлигидан далолатдир.

М.Бехбудий маърифатни озодликка эришишнинг ягона омили, деб ишонган. М.Бехбудий 1919 йилнинг баҳорида Қаршида ўлдирилган.

А.Авлоний Ватан туйғуси энг инсоний, энг мўтабар туйғулардан бири эканлигини таъкидлаган. Ватанни шунчаки севиш мумкин эмас. Унинг дарди билан яшамок, унинг бахтидан қувонмок, у билан фахрланмок керак. Ватан онадек муқаддас. Уни қадрлаш, эъзозлаш, унинг шодлик ва қувончига шерик бўлиш, ғам-хасратини бахам кўриш фарзанднинг бурчи.

Авлонийнинг фикрича, тилга, маданиятга муҳаббат, ҳар бир кишининг халқига бўлган муҳаббатидир. “Ҳар бир миллатнинг дунёда бирлигини кўрсатадурғон ойинаси ҳаёти – тил ва адабиётдир”¹, - деган эди мутафаккир.

А.Авлоний адолатни, ҳар бир миллатнинг озод ва бахтли бўлиш ҳуқуқини дунёнинг асоси деб билди. А.Авлонийнинг ижтимоий қарашлари бугунги кунда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

ҳуқуқига асосланган миллий ҳукуматни ташкил этиш ва бошқалар.

Жадидчилик мақсад ва моҳияти унинг шиоридан ҳам маълум, уларнинг энг яхши кўрган шиори “Озодлик, тенглик ва адолат” бўлган.

Демак, жадидчилик онгли маданий-маърифий, ижтимоий-сиёсий мустамлакачиликка, истибдодга, феодал муносабатларига қарши диний ва демократик миллий ҳаракат бўлган. У ижтимоий адолат, тенглик ва озодлик учун истиқлол байроғини баланд кўтариб, Ватан ва миллатнинг озод ва мустақиллиги учун кучлар нисбати тенг бўлмаган курашда енгилди ва тарихда ибратли тажриба қолдирди.

“Чоризм мустамлакаси даврида маърифат ғоясини баланд кўтариб чиққан жадид боболаримизнинг фаолияти ... фидойи инсонларнинг ўз шахсий манфаати, юртимизни тараққий топтириш мақсадида амалга оширган эзгу ишларни авлодлар хотирасидан асло ўчмайди”.²

2.5. XX аср сиёсий концепциялари ва янги даврда сиёсий қарашлар.

Сиёсатни тадқиқ этишга бўлган турли ёндашувлар, йўналишлар, мавзулар, назариялар ҳозирги давр сиёсий билимларининг манзарасини акс эттираётган ҳолатлардан биридир.

Бир қатор политологларнинг фикрига қараганда ҳозирги даврдаги сиёсий концепциялар марксизмнинг бевосита таъсирида ёки унга қарши курашда шаклланади.

Социологик йўналишлар ичида ўзига хос ўринни немис социологи Маркс Вебер эгаллайди. Бошқа классиклар каби Вебер сиёсатни ҳокимият ҳақидаги ижтимоий муносабатлар соҳаси ёки у давлатлар ўртасида, ҳокимият ичида, гуруҳ одамлар ўртасида бўлмасин ҳокимиятни тақсимлишга таъсир кўрсатиш воситаси деб ҳисоблайди.

Липсет ўзининг “Сиёсий арбоб”, “Сиёсатнинг ижтимоий асослари” номли асарларида сиёсатнинг синфий табиатини қатъиян рад этиб, ривожланган мамлакатларда амал қилаётган қадриятлар ва анъаналар ўз ривожига шу қадар юксак чўққига кўтарилганки, унда “сиёсатдан кейинги” даврга ўсиб ўтилган бўлиб, синфий-гуруҳий фарқлар ниҳоят даражада силлиқлашган ва биринчи ўринга одамларнинг ижтимоий мақомига яраша амал қиладиган қирралар чиқиб қолган, деб уқтиради.

¹ Фалсафа қомусий луғат. Т. 2004. 12-б.

² И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т. “Маънавият”, 2008, 49-б.

Изох. Чўлпон Абдулхамид Сулаймон ўғли (1987-1938). XX аср ўзбек адабиётининг ва ижтимоий ҳаётининг атоқли намоёндаларидан бири. У Андижонда туғилган.

Чўлпон мадраса ва рус-тузем мактабида таҳсил кўриб, бир томондан, анъанавий шарқона билимлардан, иккинчи томондан, Европага таҳлис ва тарбиядан баҳраманд бўлган.

Чўлпон 1917 йил февраль инқилобини катта умидлар билан кутиб олган, Туркистон мухторияти ҳукуматининг вужудга келишида фани қатнашган ва бу ҳукуматнинг “Озод турк байрами” деб номланган мадҳиясини, гимнини яратган.

Туркистон мухторияти ағдарилгач ўзбек диёри шўролаштирила бошланган йилларда, Чўлпон мустабид тузумнинг реакцион моҳиятини фош этувчи оташин шеърларини ёзади. 20-йилларнинг ўрталарида унга “миллатчи” деган тамға ёпиштирилади.

Морис Дюверже (05.06.1917 йил) француз социологи, сиёсий ҳокимият, ҳуқуқ, демократия тушунчалари моҳиятини АҚШ сиёсий социологияси даражасида туриб таҳлил этади. Унинг сиёсий қарашларига кўра ҳозирги ривожланган мамлакатларда давлат ҳокимияти учун турли сиёсий партиялар, ижтимоий жамоат ташкилотлари, жумладан, касаба уюшмалари фаол кураш олиб бориш имкониятларига эга бўлиб, сиёсий хилма-хиллик демократиясида ўз ифодасини топгандир.

Ҳозирги давр политологиясида давлат ҳокимиятининг турлари ва кўринишлари муаммоларини атрофлича ва теран ишлаб чиқишга интилиш кучайган бўлиб, айниқса унинг бир-бирига қарама-қарши бўлган турлари ҳамда кўринишларини таҳлил қилиш катта методологик аҳамиятга моликдир. Мана шундай бир-бирига зид бўлган ялпи (тоталитар) турлари тадқиқотига, уларнинг қиёсий таҳлиliga диққат-эътибор кучайди.

Демократия билан ялпи (тоталитар) тузум ўртасидаги нисбат ва муносабат даражаларини аниқлаб бериш ва таърифлаш француз политологи Раймон Арон (1905-1983 йиллар) сиёсий қарашларида асосий йўналишлардан бирини ташкил этади. “Индустриал жамият” ҳақидаги ғояларнинг асосчиларидан бири Арон ҳисобланади.

Сиёсий ҳокимиятнинг тузилиши – амал қилиши жараёнларини сиёсатшуносликда биринчи таҳлил қилганлардан америкалик Талкот Персянс Лидир. У М.Вебер сиёсий қарашларига таянган ҳолда инсоннинг сиёсий муносабатларга киришиш сабабларини, биринчидан тил ва бошқа қадриятлар рамзий белгилари орқали содир бўладиган, иккинчидан, кўпчилик инъикос этиб маъқуллаган қонун-қоидаларга қараб яқка ҳақарат қилишдан, учинчидан, бу ҳаракатларнинг фақат шахс ифодасига боғлиқ эканлигидан келтириб чиқаради. Сиёсий ҳокимиятнинг тузилиши – амал қилиши Персонс таълимотининг бош йўналишини амалий муаммоларнинг ўзгармас йиғиндиси ташкил этади.

Гарлз Райт Миллес (1912-1962 йиллар) сиёсий ғоя ва қарашларини сиёсий ҳокимият тақсимооти муаммоларига қараб ишлаб чиққан таълимотида “Ҳукмрон синф” тушунчасига “ҳукмронлик қилувчи зодагонлар (элита) ёки зодагонлар бошқариши” тушунчасини қарама-қарши қўяди ва бу билан сиёсий ҳокимиятнинг синфий табиатини инкор этади. У “зодагонлар бошқариши”ни саноат, сиёсий, ҳарбий бошлиқлардан таркиб топган ижтимоий гуруҳдан иборат сиёсий ҳокимият сифатида таърифлаб, ҳукмрон синф тушунчасини ижтимоий гуруҳ тушунчаси билан алмаштиради.

Саймур Мартин Липест (18.03.1922 йил)нинг асосий тадқиқот ишлари, ҳозирги дунёда демократия муаммоларига бағишланган. У сийловлар ва

Изоҳ. Фитрат – Абдурауф Абрурахим ўғли Фитрат 1886 йилда Бухоро шаҳрида туғилган. “Фитрат” унинг адабий тахаллуси бўлиб, туғма, табиат, туғма истъодод, яратилиш маъноларини англатади.

Фитрат 17 ёшидан бошлаб жиддий илмий-иждоий иш билан шуғулланади. Унинг асарлари 260 босма табоқдан зиёд илмий меросни ташкил этади.

Бу асарларда халқнинг ўтмиши ва қадриятлари ҳақида қайғуриш, тутқун ва турғун миллатнинг истикболини ёритиш ҳақидаги ғоялар асосий ўрин эгаллайди.

Фитрат кейинчалик ёзган “Шарқ сиёсати” (1919), “Шарқда инглизлар”, “Туркистонда руслар” публицистик мақолаларида истило сиёсатининг сабаб ва оқибатларини чуқур назарий мушоҳада этган, бу сиёсатнинг турли халқлар ва миллатлар ҳаётидаги таъсири, салбий оқибатларини равшан кўра олган, унга баҳо бера олган йирик арбоб сифатида фикр юритади. Фитрат 1937 йилда машъум қатағон қурбони бўлди.

жамоатчилик сўровлари хулосаларидан келиб чиқиб демократик ва антидемократик ҳаракатларининг шароитлари, сабаблари ва ҳаракатлантирувчи кучларини аниқлашга ҳаракат қилади.

У ижтимоий тараққиётнинг қуйидан юқорига ривожланиб бориши ва жамият иқтисодий фаолиятининг тобора юксакроқ технологик даражада амал қила боришини ўзига хос қонуният тарзида баҳолайди, инсониятнинг тараққиёт истикболи илмий-техник тараққиёти билан тобора мустаҳкам боғланиб кетаётганлигини уқтиради.

Мишел Крозс, Ханна Яренд, Рольф Дорендорф, Габриэль Алмонд ва бошқа ҳозирги замон политологлари сиёсий ҳокимият ва унинг фаолият йўналишлари, ҳокимиятнинг таркибий қисмлари ўртасидаги нисбат ва мустаҳкам боғланганлик. Сиёсий система таркибий қисмлари, - давлат, сиёсий партиялар, ижтимоий-жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоалари, ширкатлар, турли-туман уюшмалар ва улар ўртасидаги ўзаро боғланиш масалалари атрофлича тадқиқ этилган.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда сиёсий таъминотлар айрим мамлакатлар сиёсий муаммолари билан боғлиқ ҳолда вазифали йўналишларда такомиллашди. Америкада бихевиоризм сиёсий фанлар усули сифатида қарор топди.

Америка политологлари ижтимоий бошқарув ва сиёсат, қиёсий сиёсат, халқаро сиёсий муносабатлар, сиёсат назарияси ва фалсафаси йўналишларида тадқиқот ишлари олиб бориб, политологиянинг халқаро фан сифатида қарор топишига муҳим ҳисса қўшдилар. Франция политологлари сиёсий институтлар ва муносабатлар, сайлов тизими, ижтимоий бошқарув, демократия масалалари каби кўпгина муаммоларни атрофлича таҳлил қилиб, фанни назирий ва амалий аҳамиятга эга хулосалар билан бойитдилар.

Сўнги ўн йилликда технократик назариялар халқаро майдонга ёйилди. Технократик назириялар тарихида кўзга кўринарли ўринни Джозфа Барихаманинг (1905-1987 йй) Концепцияси эгаллайди. Унинг нуқтаи назарича, жадал технологик жараёнлар натижасида сиёсий ҳокимият ва давлат бошқарувида менеджерлар синфини вужудга келтирган “инкилоб” юзага келди.

Давлатсизлаштирилган иқтисодиёт уларнинг сиёсий ҳукмронлигининг асоси ҳисобланади. Берихама таъкидлаганидек, давлат тобора менеджерларнинг мулкига айланиб бормоқда. Ўзининг назоратчилик мавқеидан келиб чиқиб улар жамиятнинг имтиёзли, ўзини қайта ишлаб чиқарувчи бўлиб бормоқдалар. Келажакда, деб ҳисоблайди Барихама технократ директорлар комитети раҳбарлигида ягона технократик давлат ўрнатилади.

Технократик ғоялар тобора социал назариялар чегарасидан чиқиб бошқа етакчи ғоялар билан қиришиб (конвергенция, элитизим, ва ҳ.к) кетмоқда.

Халқаро муносабатлар назарияси Америка политологлари Маргентау, Николас Спайкиен, Збигнев Бжесжинский, Француз философи Райлган Арон томонидан тадқиқ этилган.

XX аср 80 йилларига келиб фуқаролик жамияти муаммоси социолог ва политолог олимлар томонидан ўрганилаётган масалалардан бирига айланади. Бу даврда авж олган демократиялаштириш жараёнлари натижасида алоҳида мазмун касб эта бошлади ва у тоталитар давлатларга қарама-қарши бўлган ижтимоий андоза сифатида талқин қилина бошланди. Олимлар диққат марказида эндиликда фуқаролик жамиятининг белгилари, мезонлари институтлари, ҳуқуқий давлатнинг унсурлари масалалари бўйича кенг қўламли тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Қисқа хулосалар.

Сиёсий фикрларнинг вужудга келиши ижтимоий ишлаб чиқариш усули ривожининг, жамиятнинг синфларга бўлиниши ва давлатнинг вужудга келиши билан боғлиқ бўлди. Қадимги мутафаккирлар сиёсий қарашлар ривожига, давлат ва ҳуқуқ муаммоларини назарий асослашга катта ҳисса қўшдилар.

Сиёсат, сиёсий ҳокимият, адолатли жамият ҳақидаги ғоялар Шарқ мутафаккирлари томонидан чуқур ўрганилган. Улар ўз даврларида эркин фаровонликка асосланган давлатни қуриш муаммоалари, уларни ечимлари, шунингдек давлат тузилиши, давлатлараро ижтимоий-сиёсий муносабатлар хусусида кенг мушоҳада юритганлар.

Уйғониш ва капитализмнинг шаклланиши даврида давлат ва ҳуқуқ тўғрисида кўпгина қизиқарли ва фойдали ғоялар олға сурилди, синфий жамият, давлат ва ҳуқуқни ишончли, тўғри тадқиқ этишда мазмунли методологик ёндашувлар бўлди.

XIX аср охири XX аср бошларидаги маърифатпарварлик ғоялари, жади́дчилик ҳаракатининг тараққийпарвар намояндалари Туркистондаги халқларни бирлаштириш ва бутун ўлканинг миллий мустақиллиги учун кураш ғоясини илгари сурдилар.

Ҳозирги даврда политологиянинг умуминсоний манфаатлар ва қадриятларини устивор даражада улуғлаш инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, ҳуқуқий давлат барпо этиш, давлат ҳокимиятининг зўравонликка асосланган барча турларини қоралаш, сиёсий хилма-хилликни ёқлаш каби илмий-методологик ҳулосалари ва эришган ютуқлари инсоният сиёсий тафаккурини янада бойитишга, уни барча иллатлардан ҳалос этишга қўшган улкан ҳиссасидир.

Таянч сўзлар.

Дастабки давлатчилик назариялари, Шарқ уйғониш даври, XVII-XVIII аср Ғарб уйғониш даври, XIX аср охири XX асрдаги ижтимоий-сиёсий фикрлар, жади́дчилик, янги даврдаги сиёсий қарашлар ва оқимлар.

Назорат ва муҳокама учун саволлар.

1. Хитойда адолатли жамият ҳақидаги даслабки ғоялар ким томонидан амалга оширилган?
2. Аҳлоқий фалсафага асос солган қадимги юнон мутафаккири ким?
3. Фаробий ким ва унинг ижтимоий-сиёсий қарашлари қандай?
4. Нима учун IX-XI асрлар Уйғониш даври деб ном олган?
5. Нима учун XV-XVII аср Ғарбий Европа уйғониш даври деб номланади. Уларнинг ўхшаш томонлари нимада?
6. Амир Темур ва унинг сиёсий қарашларини акс эттирган асар қандай номланади?
7. XIX аср сиёсий қарашларининг ривожланишида янги босқич, унинг фарқли томонлари нимада?
8. Жади́дизм – бу қандай ҳаракат?
9. Ҳозирги давр сиёсий ғояларининг ўзига хос жиҳатлари нимада?
10. Ўтмиш сиёсий ғояларининг Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини курашдаги ифодаси қандай?

Адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. “Ўзбекистон” 2009. 3-35 б.
 2. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11. Т. “Ўзбекистон” 2003. 3-55, 214-265 б.
 3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т. “Маънавият”, 2008, 32-48-б..
 4. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т. “Ўзбекистон”, 2009, 16-78-б.
 5. Алиев Б, Хошимов Т. Ва бошқалар Политология, Ўқув қўлланма. Т. ТДИУ. 2006. 21-44 б.
- Алиев Б., А. Бобоев. Политология фани бўйича таълим технологияси. Т. ТДИУ, 2006, 31-40

3-МАВЗУ. СИЁСІЙ ҲАЁТ ВА ЖАРАЁНЛАР.

3.1. “Сиёсий ҳаёт”, “сиёсат” тушунчалари ҳамда сиёсат давлатни бошқариш санъати эканлиги.

Жамият сиёсий ҳаёти – бу давлат ҳокимияти, унинг функциялари, институтлари, амалга ошириш усуллари тааллуқли бўлган жамият социал ҳаётининг ўзига хос томондир. У турли синфлар, ижтимоий гуруҳлар, партиялар ва бошқа ижтимоий ташкилотларнинг фаолияти ва манфаатларини ўз ичига олади. Сиёсий ҳаёт кўп ўлчовли, жўшқин ҳамда социал макон ва замонда кескин ўзгариб турувчи сиёсий муносабатлар, институтлар ва одамларнинг сиёсий онгини ривожланиши билан боғлиқ мураккаб жараёндир.

Бу макон ва замонда турли ташкилотлар, иттифоклар, қарама-қарши гуруҳлар каби хилма-хил сиёсий кучлар қатнашади. Уларнинг социал муаммоларини ҳал этиш доирасида ўзаро таъсири сиёсий ҳаётни мазмуни, шакли ва мураккабликларини белгилаб беради.

Инсон ўз сиёсий ҳуқуқларини сиёсий ҳаётда иштирок этишнинг вазифали шаклларида фойдаланиб амалга оширади. Жамият қанчалик демократик бўлса шахснинг сиёсий ҳаётдаги иштироки шунда хилма-хил бўлади.

Сиёсий муносабатлар – бу жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва унинг сиёсий жараёнларида узлуксиз ҳаракатда бўлган сиёсат субъектлари ва уларнинг объектига қиладиган таъсирини ифода қилувчи ҳаракатларнинг умумий ифодаси ёки уларнинг бирлигидир.

Давлатнинг жамият ичида ва халқаро майдондаги сиёсий йўли бир синфнинг, ижтимоий гуруҳнинг, миллатнинг ва қатламнинг манфаатларини ифода этиш ва химоя қилишдир. Натижада бир синф, ижтимоий гуруҳ ҳокимиятга эгалик қиладди. Улар ўртасида ўзига хос алоҳида муносабатлар яъни сиёсий муносабатлар, давлат ҳокимияти масалалари билан боғлиқ фаолият пайдо бўлади. Жумладан, Швецариянинг қайта ишлаш саноати ишчилари касабга уюшмалари орқали айрим тадбиркорлар билан музокара олиб бориб меҳнатга саотбай ҳақ тўлашнинг жуда катта ҳажмига эришганларида бу иқтисодий муносабат ҳисобланади. Агар касабга уюшмалари ишчилар номидан давлат олдида бу тўловчи мамлакатдаги ҳамма қайта ишлаш корхоналарига жорий этиш ташаббуси билан чиқса, давлат ҳокимиятидан фойдаланиб уни қонунлаштирилса бу энди сиёсий муносабатлар соҳасига кирилади.

Демак, Сиёсий муносабатлар ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олади, негаки барча соҳалар ижтимоий бошқарув ва ҳокимият билан ўзаро таъсирда бўлади.

Энди эътиборни сиёсат тушунчасини изоҳлашга қаратамиз. Машхур немис социологи Макс Вебер “Ким сиёсат билан шуғулланса, у ҳокимиятга интилади” деган экан.

Сиёсат – халқаро майдонда кенг тарқалган сермазмун тушунчалардан бири. Ҳозирда сиёсатни аниқлашнинг ўнлаб бир-биридан фарқли бўлсада ҳанузгача фанда хилма-хил таснифлари мавжуд. Ушбу категориянинг умум эътироф этилган таърифи йўқ.

Сиёсат (грекча политика) давлат ва ижтимоий ишлар, одамлар, ижтимоий гуруҳлар, синфлар, партиялар, миллатлар ва давлатлар ўртасидаги ҳукуматли муносабатлар билан боғланган фаолият соҳасидир.

М.Вебер ушбу тушунчани аниқлашга уринар экан, сиёсат мустақил бошқаришга асосланган фаолиятининг барча турларини ўз ичига олишини кўрсатиб ўтади. Давлатнинг ички ва ташқи сиёсати, банкларнинг валюта сиёсати, касабга уюшмалари сиёсати, маданий

сиёсат, бюджет ва корпорациялар сиёсати ҳақида шундай гапирилади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Сиёсий ҳокимият соҳаси ҳақида гап кетганда сиёсат сўзи тор маъноли моҳиятни назарда тутади. Таъкидлаш лозимки “Сиёсат” сўзининг келиб чиқиши ҳокимиятли соҳага қаратилган: политика грекча сўзни англатиб давлатни бошқариш санъати, давлат ва ижтимоий ишлар маъносини англатади.

Шунинг учун ҳам М.Вебер сиёсатни хоҳ давлатлар ўртасида бўлмасин, хоҳ давлат ичидаги гуруҳлар ўртасида бўлмасин ҳокимиятни тақсимлашга таъсир кўрсатиш сифатида таснифлайди..

Бошқача айтганда, сиёсат инсон фаолиятининг ўзига хос формаси бўлиб, унинг чегарасида одамлар ўзларининг ҳаётий муаммоларини сиёсий ҳокимият механизми ёрдамида ҳал этадилар. Сиёсат субъекти бўлиб алоҳида сиёсий етакчилар ва оддий фуқаролар, шунингдек сиёсий элита, партиялар, ташкилотлар, институтлар, давлат ва халқаро ташкилотлар бўлиши мумкин.

Ҳозирги замон жамиятида муаммоларни ҳал этишда сиёсатни етакчи роль ўйнаши ҳақида мутафаккирлар ўзларининг асарларида бир неча бор таъкидлаганлар. Француз философи, социолог ва политолог Раймон Ароннинг таъкидлашича, сиёсат инсоний фаолиятнинг бошқа туридан шу жумладан иқтисодиётдан устунлиги шу билан изоҳланадики, сиёсат инсон мавжудлигининг мазмун моҳиятини ташкил этади.

Англиялик политолог ва социолог Карл Поппер ўзининг, “Очик жамият ва унинг душманлари” асарида Политологияни сиёсат ҳақидаги жиддий фан эканлигини асослаб беради. Айнан сиёсат ҳозирги даврда иқтисодий куч-қудратни, барча ижтимоий, маданий ва ҳарбий дастурларни назорат этади. Сиёсий ҳокимият ва унга хос бўлган назорат услуги, - дейди К.Пеппер, - жамият ҳаётининг асосидир. Айнан сиёсий дастурлар жамиятининг иқтисодий ожиз аъзоларини химоя қилишга, эксплуатацияни чеклаш, ишсизлар сонини камайтириш, миллий маданиятни қўллаб-қувватлаш, экологияни химоя қилишга қодир.

Шундай қилиб сиёсат инсоният яшаши учун зарур бўлган муаммоларни ҳал этишда асосий ролни ўйнади. Шунинг учун ҳам бу тушунча қандай илмий мазмунни ўз ичига олишини аниқлаш зарур.

Ҳозирги замон сиёсий фанида сиёсат институционал, меъёрий, процессуал даражаларда шарҳланади. Сиёсатнинг институционал ўлчови асосий сиёсий институтлар бўлган конституция, ҳокимиятни тақсимлаш тизими, ҳуқуқий тартибот сайлов ва партиявий тизим билан аниқланади.

Сиёсатнинг норматив ёки мазмуний ўлчови унинг мақсад ва вазифаларига боғлиқ. Ҳозирги замон демократик давлатларида сиёсий фикрлар хилма-хиллиги шароитида сиёсий партиялар кўпинча қарама-қарши мақсадларни қўзлайди, қайсики ихтилофли қарама-қарши, қўқиррали ҳолатга олиб келади.

Сиёсат – бу мавжуд бўлган санъатдир – деган сўзни қачонлардир Бисмарк пайқаган ва бу ибора тезда дунё бўйлаб қанот боғлаган. Ҳақиқатдан ҳам сиёсат қилиши мумкин бўлмаган ҳолатда санъат сиёсатни ўрнини тўлдиради: сиёсий келишув санъати, устамонлик санъати деганда ўз ифодасини топади.

Амалиётдаги сиёсатчи ўйлаб қўйилган сиёсий йўлни ҳаётга жорий этиш учун нозик сезги ва юқори маҳоратга эга бўлиш зарур.

Илмий адабиётларда сиёсатнинг турли жиҳатлари ва унинг таркибий қисмлари ажратилади. Сиёсий тақсимодининг кенг бўлинган кўринишлари – бу ундаги шаклнинг мазмун ва жараённинг чегараланганлигидир.

Сиёсат шакли – бу турғунлик, барқарорликни таъминловчи ва одамларнинг сиёсий ҳуқ-атворини тартибга солишга имконият берадиган, унинг ташкилий тузилма, институтларидир.

Сиёсат шакли давлатда, партия ва гуруҳлар манфаатлари шунингдек қонунларда, сиёсий ва ҳуқуқий нормаларда мужассамлашади.

Сиёсатнинг мазмуни унинг мақсади, қадриятлари ва муаммоларида ифодаланади ва улар мавзуи, тизими ва қабул қилинган қарорлари орқали ечилади.

Сиёсий жараёнда турли социал гуруҳлар, ташкилотлар ва индивидлар кўринишидаги муносабатларда мураккаб, кўп қиррали ва ихтилофли хусусиятга эга бўлган сиёсий фаолият ўз аксини топади.

Сиёсатда асосий таркибий қисмларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

1.Сиёсий онг, менталитет, қадриятли йўналиш ва индивидлар кўрсатмаси шунингдек сиёсий қарашлар ва назариялар;

2.Норматив ғоялар: дастурлар, сиёсий партияларнинг сайлов олди платформаси, гуруҳ манфаатларини ифодоловчи мақсадли кўрсатмалар, сиёсий-ҳуқуқий нормалар;

3.Ҳокимият институтлари ва унинг учун кураш;

4.Ҳукмронлик муносабатлари – ҳукмронлик ва бўйсунуш, шунингдек сиёсий кураш ва ҳамкорлик.

Сиёсатнинг таркибий қисмлари: Сиёсий қарашлар, ғоялар, назариялар, дастурлар, қадриятли йўналишлар, кўрсатмалар, андозалар ва бошқалар, одатлар ва қадриятлар, ҳуқ-атвор намуналари, жамоатчилик фикри, ўзига хос сиёсий тил, одамлар психологияси, давлат, партия, гуруҳлар манфаатлари ва ҳаракатлар, қонунлар, инсон ҳуқуқлари ва бошқа ҳуқуқий нормалар, сиёсий етакчилик муносабатлари, элита, гуруҳлар ва ҳоказолар ҳисобланади.

Сиёсатнинг асосий қисмлари ва бўлақларидан ташқари сиёсатга амал қилишнинг даражалари кўрсатиб ўтилади.

Мисол тариқасида Ю.Гулановнинг сиёсатининг тўрт даражасига эга қарашларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

1. Қуйи даража маҳаллий муаммоларни ҳал этиш (уй-жой шароити, мактаб, жамоатчилик транспорти ва ҳ.к.). Бу даражадаги сиёсий фаолият асосан индивидлар томонидан амалга оширилади, шунингдек бир қисм масалалар маҳаллий ассоциациялар томонидан ҳал этилиши мумкин.

2. Маҳаллий даража давлатнинг аралашуви талаб этилади. Актив сиёсий фаолият, гуруҳлар, ассоциациялар минтақани иқтисодий ривожлантиришдан манфаатдор бўлганлар томонидан амалга оширилади.

3. Миллий даража сиёсат назариясида марказий ўринлардан бирини ташкил этади ва ресурсларни тақсимловчи асосий институт бўлган давлатнинг мавқеи билан белгиланади.

4. Халқаро даража, унда сиёсий фаолиятнинг асосий субъекти миллий давлат ҳисобланади.

Сиёсатнинг хусусияти қуйидагилардан иборат:

1. У ўзида жўшқин фаолликни сақлайди. Биринчи навбатда у ёки бу ижтимоий субъектларнинг сиёсий эътиёжлари ва манфаатларини қондиришга йўналтирилган сиёсий фаолиятни олиб бориш сифатида чиқади.

2. Сиёсат қоидага кўра икки кўринишда намоён бўлади. Обьектив ва субъектив. Сиёсатнинг объектив томони – бу одамларнинг онги иродасига боғлиқ бўлмаган сиёсий фаолият. Сиёсатнинг субъектив томони (сиёсий онг) – сиёсий характери касб этган назариялар йиғиндиси, ғоялар, қарашлар, концепциялар, нуқтаи назарлар ва ҳ.к.

3. Сиёсат – бу катта ва кичик ижтимоий гуруҳлар ва сиёсий партиялар ўртасидаги муносабатларни назарда тутган фаолият соҳаси. Ўз манфаатларини қондириш мақсадида улар сиёсий ҳокимият, сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар масаласида ўзаро муносабатга киришадилар. Ушбу муносабатлар доирасида синфлар, миллатлар, ижтимоий гуруҳлар, сиёсий партиялар ва алоҳида шахсларнинг сиёсий манфаатлари юзага келади. Сиёсий муносабатларни тартибга солиш талаб этилади, бусиз сиёсий жараёнларни, бир бутун ҳолда жамиятни барқарор ва изчил ривожлантириш мумкин эмас.

4. Сиёсатнинг муҳим хусусиятларидан бири – бу сиёсий ҳокимиятни сақлаб туриш ва мустаҳкамлаш, ёки ҳокимиятни қўлга киритиш, ҳокимиятли ваколатга эга бўлиш йўлида сиёсат субъектларининг фаолияти.

Сиёсатнинг асосий функциялари:

1. Мураккаб социал тузилма бўлган жамият яхлитлигини таъминлаш ва мустахкамлаш, ижтимоий тартиб ва уюшқоқликни таъминлаш. Жамият ва унинг субъектларининг мақсадларини белгилаш, оммани ва ресурсларни мақсадга эришишга сафарбар этиш;

2. Камёб кадриятлар ва бойликларни ҳамма учун тақсимлашнинг мажбурий эканлиги;

3. Гуруҳий ихтилофларни бартараф этиш ва тартибга солиш.

Демак, сиёсат деганимизда биз давлат ҳокимияти, ишларида қатнашиб, унинг фаолиятини йўналтириб туришга, у ёки бу даражага таъсир ўтказа олиш, давлат ҳокимияти фаолиятининг шакллари, бурч-вазифалари ва туб мазмунини белгилаб беришда у ёки бу тарзда иштирок этишни англаймиз.

Сиёсат – давлатни бошқариш санъати. Сиёсат турли ижтимоий-сиёсий институтлар, ижтимоий қатламлар, табақа ва гуруҳлар ўртасидаги муносабатлар билан боғлиқ. Унинг моҳиятини давлат ҳокимияти шакллари, уни амалга ошириш ва бошқариш ташкил этади.

Сиёсат кенг маънода жамиятларнинг сиёсий тизими, сиёсий ҳаёти, давлат ҳокимияти, унинг ички ва ташқи фаолияти, сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатларнинг ҳокимиятга муносабати, уни бошқаришда сиёсий манфаатларни амалга оширишнинг устивор йўналишларини ўзида ифода этади.

Шунга кўра адолатли ва адолатсиз, холис ва нохолис, инсонпарвар ёки инсон манфаатларига зид, демократик ва авторитар сиёсат кўринишларини бошқарувда кузатиш мумкин.

Қадимда сиёсатга жамият ва шаҳар-давлат (полис)ни бошқариш тўғрисидаги фан (Платон ва Аристотель) сифатида қаралган бўлса, ҳозирги вақтда сиёсат деганда давлатни бошқаришнинг вазифа ва мақсадлари ҳамда у мақсадларни амалга ошириш учун мавжуд ёки зарур бўладиган ижтимоий-сиёсий институтлар, жамоат бошқарувидаги иштироки тушунилади.

3.2. Сиёсий жараён тушунчаси, хусусияти ва мазмуни.

Унда сиёсий институтларнинг иштироки.

“Сиёсий жараён” тушунчаси политологияга оид адабиётларда турлича талқин этилади. Бу ўринда у “Сиёсат” категорияси билан бир маънода қўлланса, бошқа адабиётларда сиёсий ҳаётни характерловчи категория сифатида таҳлил этилади. Ғарб политологиясида сиёсий жараён индивидлар, гуруҳлар, уларнинг маданиятлари муносабати тарзида ифодаланади.

Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида жараён тушунчаси бирон нарсанинг ривожланишида ҳодиса, ҳаракатларнинг бирин-кетин алмашуви сифатида талқин этилади.

Ҳозирги вақтда “Сиёсий жараён” категорияси кўпроқ авторитаризмдан демократияга ўтаётган жамиятлардаги ривожланиш хусусиятларини акс эттириш учун қўлланилади.

Сиёсий ҳаётнинг муҳим таркибий қисми барча сиёсат субъектлари фаолиятининг йиғиндиси – сиёсий жараёндир. Сиёсий жараённи ўрганиш, баҳолаш, тизимини аниқлаш учун ходисаларнинг қандайдир изчиллигини англаш зарур. Ходисалар қисмларининг боғланиш тартибини, бир-бирига ўхшаш вазиятларни фарқлаш, вазиятни (ҳамкорлик, келишув, конфликт, кураш ва ҳ.к.) билиш зарур.

Ягона сиёсий жараён қуйидаги босқичга бўлинади:

1. Сиёсий тизимнинг қонунийлашуви бир вақтда ва доимий бўлиб, амалга ошиш вазифалари, усуллари кўпдир. Сиёсий тизимни тан олиш жараёни фаол ёки пассив, очиқ ва яширин, ихтиёрий ва мажбурий, англаш ва англалмаган бўлиши мумкин.

2. Сиёсий тизим белгилари ва таркибий қисмларини қайта ишлаб чиқиш – тизимнинг қарор топган унсурларини такрорлаш, уларнинг шаклан ўзгариши ва янгиланиши. Бунда ворислик билан бирга янги хусусиятлар ҳам бўлади.

3. Сиёсий бошқарув қарорларини қабул қилиш – қайта ишлаб чиқариш дастагининг ички томони.

4. Сиёсий тизим ривожининг йўналиши ва амалга ошишини назорат қилиш – назорат илгари ўзлаштирилган шакллар (сайловлар, референдум ҳисобот, норматив ҳужжатлар) ёрдамида амалга ошади.

Сиёсий жараёнлар – жамият сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида рўй берадиган воқеа-ҳодисалар ва ўзгаришларнинг бирлигидан иборат. Бу бирлик сиёсий муносабатлар ва уларнинг боришини ҳам ўзида ифода этади. Давлатларнинг ички ҳаёти ва халқаро сиёсий муносабатларнинг кечиши ва сиёсий жараёнларнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Сиёсий жараён тушунчаси сиёсий муносабатлар тушунчасига қараганда мазмунан кенг маънога эга. Агар сиёсий муносабатлар тушунчаси турли субъектлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ифодаласа, сиёсий жараёнлар эса, ҳам субъект, ҳам объект ўртасидаги муносабатлар ва уларнинг ҳар бирида рўй берадиган ўзгаришлар тушунилади. Аммо бунда сиёсий жараёнлар тушунчасининг таъсир кучини чеклаб қўйиш мумкин эмас, у жамиятнинг иқтисодий, маданий ва социал ҳаёт соҳалари билан боғлиқ равишда ривожланиб боради. Сиёсий жараёнларда бўладиган ўзгаришлар жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида рўй берадиган ўзгаришларга у ёки бу даражада сабаб бўлади. Масалан, сиёсий тизимнинг ислоҳ қилиниши жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида бирон-бир даражадаги ўзгаришларнинг рўй беришига сабаб бўлади. Бирон-бир мамлакатда сиёсий ҳокимиятнинг алмашилиши шу мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида амалда бўлган тартибларнинг ўзгаришига олиб келади. Янги ҳокимият мамлакатнинг сиёсий йўлини ўзгартириш, мавжуд муаммоларнинг янгича усуллар ёрдамида ҳал этишга ҳаракат қилади.

Жамият ҳаётида сиёсий жараёнлар қандай кечганлиги масаласи мутафаккирларни доимо қизиқтириб келган. Арасту ўзининг “Полития” асарида кулдорлик жамиятининг сиёсий тузилиши, унда ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг ташкил топиш хусусиятлари, хусусан, давлат тузилиши ва унинг шаклларига доир масалаларни таҳлил қилиб берган.

Ўрта аср мутафаккирларининг сиёсий қарашларида ҳам ўз даврида сиёсий жараёнлар қандай кечганлиги ҳақида фикр билдирганлар. Амир Темурнинг “Темур тузуклари” асарида марказлашган давлат қандай қилиб ташкил топгани, унда бошқариш ишлари амалга оширилганлиги, мамлакатни бошқариш каби кўплаб тадбирлар ҳақида қизиқарли маълумотлар бор.

Сиёсий жараёнлар ҳар бир мамлакатнинг ички сиёсий ҳаётида ҳамда халқаро майдонда рўй берадиган ўзгаришларни акс эттиради.

Сиёсий жараёнлар ҳар бир мамлакатда ўзига хос хусусиятлар асосида намоён бўлади. Аммо бу дегани бир мамлакатда давом этаётган сиёсий жараён бошқа мамлакатлардагидан батамом фарқ қилади деган маънони англамай. Бир мамлакатда рўй берадиган сиёсий ўзгаришлар дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам бўлиши табиий. Масалан, ҳозирги кунда Марказий Осиё мамлакатларида демократиялаш жараёнининг давом этиши, уларнинг ижтимоий ҳаётида кўп партиявийлик тизимнинг қарор топганлиги дунёнинг бошқа мамлакатларида бундан бир неча ўн йиллар аввал рўй берган, бу унинг умумий томони ҳисобланади.

Сиёсий жараёнларнинг бош манбаи ва етакчи кучи халқ оммасининг онли фаолиятидир. Агар кишилар жамиятнинг сиёсий ҳаётида фаол иштирок этмасалар сиёсий жараённинг кечиши сустлашади, сиёсий ташкилотнинг ҳар қандай фаолияти ўзининг самарали натижаларини бермайди.

Жамиятдаги ижтимоий ўзгаришлар ўз-ўзидан юзага келмайди, у одамлар томонидан мақсадга мувофиқ равишда тайёрланади, аммо жамият мақсад қилиб унга интилаётган ҳар бир янгиликни яратиш учун доимо инсон томонидан ишлаб чиқарилиши, қилиниши, ихтиро этилиши, очилиши, ўйланиши ва айтилиши керак. Қайта куриш талаб этилганидек, халқнинг ижтимоий ташаббусини юқори даражага олиб чиқиш учун ҳар бир фуқаро зарур янгиликни билиши керак ёки жавобгарликни ҳис этган ҳолда ҳаракат қилиши учун амал қилаётган

кафолатларни кенгайтириш, бундай имкониятлар, одатда инсон ҳуқуқларининг моҳиятини ташкил этади.

Сиёсий жараёнларнинг борлигини, унинг даражасини белгилаб берадиган етакчи куч сиёсатнинг хилма-хил субъектларидир. Сиёсий жараёнларда сиёсат субъектининг фаолият кўрсатиши ҳар бир мамлакатнинг сиёсий тузуми унинг тарихий-миллий шароитларига кўра турлича даражада бўлади.

Масалан, дунёнинг айрим мамлакатларида сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг жамиятнинг сиёсий ҳаётидаги мавқеи кучли бўлса, баъзиларида эса суст бўлади. Худди шундай ҳолат давлатга ҳам тегишли. Лекин шунга қарамай давлат ҳамма мамлакатларда етакчи сиёсий куч сифатида фаолият кўрсатади.

Сиёсий жараёнларда ижтимоий ва оммавий жамоат ташкилотлари ҳам фаол қатнашадилар. Жамият сиёсий ҳаётида бу ташкилотлар у ёки бу даражада фаоллик кўрсатадилар.

Дунёнинг барча мамлакатларида сиёсий партиялар, ижтимоий ва оммавий ташкилотлар, нодавлат, нотижорат ташкилотларининг жамият сиёсий ҳаётидаги роли турличадир.

Ҳозирги замон политологлари ва социологлари А.Таквил қолдирган меросдан келиб чиқиб, АҚШ ва Европадаги сиёсий ташкилотлар табиатидаги фарқланишларни кўрсатар эканлар, турли мамлакатлар ва минтақалар фуқаролари ихтиёрий ташкилотлар фаолиятига турлича тарзда жалб қилинишини таъкидламоқдалар. Масалан, АҚШда уларни “иштирокчилар миллати” деб атасалар, баъзи Европа мамлакатларида (мисол учун, Франция ва Италияда) хусусан Японияда нодавлат ташкилотларга фуқароларни жалб қилиниш қўлами анча торлиги сезилмоқда.

Бу ҳолат мазкур мамлакатларда фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асослари бир қадар чекланганлиги натижасида содир бўлмоқда. Масалан, Италияда фуқаролар уюшмалари фаолият кўрсатадиган ҳуқуқий кенгликларнинг ноизчиллиги сезилмоқда. Бинобарин, фуқароларнинг ихтиёрий ташкилотлари жамиятнинг самарали омиллари бўлиши учун давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланмаганлиги боис ихтиёрий уюшмалар ўз зиммаларига масъулиятни олмаяптилар. Оқибатда давлат анъанавий тарзда ҳокимиятнинг барча жабҳаларида устивор ўринни эгалламоқда.

Лекин Японияда кейинги ўн йилликда нодавлат ташкилотларини ривожлантиришга муҳим аҳамият берилди. Айниқса хайрия ташкилотлари уюшмасини ташкил этилиши билан мамлакатда фуқаролик жамиятини янада ривожлантиришда янги имкониятлар барпо этилди.

3.3. Ўзбекистондаги сиёсий жараёнларнинг ўзига хослиги.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, сиёсий жараёнларнинг асосий етакчи кучи, халқ оммасининг сиёсий онгининг етуклиги, ижтимоий ва оммавий ташкилотлар, сиёсий партиялар, нодавлат, нотижорат ташкилотларининг актив ҳаракати, давлатнинг ислохатчилик роли ва фаол сиёсат олиб бориши билан характерланади.

Жамиятни янгилаш барча имкониятлардан тўла фойдаланиш, мамлакат ичидаги барча захираларни ишга солиш орқалигина эришилади, ҳал қилувчи заҳира одамнинг ўзида жойлашган бўлиб, унинг онглилиги, саранжом-саришта ва ташаббускорлиги, ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдаланишига қобиллиги, интизом талабларини виждонан бажарилиши энг асосий ҳисобланади. Халқнинг ўз-ўзини бошқаришни чуқурлаштиришга қарата йўл тутиш демократияни фаоллаштиради. Ўз-ўзини бошқариш – бу ўз-ўзини ифодалашнинг янги формаларини мунтазам ишлаш жараёнидир. Шу шароитда одамларнинг онги ва иродасини тарбиялаш, унинг табиий истеъдодини силлиқлаштириши, ақл-заковатини ривожлантириш учун йўл очиши лозим. Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва ривожлантириш соҳасида қилинаётган ишлар жамиятни янгилаш, сиёсий ва ҳуқуқий тизимни ривожлантириш зарур. Сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар тизимини кучайтириш демократизимнинг муҳим жиҳати ҳисобланади ва бу фақат ички нуктаи

назаридангина эмас, шунингдек ташқи жиҳатдан ҳам бизнинг муносабатларимизнинг шаклланишига, давлатимизнинг халқаро майдонда обрў-эътиборининг ортишига ҳам хизмат қилади.

Ҳозирда меҳнаткашларнинг сиёсий фаоллиги ошганлиги, улар сиёсий етук, тажрибали, ташаббускор бўлиб қолганликлари мустақиллик берган буюк неъмат деб қараш мумкин. Кўп одамлар ҳозирги вақтда, демократия ва ошкоралик шароитида ўзининг шахсий қобилият бойлигига эга бўлса сиёсатда тўғри қарорларни топиш қанчалик осон эканлигини, бундай қарор қилиш учун билим ва юқори маданиятни эгаллаш керак эканлигини, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ислоҳатларни амалга оширишда ҳамма фуқаролар зиммасига катта масъулият юкланганлигини хис этмоқдалар.

Давлат ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий тараққиётида фуқароларнинг ижтимоий бирлашмалари – жамоат ташкилотларининг роли катта. Оммавий ташкилотлар хатти-ҳаракатлари қанчалик фаол ва таъсирган бўлса, жамият аъзоларининг, фуқароларнинг ислоҳатлар жараёнидаги бевосита иштироки ҳам шунча ортади.

Шу боисдан ноҳукумат ташкилотларини Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилиши тамойилларига мос равишда янада такомиллаштириш, уларнинг ислоҳатлардаги ва умуммиллий масалаларни ҳал этишдаги, фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий фаоллигини оширишдаги иштирокини кучайтириш устивор вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистондаги мавжуд оммавий ташкилотлар фаолият кўлами ва йўналишига кўра жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган. (Хайрия, ижтимоий-иқтисодий, инсон ҳуқуқлари ҳимояси, спорт, экология, маданий-маърифий, касаба уюшмалари ва бошқалар).

Жамоат ташкилотлари ўз мақсад ва вазифаларига мувофиқ равишда республикада ўтказилаётган кенг қўламли ислоҳатларга муносиб хисса қўшиб келмоқдалар. Масалан: атроф-муҳит муҳофазасида “Экосан”, эҳтиёжманд кишиларга ва ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатишда “Навруз” жамғармаси, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизлар жамият ҳаётидаги фаоллигини оширишга хотин-қизлар кўмиталари, меҳнаткашларнинг қонуний манфаатларини ифода этишда касаба уюшмалари, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлашда “Истеъдод” жамғармаси фаолиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин.

Аҳолининг сиёсий маданиятини ошириш, сиёсий жараёнларга жўшқинликни баҳшида этиш, жамиятда кўп партиявийлик тизимини шакллантириш ва унинг фаолиятини чуқурлаштириш билан ҳам белгиланади. Айни пайтда мамлакатимизда “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”, “Сиёсий партиялар тўғрисида” қонунлар амал қилмоқда. Ҳозир ана шу қонунлар доирасида мамлакатимизда тўртта сиёсий партия, халқ бирлиги ҳаракати, касаба уюшмалари, жами икки юздан ортиқ жамоат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда.

Президент ва Олий Мажлис қуйи ва юқори палаталари учун ўтказилган сайловларнинг нечоғлик юксак савияда ўтказилганлиги демократик тамойиллар ҳаётимизга қанчалик кириб келётганлиги, аҳолининг сиёсий савияси нечоғлик юксалаётганлигини бутун дунёга намойиш этди.

Хеч шубҳа йўқки жамиятимиз тараққиётининг бундан буёнги босқичида демократия янада чуқурлашади, фуқароларнинг ижтимоий онги теранлашади. Жойларда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари иши бевосита барча фуқароларнинг иштироки асосида такомиллашиб бораверади. Натижада фуқаро ва жамият ўртасидаги боғлиқлик кучаяди. Одамлар ўзларини жамиятнинг муҳим, йўналтирувчи кучи эканлигини чуқурроқ англай бошлайдилар. Уларнинг дунёқараши, мақсад ва интилишлари бевосита жамият истиқболини белгилайди. Унинг келажагидан башорат беради. Ана шу қарашлардан келиб чиқиб Президент И.А.Каримов Ўзбекистонда ислоҳатлар муқаррар тус олганлигини, энди уларни ортга қайтариб бўлмаслигини қатъий ишонч билан айтади. “Энг асосийси ва энг муҳими, юртимизда яшаётган одамлар, уларнинг тафаккури, ҳаётга, ўз атрофида юз бераётган барча воқеаларга бўлган муносабати ўзгармоқда. Авваламбор, кишиларнинг онгини, ҳаёт тарзини шакллантирадиган ижтимоий муносабатлар бутунлай янгича маъно-мазмун касб этмоқда.

Мулқдор ва тадбиркорларнинг, кичик ва ўрта бизнес эгаларининг нуфузи ва таъсири кун сайин ортмоқда”.¹

Демак, Ўзбекистонда кечаётган сиёсий жараён сиёсий муносабатлар субъектлари барча фаолиятининг йиғиндиси, сиёсий тизимни шаклланиши, ўзгариши, янгиланиши каби жараёнларни ўз ичига олган ҳолда чуқурлашиб бормоқда.

Қисқача хулосалар.

Сиёсий ҳаёт ижтимоий-сиёсий манфаатларни амалга ошириш билан боғлиқ барча жараёнларни ўз ичига олади. Сиёсий муносабатлар, яъни кишилар, уларнинг бирликлари, ташкилот ва бирлашмалари ўртасидаги ҳокимият ва ижтимоий бошқариш билан боғлиқ муносабатлар сиёсий ҳаётнинг моҳиятини ташкил қилади.

Сиёсий муносабатлар ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олади, негаки барча соҳалар ижтимоий бошқарув ва ҳокимият билан ўзаро таъсирда бўлади. Демак сиёсий ҳаёт сиёсий муносабатларнинг жами экан, комплекс, кўп томонлама тушунча сифатида кўп унсурларни ўзида бирлаштиради.

Сиёсатнинг ўнлаб талқинлари бўлиб, энг умумий тарзда кишилар ва улар гуруҳларининг манфаатлари асосида ҳокимиятга ёндашув, жамият учун мажбурий қарорларни ишлаб чиқиш учун кураш ва уни амалга ошириш жараёни дейиш мумкин.

Сиёсий жараёнлар жамият сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида рўй берадиган воқеа-ҳодисалар ва ўзгаришларнинг бирлигидан иборат.

Демократик жараёнларни ҳаётга жорий этилишида давлатнинг ислохатчилик роли сиёсий жараёнларнинг хусусиятларидан биридир. Ҳозирда кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёни жадаллашмоқда.

Таянч сўзлар.

Сиёсат, сиёсий ҳаёт, сиёсий муносабатлар, сиёсат субъекти, сиёсат объекти, сиёсат турлари, сиёсат юритиш воситалари, усуллари, сиёсий жараён, сиёсий жараён босқичлари, сиёсий жараён субъектлари.

Назорат ва муҳокама учун саволлар.

1. Фан ва санъат сифатида сиёсатнинг аҳамияти нимада?
2. Нима учун сиёсатни имкониятлар санъати деб атайдилар?
3. Ҳозирда сиёсий муносабатларнинг асосий иштирокчилари кимлар?
4. Сиёсий ҳаёт нима, унинг ўзига хос моҳияти ва аҳамияти нимада?
5. Сиёсий жараён нима, сиз уни қандай изоҳлайсиз?
6. Сиёсий жараён ва сиёсий тизим ўртасида қандай фарқ бор?
7. Сиёсатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрни қандай?
8. Ўзбекистонда сиёсий жараёнлар қандай кечмоқда, унинг ўзига хос хусусиятлари нимада деб хисоблайсиз?

Адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. “Ўзбекистон”, 2009. 3-35 б.

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари Т. “Ўзбекистон” 2002. 78-б.

2. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократиялаш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т. “Ўзбекистон”, 2005 – 96 б.
3. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. “Халқ сўзи”, 2008 йил 6 декабрь.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т. “Маънавият”, 2008, 171-173-б.
5. Х.Т.Одилқориев, Д.Х.Раззақов. Сиёсатшунослик. “Ўқитувчи” нашриёти. Т. 2005. 106-130-б.
6. Г.Н.Смирнов ва бошқалар. Политология. М. 2006, 153-167-б.
7. Алиев Б., Хошимов Т. ва бошқалар. Политология ўқув қўлланма. Т. 2006, 114-139 б.
8. Алиев Б., Бобоев А. “Политология” фани бўйича таълим технологияси. Т. ТДИУ, 2006. 81-87 б.

4-МАВЗУ: СИЁСИЙ ТИЗИМ.

4.1. Сиёсий тизим тушунчаси. Сиёсий тизим элементлари.

Жамият сиёсий тизими хилма-хил ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини ифода этиб, улар бевосита ёки ўзларининг ташкилотлари орқали сиёсий ҳокимиятга таъсир кўрсатади. Бу манфаатлар эътироф этилса сиёсий-бошқарув тузилмаси ёрдамида сиёсий жараёнлар орқали, сиёсий қарорларни қабул қилиш ва амалга ошириш рўёбга чиқарилди.

Сиёсий тизимнинг аҳамияти, уни ўрганишнинг мақсадга мувофиқлиги шундан иборатки, бу ерда жамият ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётининг томири жойлашган бўлиб, айнан шу ерда турли ижтимоий кучларнинг тўқнашуви ва ўзаро келишуви орқали жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларига таъсир кўрсатишга қодир бўлган қарорлар қабул қилинади.

Сиёсий тизим ўзида зарурий механизмни ифода этиб, фақат унинг ёрдамида халқнинг суверенитети ва халқ ҳокимиятчилиги амалга оширилади. Айрим ҳолларда амалиётда халқ ваколатлиги функциясини айрим сиёсий гуруҳлар ёки арбоблар, партиялар ва ҳаракатлар ўзлаштиридилар. Бу ҳолда ҳокимият ҳақиқий эгаларидан бегоналашади. Турли ташкилотларни, муносабат ва қоидаларни англаб етиш орқали демократик бошқарувнинг таъминланиши муҳим назарий ва сиёсий аҳамиятга эга.

Ҳар қандай жамиятнинг сиёсий тизими маълум дастакнинг мавжудлиги билан характерланиб, у барқарорлик ва ҳаётийликни бағишлайди. Ушбу дастаклар ёрдамида ижтимоий зиддиятлар ва ихтилофлар бартараф этилади, турли ижтимоий гуруҳлар, ташкилотлар ва ҳаракатлар интилишлари мувофиқлаштирилади, ижтимоий муносабатлар уйғунлаштирилади, асосий қадриятлар, мақсад ва ижтимоий ривожланиш йўналишларида келишувга эришилади.

Ушбу дастакка суянган ҳолда жамият ёки ҳукмрон элита ёт ижтимоий кучларга қаршилиқ кўрсатади, ижтимоий тузум асослари ва принципларига қарши ҳужумларини бартараф этади. Шунинг учун сиёсий саводхон, ижтимоий фаол шахс жамият сиёсий тизими нимани англатади ва қандай амал қилади, унинг ташки бўлаклари ва яширин аломатлари қандай эканлигини, унинг жўшқинлигига таъсир кўрсатувчи ҳақиқий омиллар нималардан иборат эканлигини билиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, жамият сиёсий тизими – бу давлатни бошқариш дастаги бўлиб, унинг ёрдамида маълум бир синф, ижтимоий гуруҳ-қатлам, миллатнинг манфаатларини рўёбга чиқариш мақсадида сиёсий ҳокимият амалга оширилади.

У давлат муассасалари, сиёсий партиялар, ижтимоий ташкилотлар, уларнинг жамият билан қарор топган фаолият механизмлари, ўзаро таъсири ва алоқаси ҳақидаги мураккаб муносабатлар мажмуасидир.

Сиёсий тизимнинг аломатлари. Сиёсий тизим — бу қоидалар, қадриятлар, институтлар, ташкилотларнинг амал қилиши ва сиёсий ҳокимиятни қўллаш билан боғлиқ муносабатлар йиғиндисидир.

Сиёсий тизимни шакллантириш сиёсий муносабатлар орқали қатор муҳим функцияларни ўзлаштириш билан боғлиқ.

Биринчидан, сиёсий ҳаёт турли бўлақларининг барқарор бир-бирига боғлиқлиги. Агар бундай ўзаро боғлиқлик бўлмас экан қарама-қарши вазият юзага келишига жамиятни таркибий қисмларга ажратишига олиб келади.

Иккинчидан, сиёсий муносабатларни тартибга солинганлиги, барқарорлик ва ривожланишни таъминлашга қаратилган энг мақбул вазиятнинг мавжудлиги.

Учинчидан, сиёсий тизим маданий асосга эга: бу қадриятлар бирлиги, сиёсий рамзлар мажмуи, эътиқод, сиёсий бирлик томонидан қабул қилинган қоидалар.

Тўртинчидан, сиёсий система ва унинг барча элементларига бир вақтда муносабат билдириш. Бу у ёки бу муаммони тезликда биргаликда ҳал қилишга ёрдам беради.

Сиёсий тизимнинг тузилиши:

- Институциявий — уни давлат, сиёсий ташкилотлар ва улар ўртасидаги муносабатлар ташкил этади.

- Тартибга солувчи — бу соҳага хос бўлган сиёсий ва бошқа қоида, анъаналар киради.

- Амал қилиш — Сиёсий фаолият усуллари, сиёсатда қўйилган мақсадга эришиш.

- Маънавий — сиёсий онгнинг асосий бўлақлари ташкил этади: Мафкура ва психология.

Сиёсий тизимнинг функциялари. Булар қаторига қуйидагилар киради:

- Жамиятни интеграциялаш, унинг тузилмаларини ташкил этган турли таркибий қисмлари ўзаро алоқа ва бирликни таъминлаш.

- Сиёсий жараёнларни тартибга солиш.

Адабиётларда яна шундай функциялар кўрсатилади: ижтимоий захираларни ишга солиш, ҳокимиятни легитимлаштириш, сиёсий раҳбар билан ифодалаш, одамларнинг сиёсатдаги фаолиятини шакллантиришга қаратилган ишорлар, қоидалар, рамзлар ва ҳ.к.

Сиёсий тизимнинг самарадорлиги. Самарали фаолият кўрсатаётган сиёсий ҳокимият сиёсий тизимнинг барқарор ривожланишини таъминлаши керак. Бундай вазиятни бўлмаслиги сиёсий тизимда кўплаб нохуш ҳолатларни келтириб чиқаради. Сиёсий тизимнинг самарали фаолиятини таъминловчи омиллар.

- Ҳаракат дастурини аниқлашга хизмат қиладиган ахборотнинг тўла ва сифатли эканлиги.

- Тизимнинг ташқи муҳитга таъсирининг тезкорлиги. Унга ўз вақтида ва тезкор жавоб бермаслик унинг самарадорлигини пасайтиради, инқирозли ҳолатнинг юзага келиш аломатларини англатади.

- Жамоавий фаолият натижаси, ҳамда илгари сурилган мақсад ўртасида фарқ қанча оз бўлса, демек сиёсий тизим шунчалар самарали ҳаракат қиладди.

Сиёсий тизим турлари. Сиёсий тизимнинг хилма-хил турлари ҳақида гапириш мумкин. Албатта сиёсий ҳаётни ташкил этиш усуллари ўртасида фарқ бўлганидек сиёсий тизимни турлари ҳам хилма-хил бўлади. Бошқарув усулидаги ҳокимликка ва сиёсий қарама-қаршиликларни ҳал этишга қараб уларни қуйидагиларга бўлиш мумкин.

- ҳукмронлик, мажбурлаш, куч ишлитишга йўналтирилган бошқарув.

- мусобақали, турли сиёсий ва ижтимоий кучларнинг қарама-қарши туриши ва қаршилиқ кўрсатиш учун асос бўлган етакчиликнинг мавжудлиги.
- социал мурасозлик, социал келишув ва ихтилофларни бартараф этишга йўналтирилган.
- ибтидоий (ролларнинг ва патриархал маданиятнинг энг кам даражалаш).
- анъанавий (юқори бўлмаган ҳукуматли табақалаш ва феодал давлатларига хос суфт фуқаролик маданияти).
- замонавий (давлат инфра тузилмаси ва нодавлат институтларнинг ҳамда сиёсатда катнашувнинг табақалаштирилганлиги).

Сиёсий тартибот – сиёсий тизимни амал қилиш ва ривожланишни таъминловчи шароитлар мажмуаси:

- унинг асосий вазифаси ва қадриятларини изчиллик билан амалга оширилиши.
- бошқарув тизими бўлақларининг уйғунликдаги ҳаракати.
- хавфсизлик барча жиҳатларининг самарали кафолати ва сақлаб туришнинг воситалари: харбий, ҳуқуқий, экологик, технологик, иқтисодий.
- фавқулодда вазиятда жамиятни юқори даражадаги мустақиллигини таъминлаш.

Сиёсий тараққиёт. Сиёсий тизимга берилган объектив баҳонинг мезони иккига бўлинади: ички ва ташқи.

- Сиёсий муносабатлар характериға боғлиқ бўлмаган, аммо унинг мезонларини, самарадорлигини, сиёсий тизим ҳаётининг давомийлигини, моддий фаровонлик, иқтисодий ўсиш, тенгсизлик даражасини кўрсатувчи омиллар.

Сиёсий тизим ривожланиш даражасини кўрсатувчи ички ҳоллар:

Биринчидан, сиёсий тизимнинг тузилмавий даражаси, функцияларининг хилма-хиллиги.

Иккинчидан, сиёсий фаолиятни рағбатлантиришнинг характери.

Учинчидан, хусусий ҳолатни кўр-кўрона эмас балки аниқ, танқидий баҳолашга қаратилган қобилият.

Тўртинчидан, сиёсий функцияларни амалга ошувининг рационаллашуви, билимлар ролини ортиши.

Сиёсий тизимнинг ривожланиш қонунлари – бу жамият ҳаётининг турли босқичларида сиёсий воқелик жўшқинлигини ва моҳиятли бирлигини характерловчи объектив, барқарор, такрорланувчи алоқалардир.

Фан томонидан ишлаб чиқилган умумий мезонлар сиёсий қонунларни туркумларга ажратиш имконини беради. Шунга биноан қуйидаги қонунларни ажратиш кўрсатиш мумкин. Булар, умум тарихий қонуниятлар инсоният сиёсий тарихи чегарасида амал қилиб сиёсий ҳаракат шакллариининг ўтмиши, ҳозир ва келажагини ифодалайди.

2. Формациялараро қонуниятлар бир ёки бир нечта формацияларға хос. Масалан, сиёсий тизимнинг ҳамма шакллариға социал синфий, миллий, иркий тўқнашувлар ва бир турдаги тизимдан бошқасига социал революциялар орқали ўтишға хос.

3. Бир ижтимоий – иқтисодий формация доирасида амал қилувчи қонуниятлар – бир турдаги барқарор алоқаға эға сиёсий тизим.

4. Планетар характерға эға бўлган сиёсий тизимлар. Маълум тарихий вақт оралиғига тегишли. Масалан, ядровий хавф мавжуд бўлган даврда икки қарама-қарши сиёсий тизимларнинг тинч-тотув яшаш сиёсати ва бошқалар.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.Каримов ўзининг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” асарида уқтириб ўтганидек 1991 йил 31 августда юртимиз мустақил давлат деб эълон қилинди.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг янги конституцияси янги мустақил давлат ҳокимиятининг амалиёти ҳуқуқий-қонуний асосларини ўзида мужассамлаштирди.

Миллий давлат мустақиллиги эълон қилингандан ўтган вақт ичида ўзбек миллий давлатчилигининг шаклланиб қарор топиш жараёнлари тез самарали содир бўлиб бормоқда.

Давлат ҳокимияти тизимларини янгилаб ишга солиш, босқичма-босқич эски маъмурий буйруқбозлик давлат ҳокимияти тизимларини халқ ҳокимиятчилиги, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш жараёнлари билан ҳамоҳанг тарзда қайта қуриб, замонавий, давр талабларига, мустақил сиёсий фаолият олиб бориш ва мустақил сиёсат юритиш ақидаларига жавоб бера оладиган, янги давлат ҳокимияти тизимлари – сиёсий бошқарув муассасалари ва идоралари яратила бошланди.

Конституцияда акс эттирилганидек, Ўзбекистон Президентлик Республикаси кўринишидаги давлат ҳокимияти тизимига эга бўлди. Унда Президент давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи шаҳобчаси – Олий Мажлис томонидан тайинланмай, балки умумий тенг, яширин овоз бериш йўли билан сайлаб қўйилиши белгиланди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон давлат ҳокимияти тизимини кучли президентлик республикаси турига мансуб деб таърифланади. Зеро унда Президент Олий Мажлисдан мустақил мақомга эга бўлиб, ҳам давлат бошлиғи, ҳам ижро этувчи ҳукумат раҳбари лавозимлари фаолиятини бирлаштириб туради.

Янги қонун чиқарувчи давлат ҳокимияти Олий Мажлис таркибига янги Конституция асосида ўтказилган демократик сайловлар биринчи бор кўппартиявийлик асосида ўтказилди. Бу Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ҳокимиятини вужудга келтириш йўлида сиёсий фаолиятнинг энг салмоқли, энг аҳамиятли натижаси бўлди, чунки парламент фаолияти воситасида тубдан янгиланган давлат ҳокимияти тармоқларини сиёсий бошқариш тамойиллари ва йўналишларини қонуний-ҳуқуқий асарларда белгилаб бериш мумкин бўлди.

Демократик давлатларда қарор топган ва муваффақиятли амал қилиб келаётган демократик ҳуқуқий давлат тизимлари икки асосий жиҳати билан белгиланади: 1) Жамият ҳаётининг барча жабҳаларида қонун устиворлиги, қонун олдида барча фуқароларнинг истисносиз тарзда тенг баробар масъуллигидир; 2) Давлат ҳокимиятининг уч асосий шаҳобчалари қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимиятлари бир-бирига қарам бўлиб қолмаган, мустақил амал қилишидир.

Ҳозир Ўзбекистон жамиятида мавжуд бўлиб, ҳаётда амал қилаётган сиёсий тизим таркибига шундай янги моҳиятли ва юксак сифатли қисм-бўлақлар кириб бораётганлиги, энди уларнинг омилкор ва самарадор фаолият олиб боришлари учун зарур бўлган объектив ва субъектив шарт-шароитларнинг яратилишини тақазо этмоқда. Бундан асосий мақсад, бутунлай, тубдан янгиланган, мустақил Ўзбекистон Республикасининг муваффақиятли тараққиётини, тўла мустаҳкамлигини, юксак даражада раванг топиб, гуллаб-яшнашини таъминлай оладиган сиёсий тизимни вужудга келтириб, самарали амал қилишига эришишдир.

Ўзбекистон Республикаси сиёсий тизимининг моҳияти – халқ ҳокимиятчилигининг амалга оширилиш, ҳокимиятнинг халқ манфаатларига бўйсундирилганлиги билан бевосита боғлиқдир. Зеро, унинг ижтимоий базасини халқ ташкил этади. Мамлакатимиз сиёсий тизимининг мақсади Ўзбекистонда адолатли фуқаролик жамиятини вужудга келтириш; демократик ҳуқуқий давлатчиликни барпо этиш; ижтимоий сиёсий барқарорликни, миллатлар ўртасидаги тотувлик ва ҳамжиҳатликни таъминлашдан иборат. Ўзбекистон Республикасининг сиёсий тизими қуйидаги вазифаларни бажаради: Ўзбекистонда давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш; мамлакатдаги сиёсий кучларни юқоридаги мақсадлар йўлида бирлаштириш; жамиятга сиёсий раҳбарликни амалга ошириш; унда демократик принципларни қарор топтириш; бозор иқтисодиёти муносабатларини муваффақиятли ривожлантириш; миллий истиқлол мафқурасини шакллантириш ва шу асосда янги авлодни – комил инсонни тарбиялаш.

Ўзбекистон Республикаси сиёсий тизимига, биринчидан, сиёсий, иқтисодий ва ғоявий манфаатларнинг бирлиги; халқни ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишга сафарбар қилиш; иккинчидан, ўзбек халқининг миллий, маънавий ва маданий қадриятлари, тарихий мероси билан замонавий демократик қадриятлар ва принципларни ҳамоҳанг бирлаштириш ва шу йўл билан ривожланишининг маърифий даражасига эришиш каби хусусиятлар хосдир.

Мамлакатимиздаги сиёсий тизим ўз фаолиятида давлат суверенитети, инсон ҳуқуқларининг таъминланиши, конституция ва қонунларнинг устунлиги, халқ манфаатларининг биринчи ўринга қўйилиш, ижтимоий адолат ва демократия талабларига қатъий риоя этиш, ҳокимиятлар тақсимланиш принципига риоя этиш, хурфикрлилик ва кўппартиявийлик, ошкоралик ва бошқа асосий конституциявий принципларга таянади.

4.2. Сиёсий тизим ва унинг таркибий қисмлари.

Қуйида шу таркибий қисмларнинг ҳар бирига тўхталсак сиёсий тизим ҳақида яхлит, мунтазам тасаввурга эга бўламиз.

Сиёсий тизимга аввало сиёсий ҳокимиятнинг фаолият кўрсатиши билан боғлиқ бўлган сиёсий ташкилотлар, муассасалар киради. Уларнинг сиёсий ҳаётга, ҳокимиятни амалга оширишга жалб этилганлигига қараб уч турдаги ташкилотга ажратиш мумкин:

1. Асосий сиёсий ташкилотлар.
2. Асосий бўлмаган сиёсий ташкилотлар.
3. Сиёсий бўлмаган ташкилотлар.

Асосий сиёсий ташкилотлар тўғридан-тўғри ва бевосита сиёсий ҳокимиятни амалга оширадilar, ёки унга тўлиқ эришишга интиладilar. Ҳокимиятни амалга ошириш ёки ҳокимият учун кураш – улар фаолиятининг асосини ташкил этади. Ҳақиқий сиёсий ташкилотлар бўлиб давлат ва сиёсий партиялар ҳисобланадилар.

Асосий бўлмаган сиёсий ташкилотларнинг фаолияти сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш бўлсада, аммо бу уларнинг амал қилишининг бир томони ҳисобланади.

Сиёсий тизимнинг ушбу таркибий қисмлари бир-бири билан чамбарчас боғланган яхлит бир тизимни ташкил этади.

Сиёсий бўлмаган ташкилотлар алоҳида гуруҳни ташкил этади. Ўз функцияларининг ўзига хослигидан келиб чиқиб улар асосан сиёсий ҳокимиятни амалга оширишда қатнашмайдилар. Буларга кўнгилли спорт ташкилоти, сувда чўқаётганларни қутқариш жамияти ва ҳ.к.

Аммо охириги йилларда ҳамма босқичлардаги ҳокимиятлар олий органларига ижтимоий ташкилотлар номзодларининг сайланиши бундай ижтимоий бирлашмаларнинг ҳам сиёсатлашувини жадаллаштирди.

Сиёсий ҳокимият жамият сиёсий тизимида асосий ўринни эгаллайди. У жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларига иқтисодий, сиёсий, маънавий ва ҳарбий таъсир кўрсатувчи қудратли қурол бўлганлиги учун сиёсий тизимнинг бошқа бўлакларидан тамомила ажралиб туради.

Асосий сиёсий ташкилотлар ичида кўзга кўринган ролни сиёсий партиялар ўйнайди. Партия одатда маълум синф ва қатламнинг манфаатлари ва қизиқишларини ифода этувчи ва ҳимоя қилувчи нисбатан фаол ҳамда ташкилий қисми сифатида юзага келган. Аммо ХХ асрнинг ўрталарига келиб партиялар сиёсий курашининг асосий формаси сифатида парламент фаолиятининг қарор топиши билан синфийликни ифода этган партиялар ўрнига “умумхалқ” партиялари кела бошлади. Умумхалқ терминини қатъий маънода тушуниш керак эмас, чунки бирор бир партия ҳамманинг қизиқишларини тўла қондира олмайди. Аммо ҳар бир партия ўз дастурида маълум бир синф ёки қатламнинг қизиқишларинигина эмас, шунингдек ижтимоий кучларнинг бутун бир катта бўлагининг манфаатларини ҳисобга олишга ҳаракат қилади. Масалан, социал-демократик партиялар қўшма иқтисодиётни тартибга солиш, социал адолатлилик қадриятларига эришиш, бирдамлик, меҳнаткашларни ҳимоя этишга ўз фаолиятларини йўналтирмоқдалар. Табиий бундай сиёсатдан ишчилар ҳам, майда ва ўрта буржуазиянинг бир қисми, пенсионерлар ва ишсизлар ҳам манфаатдор.

Асосий бўлмаган сиёсий ташкилотларга касаба уюшмалари, ёшлар ташкилоти, кооператив ташкилотлар ва меҳнат жамоалари ҳамда аҳолининг турли қатламлари манфаатларини ҳимоя қилувчи турли уюшмалар киради.

Бу ташкилотлар ижтимоий характери касб этган бўлишига қарамай демократия ва ошкоралик туфайли сиёсий ҳаётга кенг тортилмоқдалар.

Шахс сиёсий ташкилотнинг аъзоси бўлиб, у ўз манфаатларини маълум социал қатлам, гуруҳ, синф, миллат манфаатлари билан бир деб ҳисоблайди, ўзини маълум ташкилот билан боғлайди, унга ўзининг манфаатларини давлат даражасида ифода этиш ва ҳимоя қилишни ишониб топширади.

Сиёсий ташкилотларнинг таъсири маълум сиёсий тартиб асосида юз беради. Энг муҳими ҳукукий тартибот ҳисобланади. Конституцияларда белгиланган қонун ва бошқа қоидалардан четга чиқиш ҳоллари юз берган тақдирда унинг устидан давлат санкцияси амалга оширилади. Шунингдек сиёсий фаолиятни амалга оширишда ижтимоий ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган ва ишларни тартибга солувчи қоидалар (нормалар) ҳам катта роль ўйнайди. Бу ушбу ташкилотларнинг устав қоидаларидир.

Сиёсий ташкилотлар билан бир қаторда сиёсий тизим таркибига сиёсий муносабатлар киради. Улар хилма-хил ижтимоий муносабатларни ташкил этади ва сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш жараёнида юзага келади. Сиёсий муносабатлар уч гуруҳга бўлинади.

Биринчидан, синфлар, миллатлар ва давлатлар ўртасидаги муносабатлар. Синфлар ўртасидаги, синфлар ичидаги ва миллатлар ўртасидаги мавжуд сиёсий ташкилотларнинг амал қилиши ва улар ўртасидаги муносабатларга таъсир кўрсатади.

Иккинчи гуруҳга жамиятда амал қилаётган, сиёсий ташкилотларнинг бир томонини ташкил этувчи муносабатлар киради. Тик йўналишга (вертикал) эга бўлган муносабатлар сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш, раҳбар ва бошқарув ташкилотларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнларга таъсир этиши давомида шаклланади.

Учинчи гуруҳга сиёсий ташкилотлар ва муассасалар ўртасида қарор топган муносабатлар киради.

Сиёсий тизимнинг бошқа бир бўлаги сиёсий қарашлар (принцип) ва қоидалар ҳисобланади. Сиёсий тартиботларнинг бир-биридан фарқ қилиши масалан тоталитаризм ва сиёсий фикрлар хилма-хиллиги (плюрализм) мавжуд сиёсий тизим амал қилиши заминида ётган қарашлар ва қоидалар асосида юз беради ва сиёсий муносабатларни тартибга солиб, унга изчиллик бағишлайди.

Сиёсий қарашлар ва қоидалар орқали маълум сиёсий манфаатлар ва сиёсий замин тан олинади ва мустаҳкамланади.

Ўз навбатида айнан шу қарашлар ва қоидалар ёрдамида сиёсий тузилма сиёсий ҳаётнинг ҳамма қатнашчилари амал қилиши зарур бўлган асосланган сиёсий қарорлар, белгиланган хатти-ҳаракатнинг ўзига хос андозасини ўз ичига олган мақсадни жамиятга, ижтимоий гуруҳларга, алоҳида якка шахсларга етказилади.

Сиёсий тизим бўлакларига шунингдек сиёсий онг ва сиёсий амалиёт таъсирида шаклланиб сиёсий ҳаётда қатнушувчилар онгида ҳосил бўлган таасаввурлар, қадриятлар, ҳиссиётлар, уларнинг феъл-атвори ва бутун сиёсий ҳаётга кучли таъсир кўрсатади.

Жамиятда раҳбарлик қилиш ва уни бошқаришда халқ оммасининг сиёсий руҳиятини ҳисобга олиш ниҳоятда зарур.

Омманинг сиёсий руҳиятини эътиборга олмаслик сиёсий тизимнинг яшовчанлиги ва барқарорлигига таъсир кўрсатади ва у ўз навбатида салбий оқибатларга олиб келади.

Шунингдек сиёсий-руҳий омилга юқори баҳо бериш, омманинг бир дақиқали ҳиссиёт ва кайфиятлари орқасидан кўр-кўрона эргашиш ҳам хавфлидир. Бу стихиялилиқ олдида тиз чўкиш, ҳақиқий демократик ҳокимиятни ўзгартиришга олиб келиши мумкин.

Сиёсий онгни шакллантириш, сиёсий руҳият соҳасини ўзгартириш ва ривожлантиришда етакчи ролни сиёсий мафкура эгаллайди. Сиёсий мафкура ижтимоий бирликларнинг ҳақиқий эҳтиёжларини акс эттиради, уларнинг ижтимоий ривожланишида тутган ўрни ва ролини асослайди.

Сиёсий мафкура ҳозирги кунда ижтимоий кучлар томонидан илгари сурилаётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар дастурини асоси ҳисобланади.

Сиёсий ҳаёт ахлоқ-одоб қоидалари билан ҳам тартибга солинади. Ахлоқий қоидалар ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларига, шунингдек, сиёсатга ҳам турлича таъсир кўрсатади. Ҳақиқатга эришиш, уни ҳимоя этиш учун фуқаролик ор-номуси камлик қилади. Бунинг учун чуқур билимдонлик ҳам керак. Сиёсатда ҳалоллик ва билимдонлик қандай намоён бўлади? Сиёсий арбоб учун ҳалоллик – аввало сўз ва ишнинг бирлигидир; олижаноблик – сабр-тоқат ва бошқанинг фикрини ҳурмат қилиш, ўз фаолияти учун юқори даражада шахсий жавобгарлик энг асосий хислат бўлиши керак.

Одамлар сиёсатга (сиёсат субъекти – шахс, ижтимоий гуруҳ, қатлам, синф, миллат ва ҳ.к.) доимо ўзларининг ички хиссиётлари, умид, интилиш, қизиқишларини олиб кирадилар. Бу сиёсий маданият (сиёсий, қарашлар, ғоя, назария, сиёсий маслак ва дастур, сиёсий қарорлар, сиёсий нормалар) сиёсий ахлоқда намоён бўлади. Сиёсий маданият – сиёсий системанинг муҳим элементи ҳисобланади. Чунки сиёсат инсондан ташқарида амал қилмайди. Сиёсатнинг таъсирчанлиги шахснинг ўз сиёсий фаолияти давомида қандай сиёсий ва ахлоқий принципларни қабул қилганлигига қараб жамият ҳаёти ва тараққиёти белгиланади. Бежиз эмас, сиёсий маданиятни сиёсий тизимнинг “субъектив томони” деб ҳисоблайдилар.

Сиёсий маданият бу мавжуд ижтимоий гуруҳ учун хос бўлган сиёсий тасаввурлар, қадриятлар, кўрсатмалар ва сиёсий феъл-атвор каби қадриятлардир.

Сиёсий маданиятни аҳамияти шундан иборатки, у сиёсий тизимни барқарорлигини таъминлайди. Шу маънода етакчи ҳисобланган сиёсий маданият ҳимояловчи ролни ўйнайди.

Сиёсий маданият шахснинг ҳар тарафлама ривожланишига таъсир кўрсатиб, қарор топган ва қайта қабул қилинган сиёсий билимлар асосида унинг фикрлаш қобилиятини кенгайтиради. Ўзлаштириб олинган билимлар сиёсий ҳаётга қатъий қизиқишни шакллантириш билар бир вақтда олиб борилса сиёсий маданият шахсга кучли тарбиявий таъсир кўрсатган бўлади.

4.3. Жаҳондаги давлат ҳокимиятини идора этиш шакллари: монархия, республика ва уларнинг кўринишлари.

Сиёсий тизимнинг барча бўлаклари ўртасидаги муносабат туфайли жамиятда маълум сиёсий тартиб шаклланади. Идора этиш шакллари демократик, монархия, авторитар ва тоталитар бўлиши мумкин. **Демократик тартибот** – бу энг прогрессив сиёсий тартиб, чунки у шахснинг ўз фаолиятини ҳамма соҳаларда тўла эркинлиги таъминланган. Ҳозир демократик тартибот дунёнинг кўпчилик мамлакатларида амал қилади. Биз бу ҳақда кейинги маърузаларимизда суҳбатлашамиз. Шу туфайли унинг характерли аломатларини айтиб ўтамиз холос. Давлат ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи суд ҳокимиятларига бўлиниши; фуқароларнинг кенг миқёсли ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиши, уларни ҳимоя этилганлиги ва кафолатланганлиги; давлатлаштирилмаган ижтимоий-сиёсий ташкилотлар фаолиятининг давлат билан тенг ҳуқуқли рақобатчи эканлиги; сиёсий фикрлар хилма-хиллиги, ошкоралик, сиёсий қарорларни қабул қилишда шахсга кенг имкониятлар яратилганлиги ва ҳ.к.

Монархия – бошқаришнинг қадимги шаклларида бўлиб, одатда авлоддан-авлодга ўтадиган яқка ҳокимиятчиликдир. Монархиянинг тарихда сиёсий шароитга кўра кўринишлари мавжуд.

Мутлақ монархия. Бунда монарх – ҳокимиятнинг манбаи, қонунлар чиқаради, ҳукуматни тузади, халқдан солиқ олади ва даромадни ўз хоҳишига сарфлайди. Халқ ҳуқуқсиз, сиёсий ҳаётда очиқ иштирок этмайди. Ҳозирда Саудия Арабистон, Қатар, Бирлашган Араб Амирликларида сақланиб қолган.

Дуалистик монархия. Бир вақтда монархик ташкилотлар ва парламент мавжуд бўлади. Монарх катта ижро ҳокимиятини эгаллайди, ўз олдида масъул ҳукуматни шакллантиради, парламентга таъсир қилади, вето ҳуқуқига, парламентни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга. Ҳозирги вақтда Иордания, Қувайт, Мароккода сақланиб қолган.

Конституцион (парламентар) монархия. Бунда монарх расман ҳукумат бошлиғи, бироқ асосан вакиллик, қисман ижро вазифаларини бажаради. Ҳукумат парламент томонидан шакллантирилади ва унга ҳисобот беради. Монархнинг вето ҳуқуқи бўлсада, ундан деярли фойдаланилмайди. Буюк Британия, Дания, Испания, Норвегия, Швеция шунингдек, бошқа давлатларда ҳам бор. Конституцион монархия аъёналарига ҳурматнинг оқибати бўлиб, монарх демократик шахс сифатида майдонга чиқади. Амалда конституцион монархия парламентар республикага жуда яқин.

Авторитар тартибот – у ёки бу шахснинг яқка ҳокимлигига асосланган. Бундай тартибот шароитида ижро этувчи ҳокимият чекланмаган ҳукмронликка эга. Парламент мавжуд бўлса ҳам унинг асосий кўпчилиги сайланмайди балки тайинланади. Давлат ҳокимиятининг халқали соҳаларини ўз қўлида жамлаган давлат бошлиғи шароитида у маслаҳат овозига эга бўлган муассасага айланади. Давлат фаолиятининг асосий методи маъмурий ва буйруқбозликка асосланади. Шахс мустақил фикрлаш ва фаолият кўрсатишдан йироқлаштирилади.

Тоталитаризм – ўта реакцион тартибот турларидан биридир. У зўрликка асосланган ҳукмрон сиёсий сайланган гуруҳнинг, шахснинг (фюрер ва ҳ.к.) ҳокимияти ҳисобланади. Бу тартиботнинг асосий аломатлари: демократик ташкилотларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари поймол этилган бўлади; таъқиб этиш ва жазо, ижтимоий ҳаётни харбийлаштириш; умумбашарий мафкуранинг ягоналиги.

Тоталитаризм шароитида шахс ҳукмрон гуруҳга тамомила бўйсундирилган бўлади.

Жамият сиёсий тизимини тўлиқ тасаввур этиш бошқа жиҳатларни ҳисобга олишни ҳам назарда тутати.

Дунёда ҳали бирорта сиёсий тизим ижтимоий бўшлиқда, синфлар ва бошқа ижтимоий гуруҳлар манфаатларидан ажралган ҳолда яшаган эмас. Ахир, сиёсий тизимнинг юзага келиши чуқур ижтимоий сабаблар билан изоҳланади ва аввало синфлар манфаатларини ҳимоя этиш зуруратидан келиб чиқади.

Ҳар қандай сиёсий тизим ва унинг таркибига кирган бўлак ижтимоий мазмунни касб этиб, маълум ижтимоий манфаатларини акс эттиради. Унинг моҳияти ана шунда.

Сиёсий тизимнинг моҳияти унинг принципларида намоён бўлади. Умумлашган ҳолда у қуйидагилардан иборат: сиёсий тизим, унинг яшашининг иқтисодий шарт-шароитлари, социал ва миллий тузилиши, демографик ва экологик жараёнлар, аҳолининг маълумотлилиқ даражаси, ижтимоий онгнинг ҳолати, жамият маънавий-мафкуравий ҳаёти, халқаро аҳвол кабиларни ўз ичига олиб жамиятнинг ҳолатини акс эттиради.

Сиёсий тизим орқали ижтимоий манфаатларнинг асосий гуруҳи аниқланади ва жамланади, ижтимоий устивор томонлари сарфланади, улар кейин сиёсатда мустаҳкамланади. Масалан: ҳозирги шароитда бизнинг жамиятимизда сиёсий ҳокимият тузилмаси учун энг мураккаб вазифалардан бири бозор муносабатларига ўтиш шароитида турли ижтимоий манфаатлар мувозанатини топишдан иборат.

Шундай қилиб, биз сиёсий системанинг бўлакларини кўриб чиқдик, уларнинг ўзаро алоқаси туфайли сиёсий тартибот қарор топади ва сиёсий ҳокимиятнинг тўла қонли механизми юзага келади.

4.4. Давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда уларнинг муносабатлари.

Сиёсий тизимнинг марказий ўзагини давлат ташкил этади. Давлат сиёсатни шакллантирувчи, амалга оширувчи ва ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий муносабатларни бошқарувчи ташкилий тузилмадир. Давлат сиёсий тизим элементларини

мувофиқлаштирувчи, уларнинг ҳаракатига (фаолиятига) сиёсий мазмун баҳш этувчи тизимни ташкил этувчи бўғиндир.

Давлат сиёсий партияларнинг, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилади. Бундан ташқари, давлатнинг зиммасига сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш, уларга ижтимоий ҳамда сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб бериш вазифаси ҳам юклатилган.

Жамият сиёсий тизимида жуда кўп хилма-хил ижтимоий-жамоат ташкилотлари фаолият юритади. Лекин уларнинг сиёсий тизим таркибидаги турлари, кўринишлари, шакллари, сиёсий мавқеи амал қилаётган давлат ҳокимиятининг замини бўлган сиёсий тузум таркиби билан узвий боғлиқдир. Ундан ташқари, ижтимоий жамоат ташкилотлари бир турдаги ижтимоий-иқтисодий тузум шароитида амал қилаётган сиёсий тизимнинг таркибида турли мамлакатларда турли шаклларда, турли мавқеда ўрин эгаллайди ва турлича номланиб фаолият олиб боради. Масалан, АҚШ да Институтлашган ижтимоий гуруҳлар шаклини олган манфаатлар гуруҳлари фуқаролик институтлари, волонтерлар ташкилотлари, умумий манфаатлар гуруҳлари, босим ўтказиш гуруҳлари, деб аталса, Ғарбда Нодавлат нотижорат ташкилотлари, хайрия ташкилотлари, жамғармалар каби номлар билан аталади. Шунингдек АҚШ ва Ғарб социологиясида эса бу ташкилотлар “манфаатлар гуруҳлари” номи билан кенг тарқалган. Ўзбекистонда эса мустақилликнинг илк давридан бошлаб бу ташкилотлар, жамоат ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, ижтимоий ташкилотлар, жамғармалар, уюшмалар каби номлар билан кенг оммалашган.

Ривожланган мамлакатларда ишчилар, деҳқонлар, фермерлар, ишбилармонлар, турли касбларга доир уюшмалар, хотин-қизлар, ёшлар, фахрийлар бирлашмалари каби юз минглаб жамоат ташкилотлари бўлиб, улар ўзларига аъзо бўлган индивидларнинг манфаатлари ва эҳтиёжларини қондиришнинг ўзига хос зарурий фаолият кўрсатиш майдонидир.

Ижтимоий фанларнинг сўнгги натижаларига мувофиқ, манфаатлар гуруҳлари – бу унга аъзо бўлган кишиларнинг манфаатларини бошқа гуруҳлар ва сиёсий институтларнинг ўзаро муносабатларида, шунингдек, ўз гуруҳи ичида ифода қилиш учун тузилган ихтиёрий ташкилотлардир. Айтиб ўтилган манфаатлар гуруҳлари барча демократик давлатларда нодавлат нотижорат ташкилотлари сифатида номланади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари индивидларнинг ихтиёрий бирлашмаларидир. Улар сиёсий партиялардан фарқ қилиб, ҳокимиятни эгаллаш, лавозимларга номзодлар кўрсатиш билан шуғулланмайдилар. Лекин, улар ҳукумат ва бошқа сиёсий ташкилотларга таъсир қилиш учун ҳаракат қиладилар. Уларнинг ҳаракат усуллари сиёсий органларни ишонтириш, маслаҳат бериш, жамоатчилик фикрини шакллантириш, сиёсий арбобларга ижтимоий гуруҳларнинг эҳтиёжларини етказиш, ўз манфаатларини қондириш учун ташкилий тадбирлар ўтказиш билан чекланади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан маълум бир ижтимоий гуруҳнинг турли манфаатлари бир тизимга солиниб, уларни кенг жамоатчиликнинг хоҳиш-иродаси сифатида давлат ва ҳукумат органларига етказиши – сиёсий қарорлар қабул қилиш учун муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозир АҚШ да 1 млн. дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолият юритадилар. Уларда АҚШ аҳолисининг 7,8 фоизи хизмат қилади. АҚШ да айнан жамоат ташкилотлари соғлиқни сақлаш, таълим, маданият, санъат ва фуқароларни ижтимоий таъминлаш ва муҳофазалаш соҳаларида давлатнинг асосий ҳамкорлари ҳисобланадилар. Дунёнинг бошқа ривожланган мамлакатлари ҳукуматлари ҳам тузилмаларига, биринчи навбатда нодавлат нотижорат ташкилотларига суянадилар.

Ривожланган 22 та мамлакатда иш билан банд аҳолининг 4,9 фоизи бевосита нодавлат соҳада меҳнат қиладилар. Бу кўрсаткич Нидерландияда 12,4, Ирландияда 12,5, Белгияда 10,5, Исроилда 9,2, Австралияда 7,2, Буюк Британияда 6,2 фоизга тенгдир.¹

¹ М.Қирғизбоев. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба. Т. “Янги аср авлоди”. 2006, 140-141-б.

Собиқ тоталитар тузумдан халос бўлган Польшада ҳам кейинги ўн йилликда нодавлат нотижорат ташкилотлари тезлик билан ривожланиб борди: “Klon/Javoz” ахборот марказининг маълумотиغا кўра уюшма ва жамғармалар 18,5 мингдан 48 мингтага кўпайган. Мамлакат бўйича ҳар 10 минг аҳолига 6,14 та нодавлат ташкилоти тўғри келади.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳозирги давр жамият сиёсий тизимидаги мақоми ва мавқеи уларнинг хилма-хиллиги, жамият ҳаётининг барча жиҳатларини кенг кўламда қамраб олганлиги, улар фаолликларининг бениҳоя даражада ошганлиги, чуқур ижтимоий-сиёсий ўзгаришларга қодирлиги ва бошқа кўплаб омиллар билан белгиланади. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳозирга қадар ташкил топган турлари ва шакллари уларнинг кундалик фаолиятларида миллионлаб фуқароларнинг мунтазам иштирок этишлари билан ифода этмоқда. Бу ҳол эса жамият сиёсий ҳаётининг барча жабҳаларини янада уйғунлаштириш ва такомиллаштириш имкониятларини оширади.

Маълумки, жамият сиёсий ҳаётини издан чиқаришга интиладиган, ўзининг **ғаразли**, тор, шахсий ёки гуруҳий манфаатларини кўпчилик мақсад-манфаатларидан устун қўядиган одамлар, тўдалар, гуруҳлар ҳам вужудга келиши сир эмас. Улар жамиятда амал қилаётган қонун-қоидаларга бутунлай зид ишларга бел боғлаганликлари учун ҳам ошкора ҳаракат қила олмайдилар.

Бундай дахшатли хавфдан жамиятни қудратли иқтисодий заминга, кенг ижтимоий-сиёсий кучларга эга бўлган сиёсий ҳокимиятгина барча сиёсий, ижтимоий-жамоат, оммавий ва нодавлат нотижорат ташкилотлар билан яқин ҳамкорликда кескин чоралар кўриш воситасида халос қилиш мумкин. Демак, бунинг учун жамият таркибида демократия билан ахлоқ-одоб қоидаларига риоя қилишни, сиёсий ҳамда ижтимоий хилма-хилликларни оқилона олиб боришни, жамиятнинг барча соғлом кучларини иқтисодий, ижтимоий-сиёсий маънавий-ахлоқий жиҳатлардан мустаҳкам тарзда жипслаштиришни тақазо этади.

Қисқача хулосалар.

Сиёсий тизим мураккаб, кўпқиррали ижтимоий ходиса.

Сиёсий тизим сиёсий ҳокимиятни жамият миқёсида ташкил этиш, уюштиришни, жамият билан давлат ҳокимияти барча бўлақларининг ўзаро алоқадорлик муносабатларини, сиёсий ҳокимиятнинг муассасаларини, сиёсий фаолиятнинг ҳолати, сиёсий ижодкорликнинг даражасини, фуқароларнинг сиёсий муносабатларига киришуви шарт-шароитларини, сиёсий бўлмаган ёки муассасавий уюшмаган муносабатлар табиатини қамраб олади. Сиёсий тизим барча қисм-бўлақларининг муштарак, уйғун амал қилиб, жамият тараққиётига ижобий таъсир ўтказиш ва унинг истиқболига салмоқли хисса қўшиш имконини беради.

Таянч сўзлар.

Жамият сиёсий тизими, сиёсий тизим хусусиятлари, сиёсий тизим тузилиши, сиёсий тизим функциялари, сиёсий тизим самарадорлиги, сиёсий тизим турлари, сиёсий тартибот, жамият сиёсий тизими ривожланиш қонуниятлари, бошқариш шакллари, сиёсий қарор, демократия, монархия, Ўзбекистонда кечаётган сиёсий жараёнлар.

Назорат ва муҳокама учун саволлар.

1. Сиёсий ҳаёт таҳлилига тизимий ёндашув мазмунини нимада деб кўрасиз?
2. Сиёсий тизимнинг асосий бўлақларини санаб беринг?
3. Сиёсий институт нима?
4. Сиёсий тизимнинг самарадорлиги қандай омилларга боғлиқ?
5. Ҳозирги давр Ўзбекистон сиёсий тизимининг ўзига хос хусусиятларига изох беринг?
6. Сиёсий тизимни шакллантиришда қадриятларнинг роли қандай?

7. Сиёсий тизимнинг инқирозли ҳолати нимада ўз ифодасини топади?
8. Сиёсий тизимни нормал амал қилишида ҳуқуқ ва ҳуқуқшунослик фаолиятининг роли қандай?
9. Сиёсий ҳаёт – жамият ижтимоий ҳаётининг ўзига хос томонини ташкил этади. Шу тўғрими? Ўз жавобингизни асосланг?
10. Диний муассасалар сиёсий тизим ташкилотларига кирадими? Ўз муносабатингизни билдиринг?

Адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. “Ўзбекистон”, 2009, 4-6, 17-33 б.
2. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т. “Ўзбекистон”, 2005, 5-50 б.
3. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишни таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. “Халқ сўзи”, 2008 йил 6 декабрь.
4. Алиев Б. Хошимов Т. ва бошқалар. Политология. Ўқув қўлланма. ТДИУ. 2006, 45-56 б.
5. Алиев Б., Бобоев А. Политология фани бўйича таълим технологияси. Т. ТДИУ. 2006. 51-63 б.
6. Авторлар жамоаси. Политология. Дарслик, М.Инфра-М. 2007. 22-31 б.
7. Авторлар жамоаси. Политология. Дарслик, М.Проспект, 2008. 99-129 б.
8. Х.Т.Одилқориев. Д.Х.Раззақов. Сиёсатшунослик. Т. “Ўқитувчи” нашриёти, 2008, 106-130-б.

..

5-МАВЗУ: ДЕМОКРАТИЯ. ДЕМОКРАТИЯНИНГ АСОСИЙ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ.

5.1. “Демократия” тушунчаси. Демократия ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар.

Демократия (қадимги юнон тилида “demos” – халқ ва “kratos” - ҳокимият) – “халқ ҳокимияти” маъносини англатади. Демократия – бу ҳукумат шакли, бу ҳаёт йўли, бу мақсад ёки идеал, яъни энг юксак орзу ва бу сиёсий фалсафа. Бу термин ҳукуматнинг демократик шаклига эга мамлакатлар учун тегишлидир. АҚШ Президенти Абрам Линколн “демократияни” яъни “халқ ҳокимиятини” куйидагича тасвирлаган: “Демократия – бу халқ ҳукумати, бу халқ томонидан бошқариладиган ҳукумат, бу халқ учун хизмат қиладиган ҳукумат”.¹

Ижтимоий ҳаётни ташкил этишнинг демократик меъёрлари жуда қадим замонларда пайдо бўлиб, жаҳондаги кўплаб ривожланган мамлакатларда асосий ва етакчи тамойилга айлангунча инсоният тараққиётининг турли босқичларида мураккаб, зиддиятли, кўпинча фожиали ўзгаришларга учради.

Демократия жамиятдаги сиёсий ҳокимиятнинг давлат шаклининг амалда умумхалқ сиёсий бошқарувидаги тартиботга хос энг қадимги шакли ҳисобланади.

Демократик тизимга қарама-қарши бўлган авторитаризм эса якка ҳокимликнинг турли шакллари, шахсий ҳокимият тартиботларини, диктатура ва мустабид бошқарув шаклини ўз ичига олади.

Умуман авторитар бошқарув давлатнинг энг юқори бўғинидаги сиёсий ҳокимиятни якка шахснинг қўлида мараказлашуви (автократия – якка шахс томонидан бошқариш) ёки жамиятдаги энг обрўли тор доирадаги гуруҳ томонидан (олигархия – озчилик томонидан бошқариш) бошқаришни англатади.

Истибдод ёки истибдодга асосланган бошқарув устида гап кетар экан, бунда авторитар тартибот ҳақида сўз кетади, унда якка ҳоким ёки тор доирадаги гуруҳ халққа нисбатан зўравонлик сиёсатини олиб боради, фуқароларнинг тўла ҳуқуқсизлиги шароитида назоратсиз чекланмаган ҳокимият худди шундай бошқарув шаклига киради.

Шуро даврида қамоқ, жабр-ситам, тайзиқ ўтказиш, қўрқув-вахима тарқатиш, шубҳа остига олиш, одамларнинг миллий ўзлигини таҳқирлаш, миллий ғурурини оёқ-ости қилиш, шахсни оломонга айлантириш, одамларни жисмонан ва руҳан майиб-мажруҳ қилиш – буларнинг ҳаммаси мустабид тузумнинг амалий сиёсати эди.

Инсоният тарихининг ҳамма даврларида ва ҳозирги даврда амал қиладиган сиёсий бошқарувнинг барча шакллари орасида демократия алоҳида ўринни эгаллайди.

Демократия цивилизацияли жамиятда табиий ва муқаррар бўлган сиёсий муносабатларни ташкил этувчи шакли сифатида маданиятнинг энг буюк ютуғи ҳисобланиб, умуминсоний қадрият ҳисобланган халқ ҳокимияти асосини ташкил этади.

¹ Готов В.А. История политических и правовых учений. Издательство Михайлова. Санкт-Петербург. 2000, 58-59-б.

Қандай ишлаб чиқариш усулига эга бўлишидан қатъий назар, қайси ижтимоий тизимга таълуқли бўлмасин барча демократик ҳокимиятга хос бўлган аломатлар мажмуаси аниқланган. Ушбу аломатларнинг асосийларини кўрсатиш учун юқорида келтирилган: демократия – бу халқ манфаатлари йўлида ва халқнинг ўзи томонидан амалга ошириладиган халқ ҳокимиятидир, деган қоидага мурожаат этамиз.

Аслида у қандай ифодаланади?

Сиёсий ҳокимият халқдан келиб чиқади, унга мансуб – бу демократик жамиятнинг биринчи, қатъий қоидаси. Тарихда монархлар ва **диктаторлар** ҳокимиятни қонунга ҳилоф равишда тортиб олган шахслар, кўпинча халқ **номидан келиб чиқиб ўзларини уларнинг ҳалоскорлари, “ғамхўр отахонлари” деб эълон қилиб, халқларни бошқариш ҳуқуқини ўзларига ўзлаштирганлар.**

Демократия оғиздагина халқ сиёсий ҳокимият манбаи деб эътироф этилган жойда эмас, аксинча фуқароларга у ёки бу даражада ҳокимиятда ва уни назорат этишда уюшган ҳолда қатнашувини таъминлаш мақсадида сиёсий институтлар тизими, қоидалар, тузилмалар ва муассасалар ташкил этилган жойда бошланади.

Ҳар қандай демократик жамиятда давлат ҳокимиятининг олий ваколатли органи сайлов йўли билан тузилиб, унга мамлакатнинг катта ёшдаги аҳолисининг ҳаммаси ёки кўпчилиги қатнашади.

Халқ иродасини ифода этишнинг шакли бўлган референдум (муҳим масалани халқ қилишни умумхалқ овозига қўйиш), сўров ва бошқа усуллари демократик институтнинг дастлабки бугини ҳисобланади. Унинг ёрдамида халқ расман бўлсада ижро этувчи ҳокимиятнинг ҳисоботини талаб этиш, унинг ишларини эркин матбуот орқали очиқ муҳокама қилиш, мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатини судда муҳокама этиш ва шу каби ҳуқуқ билан кафолатланади. Олд кўринишдан бунинг ҳаммаси очиқ ва дабдабали кўринсада, ҳақиқатда ҳисобот, эркин матбуот, мустақил суд ва бошқалар демократик институтларни парда орқасидан, шунингдек очиқ бошқараётган жамиятнинг ҳукмрон қатлами ихтиёри билан боғлиқ.

Демократиянинг зарур шартларидан бири – бу давлат тузумини конституциявий расмийлаштирилган бўлиши, демократиянинг рамзи ҳисобланган ва ҳаётга жорий этилган ёзма конституциянинг мавжудлиги ҳисобланади.

Демократия ва қонуннинг бир-бири билан борлиқ эканлигини тарихий тажриба исботлайди. Бирорта-бир демократик бошқарув ҳоҳ у буржуазиягача, буржуа, ҳаттоки социалистик бошқарув бўлмасин зўравонлик ва қонунсизлик шароитида яшай олмайди, қаерда бундай муҳитга амал қилинса ўша ерда демократия чекланади, инқирозга учрайди, ўз ўрнини авторитар бошқарув усулига бўшатиб беради. Бунинг учун тарихда мисоллар кўплаб топилади.

Демократиянинг муҳим ва зарурий аломатига ҳуқуқ ва эркинликлар мажмуини киритиш мумкин, бу аввало мавжуд демократик тизимнинг социал-синфий табиатидан келиб чиқади. Ҳуқуқий тенгликни тантанали равишда эълон қилган, яъни фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, шунингдек, жамият аъзоларининг ҳаммаси давлат бошқарувида ва жамоат ишларида, қонунларни яратиш ва муҳокама этишда тенг қатнашуви демократик давлатнинг муҳим хусусиятидир. Демократик тузум турли уюшмаларнинг эркинлигини, ижтимоий ташкилотлар ва иттифокларнинг эркин фаолият кўрсатишини назарда тутди.

Қоидага кўра демократик бошқарув шакли социал бир хил бўлмаган турли тўқнашув ва мулоқатли жараёнларга тортилган хилма-хил ва жўшқин социал манфаатларни ифодалайдиган синфий жамиятга мўлжалланган. Агар қатъий маънода айтадиган бўлсак, бундай шароитда турли синфлар, миллат ва ижтимоий гуруҳ мавжуд бўлган шароитда халқнинг “умумий иродасини” қандай аниқлаш мумкин? Демократик жамиятдаги бундай қийинчилик келишмовчилик, келиб чиққан тақдирда кўпчиликка ён босиши, унинг иродасига бўйсунishi керак тамойили ёрдамида бартараф этилади. Бу демократиянинг асосий тамойили ҳисобланиб бусиз бирорта капиталистик, социалистик жамият яшай олмайди.

Албатта, кўпчилик томонидан танланган ҳокимият доимо озчиликнинг норозилигини мажбур этиш йўли билан “умумий иродасига” бўйсундириш учун имкониятига эга, аммо бунини ишонтириш усули орқали, ихтиёрий равишда демократик интизом талабларини қабул қилиш, ўз нуқтаи-назарини ҳимоя қилаётган озчилик ҳуқуқини ҳурмат қилиш йўли билан ҳал этса бўлади. Аслида, озчиликнинг кўпчиликка бўйсунishi таъминли бир қатор омилларнинг таъсири, сиёсатга кириб келувчи турли тасодифий ҳолатлар туфайли бузилади.

Юқоридаги тафсилотлардан келиб чиқиб демократияни мутлақ, энг баркамол сиёсий муносабатларни бошқарув шакли деб айтиш мумкинми? Албатта унинг афзалликлари шубҳасиз, эътирозга ўрин қолдирмайди, аммо сиёсий муносабатларни такомиллаштириш жараёнини ушлаб турувчи камчиликлар, ожиз томонлари борми? Бу савол қадимдан зўр ихлос билан муҳокамада бўлиб келмоқда.

Қадимги мутафаккирлар ўзлари яшаган даврдаги давлатларнинг ривожланишида юз берган демократия нишонларига асосланиб унинг ижобий томонига нисбатан салбий жиҳатларини кўрсатишга ҳаракат қилганлар. Афлотун демократияни ёқимли ва ранг-баранг, лекин етарли бошқаришга эга бўлмаган тузум сифатида баҳолайди. Эркинлик демократияни гангитиб қўяди ва ундан қонунсизлик, зўрлик ва зулм ҳукмрон энг ёмон давлат тузилиши-тирания (истебдод) ўсиб чиқади. Энг янги давр мутафаккирлари бўлган А.Де.Токвиль, Р.Михелос, В.Парето, Г.Моска ва бошқалар демократияни танқид қилиш орқали сиёсий обрў орттирганлар. Уларнинг фикрича демократик тузумнинг нуқсонлари нималардан иборат?

Масалан, улар демократияни барқарор тартибот бўлмай, доимо сиёсий чегара ўртасида ўзгариб жамиятнинг анархик ва ярим анархик ҳолатидан одамларнинг сиёсий мустақиллигини чеклаш томон **борганлар**. Айниш, уларнинг ҳисоблашларича, ўртача демократия хилма-хил сафсатабозларнинг таъсирида ва қуйидагиларни ортиқча кенгайиб кетганлиги оқибатида у оломонлар ҳокимиятига айланади, кейин эса диктатор ёки диктатура пайдо бўлиб зўрлик йўли билан тартиб ўрнатиб жамиятда авторитар тартиботни тиклайди.

Токвил демократияни “тенгликка томон айнаш” деб айтади. Демократик кўрсатмалар одамларни тенглаштиришга олиб келади. Қобилиятсиз, фаолият кўрсатмайдиган одам хизмат қилиб топмаган нарсага эга бўлади ва қобилиятли, буюк шахс ўз меҳнатидан самара кўрмайди. Шу туфайли яхшироқ натижага эришиш иштиёқи унда сўнади.¹

Демократик бошқарув камчиликлари ҳақида нима дейиш мумкин? Юқорида келтирилган воқелик ҳақиқатда демократик жамиятда содир бўлади, аммо улар демократик бўлмаган, авторитар тизимларда кўпроқ учрайди. Якка шахснинг бошқарувига асосланган ҳокимият тартиботи демократияга нисбатан барқарор дейиш мумкин. Жуда бўлмаган тақдирда янги ва энг янги тарихдан бир оз бўлсада хабардор бўлган шахс сиёсий барқарор бўлмаган вазиятни демократия эмас, аксинча мустабид тартиботлар юзага келтириши мумкинлиги ҳақида рози эканлигини билдиради, чунки ундай тартибот ўта кетган зўравонликка асосланган бўлиб, у ўз амрини ўтказиш билан ижтимоий беқарорлик ва тартибсизлик хавфи юзага келади. Бундай тартиботлар бошида “тартибни ўрнатиш” шиори остида чиқиб, сўнгида чуқур тартибсизликни вужудга келтириш билан яқунланади ва кейинчалик жамиятга узоқ вақт давомида ўзини-ўзи тиклашга тўғри келади.

Етарли бўлмаган қарорларни қабул қилиш, ҳокимият тепасида ўртамаёна, баъзида паст ақлий ва ахлоқий сифатларга эга одамларнинг келиши демократия орқали юз бермаган.

Албатта демократия юксак даражадаги бошқарув шакли эмас – бунга умуман амал қилмайди, аммо инсоният тарихида синаш ва камчиликларни аниқлаш усулида топилган энг яхши синаш давом этмоқда.

Бизнинг замонамизда камчиликларни энг қулай даражага олиб келиш мумкин бўлсада, аммо у такрорланмоқда. Бунинг учун сиёсий воқеликни шакллантириш ва йўналтириш орқали одамда “барча буюмлар ўлчови” томон ҳаракат қилиш, инсонпарвар талабни қарор топтириш керак. Демократиянинг гуллаб яшнаши омилкорсизликни, тенглаштирувчиликни,

¹ Современная западная социология. Словарь. Изд-во политической литературы. М. 1990. 349-б.

одамларнинг эгасизлиги, ҳокимиятни суистеъмол қилиш кабиларни супуриб ташлаш учун юксак сиёсий маданият зарур.

Шундай қилиб демократия бошқарув шакли сифатида ижтимоий-сиёсий муносабатларни инсонпарварлик йўналишида ривожланиши учун катта имкониятга эга. Айнан мана шунда унинг умуминсоний қимматдорлиги. Цивилизациянинг улкан тажрибаси демократик тузум бошқаларга нисбатан халқнинг социал ижодиёти учун кенг имконият яратишини тўла-тўқис очиб бериши мумкин эканлигини тасдиқлайди.

Аммо демократик бошқарув шакли қадимдан амал қилиб келаётганлигига қарамай ханузгача ўзини кенг намойиш этган эмас. Шунга қарамай унинг келажаги катта. Инсоният цивилизациясининг ва дунёнинг демократик ривожланиш истиқболи янгича сиёсий тафаккур нуқтаи-назардан қараганда ажралмасдир.

Демократия, унинг қонун-қоидалари ва маданияти устида фикр юритганда унинг Ғарбга нисбатан Шарқда фарқ қиладиган жиҳатларини айтмасдан бўлмайди. Демократик жараёнлар Ғарбда кўпроқ қонун устиворлигига асосланса, бу жараён асрлар давомида шаклланган анъаналар асосида кечади. Ғарб намунаси кўп ҳолларда индивидуализм фалсафасига таянган ва оммани ҳаддан ташқари сиёсатлаштирилишига олиб келган бўлса, Шарқда демократия тушунчаси ҳамжиҳатлик ғояси, жамоатчилик фикрининг устиворлиги заминида шаклланади. Шарқда демократик жараёнларнинг қадимдан шаклланган ўзига хос хусусияти бор, яъни Шарқда демократик жараёнлар узвий равишда ва аста-секин ноҳуш, катта фожиали натижаларга олиб келади. Инқилобни Ғарб олимлари ҳам “ижтимоий тараққиётнинг ибтидоий ва ёввойи шакли” деб атаганлар. “Табиийки, бундай йўл бизга асло тўғри келмайди”. Демократия ҳар бир мамлакатнинг тарихий анъаналари, миллий хусусиятларини, миллий қадриятларини ўзига сингдирилгандагина ҳақиқий ижтимоий кучга айланади. Ўзбекларнинг миллий ахлоқи, узоқни кўриб иш қилиши ва андишаси, инсоний муносабатлар борасидаги самимияти, ҳалоллиги, оққўнгиллиги, оилавий муносабатлар, меҳр-муҳаббати, ёшлар ва катталарга бўлган ҳурмати шарқона демократиянинг муҳим ўзига хос томонидир.

5.2. Демократия шакллари ва уни эътироф этиш тамойиллари.

Демократия (яъни ҳукуматнинг демократик шаклига эга мамлакат) фуқаролари ҳукумат ишида ёки бевосита, ёки билвосита қатнашадилар. Бевосита демократияда, бу кўпинча “соф демократия” деб ҳам аталади, одамлар ўз жамоалари учун зарур қонунларни ишлаб чиқиш мақсадида бир жойда учрашадилар. Бундай демократия қадимий Юнонистондаги Афина шаҳар кўринишидаги давлатда амалда тадбиқ этилган ва ҳозирги кунда “Янги Англия шаҳар мажлиси”да ҳам қўлланиб келинмоқда.

Ҳокимият демократик жамиятда халқ манфаатлари ва халқнинг ўзи томонидан амалга оширилади деганда вакиллик ва бевосита демократиянинг хилма-хил шакллари амалга ошириш назарда тутилади. Уларнинг мавжудлиги ва биргаликда уйғунлашганлиги турли демократик тизимдаги давлатларга хос. Ташқаридан қараганда улар қуйидагича намоён бўлади: хилма-хил ўз-ўзини бошқариш бўғинларида одамлар юзага келган муаммаларни ўзлари мустақил ҳал қиладилар шунингдек, умумий ишларни бошқариш, жамият манфаати йўлида ҳаракат қилиш учун давлат ва унинг ташкилотлари фаолият кўрсатади. Аммо давлат ҳокимияти органлари халқдан ёки унинг кўпчилигидан келиб чиқиб умумий ишларни олиб бориши, унинг номидан ҳокимиятни амалга ошириши учун ваколат берувчи гувоҳнома (мандатга) эга бўлиши керак. Сайловларда тузилган вазифасини бажаради, шунингдек, барча давлат ишларини бошқаришни ташкил этиш ташаббускори бўлиб чиқади. Хуллас, сиёсий вакиллик институтини бошқарув тури сифатида демократиянинг яна бир аломати дейиш мумкин. Шунини таъкидлаш лозимки, бу институт-синфий, у кўп сонли одамларнинг социал-синфий истакларини ифодалаш заруриятидан келиб чиқади. Шу туфайли бу истаклар сиёсий манфаатларга эга бўлган фуқароларнинг бевосита ва тўғридан-тўғри ҳаракатлари орқали амалга ошмайди.

Энг замонавий демократия бўлиб вакиллик демократияси ҳисобланади. Маълумки, катта жамоаларда, яъни шаҳарларда, штатларда, провинцияларда, ёки мамлакатларда, барча халқни бир жойда йиғиб масала ҳал этишга имкон йўқ. Шунинг учун шундай жамоаларнинг фуқаролари қонунлар ва бошқа масалалар бўйича қарор қабул қилишда улар томонидан иштирок этиш учун ўзларининг ҳамшаҳарлари ёки ҳамжиҳат бир гуруҳини сайлайдилар. Фуқаролар томонидан сайланган вакиллик бирлашмаси кенгаш, (council), қонун чиқарувчи ҳокимият (legistature), парламент (parliament), ёки конгресс (bangress) каби номлар билан аталади. Халқ томонидан мустақил тарзда сайланган вакиллик орқали бошқариладиган халқ ҳокимияти баъзида республика ҳукумати ёки демократик република деб аталади.

Сиёсий вакиллик заминидан нодавлат, ижтимоий-сиёсий ҳаёт соҳаларида маълум муносабатлар юзага келади. Катта бўлмаган ижтимоий гуруҳда, одатда унинг аъзоларининг ҳар бирининг иштирокида қарорлар ишлаб чиқиладиган ва қабул қилинади. Бу ерда ўз хоҳишини эркин ифода этишни таъминлайдиган оддий ўз-ўзини бошқариш жараёни амалда бўлади. Аммо гуруҳ қанчалик катта ва унинг таркиби кенг бўлса демократик усулни ишлаб чиқиш шунчалик қийинлашади. Бу ерда маълум шахс ёки бир нечта шахсларга гуруҳ манфаатларидан келиб чиқиб ҳаракат қилиш учун ишонч билдириш эҳтиёжи туғилади. Шундай қилиб мустақил равишда қарорлар қабул қилувчи ёки бошқа гуруҳ билан ҳамкорликда йирик масалаларни ҳал этиш мақсадига қаратилган иттифоқлар, кўмиталар, бошқарув тармоқлари, бюролар ва ҳоказолар юзага келади. Алоҳида шахсга ёки кишилар гуруҳига кўпчиликнинг манфаатларини ишониб топшириш ўзаро ишонч, юқори даражадаги ҳамжиҳатликни ифодайди.

Давлат ҳокимиятида вакиллик муассасалари тизими мустаҳкам ўз-ўзини бошқариш асосига қурилган бўлиши керак, шу туфайли бевосита демократия олдинда туриб унга куч ва обрў бағишлайди. Сайлов органларининг мавжудлиги, уларнинг ишини олиб бориш ва қарорлар қабул қилиш қобилияти халқнинг унга берган ваколати орқали юз беради. Шубҳасиз, сиёсий ваколатли шахсда – сайлов йўли билан сайланган ноиб, маъсулияти туради. Сайловда овоз бериш орқали сайланган вакилга ишонч билдириш орқали ҳар бир фуқаро ўз вакилини юборган ҳокимиятни ҳурмат қилишдек сиёсий маъсулиятни ўз зиммасига юклайди, унинг қарорларига бўйсунди, уни ситқидилдан бажаради. Мана шунинг учун демократия фуқаролар томонидан ихтиёрий қабул қилинган қатъий сиёсий мажбурият тизими, интизом ҳисобланади.

Демократия хусусиятлари ҳар бир мамлакатда ўзига хос тарзда ўзгариб туради. Бироқ демократиянинг қуйидаги асосий хусусиятлари барча демократик давлатлар учун бир хилдир.

1. Эркин сайловлар. Халққа ўз лидерларини танлаш ҳуқуқини ҳамда лидерлар ва халққа ўз фикрларини баҳсли масалаларда эркин билдириш ҳуқуқини беради. Сайловлар сайланган шахслар чиндан ҳам халқнинг вакиллари эканлигига ишонтириш учун вақти-вақти билан ўтказиб туради. Сайланиш имконияти бундай вакилларни халқ фикр-иродасига эътибор беришларини кафолатлаш учун кўмак бўлади. Кўплаб демократик давлатларда, овоз бериш учун ёки сайланиш учун қўйиладиган қонуний талабномалар фуқароларнинг ёши, яшаш жойи ва фуқароларга эътиборни қаратди. Демократик жараён фуқароларга ҳеч қандай тайзиксиз ёки порасиз, эркин тарзда яширин овоз бериш йўли орқали овоз беришга имкон яратади. Бу ҳам сайлов натижаларини адолатсизликка қарши ҳимоя қилишини талаб қилади.

2. Сиёсий партиялар. Демократик ҳокимиятнинг энг муҳим қисми ҳисобланади. Рақобатчи партиялар сайловларни таъсирли ва ғоятда қизиқарли қилиб ўтказадилар. Улар бунга сайловчиларга турли хил ғоя ва дунёқарашларга эга номзодлар орасидан кераклисини танлаб олишларига имкон яратиш орқали эришадилар. АҚШ ва Буюк Британия асосан икки партияли тизимга эга. Кўплаб демократик давлатлар иккита асосий партиядан кўпроқ партияга эга бўлган мулти-партияли тизимга эгадирлар. Одатда, бундай давлатларда бирор-бир партия қонун чиқарувчи кенгашда кўпчиликни ташкил этмайди. Натижада, икки ёки ундан ортиқ партиялар шундай кўпчиликни ташкил этиш учун бирлашишга мажбур бўладилар. Коалицион ҳукумат бундай партиялар шаклига асосланади. Демократик

мамлакатларда, ҳукуматга бўйсунмайдиган, яъни унинг доирасидан ташқарида бўлган партия ёки партиялар “Собит муҳолифат” сифатида ҳаракатланади. Собит муҳолифат ҳукуматдаги партия сиёсати ва ҳаракатларини танқид қилади. Турли хил диктатураларда, ҳукуматдаги партияни танқид қилиш хоинлик деб баҳоланади ва фақатгина ҳукумат партиясига фаолият кўрсатишга рухсат этилади. Бунда, кишилар номзодларни ҳақиқий танлаб олиш ва давлат сиёсатига қарши фикр юритиш ҳуқуқига эга бўла олмайдилар.

3. Давлатнинг назорат этилиши. Демократик давлатлар бирор-бир шахс ёки ҳукуматнинг бирор-бир тармоғини жуда кучли бўлиб кетишини олдини оладиган турли хил тартибга солиш ишларини амалга оширади. Масалан, АҚШ Конституцияси сиёсий ҳукуматни штатлар ва федерал ҳукумат ўртасида тақсимлаган. Ҳокимиятнинг маълум қисми фақат штатларга, маълум қисми фақат федерал ҳукуматга ва маълум қисми иккаласига ҳам тегишлидир. Шунингдек, Конституция АҚШ ҳукуматни Президент, Конгресс ва федерал судлар ҳар бирини ҳокимияти бир-бирларининг ҳокимиятини текшириш ва мувозанатлаш учун мўлжаллангандир.

Барча демократик давлатларда, ҳукумат амалдорлари қонунга бўйсунадилар ва халқ олдида масъул шахс ҳисобланадилар. Амалдорлар ноқонуний хатти-ҳаракатлари ёки бошқа бир қатор сабаблар туфайли ишдан бўшатиладилар.

4. Конституцион ҳукумат. Демократик ҳукумат қонунга ва айниқса ёзма ҳужжат-конституцияга асосланади. Конституциялар ҳукуматнинг ваколати ва мажбуриятларини таъкидлайди. Шунингдек, улар қонунлар қандай тайёрланиш ва ҳаётга тадбиқ этилишини ҳам ўзида акс эттиради. Аксарият конституциялар халқнинг озодлигини ўзида акс эттирган ва ҳукуматни фуқаролар ҳуқуқларини бузишга йўл қўймасликни ўзида акс эттирган батафсил ёзилган ҳуқуқлардан иборатдир.

Конституциялар ўзида ёзилмаган расмий маросимларни ҳам акс эттиравериши керак. Чунки, бундай расмий маросимлар ёзилган қонунларга қараганда мавжуд ғавқулдда ҳолатларга тезда мослаша олади. Британияда бирор-бир “конституция” деб аталиши ёзилган ҳужжат мавжуд эмас. Бу мамлакатда, аниқ конвенциялар, асосий ҳужжатлар ва қўплаб қонунлар “тизимнинг асосий қоидалари”га киритилади ва фойдаланилади ҳолос.

Демократик ҳукуматнинг энг муҳим хусусияти – бу мустақил суд тизимидир. Бу ҳаққоният тизими бўлиб, у ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган қонунларни фуқаролар ҳуқуқлари билан яхлитлигини текшириш билан шуғулланади.

Баъзи ҳолларда, диктатуралар жуда пухта ишлаб чиқилган конституцияларни ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари кўрсатилган ҳужжатларни тайёрлайдилар. Масалан, 1977 йилларда тузилган Совет Иттифоқнинг конституциясида фуқароларнинг ҳуқуқлари аниқ ва қатъий белгилаб қўйилган.

5. Хусусий ташкилотлар. Демократик давлатларда, индивидуал ва хусусий ташкилотлар мустақил иш юритишга ҳаракат қиладилар. Масалан, рўзнома ва ойномалар хусусий тарзда бошқарилади. Давлат мактаблари билан хусусий мактаблар ҳам фаолият кўрсатади. Қўплаб корхоналар хусусий тарзда бошқарилади. Британия, Швеция ва бошқа қўплаб давлатларда (яъни демократик давлатларда) саноат ва хизмат кўрсатишни, айрим тармоқларига давлатнинг ўзи эгалик қилади. Диктаториал давлатларда эса ҳукуматини ўзи аксарият уюшмалар ва ташкилотларни шакллантиради ва назорат қилади. Бу давлатларда одамлар давлатнинг рухсатсиз бирор-бир ташкилотни бунёд ҳам эта олмайдилар, бирор-бир гуруҳларга бирлаша ҳам олмайдилар.

5.3. Сайлов – давлат ҳокимиятини демократик асосда шакллантириш воситаси ва жаҳон тажрибаси.

Жамият аъзолари томонидан давлат ҳокимиятини шакллантириш мақсадида ўтказиладиган сайловлар нафақат демократиянинг белгиси ёки кўриниши, шу билан бирга, унинг зарурий шарти ҳамдир. БМТ Бош Ассамблеясининг 1948 йил 10 декабрида қабул қилинган “Инсон ҳуқуқларининг умумий декларацияси”нинг 21-моддасида демократик

тамойиллар асосидаги сайловларнинг инсон ҳуқуқлари сифатидаги ўрни қуйидагича таърифланади: “Ҳар бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллари орқали ўз мамлакат бошқарув ишида қатнашиш ҳуқуқига эгадир. Халқ иродаси ҳукумат ҳокимиятининг асоси бўлиши керак, бу ифода яширин овоз бериш ёки овоз бериш эркинлигини таъминловчи бошқа шунга тенг аҳамиятга эга бўлган умумий ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида ифодаланиш лозим”.¹

Сайлов тизими – ҳуқуқий меъёрларда мустаҳкамлаб қўйилган, шунингдек, давлат ва жамият институтлари фаолиятлари тажрибасида шаклланган вакиллик органлари ёки айрим раҳбарлик вакилини сайлашни ўтказиш ва ташкил этишга доир тартиботдир. Сайловлар тизими – сиёсий тизимнинг таркибий қисмидир. Шу билан бирга, сайловлар тизимининг ўзи ҳам бошқа тизимлар каби тузилмавий қисмларга бўлинади: уларнинг ичида иккитаси алоҳида ажралиб туради: биринчиси, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи - назарий -ҳуқуқий компонент; иккинчиси эса – сайлов жараёнлари – амалий-ташкилий компонентлар.

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи уларнинг сайловлардаги иштирокини, сайловчилар ва сайланувчи органлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни мувофиқлаштирувчи, кейинчалик сайловчилар ишончини оқламаган вакилларни чақириб олувчи тартиботларнинг ҳуқуқий меъёрлари мажмуасидир.

Жамият аъзоларининг давлат ҳокимияти органларига бўлган сайловлардаги кенг иштироки демократик сиёсий жараёнларнинг таркибий қисми ҳисобланади. Демократик сайловлар давлат ва уларнинг такомиллашган моделларини шакллантириш мақсадидаги тарихий ривожланишнинг зиддиятли изланишлари натижаси ўлароқ пайдо бўлган институтдир. XX асрга келиб давлат ҳокимияти органларини вужудга келтириш билан боғлиқ бўлган демократик сайловлар жаҳондаги аксарият мамлакатлар сиёсий ҳаётидаги табиий бир жараёнга айланди.

Умум эътироф этилган халқаро демократик тамойиллардан бири қуйидагича ифодаланади: “Демократик идора этиш эркин ва адолатли сайловлар давомида мустақил ифодаланиб борадиган халқ иродасига асосланади”².

Сайловлар қуйидагича ўтказилиши мумкин: умумий-чегараланган (цензли); тенг-нотенг; тўғри-билвосита, яширин-очиқ овоз бериш. Сайловларни бундай кўриниши демократик қадриятлар асосидаги сайловлар ўтказилишини билдиради.

Фуқаролик жамияти давлат ҳокимиятига бўйсундирилган мамлакатларда авторитар тартиботга хос сайловлар амал қилади.

Сайловларнинг учинчи тури – демократик тартиботлардаги – яъни, давлатлар фуқаролик жамиятига бўйсунган мамлакатлар учун хосдир. Фуқаролик жамияти қуришни ривожлантиришнинг муҳим шarti – давлат, жамият ва шахс ўртасидаги ўзаро мувозанат, тенглик бир маромдаги ривожланишнинг мавжудлигидир. Уларнинг ўртасидаги юз бериши мумкин бўлган зиддиятлар, қўрқитишлар ва ҳукмронлик усуллари билан эмас, балки қонун олдида масъул бўлган давлат ҳокимият, ҳуқуқий ва сиёсий воситалар билан мувофиқлаштирилади.

Ҳозирги дунёнинг кўплаб демократик мамлакатлари ўзларининг конституциялари ёки махсус сайловларга доир қонунларида фуқароларни яширин овоз бериш орқали умумий ва тенг сайловлар ҳуқуқларини эълон қилган.

Демократик жамиятда сайловлардаги курашлар сиёсий партия фаолиятининг асосий кураш майдони ҳисобланади. Ҳар бир партия ўз **электоратини** (лот. “dektor”- сайловчи) кўпайтиришга интилади. **Электорат** сайловларда у ёки бу партияга овоз берадиган сайловчилардир.

Ҳозирги замон давлатларида овоз бериш нафақат фуқаролик ҳуқуқи, балки, фуқаролик мажбурияти ҳамдир. Баъзи мамлакатларда сайловда қатнашмаганлик учун ҳам

¹ Местное самоуправление: теория и практика. Под общ. Ред. Г. Люхтерханът. – М.Фонд. Ф. Наумана. 1996, 10-11 стр.

² Инсон ҳуқуқларининг умумий декларацияси. Т. “Ўзбекистон” 1998. 30 б.

жазо чоралар белгиланган. Масалан, Бельгия, Нидерландия, Австралия каби мамлакатларда жарима тўланади. Покистонда хаттоки қамоқ жазоси ҳам қўлланилади.

Овоз бериш якунлари бўйича сайловлар натижаларини аниқлаш асосан икки катта сайлов тизими асосида кечади: можаритар ва пропорционал тизимлар. Можаритар тизимда номзод ёки номзодлар рўйхати қонунда белгиланганидек, энг кўп овоз олгандагина у ёки бу сайланадиган вакиллик органига сайланган, деб ҳисобланиши билан тавсифланади.

Сайловнинг пропорционал тизимида берилган овозларнинг миқдоридан келиб чиқиб, барча мандатларнинг ана шу берилган овозлар ўртасида аниқ пропорционал тақсимланиши рўй беради. Масалан, Ғарбий Еуропа, Япония, Лотин Америкаси мамлакатларида сайловлар кўпинча пропорционал тизимда ўтказилади.

Пропорционал тизим икки хил кўринишга эга: биринчиси – умумдавлат даражасидаги пропорционал сайловлар тизими (сайловчилар бутун мамлакат доирасида сиёсий партиялар учун овоз берадилар, унда сайлов округлари белгиланмайди), иккинчиси – кўп мандатли округларга асосланган пропорционал сайлов тизими (депутатлик мандатлари партияларнинг сайлов округларига нисбатан таъсири асосида тақсимланади).

Можаритар ва пропорционал тизимлар ўзларининг ютуқ ва камчиликларига эгадир. Можаритар тизимнинг ижобий томони шундаки, унда самарали фаолият юритувчи ва барқарор ҳукуматни шакллантириш имконияти борлиги билан изоҳлаш мумкин. У катта ва яхши такомиллаштирилган сиёсий партияларга сайловларни муваффақиятли ўтказиш имкониятларини беради.

Можаритар тизимнинг салбий томони: Мамлакат сайловчиларининг кўпчилик қисми (баъзан 50 фоизга яқин) ҳокимият органларида ўз вакилларига эга бўлмай қоладилар.

Пропорционал тизимнинг устун томонлари тўғрисида қуйидагиларни келтириш мумкин: унинг ёрдамида жамият сиёсий кучларни жойлашишининг реал ва аниқ манзараларини кўриш мумкин. У фикрлар хилма-хиллиги ва кўппартиявийликни ривожланиши, давлат билан фуқаролар ўртасидаги узвий алоқадорликни таъминлаб беради.

Пропорционал тизимнинг асосий камчиликлари эса қуйидагилардир: ҳукуматни шакллантиришда мураккабликлар юзага келади (сабаби: бирон-бир устунлик қиладиган партиянинг йўқлиги, ҳар хил мақсад ва муддаолардаги партияларнинг кўппартиявийлик асосидаги коалициясини беқарорлигини келтириб чиқаради).

Ҳозирги давр демократик сайловлар тамойилларидан бири – тенг сайлов ҳуқуқи ҳисобланади. Унинг амалдаги ифодаси шундан иборатки, қонун чиқарувчи органдаги ҳар бир депутат деярли тенг миқдордаги фуқаролар вакили ҳисобланади, шунингдек, ҳар бир сайловчи умумий сайлов қарорларига бир ҳилда таъсир этиш даражаларига эга бўлади.

Демократик сайловларнинг яна бир мезонларидан бири – сайловларни тўғридан-тўғри ўтказиш қоидаси ҳисобланади. Парламент демократияси ривожланган мамлакатларнинг кўпчилигида сайловчилар тўғридан-тўғри (делегатлар ёки вакиллар воситасисиз) президент, парламент ва бошқа сиёсий ҳокимият органларини сайлайдилар.

Демократик сайловларнинг яна бир муҳим қоидаси мусобақадорлик ёки ўзаро рақобатдорлик ҳисобланади. Яъни у сайловларда турли хил ижтимоий гуруҳлар ёки қатламлар манфаатларини ифодаловчи турли партиялар ва номзодларни иштироки асосидаги рақобатдорлик демократик ривожланган мамлакатлар учун хос.

Барча демократик мамлакатлар томонидан тан олинган қоидалардан яна бири, бу – яширин овоз бериш усулидир. Сайловларда яширин овоз бериш натижасида сайловчиларга ташқаридан тайзиқ ёки таъсир ўтказишнинг олди олинади, ҳар бир сайловчининг эркин бўлиши, ўз хоҳиш-ихтиёрини амалга ошириш учун имкониятлар яратилади.

Сайловлар ўтказишдаги яна бир демократик қоида – сайловлар устидан халқ назоратини ўрнатишдир. Қолаверса сайловлар маросимларида миллий ва хорижий кузатувчиларнинг иштирок этиши сайлов ўтказилаётган давлатнинг обрў-эътиборини оширади.

Демократик мамлакатлардаги сайловлар ўтказиш қоидаларидан бири – сайловчиларнинг иштирок этишини ихтиёрийлиги ҳисобланади. Бу қонуннинг моҳияти

шундаки, ҳеч ким фуқаронинг сайловда эркин ўз хоҳишини билдиришга ёки сайловда иштирок этиш ва этмаслигига таъсир ўтказа олмайди.

Демократик сайловларнинг яна бир қондаси – номзодларнинг сайловолди кураши учун тенг имкониятлар яратишдир. Бу қоида номзодларга турли моддий ёки сиёсий имкониятлар уларнинг баъзиларига устунликлар ва имтиёзлар пайдо бўлишини олдини олиб, барча номзодлар учун тенг имкониятлар яратади.

Хулоса қилиб айтганда, БМТ нинг “Инсон ҳуқуқларининг умумий декларацияси”да ифодаланган “халқ иродаси ҳукумат ҳокимиятининг асоси бўлиши керак” деган демократик қоида асосан сайловлар воситасида амалга оширилиб, унда жамият аъзоларининг хоҳиш-истаклари асосида сиёсий ҳокимиятнинг изчил вужудга келиши рўй беради.

5.4. Ўзбекистонда парламент тузилиши.

Бир палатали ва икки палатали парламент тажрибаси.

Олий Мажлис Қонун чиқариш вазифасини бажарувчи конституциявий органдир.

Олий Мажлис – олий давлат вакиллик органи. Унинг 250 нафар депутати Ўзбекистон тарихида биринчи марта 1994 йил декабрида кўппартиявийлик асосида сайланади. Бу мустақил давлатчилик шаклланишида янги босқич бошланганидан далолат беради.

Конституцияни, қонунларни қабул қилиш, қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимияти органларининг тизимини ва ваколатларини белгилаш, бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш, солиқларни жорий қилиш Олий Мажлиснинг мутлоқ ваколатлари доирасига киради.

Ўз фаолияти давомида (1994 йил декабридан буён) Олий Мажлис 300 дан зиёд қонун ва қарорлар қабул қилди. Илгари қабул қилинган қонунларнинг 1/3 қисмидан кўпроғи, ўзгариб бораётган вазият тақозоси билан, ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади. Улар жамиятда ҳамжиҳатликни сақлашга, иқтисодиётни барқарорлаштиришга, тадбиркорликнинг эркинлигига, фуқароларнинг моддий фаровонлигига, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳимоя қилинишига, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон миқёсидаги обрўсини оширишга хизмат қилмоқда. Олий Мажлис ишида асосий эътибор жамиятга Конституция ва қонунларнинг устиворлигини қарор топтиришга, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларига риоя этилишига қаратилди. Олий Мажлис депутатлари умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш орқали сайланадилар. Олий Мажлис депутати ўз сайловчиларнинг, шунингдек, ўзини депутатликка номзод деб кўрсатган тегишли сиёсий партиянинг ёки тегишли ҳокимиятнинг вакиллик органнинг вакили ҳисобланади. Бугунги кунда сайлов сўзи юртдошларимиз онгида ўзгача маъно касб этмоқда. Улар сайловлар халқ хоҳиши иродасини тўғридан-тўғри билдириш, давлат бошқарувида бевосита иштирок этиш шакли эканлигини теран англаб етмоқдалар. 1999 йил 5 ва 19 декабр куни бўлиб ўтган сиёсий тадбирларда фуқароларимиз фаоллик кўрсатганликлари бунга ёрқин мисоли бўла олади.

Янги турдаги парламент ишининг дастлабки кунлариданоқ қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишга, ислохатларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга ўзига хос ёндашувлар шакллана борди. Бу бошқа мамлакатлар ҳокимият вакиллик органларининг хатоларини такрорламасдан мамлакатимиздаги ўтиш даврининг ўзига хос хусусиятларини, ўзбек халқининг ақл-заковатини, унинг анъаналари ва одатларини ҳисобга олган ҳолда қонун яратишнинг ўзимизга хос механизмини ишлаб чиқиш имкониятини берди.

Қонун лойиҳалари ҳеч қаерда бизда бўлганидек, оммавий ахборот воситаларида, меҳнат жамоаларида, депутатларнинг сайловчилар билан учрашувларида кенг умумхалқ муҳокамасидан ўтмайди. Бу механизм қонун чиқарувчиларга ҳуқуқий хужжатларни узил-

кесил такомилига етказишда ва уларни қабул қилишда аҳолини турли қатламлари, мутахассислар фикрини имкони борича кўпроқ ҳисобга олиш имкониятини беради. Улкан тайёргарлик ишлари парламент сессияларини ортиқча тортишувларсиз, ишчанлик муҳитида ўтказиш, ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган қонунларни қисқа муддатларда қабул қилиш имконини беради.

Қонун яратиш – ҳар бир сўз, тушунча, тариф устида теран ва изчил мушоҳада қилишни талаб этадиган мураккаб жараён. Шу туфайли бу соҳага катта назарий билимга эга бўлган мутахассислар жалб этилмоқда. Қонунларни аксарияти олдиндан халқаро экспертизадан ўтказилди ва чет эл ҳуқуқшуносларининг яхши баҳоларига сазовор бўлди. Бу Ўзбекистон қонун ҳужжатлари умумий қабул қилинган жаҳон андазалари, ҳуқуқий жиҳатдан етуқлик даражасига қадам-бақадам интилаётганлигини билдиради. Ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи тармоғи Ўзбекистон мустақиллиги билан баробар бошланиб, бугунги кунда мамлакат янада тараққий этишнинг муҳим асосига айланди.

2004 йилга келиб, кун тартибига 2 палатали парламент тузиш масаласи қўйилди. Бунинг учун барча шарт-шароитлар етилди. Биринчидан, 2 палатали профессионал парламент фаолияти учун энг зарур бўлган омил юқори малакали сиёсатшунослар, юристлар, иқтисодчилар корпуси бор. Иккинчидан, жамиятда ҳуқуқий маданият ортди. Учинчидан, давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг совет тоталитар тизимининг расмий-юридик жиҳатдангина эмас, ижтимоий тарихий жиҳатдан ҳам барҳам топди. 10 йил давомида мустақил қонун чиқарувчи ҳокимият органи мустаҳкамланди. Эндиликда миллий давлатчилигимизнинг муҳим институтларни ривожлантириш, жумладан парламентни 2 палатали қилиб тузиш имконияти вужудга келди.

Қонун чиқарувчи орган Парламентнинг неча палатадан иборат бўлиши бугунги кунда замонавий парламентаризмнинг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади.

Парламент институтларининг турфа хиллиги сиёсатчилар, олимлар, сиёсатшунослар учун доимо бахс-мунозара мавзуси бўлиб келган. Парламентнинг қай шаклида бўлиши кўп жиҳатдан ўша давлатдаги мавжуд сиёсий вазият ҳамда конституцион тизимнинг ўзига хос жиҳатлари билан боғлиқдир.

Хўш бугунги кунда дунё миқёсидаги парламентлар таркиби қандай шаклланмоқда?

Маълумки, айни пайтда замонавий қонун чиқарувчи идораларнинг бир ёки икки палатали шакли кенг тарқалган. Кўпчилик икки палатали парламентлар фақат федератив модели давлатлардагина бўлиши мумкин деган фикрни билдиради. Лекин тажриба бундай эмас, чунки қатор йирик, ривожланган демократик тизимли мамлакатларда давлат тузилишига қарамай (хоҳ федератив, хоҳ унитар бўлсин) асосан икки палатали парламентлар фаолият кўрсатмоқда. Ҳозир эса дунё миқёсида икки палатали парламентларни ташкил этиш тенденциясининг кучайиши кўзга ташланмоқда. Бу жараёни катта ва кичик бўлган унитар давлатларда ҳам кузатиш мумкин. Агар XX асрнинг 70-йилларида атиги 45 та давлат парламентининг таркиби икки палатали бўлган бўлса, XXI аср бошига келиб, уларнинг сони 70 тага етди ва айни пайтда яна ундан зиёд давлатларда икки палатали парламентни ташкил этиш борасида тайёргарлик кўрилмоқда.

Бугунги кунда федерация шаклидаги йирик давлатлардан ташқари Буюк Британия, Франция, Италия, Испания, Белгия, Голландия, Япония, Швецария, Польша, Чехия, Беларусь, Руминия каби унитар давлатларда икки палатали парламент тизими жорий этилган.

Жаҳон тажрибасида палаталар сони иккитадан кўп бўлган парламентлар ҳам учрайди. Масалан, ЖАРда уч палатали Югославия парламенти эса бир пайтлар олти палатали бўлган. Юқорида айтганидек, парламентнинг қай шаклда бўлиши ҳар бир давлатнинг тарихи, анъаналари ҳамда ўша пайтдаги мавжуд вазиятга боғлиқдир. Энди Ўзбекистоннинг яқин ўтмишдаги парламентчилик фаолиятига назар ташлайлик. Собиқ СССР даврида Ўзбекистон парламенти Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши, деб аталарди. Лекин унинг фаолияти парламентаризм талабларига жавоб бермасди. У асосан ратификация ва ташвиқот органи вазифасини ўтаган.

Мустақилликка эришгач, Ўзбекистон Олий давлат вакиллик органи мазмун ва моҳиятдан мутлақо янги бўлган парламентни шакллантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди ва шу боис 1994 йил илк бор кўппартиявийлик асосида бўлиб ўтган сайловлар натижасида бир палатали, 250 нафар депутатдан иборат Олий Мажлис ташкил топди.

Айни пайтда Ўзбекистондан ташқари Ҳамдўстликка аъзо бўлган 12 та давлатнинг олтитасида (Тожикистон, Туркменистон, Арманистон, Грузия, Озарбайжон, Молдава)да бир палатали парламент фаолият кўрсатяпти.

Гап мамлакатимизда икки палатали парламентни жорий этиш ҳақида кетаётган пайтда яна бир савол туғилиши мумкин: хўш, Ўзбекистон нега мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ ана шундай йўлдан бормади, яъни икки палатали парламентга асос солинмади?

Тараққиётнинг босқичма-босқич тамойилини маъқул топган Ўзбекистон Парламент ислоҳотида ҳам ана шундай танлади. Қолаверса, биз ҳаммамиз Ҳамдўстлик давлатларидаги парламентни шакллантириш жараёнининг бевосита гувоҳларимиз.

Ислохотлар эндигина бошланган, давлатчиликнинг ҳуқуқий пойдевори яратилаётган масъулиятли бир паллада лоббизм, сиёсий ўйинлар ва баъзи шахсларнинг манфаатлари устувор бўла олиши мумкинми? Йўқ албатта. Ўзбекистон ўз тараққиётининг дастлабки босқичида парламентчиликнинг бир палатали моделига асосланиб тўғри йўл тутди. Парламент хусусида ўша пайтда ҳам, ҳозир ҳам кўплаб фикрлар билдирилди ва билдирилмоқда. Уларни ижобийлари ҳам бор, танқидийлари ҳам бор. Хусусан, доктор Левитин сўнгги китобида Олий Мажлис доимий ишламайдиган орган, унда депутатлар профессионал тартибда ишламайдилар, деб ёзади.

Тўғри депутатларнинг барчаси Парламентда доимий ишламасада, уларнинг маълум қисми мунтазам фаолият кўрсатувчи яхлит орган – Олий Мажлисининг қўмита ва комиссиялари таркибида; ишчи орган-сессиялар оралиғида ходимлар билан биргаликда қонун чиқариш жараёнини бошқарадилар. Бундан ташқари, йил давомида Олий Мажлисининг коллегиял раҳбар органи – Кенгаш турли соҳаларга ихтисослашган 13 та қўмита ва 3 та комиссияси мунтазам фаолият юритади. Турли масалалар хусусан, қонун яратиш жараёнлари бўйича Олий Мажлисида учрашув, музокаралар, мажлислар, муҳокамалар, фракциялар йиғилишлари бўлиб ўтади.

Хулоса қилиб айтганда, бир палатали парламент ҳали етарли ҳуқуқий базаси шаклланмаган, турли соҳаларда қонун танқислиги сезилаётган ёш давлат учун муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз. Чунки бунда, биринчидан, қонун яратувчилик жараёни тезлашади ва ўзига хос жўшқинлик юзага келади. Шу боис Олий Мажлисининг дастлабки 5 йиллик фаолияти унумли бўлди. 138 та қонун, 468 та қарор, 10 та Кодекс, 2 та миллий дастур қабул қилинди.

Эндиликда парламент ислохотларининг янги босқичига қадам қўйилди. Президент И.А. Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида миллий парламентаризмни ривожлантириш хусусида тўхталиб, яқин истиқболда икки палатали қонун чиқарувчи орган яратилиши лозимлиги ҳақидаги ғояни илғари сурди.

Президентнинг фикрича, парламент қуйи палата қонунчилик палатаси ҳамда юқори палата сенатдан иборат бўлиши керак. Қуйи палатада доимий, профессионал асосда ишловчи турли партиялар вакиллари иш юритадилар. Юқори палата эса минтақалар, Тошкент шаҳри вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидаги маҳаллий кенгашлар томонидан тенг миқдорда олти кишидан сайланади.

Қуйи палата маҳаллий ҳокимият вакилларида бутунлай бўшатилади, унинг шаклланишини сиёсий партияларнинг ўзлари амалга оширади. Қуйи палата ўз сайловчилари, жамиятнинг турли қатламлари фикрини ифодалайди. Қонунларнинг яратилиш жараёни ҳам ана шундан келиб чиқади. Юқори палата эса, асосан тажрибали ҳаётни кўрган кишилар бўлади. Улар ҳам халқ манфаатини кўзлаб, кенг жамоатчилик фикрини инобатга олиб иш юритадилар. Қонунларни қабул қилишнинг якуний жараёнида палаталар орасида бахс-мунозара пайдо бўлади ва ана шу йўл билан ҳар томонлама маъқул, турли иллатлардан холи бўлган мукамал қонунлар яратилади.

Икки палатали парламент бир қанча ўзига хос афзалликларга эга. У, энг аввало ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимият тармоқлари ўртасидаги мувозанат янада барқарор бўлишини таъминлайди ва иккинчидан, “назоратчи” палатанинг мавжудлиги туфайли Парламентнинг янада уйғун ишлашига эришилади.

Икки палатали парламентнинг яна афзал томонлари, икки палатали парламент минтақаларининг, кичик тузилмаларнинг, мамлакатнинг узоқда жойлашган қисмларининг манфаатларига риоя этилишига олиб келади. Иккинчи палата қонунлар чиқариш жараёнида учрайдиган популизм, лоббизм ва енгил-елпи, тор доирадаги манфаатларга қарши турувчи қўшимча филтёр сифатида иш тутади.

Икки палатали парламентнинг Ўзбекистон учун афзал жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

- ❖ Гарчанд Ўзбекистон федератив давлат бўлмасада лекин мавжуд минтақалар – вилоятларнинг ўзига хос томонлари ва у ерда истиқомат қилувчи халқининг ўзгача жиҳатлари борлигини эътироф этиш лозим;

- ❖ Ўзбекистон ҳудуди катталиги боис парламентда минтақалар манфаатларини ҳимоя қилиш;

- ❖ Минтақалар шарт-шароити, иқлими, салоҳияти ва потенциали даражаси ҳар хиллигини инобатга олсак, бу жуда муҳимдир. Чунки парламент нафақат қонун чиқарувчи, балки олий вакиллик органи ҳамдир. Шунинг учун ҳам унда барча ҳудудларнинг тенг тақсимланган вакиллари ўз ўрнига эга бўладилар;

- ❖ Шу билан бирга, икки палатали парламентга ўтиш жамиятни янада либераллаштириш, профессионал депутатлар, юқори савияли сиёсатчилар синфининг пайдо бўлишида муҳим ўрин тутади.

Табиийки, Олий Мажлисининг мазкур чақириғи тугашига хали вақт борку, икки палатали парламент тўғрисидаги референдумни нима учун ҳозироқ ўтказишимиз керак? деган савол туғилиши мумкин. Референдумга киритиш мўлжалланган масалага сайловчилар ижобий муносабат билдирганлари тақдирда, мавжуд ҳуқуқий базани жиддий ўзгартириш, сайловларга оид ҳамма янги парламент ишига тааллуқли қатор қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш зарур бўлади.

- ❖ Биринчидан, икки палатали парламентни тузишнинг янги тартибини яратиш керак бўлади;

- ❖ Иккинчидан, янги парламентнинг ҳуқуқий мақомини унинг ваколатини аниқлаб олиш талаб этилади;

- ❖ Учинчидан, ҳар иккала палатанинг ваколатларини қонуний тарзда тақсимлаб қўйиш;

- ❖ Тўртинчидан, бўлажак икки палатали парламент фаолиятини ташкил этишни йўлга қўйиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш лозим.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессиясида “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сенати тўғрисида” ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатаси тўғрисида”ги конституциявий қонунлар қабул қилинди. Улар Олий Мажлис палаталарнинг мақомини, уларни шакллантириш тартибини, ваколатларини, ўзаро ҳамда бошқа ҳокимият органлари билан ҳамкорлик қилиш асосларини белгилади.

Қонунчилик палатаси Олий Мажлисининг қуйи палатасидир. У сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида сайланадиган бир юз йигирма депутатдан иборат.

Сенатнинг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Икки палатали Парламент 2004 йил 26 декабридаги сайловлар натижасида шакллантирилди. Икки палатали парламентнинг ваколат муддати – 5 йил этиб белгиланди.

Икки палатали парламентнинг ваколат муддати яқинлашиб келмоқда. 2009 йил декабрида икки палатали парламентнинг навбатдаги сайловлари бўлиб ўтади. Ўтган муддат давомида одамларнинг сиёсий онги, маданияти, ватанисизнинг келажак тақдири учун қайғуриш хисси қанчалик ошганлигини синовдан ўтказди.

Қисқача хулоса.

Демократиянинг асосий тамойиллари – тенг ҳуқуқлилик, эркин, демократик сайловлар, ҳур фикрлилик, сиёсий плюрализм (ҳар хиллик), кўппартиявийлик, ҳокимиятнинг сайлаб қўйилиши ва халқ олдида ҳисобдорлиги, озчиликнинг кўпчиликка бўйсунуш, озчиликнинг фикрини ҳисобга олиш. Бу шарт-шароитларсиз демократия қуруқ гап.

Ҳар қандай даврнинг, ҳар қандай жамиятнинг, ҳар қандай халқнинг ўзига хос демократияси бўлади. Яъни демократия тамойилларини белгилашда, жамиятнинг объектив ва субъектив шарт-шароитлари асосида шаклланиб, халқнинг, миллатнинг ижтимоий онги, психологияси ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Демак демократия инсониятнинг маданияти, идроки, билим доираси, ишбилармонлик қобилияти, унинг жамиятда эркин яшаш ва меҳнат қилиш қўнимаси билан биргаликда шаклланиб, ривожланиб борадиган табиий тарихий жараёндир.

Таянч сўзлар.

Демократия, бевосита демократия, вакиллик демократияси, халқ ҳокимияти, халқ учун хизмат қиладиган ҳокимият, демократия хусусиятлари, эркин сайловлар, сиёсий партиялар, коалицион ҳукумат, собит муҳолифат, давлатнинг назорат этилиши, конституцион ҳукумат, хусусий ташкилотлар, янгиланган парламент.

Назорат ва муҳокама учун саволлар.

1. Демократиянинг луғавий маъноси қандай?
2. Демократиянинг қайси шаклини энг замонавий деб ҳисоблайсиз?
 - а. Бевосита демократиясини
 - б. Вакиллик демократиясини
3. Демократия ва сайловлар маънодош сўзларми?
4. Тушунтириб беринг. Нима учун демократия **жамият ҳаётини** ташкил этишнинг энг мақбул усули ҳисобланади?
5. Нима учун демократияни душманлари бор? Улар кўпми? Демократияни ҳимоя қилиш усуллари қандай?
6. Парламент демократиясида партияларнинг роли қандай?
7. Парламент аъзолари – “халқ хизматкори” эканига сиз қўшиласизми. Ўз фикрингизни асосланг?
8. Шарқона демократиянинг ўзига хос хусусиятлари қайсилар.
9. Демократиянинг умумий тамойилларини таърифлаб беринг?
10. Сиёсий хилма-хиллик нима? Сиз уни қандай тушунасиз?

Адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. “Ўзбекистон”, 2009. 4-12 б.
2. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократиялаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этишдир. Т. “Ўзбекистон”, 2005. 3-29 б.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т. “Маънавият”, 2008, 108-б.

4. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. “Халқ сўзи”, 2008 йил 6 декабрь.
5. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т. “Ўзбекистон”, 2009, 18-23-б.
6. Алиев Б. Хошимов Т. ва бошқалар. Политология. Ўқув қўлланма. Т. ТДИУ, 2006. 57-75 б.
7. Алиев Б. Бобоев А. Политология фани бўйича таълим технологияси. Т. ТДИУ, 2006. 55-66 б.
8. Авторлар жамоаси. Политология. Дарслик. М.Инфра-М. 2007. 185-208 б.
9. Х.Т.Одилқориев. Д.Х.Раззақов. Сиёсатшунослик. Т. “Ўқитувчи” нашриёти, 2008, 106-130-б.

6-МАВЗУ: СИЁСИЙ ҲОКИМИЯТ.

6.1. “Ҳокимият”, “сиёсий ҳокимият” тушунчалари ва унинг субъектлари.

Ҳокимият – ҳозирги замон сиёсий фанида Марказий тушунчалардан биридир. Ҳокимият ходисаси фақат сиёсий саҳифагина эмас у ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларида ҳам учрайди. У иқтисодиётда, маданиятда, фанда, таълимда, оилавий муносабатлар соҳасида, шунгдек ижтимоий ҳаётдан ташқарида ҳайвонот дунёсида ҳам тўқнаш келадилар. Сиёсий ҳокимият политологиянинг ўрганиш предмети ҳисобланади. Шунинг учун асосий эътиборни сиёсий ҳокимиятнинг ўзига хос томонларини очиб беришга қаратамиз.

Ҳокимият жамиятнинг ҳамма соҳаларини қамраб оладиган мураккаб тушунчадир. Унинг манбаи кишилар ҳолатининг ҳар хиллигидир. Одамлар мутлоқ тенг бўлган жойда ҳокимият ҳам йўқ. Жамиятда бўйсунуш ва ҳукмронлик, бошқариш ва назорат, ўзаро боғлиқлик муносабатлари муқаррар равишда ҳокимиятни вужудга келтиради.

Сиёсий ҳокимият – бу алоҳида синф, катта ижтимоий гуруҳ ёки мавжуд жамиятнинг кўпчилигининг ўз ифодасини бошқа шахслар ёки ижтимоий гуруҳларга ўтказиш қобилияти ва имконияти бўлиб, одамларнинг фаолиятларига, хулқ-атворида ўз обрўси, хулқи, зўравонлиги воситаларида таъсир ўтказишни англатади.

Бошқа ҳокимият шаклларида фарқли равишда у ўзига хос хусусиятга эга. Унинг фарқ қилувчи аломатлари қуйидагича:

1) Унинг қарорларини жамият барча аъзолари ва барча турдаги ҳокимиятлар учун устиворлиги ва мажбурийлигидир. У бошқа ҳокимият шаклларида таъсирини чеклаши, уларни оқилона йўлга солиши, ёхуд уларни йўқ қилиши мумкин;

2) Оммавийлиги, яъни ошкоралиги. Бу деган сўз, сиёсий ҳокимият ҳуқуқ асосида, бутун жамият номидан иш кўради;

3) Мамлакат доирасида куч ишлатиш ва ҳукмронлик қилишнинг бошқа воситаларидан фойданишининг легитимлашганлиги (қонуниятлиги);

4) Марказлашганлик, яъни қарорларни қабул қилишнинг умумдават марказининг (ҳокимият органлари тизимининг) амал қилиши;

5) Ҳокимиятни эгаллаш, ушлаб туриш ва амалга ошириш учун кенг қамровли воситаларни ишга солиш имкониятининг мавжудлиги.


Шундай қилиб, сиёсий ҳокимият уни эгаллаб турган, бутун жамият (давлат)га раҳбарлик қилиб бошқараётганларнинг давлат ихтиёридаги воситалар ёрдамида халқ

оммасининг хатти-ҳаракатига белгиловчи таъсир ўтказиш, одамларнинг кўпчилигини қўйилган мақсад ва дастурларни амалга оширишга сафарбар этиш, барқарорлик ва ижтимоий келишув мақсадига алоҳида гуруҳлар муносабатларини тартибга солиш қобилияти ва имкониятини ифодалайди.

Сиёсий ҳокимиятнинг асосий таркибий қисмлари – булар унинг объекти, субъекти, асоси ҳокимият манбалари ва жараён, ҳаракатга келтирувчи унинг барча бўлаклари ҳисобланади.

Субъект ва объект – ҳокимиятнинг бевосита соҳиби ва гумаштасидир.

Ҳокимият – ҳокимият субъектларининг (индивид, гуруҳ, ижтимоий қатлам ва шу каби) кишилар фаолияти, хулқи, ҳаракатига таъсир қилиш лаёқати бўлган ҳолати. Бунда субъект ўз иродасини объектга сингдиради, зўрлик ёки **ихтиёрийлик** воситалари орқали фаолиятга, ҳаракатга ундайди.



Субъект ҳокимиятнинг фаол, йўналтирувчи омили, ибтидосидир. Субъект бўлиб алоҳида шахс, ташкилот, одамлар бирлашмалари, масалан халқ, ҳаттоки БМТга бирлашган ҳамжамият ҳисобланади.

Ҳокимиятли муносабатларнинг пайдо бўлиши учун субъект бир қатор сифатларга эга бўлиши керак. Аввало у фармойиш ёки буйруқлари ифодаланган ҳукмронлик қилиш, ҳокимиятга интилиш истаклардир.

Ҳокимиятнинг асоси – бу унинг таянчи, бошқарув манбалари бўлиб унинг ёрдамида қўйилган мақсадга эришиш йўлида объектга таъсир кўрсатади.

Ҳокимият манбалари – бу ҳақиқий ва яширин имкониятлар бўлиб улар ҳокимиятни мустаҳкамлаш йўлида фойдаланилади ёки фойдаланиши мумкин.

Бошқача гапирганда ҳокимиятнинг асоси – бу унинг пойдевори, ҳокимият манбалари эса унинг имкониятлари ва технологиясидир.

Ҳокимиятнинг мавжуд ҳамма асоси ва манбаларининг йиғиндиси биргаликда унинг потенциал имкониятларини очиб беради. Ҳокимият субъекти ихтиёрида бўлган ҳокимият замини ва ҳокимият иродасига объект томонидан қаршилик кўрсатувчи манбаларни бирига солиштириш ҳокимият куч-қудратини аниқлашга ёрдам беради.

Сиёсий фанда асос ва манбалар турлича туркумланади. Жамият ҳаётининг фаолиятининг соҳаларида замин ва манбалар қандай туркумланишини кўриб чиқайлик:

Иқтисодий асос мулкчилик шакллариининг ҳукмронлиги, ялпи миллий маҳсулотнинг аҳоли жон бошига тақсимланиш, тузилмавий ишлаб чиқариш (саноат ва давлат секторларининг нисбати), стратегик муҳим табиий бойликлар. Олтин захираси, ишлаб чиқишнинг технологик даражаси билан изоҳланади.

Шунингдек, иқтисодий манбаларга (ресурсларга): инвестиция, илмий техника, солиқ, божхона сиёсати, шунингдек капитал, товар ва бошқа моддий бойликлар киради.

Социал (ижтимоий) асос – ҳокимиятнинг социал базаси, ҳокимият суянадиган ижтимоий гуруҳлар ва қатламлар, илмий-техникавий тараққиётнинг даражаси ва бошқалар киради.

Социал асос – бу социал базани кенгайтириш усуллари, ҳокимиятнинг ижтимоий гуруҳ ва қатламларнинг ижтимоий соҳадаги ўрнини ўзгартириши, социал мақомнинг ортиши ёки пасайиши, шунингдек давлатнинг социал, ижтимоий сиёсат соҳаларида амалга оширилаётган бир бутун яхлит тадбирлари демакдир.

Ҳуқуқий асос – бу қонунчилик, шунингдек уни тадбиқ этишини таъминлаб берувчи институт ва ташкилотлар. Ҳуқуқий манбалар ва турли хилдаги қўлланмалар ва бошқа маҳкамавий ҳужжатлар киради.

Маъмурий куч ишлатувчи асос – давлат ҳокимияти ва унинг бошқармаси ҳаётий фаолиятини таъминлаб берувчи ҳокимиятли муассасаларининг мажмуи. Бунга қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятнинг муҳим тузилмалари, шунингдек хавфсизлик органлари, разведка ва ички ишлар вазирлиги киради.

Мос равишда маъмурий куч ишлатиш манбаларига махсус касбкорлик сифатларига эга бўлган ҳокимиятли муассасаларни қурол билан, махсус техника билан таъминлаш, кадрлар танлаш тизими киради.

Маданий-муассасавий (ахборотлашган) асосга – мамлакат маданий салоҳиятини сақлаш ва жамлашга оид ташкилотлар тизими: оммавий ахборот воситалари, разветка маълумотларини қабул қилиш, тўплаш ва қайта ишлаш, миллий ва халқаро компьютер тармоғи. Шунингдек маданий ахборотли манбалари – маънавий қадриятлар, билим, ахборот киради.

Турли ижтимоий тизимларда, тарихий тараққиётнинг турли босқичларида ҳокимиятнинг у ёки бу асослари ва манбалари ҳокимият тизимида ўзининг аҳамиятини ўзгартириши мумкин.

Ҳозирги давр постиндустриал мамлакатларида политогларнинг таъкидлашларида маданий ахборотли асоснинг роли кескин кўтарилган.

Ҳокимият манбалари асоснинг ҳосиласи ҳисоблансада, у нисбий мустақилдир. Одатда манбалар ҳокимиятни амал қилиши ва уни мустаҳкамлаш учун хизмат қилади.

Одамлар эҳтиёжлари ва қизиқишларини қондиришнинг турли воситалари бўлгани каби ҳокимият манбалари ҳам турличадир.

Манбалар политологлар томонидан турлича таснифланади. А.Этцион қарашларига кўра улар яъни манфатли манбалар:

Мажбурлаш манбалари;

Норматив (белгиланган) манбалар.


Манфаатли манбалар – бу одамларнинг кундалик манфаатлари билан боғлиқ моддий ва бошқа социал бойликлардир. Улар ёрдамида ҳокимият, айниқса давлат алоҳида сиёсатчиларни, ҳаттоки аҳолининг турли қатламларини сотиб олиши мумкин. Бу манбалар рағбатлантириш учунгина эмас, шунингдек, жазолашда (Масалан: ноинсоф ходимларни иш ҳақини **камайтиришда**) фойдаланилади.

Мажбурлаш манбалари манфаатли манбалар иш бермай қолган тақдирда маъмурий жазолаш чоралари сифатида чиқади. (Масалан: иқтисодий жаримадан кўрқмай иш ташлаган ходимларни суд томонидан таъкиб этилиши ва бошқалар).


Норматив (белгиланган) манбалар – одамларнинг ички дунёси, қадриятли мўлжаллари ва хатти-ҳаракат қоидаларига таъсир этувчи воситалардир. Улар қўл остидагиларни раҳбар ва ижрочи манфаатлари умумийлигига ишонтириш, ҳокимият субъекти томонидан қабул қилинган қарорларни қўллаб-қувватлашни таъминлашга қаратилган.

Сиёсий ҳокимият аҳоли томонидан вазифалигича баҳоланиши мумкин. Аҳолининг ҳокимиятга ижобий баҳо бериши, унинг қонунга мувофиқлигини, бошқариш ҳуқуқини тан олишига ва бўйсунishiга розилиги ҳокимиятнинг қонунийлигини билдиради. Легитим ҳокимияти одатда қонунга мувофиқ ва адолатли сифатда таснифланади.

Сиёсий ҳокимиятни эгаллаган элита омманинг ихтиёрий равишда мавжуд ҳокимиятни тан олишлари учун барча воситаларни ишга солади. Омма ҳокимиятни маълум бир ишонч асосида қабул қилиш мумкин. Бу легитимлик принциплари дейилади. Улар сиёсий ҳокимиятни тан олиб, бўйсунishiни асословчи ижтимоий аҳамиятга эга бўлган сабаблардир. Легитимлик принципининг манбалари қадимдан мавжуд анъаналарда, амалдаги қонунчиликда ёки ҳукмдорларнинг катта авторитетида бўлиши мумкин.



Легитимлик урнологиясини Макс Вебер ишлаб чиққан.



Изоҳ. Легитим бирор ҳуқуқ ва ваколатнинг қонуний эканлигини эътироф этиш, тасдиқлаш.


У ҳар бир ривожланган сиёсий тизимлардаги легитимлик принципини тасвирламасдан, уларни уч асосий ўринга жойлаштиради. Яъни, сиёсий воқеликда асосий ҳолда учрамайдиган идеал ўринларни тушунтиради. Улар анъанавий, қонун ва харизм принципларига асосланган ўринлардир. Аниқ сиёсий тизимларда бу уч ўрин ўзаро аралашиб кетади, уларнинг ҳар бири асосий, устун эканлигига кўра сиёсий ҳокимиятнинг легитимлик тури аниқланади.

Анъанавий шакли – ҳукмронликнинг оила даражасидаги кўриниши бўлиб жамият миқёсида амал қилади. У урф одатлар, қадриятлар, қоидаларнинг муқаддаслигига ишонишга, асрлар давомида ҳаётни, одамларнинг хатти-ҳаракатини тартибга солиб турган, ҳокимиятнинг амал қилиши патриархал асослар ва диний одатлар орқали муқаддаслаштирилганлигига асосланади. Мисол сифатида анъанавий ҳокимиятга Қадимги Шарқ жамиятларини (Миср, Эрон, Хитой) ўрта аср Европаси, ҳозирга даврда Саудия Арабистони, Бахрейн, Кувайт, Омон ва бошқаларни келтириш мумкин.

Ҳозирги Японияда, Англияда анъанавий тарзда мамлакат, давлат, миллат бирлиги, яқдиллиги рамзи ҳисобланган императорсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Очиқ ҳокимият шакли ҳуқуқ ва қонуннинг устунлигига, ҳукмронлик ва тобелик муносабатларини тартибга солувчи умум қабул қилинган қоидаларни тан олишга асосланган. Бундай ҳокимият турининг характерли хусусияти конституциявий давлат бўлиб, унинг амал қилиш қоидаларини белгиласа, иккинчи томондан унинг ўзи кўрсатилган тадбирлар асосида ўзгаришининг объектига айланади. Бу ерда ҳокимиятнинг легитимлиги қонунга асосланган.

Харизматик (илоҳий **талант**) ҳокимият



Алоҳида хусусиятларга эга деб ҳисобланган етакчининг шахсига асосланади. Омма етакчини дохий деб билади. Омма ва етакчи ўртасидаги интенсив хис-туйғуга асосланган алоқа ўрнатилади. **Харизматик** етакчи ҳокимияти кундалик ҳолатдаги урф-одатлар билан алоқани узади. Етакчи ўзининг “Тарихий вазифаси” борлигини, шунинг учун унга шартсиз бўйсунитиш лозимлигини уқтиради. **Харизматик** етакчи мўъжизавий жасоратлар кўрсатиб, ўзининг буюклигини доимо исботлаб бориши керак. Муваффақиятсизлик, унинг такрорланиши харизматик етакчига ишончни йўқотади. Шунинг учун харизматик ҳокимият нисбатан беқарордир.

Сиёсий ҳокимиятнинг бундай тури анъанавийликдан ақл-идроққа асосланган турга ўтиш сифатида қаралади. Ушбу турдаги ҳокимият ижтимоий-иқтисодий формациялар билан боғлиқ бўлмаган ҳолда турли тарихий даврларда амал қилиб, бунга Рим империясидаги Юлий Цезор, Франциядаги Наполеон, Германиядаги Гитлер, СССРдаги Сталин Сиёсий тартиботларини мисол келтириш мумкин. Ҳозирги кунда легитимликнинг харизматик тури анъанавий турдан ақл-идроқ ва ошқораликка (индустриал ва постиндустриал жамиятга) асосланган жамиятларга ўтаётган мамлакатларга хос. Бунга Осиё, Африка, Лотин Америкасининг баъзилари қиради.

Сиёсий ҳокимият маълум бир бошқарув тарзида амалга ошади. Сиёсий бошқарув тарзи сиёсий тизимнинг амалга ошиш усули, унинг фаолият шароити ва тартибидир. Сиёсий бошқарув тарзи табиий-географик, ижтимоий-иқтисодий, миллий-этник, тарихий анъаналар омили таъсирида бўлади. Ҳокимиятнинг легитимлигига бошқа давлатлар сиёсий бошқариш усуллари ҳам таъсир кўрсатади.

6.2. Давлат ҳокимияти – идора этишнинг ўзига хос воситаси ва унинг шакллари.

Давлатнинг жамиятни бошқариш фаолияти унинг ҳокимиятни амалга ошириши орқали ифода топади. Шунинг учун ҳам давлат билан давлат ҳокимият тушунчалари ўртасида назария билан амалиёт ўртасидагига ўхшаган фарқ бор деб айтиш мумкин. Давлат ҳокимиятининг амалий фаолияти дастур-режаларда олдиндан белгиланган, навбатма-навбат ишга солинадиган сиёсий механизмлар тизимини англатади. Мазкур маънода “давлат ҳокимияти механизми”, “давлат аппарати”, “давлат машинаси” ва шу каби атамалар, тушунчалар қўлланилади. Демак, давлат ҳокимияти – бу давлатнинг амал қилиш жараёнини йўналтириб, уйғунлаштириб туриш фаолиятида намоён бўлади ва ифода топади.

Давлат жамиятда амал қилаётган ҳокимиятнинг марказий муассасаси сифатида мазкур ҳокимият томонидан мужассамлаштирилган, муштараклаштирилган сиёсатни амалга ошириш воситаси – қуроли бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам давлат, ҳокимият, сиёсат ҳам назирий, ҳам амалий жиҳатлардан ўзига хос мутаносиблик, бирлик сифатида инъикос


этилади. Аслида улар ҳар бирининг аниқ белгиланган амалиёт соҳалари мавжуд бўлиб, ягона ижтимоий-сиёсий жараённинг турли томонларини турлича ифода топиши мазкур мутаносиблик доирасида амал қилишни кўрсатади. Бошқача қилиб айтганда, давлат ўзининг ички ва ташқи сиёсат юритиш фаолиятини ҳокимият воситасида амалга оширади.

Давлат ҳокимиятининг туб моҳиятини англаб олиш жараёнида унда мавжуд бўлган муштарак қонуниятларни ҳам, ижтимоий-гуруҳий жиҳатларини ҳам базис-усткурма мутаносиблигини ҳам бўрттириб юборишдан сақланган маъқул, акс ҳолда унинг асл моҳияти мазмунига етиб бўлмайди.

Умуман давлат, хусусан давлат ҳокимияти ҳақидаги тушунчалар турли давлат-сиёсий системаси – жамият ўзаро мутаносиблик динамикасининг, амал қилиш муаммоларининг объектив ечишига имконият туғдиради.

Давлат ҳокимиятининг амал қилиш жараёнлари турли тарихий даврларда, турли шарт-шароитларда, турли ижтимоий-сиёсий макон доирасида, турли воситалик даражасида содир бўлиши ўз навбатида унинг ўзига хос турлари, кўринишлари, шаклларини ҳам келтириб чиқарадики, политология учун улар теран таҳлил этилиши ҳам назарий-илмий, ҳам долзарб амалий касб этади.

Жаҳон сиёсий адабиётларида ҳокимиятнинг “амалга ошиш усули” мезони бўйича бошқарув икки асосий кўриниши билан фарқланади.



Автократик бошқарув тарзи тоталитар ва авторитар кўринишда бўлади.

Тоталитар сиёсий бошқарув тарзи ҳукмрон элита ва унинг дохийси ҳокимиятнинг жамиятни тўла ўзига бўйсундириши, зўрликка асосланган сиёсий ҳукмронлиги тизимидир. Бу жамият ва ҳар бир кишининг бутун фаолияти мутлоқ белгилаб қўйилади, очик ва яширин назорат қилинади. Демократик ташкилотлар тақиқланади, прогрессив кучларга қарши қатағон уюштирилади, ҳокимият барча даражасида бир киши ёки гуруҳ томонидан ёпиқ ҳолда шакллантирилади, фуқаролик жамияти бўлмайди.

Авторитаризм – тоталитаризмга яқин бўлиб, олий ҳокимиятни эгаллаган бир киши ёки гуруҳ фаолияти маълум даражада чегараланади. Тоталитаризмдан фарқи шундаки, мамлакатдаги ўтмиш ижтимоий тартибларни йўқ қилиниши, жаҳон инқилобини амалга оширишни мақсад қилиб қўймайди. Сиёсий ҳаётдан бошқа соҳаларда кишиларнинг эркин фаолиятига маълум даражада йўл қўяди.

Демократик бошқарув тарзи – халқ ҳокимиятининг манбаи бўлган кенг фуқаро ҳуқуқларини таъминлаган жамиятнинг сиёсий давлат тузилишидир. Бунда барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги, умумий сайлов ҳуқуқи, вазифали сиёсий партия ва ҳаракатларнинг эркин фаолияти, фикр, сўз, эътиқод эркинлиги таъминланади давлат органлари юқори ва қуйидан назорат қилинади. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти шаклланади.

Биз юқорида қисқача танишиб чиққан давлат ҳокимиятининг учта асосий шакллари **авторитар**, тоталитар, демократик сиёсий тузумлар турли тарихий даврларда ва турли мамлакатлар шарт-шароитларида, турли кўринишларда ва шаклларда намоён бўлиши мумкин.

6.3. Давлатнинг тузилиши шакллари, принциплари ва уни шакллантириш йўллари.

Давлат жамиятининг сиёсий тизимига кирувчи бошқа ташкилотларидан бир қатор ўзига хос белгилари билан фарқ қилади. Давлатнинг белгилари ҳақида турли фикрлар мавжуд. Бир қатор политологлар, жумладан Г.Ф.Шершеневич асарида давлатнинг асосий белгилари сифатида аҳолининг ҳудудий бўлиниши, оммавий ҳокимият ҳамда солиқлар тизимининг ташкил этилишини кўрсатиб ўтган.

А) одамларнинг бирлашуви;

Б) улар устидан ҳукмронлик қилувчи ҳокимият;

В) шу ҳокимият таъсири доирасидаги “ҳудуд”ни санаб ўтган.

Ҳозирги кунда давлатнинг умумий эътироф этилган қуйидаги асосий белгиларини кўрсатиш мумкин:

1. Давлат ўз давлат чегаралари доирасида фуқаролик белгиси бўйича бирлашган бутун жамиятнинг, бутун аҳолининг ягона вакили сифатида майдонга чиқади;

2. Ўзига хос оммавий ҳокимият – давлат ҳокимиятининг мавжудлиги, яъни ҳокимият ва бошқарув аппаратининг, мажбурлаш аппаратининг борлиги;

3. Аҳолининг ҳудудлар бўйича уюшганлиги (фуқароларнинг давлат чегаралари доирасида, муайян маъмурий-ҳудудий бирликларда яшаши);

4. Давлат-суверен ҳокимиятининг ягона соҳибидир;

5. Давлат юридик кучга эга бўлган ва ҳуқуқ нормаларини акс эттирувчи қонунлар ва уларга асосланиб чиқариладиган ҳужжатларни қабул қилади;

6. Давлат-қонунийлик ва ҳуқуқ тартибот посбони бўлишга махсус даъват этилган ҳуқуқни муҳофаза қилиш (жазолаш) органлари (суд, прокуратура, ички ишлар органи ва бошқалар)га бўлган ягона ташкилот;

7. Фақат давлатгина ўз мудофааси, суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва хавфсизлигини таъминловчи қуролли кучлар ҳамда хавфсизлик органларига эга бўла олади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган биргаликда олинган давлат белгиларининг жами жамият сиёсий тизимида давлатнинг алоҳида ўрни ва етакчи ролини тўла изоҳлайди. Бунда албатта ҳар бир тарихий даврда, турлича ижтимоий-иқтисодий шароитларда давлатнинг бу белгилари ҳам ички мазмуни, ҳам ташқи кўриниши билан фарқ қилишини ҳисобга олиш зарур.

Давлат шакли деганда, давлатдаги сиёсий ҳокимиятни уюштиришнинг уч асосий белгилари тушунилади. Булар:

Бошқарув шакли, давлат тузилиши шакли ва сиёсий идора усули

Бошқарув шакли – муайян давлатда ҳокимиятни уюштириш усулининг мажмуидир. Бу таърифни янада аниқлаштирадик, у олий давлат ҳокимиятини ташкил этиш, айти пайтда давлатнинг олий ва марказий идоралари, мазкур Қадимги Юнон файласуфи Арастуниги фикрича, “олий ҳокимият яқка шахс томонидан амалга оширилганда республика, барча халқ томонидан амалга оширилганда демократия бўлади”.¹

Тузилиш шакли: Давлат тузилиши давлат шаклининг муҳим бир туридир. Давлат тузилиши шу давлат олдида турган вазифалар ва мақсадлар билан белгиланади. Унга уч нарсга таъсир этади:

1) муайян даврда жамият ва давлат олдида турган иқтисодий вазифалар ва сиёсий мақсадалар;

2) давлатдаги миллатларнинг сони ва ўзаро муносабатлари;

3) Давлат ҳудудининг катта кичиклиги.

Давлат тузилиши – давлатнинг маъмурий-ҳудудий тузилиши, унинг бўлаклари, марказий органлари, бу органларнинг жойлардаги маҳаллий органлари билан ўзаро алоқаларининг хусусиятларидан иборат.

¹ История политических и правовых учений. Изд-во Михайлова. 2000, 17-б.

Миллий давлат тузилиши – давлатнинг тузилиши, унинг маъмурий-ҳудудий бўлиниши, давлат билан унинг тиркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро муносабатлари, давлат ва унинг таркибий қисмларининг ҳуқуқий ҳолати, уларнинг ваколатларидан иборат.

а) оддий – унитар; (французча – unitaire – ягона, дегани) давлат оддий ва яхлит давлатдир. Марказий ҳокимият маҳаллий идоралари устидан назоратнинг қай турини амалга оширишига қараб унитар давлатлар марказлашган ва марказлашмаган турларга бўлинади.

б) мураккаб – федератив (лотинча – feodus – иттифоқ дегани) давлат бўлиб, унинг субъектлари давлат мустақиллигига эга бўлади. Федерацияларнинг икки тури иттифоқ ва автономия мавжуд.

Конфедеретив – давлатнинг муайян иттифоқ бўлиб, иқтисодий, сиёсий, ҳарбий мақсадлар учун шартнома ва битим асосида тузилади.


Миллий давлат тузилиши маълум принциплар асосида амалга оширилади:

- миллатнинг суверенлиги ва тенг ҳуқуқлиги;
- миллат ва элатларнинг эркин, озод ривожланиши;
- байналминаллик, миллатларнинг ҳамкорлиги, дўстлигини таъминлаш.

Бу принциплар ҳар бир миллий давлат тузилишига асос бўлиши керак. Идоралар таркиби, ваколатлари, пайдо бўлиш тартиби, шунингдек, уларда халқнинг иштирок этиш даражаси, мазкур идоралар ваколатларининг **муддатини назарда тутади. Инсониятга давлат бошқарувининг азалдан маълум бўлган:**

Республика – лотинча сўздан олинган бўлиб, (жамоа иши) шаклида давлат ҳокимиятини аҳоли муайян муддатга сайлаб қўядиган идоралар амалга оширади. Янги даврда республиканинг парламентар ва президентлик турлари пайдо бўлган.

Бошқарувнинг республика шаклида уч хил кўриниши
ажралиб туради




Президент бевосита халқ ёки сайловчилар кенгаши томонидан сайланади. Президент бир вақтнинг ўзида ҳам давлат, ҳам ҳукумат бошлиғи ҳисобланади. Ҳукумат аъзоларини президент тасвия қилади. Ҳукумат Парламенти олдида эмас, Президент олдида масъулдир. Вазирлар Президент ўрнатган сиёсатни амалга оширадилар. Парламент ҳукуматга ишончсизлик билдира олмайди, ҳукумат парламентни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга эмас. Ҳозирда Президентлик республикаси кенг тарқалиб бормоқда.

Парламент республиканинг ҳам ўзига хос белгилари бор. Давлат сиёсий тизимда парламентнинг устиворлик принцигига амал қилади. Президент давлат бошлиғи сифатида кўп ваколатларга эга бўлсада, ҳукумат тасдиғисиз мустақил фаолият кўрсата олмайди. Президентнинг фаолияти ҳукуматнинг розилиги билан амалга ошади. Конституцияда парламентнинг устиворлиги таъкидланади ва унинг олдида ҳукуматнинг маъсуллиги ўрнатилади, амалда маълум шароитда парламент ҳукуматни тарқатиб юбориши мумкин. Президент парламент ёки у тузган кенгаш томонидан сайланади. Парламентар республикада вазирлар кенгаши раиси мансаби (канцлер) бўлиб, унинг раҳбарлигида ҳукуматнинг ички ва ташқи сиёсати амалга оширилади. Ҳозирги вақтда Парламентар республикалар Германияда, Италияда, Хиндистонда, Туркия, Исроил каби мамлакатларда мавжуд.

Аралаш шакли Президентлик ва парламентар республикаларнинг айрим белгиларини ўзида мужассамлаштиради. Франция бунга энг характерли мисолдир.

Хукукий давлат



Хукукий давлат – ҳуқуқнинг ҳукмронлиги ва қонуннинг устиворлиги, ҳокимият ваколатларининг бўлиниши, суднинг мустақиллиги, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари таъминланадиган, ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар иши самарали бўлган ҳақиқий халқ ҳокимияти, юқори даражадаги сиёсий-ҳуқуқий маданиятга эришган демократик давлатдир. Хукукий давлатнинг қуйидаги бир қатор асосий белгилари мавжуд:

1. Ҳуқуқнинг ҳукмронлиги.
2. Конституция ва қонун устунлиги.
3. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этиш, уларни ҳимоя қилиш ва таъминлаш.
4. Давлат ва фуқароларнинг ўзаро маъсулияти.
5. Ҳокимият ваколатларининг бўлиниши.
6. Суднинг мустақиллиги.
7. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг самарали ишлаши.
8. Хукуқий маданиятнинг юксак даражаси.
9. Демократиянинг ривожланиши ва такомиллашуви.

Жамиятда ҳукуқий давлатнинг роли қуйидагиларда ифодаланади:

1. Жамиятда фаолият кўрсатувчи демократик институтларнинг ривожланиши ва барқарорлигини рағбатлантира оладиган ҳукуқий ҳужжат чиқариш ва жорий этиш.
2. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, уларнинг ижтимоий ҳимояланганлигига доир амалий чоралар қабул қилиш.
3. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қилувчи мансабдор шахсларни тегишли шаклда ҳукуқий жавобгарликка тортишнинг ҳукуқий механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Жамият ҳаётида ҳукуқий давлат қуйидагиларни таъминлайди:

- давлат механизмнинг бурча бўғинлари аниқ ва бир мақомда ишлашини;
- ҳукуқий давлат органлари фаолиятида ҳукуқий ижодкорлик ва ҳуқуқни қўллашнинг самарадорлиги;
- ҳокимият ваколатларини тақсимлаш принципларини турмушга жорий этишни;
- давлат-ҳукуқий ва сиёсий институтларни барқарорлигини;
- эркин бозор иқтисодиётини.

Хукуқий давлат барқарорлигининг ҳукуқий асоси – жамиятда фуқароларнинг иродасига, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимояланганлигига асосланган қонунийлик ва ҳукуқий тартибнинг мустаҳкамлигидир.

Хукуқий давлат барқарорлигининг сиёсий асоси – сиёсий плюрализмга асосланган демократик сиёсий тизимнинг мавжудлиги ва барқарор фаолият кўрсатишидир.

Ҳуқуқий давлат барқарорлигининг ижтимоий асоси – аҳолининг давлат томонидан тенг ҳимояланишида кўринади.

Ҳуқуқий давлат барқарорлигининг иқтисодий асоси – эркин тадбиркорликка ва хилма-хил мулк шакллари ривожлантиришга қаратилган бозор муносабатларининг мавжудлигидир.

Инсонпарвар ҳуқуқий давлатнинг белгилари:

1. Конституция ва қонуннинг устиворлиги.
2. Давлат ҳокимияти тизимининг тақсимланиш принципи.
3. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш ва уларни ҳимояланиш.
4. Олий қадрият сифатида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини жорий этиш шарт-шароитларнинг яратилиши.
5. Демократлилик.
6. Сиёсий ва ҳуқуқий маданият даражасини юксалиши.
7. Адолатли фуқаролик жамиятини яратилиш.
8. Суд – ҳуқуқий ислоҳатларнинг ўтказилиши.
9. Суднинг мустақиллиги.
10. Ҳокимият ваколатларини тақсимлаш ва ҳуқуқий давлат тизимини яратиш мақсадида қонунларни чиқариш ва такомиллаштириш.

Юртборишиз И.А.Каримов таъбири билан айтганда ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, конституция ва қонунларнинг устунлигини таъминлашидир.

Фуқаролик жамияти фуқароларнинг бошқарув жараёнида реал иштирокини, давлат фаолияти устидан уларнинг назоратини таъминлашга лаёқатли нодавлат ижтимоий ташкилотларнинг йиғиндисидир. Ҳозирги давр фуқаролик жамияти қатор хусусиятлар билан ажралиб туради.



Қисқа хулосалар.

Сиёсий ҳокимият аниқ тарихий шароитларда намоён бўлади ва ғоятда хилма-хилдир. Тарихий тараққиёт тажрибасидан монархия ва республика, демократик ва ғайридемократик тартиботлар ва уларнинг хилма-хил шакллари маълум.

Давлат ўзининг мукаммал мақомига эга бўлиб, маълум ҳудудга, ўз аҳолисига ва маълум бир ташкилотларга, ҳокимиятга эга бўлади. У ихтиёрий, мажбурий, ижтимоий-сиёсий ташкилот ҳисобланади.

Давлат ҳокимиятнинг амал қилиш жараёнлари турли тарихий мақсадларда, турли ижтимоий-сиёсий макон доирасида, турли ворисийлик даражасида содир бўлиш ўз навбатида уларнинг ўзига хос турлари, кўринишлари, шакллари ҳам келтириб чиқарадики, политология учун у теран таҳлил этилиши ҳам сиёсий, назарий, ҳам долзарб амалий аҳамият касб этади.

Ҳуқуқий давлат унсурларининг ривожланиши билан бир вақтнинг ўзида фуқаролик жамиятини қуришда бўлган кучли зарурият пайдо бўлади. Чунки ҳуқуқий давлат қуриш жараёнлари фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш билан уйғун ҳолда кечади.

Ҳозирги даврда ривожланган ва демократик мамлакатларда нодавлат нотижорат ташкилотларини ҳар томонлама ривожлантириш ва такомиллаштириш натижасида кучли фуқаролик жамияти қуришга эришилди.

Таянч сўзлар.

Ҳокимият таърифи, ҳукмронлик қилиш, раҳбарлик қилиш, бошқариш, ташкил этиш-уюштириш, назорат қилиш. Ҳокимият турлари, кўринишлари, шакллари, давлат ҳокимияти тушунчаси, давлат ҳокимиятининг турлари, кўринишлари, шакллари, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти, нодавлат, нотижорат ташкилотлари.

Назорат ва муҳокама учун саволлар.

1. Ҳозирги замон фанида сиёсий ҳокимият қандай тушунчани англатади?
2. Ҳокимият ходисаси ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларда ҳам учрайдими?
3. Давлат ҳокимияти қандай шаклларда намоён бўлади?
4. Давлат тузилишини шакллантириш йўллари қандай?
5. Давлат ҳокимиятини манбалари қандай?
6. Ҳокимиятини амалга ошириш усулларига кўра бошқарув турлари қайсилар?
7. Давлат бошқарувининг азалдан маълум бўлган шакллари қандай?
8. Ҳуқуқий давлат ўзига хос қандай белгиларга эга?
9. Бошқарувнинг республика шаклининг уч хил кўринишини ажратиб кўрсатинг?
10. Бошқарувнинг Президентлик шакли Парламент бошқарув шаклидан қандай фарқи қилади?

Адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. “Ўзбекистон”, 2009, 3-35 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги 2007 йил 11 апрел Конституциявий қонуни. “Халқ сўзи”, 2007 йил 12 апрел.
3. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т. 14. Т. “Ўзбекистон”, 2006. 61-91, 213-260 б.
4. Алиев Б. Хошимов Т. ва бошқалар. Политология. Ўқув қўлланма. Т. ТДИУ. 2006. 98-113 б.
5. Алиев Б., Бобоев А. Политология фани бўйича таълим технологияси. Т. ТДИУ. 2006. 67-80 б.

6. А.И. Кравченко. Политология. Учебник. М. 2008, 129-150-б.
7. Х.Т. Одилқорев, Д.Х. Раззоқов. Сиёсатшунослик. “Ўқитувчи” нашриёти. 2008, 140-151-б.

7-МАВЗУ: СИЁСИЙ ҲАЁТ ВА КЎППАРТИЯВИЙЛИК.

7.1. Сиёсий ҳаёт ва кўппартиявийлик омили. “Кўппартиявийлик” тушунчаси.

“Сиёсий ҳаёт ва жараён” мавзuidaги маърузада “сиёсат”, “сиёсий ҳаёт”, “сиёсий жараён” тушунчалари устида батафсил фикр юритган эдик, таъкидлаганимиздек, кишилар уларнинг бирликлари, ташкилот ва бирлашмалари ўртасидаги ҳокимият ва ижтимоий бошқариш билан боғлиқ муносабатлар жамият сиёсий ҳаётининг мазмунини ташкил этади.

Демократик жамиятда кишилар ва уларнинг бирликлари сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиш орқали ўз манфаатлари, орзу-умидларини рўёбга чиқаришга эришадилар. Жамият тарихидаги вазифали сиёсий тизимларда кишилар ўзларининг алоҳида манфаатларини химоя қилиш мақсадида уюшадилар ва ўз иродаларини жамиятга ўтказишга уринганлар. Булар сиёсий партиялар ва ташкилотлар ҳаракатида намоён бўлади.

Ҳозирги даврдаги сиёсий партияларнинг илк ўтмишдошлари янги даврга келиб шаклланди. XIX асрга келиб Ғарбий Европа ва Шимолий Америка мамлакатларидаги сиёсий партиялар сиёсий вакиллик институти ҳарактерини касб эта бошладилар. Партиялар пайдо бўлишининг муҳим сабабларидан бири – давлат ҳокимиятини шакллантиришда адолат тамойилларига амал қилиш жамиятни демократиялаштириш заруриятларига бўлган талабнинг ошиб борганлигидир.

Албатта, сиёсий партияларга дастлабки даврларда салбий муносабатни билдирганлар. Ҳаттоки, XVIII асрда яшаган машҳур Томас Гоббе ҳам сиёсий “партияларни давлатга нисбатан жиноий фикрловчи ташкилот”, деб атаб, уларга қарши курашиш лозимлигини уқтирган бўлса, АҚШ “отахонларидан ва асосчиларининг баъзилари партиялар халқ суверенитети тамойилини амалга оширишга қарама-қарши равишда бирон-бир гуруҳнинг давлат ҳокимиятини суистеъмол қилишга қаратилган қуроли ҳам бўлиши мумкин”, деган қарашларни билдирганлар. Лекин, XIX аср охири XX асрдаги мутафаккирлар жамият ҳамда давлат бошқаруви учун муҳим бўлган демократик институт сифатида талқин эта бошладилар.¹

“Партия” сўзи лотинча, “парз қисм” “гуруҳ” сўзларидан келиб чиққан бўлиб, у ёки бу жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий гуруҳлар, табақалар, катламларнинг бир қисмини, одатда уларнинг илғор ва энг фаол қисмини бирлаштирадиган сиёсий ташкилотни англатади.

XX асрнинг сўнгги даврига келиб Ж.Лапаламбара ва Ж.Андерсон “Бошқарув ва сиёсат энциклопедияси” номли асарида қуйидаги таърифни берганлар. Партия расмий мақомга эга бўлиш ва расмий ташкилот бўлиш билан боғлиқ марказни периферия билан боғловчи ва давлат органларига ўз номзодларини сайловлар воситасида ўтказишга мойил бўлган ҳар қандий гуруҳдир.²

Ғарб политолог олимлари сиёсий партияларни қуйидаги белги ва функциялари асосида таърифлайдилар. Сиёсий партия – расмий ва ташкилий тизимига эга ҳуқуқий

¹ М.Қирғизбоев. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба. Т. “Янги аср авлоди”, 2006, 105-б.

² Ўша жойда. 106-б.

мақомга эга бўлган ва сайлов жараёнларига қўйилган нодавлат институт тури ва гуруҳий бирлашмадир.

Испания қироллиги, ГФР Конституцияларида сиёсий партиялар жамият институти яъни халқ сиёсий манфаатлари ифодачиси сифатида талқин этилади.

Сиёсий Партия умумий ғоя ва манфаат, ижтимоий-сиёсий манфаатлар, мақсадлар асосида одамларни ихтиёрий равишда бирлаштирувчи турғун ташкилот, фуқаровий жамият билан давлатни бир-бирига боғловчи энг муҳим воситаларидан бири, ҳозирги замон демократик давлати ҳаётининг зурурий омилларидан биридир.

Сиёсий партияларнинг шаклланиши уч йўл билан содир этилади.



“Юқоридан” шаклланиш йўли парламент гуруҳлари сиёсий элита, партия бюрократлари фаолиятлари асосида амалга оширилиши мумкин. “Қуйидан” шаклланиш ижтимоий ҳаракатлар, ёки аниқ мафкура, етакчи тарафдорларининг бирлашувлари асосида бўлиши мумкин. Партия шаклланишининг “аралаш” усули элитар гуруҳлар ва оддий фуқароларнинг биргаликдаги ҳаракатлари асосида рўёбга чиқади.


XX асрга келиб политолог олимлар томонидан демократик тамойиллар асосида фаолият юритадиган сиёсий партияларнинг асосий функциялари қуйидагиларидан иборат эканлиги аниқланди:

1. Назарий: Жамият истиқболини таҳлил этиш ва назарий жиҳатдан баҳолаш, турли ижтимоий гуруҳлар манфаатларини аниқлаш, жамиятни янгилаш стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш. .
2. Ғоявий: Омманинг дунёқарабини, ахлоқий қадриятларини химоя қилиш, ўзларининг дастурий мақсадлари ва сиёсатини ташвиқ қилиш, фуқароларни ўз партияси сафларига жалб этиш.
3. Сиёсий: Ҳокимият учун кураш, давлатнинг ички ва ташқи сиёсий йўлини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; муқобил таклифларни тайёрлаш, сайловолди дастурини бажариш.
4. Ташкилий: Дастурий кўрсатма ва қарорларни амалга ошириш, сайлов йўлини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; сайлов компаниясини ўтказиш; сайланадиган лавозимлар учун номзодларни танлаш; ҳукмрон элита учун кадрларни тайёрлаш, **хукуматни тузиш.**

Демак сиёсий партиялар алоҳида олинган фуқаролар, ижтимоий табақалар ва гуруҳлар манфаатларини бирлаштириб, уларни сиёсий манфаатлар мажмуаси даражасига кўтаради, ўз таянувчи ижтимоий табақалар ваколатларини сиёсий тизимда ифода этади; Партия фуқаролар хоҳиш-иродасини ва танлов асосидаги ҳокимиятни сайловлар воситасида шакллантиришнинг муҳим ва асосий воситасидир; Партиявийлик бажарилиши шарт бўлган сиёсий қарорларнинг демократик легитимлаштириш, жамият томонидан тан олиншини таъминлаш воситасидир; Партиялар жамиятнинг ўзлари қамраб олган ижтимоий-сиёсий кенгликларида фуқаролар сиёсий онги шаклланиши ва сиёсий маданиятини юксалтиришга хизмат қиладиган ташкилотлар; партия демократик сайловларда сайланган депутатлар, шунингдек, партиявий фракциялар воситасида ўз муқобил дастурларини амалга ошириш, халқ оммасининг эътиборига эришиш мақсадида парламент ва хукуматга таъсир кўрсата

олиш қобилятига эга институтдир; партия ўз сиёсий мақсадларини “давлат идораси билан уйғунлаштира олувчи” сиёсий кучдир.

Сиёсий партиялар жамиятда тутган мавқеини унинг белгиларига қараб аниқлаш мумкин.



Сиёсий партияларнинг жамият сиёсий тизими таркибида эгаллаб турган мавқеи ва жамият сиёсий ҳаётидаги аҳамиятини мана шу белгиларнинг кучлилиги ва заифлиги билан баҳоланади.

Сиёсий партияларнинг турлари ҳам турли-тумандир.

Архаик турдаги партиялар (Америка тури): аниқ ташкилий тузилманинг йўқлиги, фаолиятининг доимий эмаслиги (сайловлар даврида), ташкилий тузилмага эга бўлган, парламент фаолиятига қаратилган ислоҳатчилар партияси.

Парламент туридаги партиялар: (Европа тури) ижтимоий тузумни ўзгартирмай ҳаракат қилиб келувчи, ташкилий тузилмага эга бўлган, парламент фаолиятига қаратилган, ислоҳатчилар партияси.

Авангард турдаги партиялар (Марксга, Ленинга) улар аниқ ташкилий тузилмалари бўлган, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларини қамраб олган, давлат тузилмасига кирган, ташкил топиш ва фаолияти марказлашган принципга асосланган, аъзолик бадалига эга бўлган, революционерлар партияси.

Қўшма иттифоқли партия системалари. Масалан, ГФР умумфедератив-христиан – демократик партия ҳамда христиан-ижтимоий уюшма партияси ҳамкорлигида ўз ифодасини топгандир.

Қўшма иттифоқли партия системалари, шунингдек, айрим тарихий даврларда, айниқса, сайловлар ўтказиш муносабати билан тузиладиган миллий ёки халқ фронтларида намоён бўлиши мумкин. Бундай партия системалари тури илгари ҳам бўлган, ҳозир ҳам мавжуд ва келажакда ҳам амал қилиши эҳтимолдан холи эмас.

Демократик жамиятнинг муҳим омилларидан бири бу кўппартиявийликдир. Қонуний ҳокимият учун курашда имкониятлари тахминан бир хил бўлган бир қанча партиялар мавжуд бўлганда кўппартиявий тизим вужудга келади.



Кўппартиявийлик умуман жамият учун фойдалидир, чунки партиянинг ҳокимиятга келишининг маданий механизмларига эга бўлади. Жамият ривожланишининг муқобил вариантлари олға сурилади.

Ҳозирги Ғарб жамияти ижро ҳокимияти масаласини ҳал қилишда кўппартиявийлик шароитида партиявийлар ўзаро муносабатларининг аниқ механизмларини ишлаб чиқди.



Ғалаба қозонган ҳеч бир партия қонун чиқарувчи ҳокимият – парламентда кўпчилиكنи ташкил қила олмаса, коалицион тизим вужудга келади. Натижада ғалаба қозонган партия бошқалари билан ҳамкорликда коалицион ҳукумат тузишга мажбур (Италия, Белгия, Голландия, Дания). Аммо бундай ҳукумат барқарор бўла олмайди.

Ҳукмрон партия устунлиги тизими парламентда бир партияли мутлоқ кўпчилик бўлганда ва бир партияли ҳукумат тузилганда вужудга келади. Ҳукмрон партия партиявий тизимда устивор мавқеини эгаллайди, жамиятга мафкуравий таъсир ўтказади. Бундай давлатда кучли ва уюшган муҳолифат бўлмайди, ҳукмрон партия узоқ вақт мавқеини сақлаб қолади. (Швеция, Япония).

Сиёсат майдонида икки партия ҳукмронлик қилса, бири ҳукмрон, иккинчиси муҳолифат партияга айланса икки партияли кўриниши ўзгарган тизимдир. Икки партиядан бирортаси ҳам парламентда кўпчилик бўла олмаса ва бири учинчи партия билан коалиция тузса вужудга келади. Сиёсий ҳокимиятга яқка эгалликни қатъий ўрнатиш ва кўппартияли тизимга ўтиш ҳозирги амалга оширилаётган сиёсий ислохотларнинг асосий мазмунини ташкил этишига, амалий демократиянинг раванқ топишига кенг йўл очиб беради.

7.2. Сиёсий ҳаётни эркинлаштиришда сиёсий партияларнинг ўрни ва роли.

Ҳозирги замон жамиятларида давлатнинг турли оммавий жамоат ташкилотлари билан ўзаро алоқаларини кузатиш шуни кўрсатади. Мавжуд сиёсий тизимда иштирок этадиган партиялар давлат ва жамият муносабатлари тизимида марказий ўринни эгаллаб келмоқда.

Сиёсий партиялар сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчиси сифатида давлат органларининг шаклланиши ва фаолиятида давлат қарорларини қабул қилишида тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Қолаверса, сиёсий партияларнинг мавжудлиги – демократик тизимлар ривожланишининг зарурий шарт-шароитларидан биридир. Демократия тамойиллари нуқтаи назаридан ёндашганда эса сиёсий партиялар давлат органлари тизимида кирмайди ва бевосита давлат ишларида иштирок этмайди. Аммо сиёсий партиялар бир вақтнинг ўзида ҳам давлат соҳасига, ҳам фуқаролик жамиятига тааллуқли институт эканлиги билан ажралиб туради.

Партияларнинг сиёсий тизимидаги ўрнининг кучайиб бориши билан уларнинг ҳуқуқий мақоми даражаси ҳар бир мамлакатда турлича шаклларда намоён бўлмоқда.

Партияларга доир қоидалар ҳар бир мамлакат ҳуқуқий манбаларида турлича шаклларда талқин қилинади: Конституция ва қонунлар, конституциявий меъёрлар, ҳукумат декретлари ва қарорлари, парламент регламентлари, суд қарорлари ва бошқалар.

Ривожланган мамлакатларда аксарият партиялари ўзларида социал-демократик, либерал ва консерватив унсурларнинг ўзига хос синтези сифатида намоён бўла бошлади.

АҚШ ва Британия каби мамлакатлар конституцияларида сиёсий партияларга доир модда учрайди.

Ривожланган мамлакатларда иккинчи жаҳон урушидан кейин қабул қилинган конституцияларда сиёсий партиялар тўғрисидаги махсус қоидалар киритилган.

Баъзи мамлакатларда уюшмалар, жамоат бирлашмалари, жамоат ташкилотлари тўғрисидаги қонунларда ўз ифодасини топган.

Кўпчилик мамлакатларда эса сиёсий партияларга доир алоҳида қонунлар ҳам қабул қилинган.

ГФР (1967 йил), Португалия (1975 йил), Испания (1978 йил), - 1981 йил қайтадан тўлдирилди. Ўзбекистон (1996 йил). Швеция (1956 йил), Финландия (1969 йил), АҚШ (1917 йил), Ўзбекистон (2004 йил) каби мамлакатларда сиёсий партияларни молиялаштиришга доир махсус қонунлар қабул қилинди.

Айрим мамлакатларда партияларнинг оммавий ахборот воситаларидаги иштироки махсус қонунлар билан мувофиқлаштирилди. М: Францияда радио ва телевидение тўғрисидаги қонун.

АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатларида сайловчиларнинг у ёки бу партияга овоз бериш уларнинг маълум ижтимоий гуруҳга алоқадорлиги аста-секин бузилиб бормоқда.

Конституциявий назорат устун бўлган мамлакатларда сиёсий партиялар фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи куч – бу суд қарорларидир. АҚШда партиялар Суд қарорлари воситасида ўз мақомларини қабул қилганлар.

Германиядаги “Христиан – демократик партия” “Халқ партияси” мавқеига эришиш учун даъвогарлик қилмоқда.

АҚШ республикачилар ва демократик партиялари ҳам ўзларининг дастлабки фаолиятларини “Ҳамманинг партияси” сифатида бошлаганлар.

Келтирилган мисоллардан кўриниб турганидек сиёсий партиялар асосан, жамият аъзоларининг сиёсий иродаларини шакллантириш институтидир.

Ўзбекистонда ҳам сиёсий партияларнинг жамият институти сифатидаги ҳуқуқий мақоми шаклланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 56-моддасида сиёсий партиялар “Жамоат бирлашмалари” сифатида эътироф этилади. Мазкур конституциянинг 58-моддасида “давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралаштиришга ҳаққи йўқ”.

Сиёсий партияларнинг ўз функцияларини тўла бажара олиш, уларни демократик қоидалар асосида фаолият кўрсатишларнинг кафолати, буларнинг давлат органларидан мустақиллигидир. Партия ўзининг бошқарув кадрларини шакллантиришда, депутатликка номзодлар кўрсатишида, низом ва дастурига оид ҳужжатларни ишлаб чиқишда мутлоқ мустақилдир. Партия раҳбарияти учун “юқори орган” фақат партия аъзолари **иродаси бўлишига эришгандагина** унинг тўла мустақиллигини таъминлай олиш мумкин.

Партия ўз салоҳияти, қобилияти, сайловчилар хайр-хоҳишига эришиши учун ўзи каби бошқа партия билан мусобақалашishi ва рақобатлашиши лозим. Акс ҳолда партиянинг ички ислоҳати, мафкуравий ва ташкилотчилик қобилияти рўёбга чиқмайди ва сайловлар жараёнларидаги оддий ва расмий аҳамиятга эга бўлган сует ташкилот даражасида юқорига кўтарила олмайди.

Партияларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаолият кўрсатишларининг кафолати бу – уларнинг молиявий асосларга эга бўлишидир.

Партияларни давлат томонидан молиялаштириш сиёсий партиялар тўғрисидаги ҳозирги давр қонунчилигидаги асосий тамойиллардан бирига айланди. Бу каби молиялаштириш амалиёти XX асрнинг 50-йиллари ўртасидан бошланди. Бу турдаги амалиёт дастлаб учта мамлакатда 1954 йилда Коста Рикада, 1955 йилда Аргентинада, 1959 йилда ГРФда бошланган бўлса, 80-йилларга келиб давлат томонидан молиялаштириш 21 мамлакат қонунчилигида ифодаланди.

Ҳозирги давр қонунчилигида сиёсий партияларни давлат томонидан молиялаштиришнинг турлича хиллари ва шакллари мавжуддир: умумий, махсус, тўғридан-тўғри ва билвосита. Умумий (мақсадсиз) молиялаштириш – субсидияларини сиёсий партияларнинг жорий фаолиятининг ташкилий ҳарактерини (Партия аппаратини сақлаш, курултой ва конференцияларни ўтказиш, бинолар ижара ҳақини тўлаш, жихоз ва турли ускуналар олиш ва бошқалар) қоплаш учун ишлатилади. Махсус молиялаштириш – партиялар фаолиятининг маълум бир йўналишига (сайлов компанияларини ўтказиш кабилар) субсидиялар ажратишдир.

XX асрнинг 90-йилларига келиб партияларнинг давлат томонидан молиялаштириш тамойили умумдунёвийлик характерни касб эта бошлади. 112 мамлакат миллий парламентлари вакиллари иштирок этган Парламентлараро Кенгаш (Париж, 1994 йил 26 март) 154-сессияда қабул қилинган “Эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тўғрисида”ги Декларацияда ўз ифодасини топган.

7.3. Ўзбекистонда сиёсий партиялар тизими.

Партияларнинг сиёсий мақсадлари.

Мустақил Ўзбекистон **Республикасининг** давлат ҳокимияти томонидан амалга оширилаётган чуқур иқтисодий ва сиёсий ислохотлар ўтказиш сиёсати натижасида мулкчилик шакллариининг хилма-хиллиги қонуний кафолатланди, мулкни давлат тасарруфидан чиқариб хусусийлаштириш жараёнлари тобора тез суръатларда содир этилмоқда, жамият сиёсий тизимида ҳам туб моҳиятли чуқур ислохотлар ўтказилди. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон жамияти сиёсий ҳаёти оқимида сиёсий партияларнинг вужудга келиши ва фаолиятининг жадаллашувига қулай шарт-шароитлар яратиб берди.

Ўзбекистонда кўппартиявий тизим шаклланмоқда. Ҳозирги кунда тўртта парламентар партия мавжуд. Ҳукмрон ва муҳолифат партияси шаклланиши учун аста-секин шароит яратилмоқда. 2004 йилда қонунчилик палатасини шакллантиришда икки ҳукмрон партия аниқланди. Қонунчилик палатасида энг кўп ўрин олган ЛДП ва Фидокорлар ҳукмрон партиялари мақомини, қолганлари эса парламентар партиялар мақомини олди. Бу эса кўп сабаблар қатори сиёсий маданият ва сиёсий онгнинг ривожланиши билан ҳам боғлиқдир.

Мамлакатимизда сиёсий ҳаётни демократиялаштириш борасида конституциявий ҳуқуқий асослар яратилди. Бунга мисол қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Сиёсий партиялар тўғрисида”, “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”, “Давлат

бошқарувини янгилаш ва янада демократиялаштириш ҳам мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларининг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунларни келтириш мумкин.



Сиёсий партиялар қуйидаги ҳуқуқларга эга – фаолият тўғрисидаги ахборотни эркин тарқатиш, ўз ғоялари ва қарорларини тарғиб қилиш;

- Сайлаб қуйиладиган давлат органларидаги ўз вакиллари тегишли қарорларни тайёрлашда иштирок этиш;

- Қонунда белгилаб қўйилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти, давлат ҳокимияти органлари сайловларида иштирок этиш;

- Партия фаолияти билан боғлиқ йиғинлар, конференциялар ва бошқа тадбирларни ўтказиш;

- Қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда оммавий ахборот воситаларини тавсия этиш ва бошқа оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш;

- Ўзбекистон Республикаси сиёсий партиялари билан иттифоқ тузиш, улар билан ва бошқа жамоат бирлашмалари билан шартнома муносабатлари ўрнатиш.

Ҳар бир партиянинг ўз дастури мавжуд бўлиб, унга кўра улар сиёсий майдонда ушбу дастурларда назарда тутилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун фаолият олиб борадилар. Масалан, Ўзбекистон халқ демократик партияси Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, барқарор бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият қуриш, мамлакатнинг ҳар бир фуқаросига муносиб турмуш шароитлари ва унинг фаровонлигини таъминлай оладиган сиёсатни олиб боришни ўз фаолиятининг бош вазифалари деб

ҳисоблайди. “Адолат” партиясида барқарорликнинг ва Ўзбекистон бозор ислохатлари моделини рўёбга чиқаришнинг кафолати сифатида фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, “Миллий тикланиш” партиясида халқ маънавиятини, тарихий хотирасини ва маданиятини тиклаш ва миллий демократик партия дастурида мулкдорлар синфининг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий мавқеини ошириб бориш, Либерал демократик партиясида тадбиркорлар ва ишбилармонларнинг янада кенгроқ фаолият олиб боришлари учун янги имкониятлар яратиш, уларнинг эртанги кунини таъминлашдек мақсад партиявий дастур сифатида илгари сурилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонунда партияларнинг ташкил топиши, фаолиятларининг кафолатлари, улар фаолиятини тўхтатиб туриш ва фаолиятини тугатиш билан боғлиқ қоидалар ўз аксини топган.

Қуйидаги сиёсий партияларни тузиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тақиқланади:

1. Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришини мақсад қилиб қуёвчи;
2. Ўзбекистон Республикаси суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи;
3. Урушни, ижтимоий, миллат, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи;
4. Халқнинг соғилиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи;
5. Миллий ва диний руҳиятдаги партиялар.

Демократик тартибдаги икки партиявий ёки кўп партиявий тизимга эга бўлган давлатларда ҳукмрон партиялар ва муҳолиф партиялар ўртасида соғлом рақобат мавжуд бўлади. Муҳолиф партиялар миллий тараққиёт учун муқобил дастурлар ишлаб чиқади ва жамоатчилик муҳокамасига ўз таклифларини беради, амалдаги ҳукумат фаолиятида мавжуд бўлган хато, нуқсонлар, суистеъмолчиликларни танқид қилади, бу билан эса ҳукуматни жамиятдаги мавжуд муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш усулларини излаб топишга мажбур қилади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон жумҳуриятининг сиёсий ҳаёти оқимида бундай сиёсий кучлар, бундай сиёсий муҳолифат вужудга келиб шаклланаётганлигини янгитдан ташкил топган Олий мажлис қўйи қонунчилик палатаси, 2007 йил 23 декабр Президентликка сайловлар натижалари яққол кўрсатди.

Масалан, Ўзбекистон Либерал демократик партияси Олий Мажлис қўйи палатасида 41 депутатдан иборат ўз фракциясига, Халқ демократик партияси 26 депутатдан иборат ўз фракцияларига эга бўлган ҳолда етакчи сиёсий куч сифатида ўрин эгаллаб турибди. Қолган сиёсий партиялар оз сонли парламент турдаги партиялар ҳисобланадилар. Бу дастлабки қўйилган қадамдир. Ўзбекистонда ҳақиқий яратувчи (конструктив) истиқбол бурч-вазифаларига йўналган сиёсий муҳолифат демократик, очиқ воситаларда амалий сиёсий кураш олиб бориб, Ўзбекистон истиқлолига, унинг тўла мустақил давлат сифатида қарор топиб гуллаб-яшнаган, раванқ топган мамлакатга айланиши учун ўзининг муносиб ҳиссасини қўша олади.

Қисқача хулоса.

Сиёсий партиялар фуқаролик жамиятининг муҳим институтидир. Фуқаролар сиёсий партиялар воситасидаги ўз сиёсий манфаатларини интеграция қилиш ва уларни давлат органларига етказиш имкониятларига эга бўладилар. Сиёсий партиялар у ёки бу ижтимоий қатламнинг манфаатлари ва муаммоларини ўзида ифода этади, уларни сиёсий кенгликларда химоя қилади. Сиёсий партия ижтимоий қатлам ёки қатламлар сиёсий манфаатлари ифодачиси сифатида ҳокимият учун курашади, ҳокимиятни эгаллаган тақдирда эса ўзи мансуб бўлган ижтимоий қатлам муаммолари, шунингдек сайловларда ўзига хайрихонлик қилган сайловчилар хоҳиш-иродаларини амалга оширишга интилади.

Кўппартиявийлик жамият маданиятининг кўрсаткичидир. Кўппартиялилиқ маданияти деганда, биз сиёсий партия нима, унинг қандай дастури ва ҳаракат усули тўғри, қайсиниси эса нотўғри, сиёсий партияга аъзо бўлиш кишига қанча бурч ва ҳуқуқлар беради, сиёсий

партия давлатга, жамиятга, мамлакат раҳбарига, мавжуд ҳукуматга, ижтимоий гуруҳлар ва турли оммавий ташкилотларга қандай муносабатда бўлиш кераклигини англатади.

Ўзбекистон сиёсий ҳаётида муносиб ўринни сиёсий хилма-хиллик рамзи бўлган кўппартиявийлик ақидалари эгаллаб бормоқда. Жамият сиёсий тизимидаги бу силжишлар мамлакат барқарорлигини таъминлаш, унинг сиёсий ҳаётини мўътадиллаштириш, осойишта тараққиётни қафолатлайди. Энг муҳими жамият барча жабҳаларини чуқур демократиялаштириш имкониятини оширади.

Таянч сўзлар.

Сиёсий партия, партия функциялари, партиянинг ички тузилиши, сиёсий партияларнинг асосий турлари, партиявий тузим, бир партиявийлик, икки партиявийлик, кўппартиявийлик, ҳукмрон партия, парламент партия, партияларнинг молиявий таъминоти.

Назорат ва муҳокама учун саволлар.

1. Дастлабки сиёсий партиялар қачон ва қаерда пайдо бўлган?
2. Партиянинг ҳаракат, иттифоқ, уюшмалардан фарқи нимада?
3. Қайси партия турларини сиз биласиз?
4. Партия тизими нима?
5. Тушунтириб беринг, нима учун кўпфирклилик **хилма-хиллиқнинг** ажралмас бўлакларидан бири **ҳисобланадими?**
6. Ўйлаб кўринг қайси ҳолатларда партиявий сиёсий хилма-хиллик жамиятда тартибсизликни кучайишига олиб келиши мумкин? Мисоллар билан исботлашга ҳаракат қилинг?
7. Сиз қандай ўйлайсиз, бизнинг ошқора ҳаётимизда ўз дастурида куч ишлатмасдан ижтимоий тузумни ўзгартиришга чакирувчи ташкилотлар сиёсий партиялар учун йўл очиш керакми?
8. Ўзбекистон Республикасида келажакда янги сиёсий партиялар вужудга келиш мумкинми? Агар вужудга келса, сиз уни қандай далилларга асосланиб исбот қилган бўлар эдингиз?

Адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. “Ўзбекистон”, 2009 й.
2. “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонун. Т. “Ўзбекистон”, 1996 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократиялаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги конституциявий қонун. “Халқ сўзи” 2007 йил 12 апрель.
4. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократиялаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т. “Ўзбекистон”, 2005, 96-б.
5. Алиев Б. Хошимов Т. ва бошқалар. Политология. Ўқув қўлланма. Т. ТДИУ, 2006, 114-119 б.
6. Алиев Б. Бобоев А. ва бошқалар. Политология фани бўйича таълим технологияси. Т. ТДИУ, 2006, 81, 87 б.
7. А.И.Кравченко. Политология. Учебник. М. 2008, 250-267-б.
8. Х.Т.Одилқориев. Д.Х.Раззақов. Сиёсатшунослик. “Ўқитувчи” нашриёти, 2008, 151-161-б.

8-МАВЗУ: СИЁСИЙ ЭЛИТА ВА СИЁСИЙ ЕТАКЧИ (ЛИДЕР).

8.1. Сиёсий элита. Сиёсий етакчи тушунчаси ҳамда

сиёсий бошқариш ва сиёсий раҳбарлик.

Социал – сиёсий фанларда ва унга тегишли луғатларда Доҳий, арбоб, элита, етакчи (лидер), раҳбар каби тушунчалар мавжуд. Улар бир маънодаги турдош сўзларми?

Доҳий фавкулудда зеҳн ва заковат, энг юқори ва ҳар тарафлама интелектуал ривожланган истеъдодли кишилардир. Улар одатда қомусий билм эгалари бўлишади, лекин улар кўп соҳаларнинг биттасида қуёшдек ярқираб туради. М: Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райхон Беруний, Фаробий, Ибн Сино, Мирзо Удугбек, Алишер Навоий.

Арбоб – давлат арбоби, хизмат кўрсатган фан арбоби, Амир Темур буюк давлат арбоби ва ҳ.к.

“Элита” – латинчадан олинган бўлиб – “энг яхши”, “сараланган”, “танланган” деган маъноларни англатиб, у ҳар қандай ижтимоий тузилманинг ҳокимиятни монополия қилишга қобил бўлган юқори қисми, имтиёз қатлами, бошқарувчи озчилик демакдир.

XX аср бошларида политолог олимлар Г.Моска, Р.Михелье сиёсий жараёнларда юқори табақанинг роли масаласини тизимлаштиришга ҳаракат қилганлар. Элитизимнинг қондаси шундаки барча турдаги жамият ўзининг ички тузилишига кўра иккита синфга бўлинади, бошқарувчи қамчиликка (ҳукмрон элита, ҳукмрон синф, сиёсий синф) ва кўпчилик бошқариладиган (оламон, омма, халқ). Кўпчилик Ғарб социологлари элита таркибидаги ҳокимиятли – сиёсий гуруҳларни киритадилар.

Сиёсий етакчи (лидер) – мамлакат тараққиётида муҳим роль ўйнайдиган, сиёсий жараёнларга ва вазиятларга таъсир кўрсата оладиган жамиятнинг, муайян ижтимоий гуруҳнинг, ташкилотнинг обрўли шахсидир.

Ҳозирги замон сиёсий фани сиёсий элита деганда сон жиҳатдан кўп бўлмаган имтиёзли гуруҳни яъни фаол сиёсий фаолиятни олиб бориш учун зарур имкониятга эга бўлган ва сиёсий ҳокимият ёрдамида қарорларни қабул қилишга ва амалга оширишга тўғридан тўғри ёки билвосита таъсир кўрсатишга қодир гуруҳни тушунади.

Элита назариясига муносиб ҳисса қўшган олимлардан бири Г.Москадир. У XIX асрнинг охирида сиёсий фанни шаклланиш даврида ушбу жараёнга муносиб ҳисса қўшганлар билан бир сафда бўлган. Моска “Сиёсий фан асослари” асарида ўзининг сиёсий концепцияни баён этган. Шу концепцияга кўра жамият икки синфга бўлинади: бошқарувчи синф ва бошқариладиган синф. Бошқарувчи синф ҳар қандай жамиятни озчиликни ташкил этсада, барча асосий сиёсий функцияларни бажаради, ҳокимиятни монополия қилгани ҳолда, у берган имтиёзга эгалик қилади. Бошқариладиган синф ҳар қандай мамлакатда кўпчиликни ташкил этиши етарли даражада уюшмаган ҳолда бошқарувчи синф қўли остида бўлиб, унинг ҳукмронлигини қонунийлиги, шунингдек зўравонлик характери касб этилишини тан олади.

Моска “Элита” терминини ҳали ишлатмаган. Унинг ўринига у “бошқарувчи синф” ва “бошқариладиган синф” тушунчасини қўллаган.

Сиёсий (бошқарувчи синф)га мансубликни Г.Моска қуйидаги аломатга яъни бойликка, келиб чиқишга, черков **исрорхиясига** муносабати, шахсий сифати, харбий жасорати, бошқарув санъатини эгаллаганлиги кабиларга қараб аниқланади.

Москадан фарқли ўлароқ В.Перето “элита” сўзини кенг қўллаган. Унинг тушунчасича элита – бу танлаб олинган жамиятнинг озчилик қисми бўлиб, унга барча унинг аъзолари мослашиши керак. Перето фикрига кўра элита ўзини тутиши ва тадбиркорлиги, уни ўраб турганларнинг ожиз ва таъсирчан томонларни кўра билиш ва улардан ўзининг манфаатлари йўлида фойдаланиш қобилияти билан характерлангани керак.

Моска ва Перетто ҳамда Михельенинг ғоялари кўп жиҳатдан ўхшаш бўлгани ҳолда элита ҳақида ягона концепцияни ташкил этади. Ушбу концепциянинг асосий қондалари шундай: - жамият ҳар доим имтиёзли, ижодкор, ҳукмрон озчиликка ва пассив, ижодсиз кўпчиликка бўлинади:

- Элита ўзига хос психологик сифатга эга, унга табиий истеъдод ва тарбияга мансублик хос;
- Элитага гуруҳий бирдамлик хос, у социал ҳолатининг умумийлиги, касбкорлик мақоми, ўз-ўзини англаш, жамиятни бошқаришга бўлган қобилияти кабилар билан бирлашган;
- Элитага легитимлик хос, яъни сиёсий раҳбарликка бўлган ҳуқуқини кўпчилик омма томонидан тан олинаши;
- Элитанинг тузилмавий ҳокимиятга муносабатининг доимийлиги, тарих давомида унинг таркибий қисмининг ўзгариши юз берган тақдирда ҳам унинг ҳукмронлик ҳолати ўзгармасдан қолади;
- Элитанинг алмашилиши ҳокимият учун кураш давомида юз беради. Алоҳида психологик ва социал сифатларга эга бўлган кўп одамлар ҳукмронлик ҳолатини сақлаб қолишга ҳаракат қиладилар, аммо уларнинг ҳеч бири ўзларининг имтиёзли ижтимоий ҳолатидан воз кечишни хохламайдилар, шунинг учун ушбу имтиёзли ўрин учун яширин ёки очик кураш муқаррар.

Америкалик политолог Маргарит Хармани етакчи (лидер)ни қуйидагича таърифлайди: Етакчи – кўп қиррали тушунча, унинг намоён бўлишини кўраётганда, қуйидагиларга эътибор бериш кераклигини айтади.

- а) Раҳбарнинг ўз характери.
- б) Унга муҳолифатда бўлган раҳбарнинг хислатлари (унга таъсир кўрсатувчи барча сиёсат субъектлари).
- в) Раҳбарлар ва унга рақобат қиляётганлар ўртасидаги ўзаро алоқа.
- г) Раҳбарликни амалга ошириш чоғидаги аниқ вазият.


Етакчини (лидерни) англаб етишда қуйидаги уч хилдаги ёндашувни фарқлаш керак: психологик, социологик ва политологик.

Психологларни оломандан табақалашган бирликка ўтиш билан боғлиқ бўлган психологик жараёнлар қизиқтиради. Социологларни ушбу жараёнларни социал механизми (дастаги) масаласи ташвишлантиради (Норасмий гуруҳлар ишлаб чиқариш жамоаларига етакчилик ва ҳ.к.).

Америкалик политолог Роберт Таккер сиёсий етакчини уч турини ажратиб кўрсатади. Булар:

- Консерваторлар – жамиятни асл ҳолда сақлаб қолишга қаратилган фаолият;
- Реформаторлар – ҳокимият таркибини кенг қамровли ислоҳатлар воситасида тубдан ўзгартиришга интиладилар;
- Инкилобчилар – одатда қурол кучи билан ва пала-партиш ислоҳатлар ўтказиш йўли билан бошқа ижтимоий тузумга тез сакраш орқали ўтишни режалаштиради.

Машҳур немис социологи М.Вебер ҳокимият феноменини таҳлил қилар экан, у уч кўринишда амал қиладиган хулосага келади.



Анъанага асосланган ҳокимият – арбобга (патриархга, князга) – “кечагининг доимийлик” нуфузига таянади. У ёки бу шахс хислати, қобилияти, обрўси кўпчилик иродасини мазкур раҳнамолар иродасига бўйсундирилишига олиб келади.

Ҳукмронликни харизматик шакли “худо назар қилган” нодир хислат-фазилатларга эга бўлган шахслар фаолияти билан боғлиқ. Бундай шахслар одатда шахсий хислат-фазилатлари, одамларга бўлган чексиз меҳрибонликлари туфайли инсон онги қалбини ихтиёрий тарзда бўйсундира оладилар. (Исо, Мусо Муҳаммад пайғамбар ва ҳ.к.).

Очиқ шакли энг мустабид – зўравонлик (диктатура) жамиятларидан энг демократик жамиятларгача даврни қамраб олади. Одамда у туб ўзгаришлар палласи объектив пишиб етилган, аммо субъектив омиллар ҳали шаклланмаган пайтда содир бўлади. Шунинг учун у шартли равишда “очиқ ҳукмронлик” ибораси билан аталаши мумкин.

Сиёсий профессионализм нуқтаи назаридан тан олишнинг энг мақбули харизма ходисаси деб ҳисоблайди М.Вебер.


Етакчи фаолиятнинг ҳажми ва ҳарактерига қараб учга бўлинади. Шахслар кичик гуруҳ даражасининг етакчиси (Президент атрофидагилар, парламент раҳбарияти гуруҳлари) гуруҳ фаолиятини ташкил қиладиган, йўналтирадиган энг обрўли шахсдир. Унда тез қарор қабул қилиш қобилияти, маъсулиятни ўзига олиш, гуруҳ қатнашчилари манфаатларини қондиришга эришиш талаб қилинади. Бу даражада етакчининг раҳбарлик усули, шахсий сифатлари ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Катта ижтимоий гуруҳнинг (қатлам, партия) сиёсий ҳаракатида етакчиликда етакчининг шахсий фазилатлари эмас, аҳолининг бу қисми манфаатларини ифодалаш лаёқати биринчи ўринга чиқади. Стратегияни, мақсадга эришиш йўллари ишлаб чиқиш, бу манфаатларни қондириш етакчининг бош хусусиятидир. Етакчи шахси гуруҳнинг асосий кайфияти ва умидларнинг рамзига айланади. Бундай етакчида фақат интегратив эмас прагматив вазифа ҳам бўлиши керак.

Элита ўз мақомидан қатъий назар халқ оммасидан ўзининг интеллектуал ва ахлоқий устунлигига эга бўлган шахс. Ҳозирги замон элитасининг тузилиши қандай? Бу саволга шундай жавоб беради ва гуруҳларга ажратади. Олий элита – юқори стратегик сиёсий лавозимни эгаллаган одамлар: улар ҳукуматда, партия ва қасаба уюшмасида муҳим сиёсий қарорларни қабул қиладилар.

Ўрта элита сайловлар орқали шаклланган обрўли одамлар: Парламент аъзоси, депутат, губернатор, ҳоким. Одатда бу мамлакат қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятнинг беш фоиз юқори қатламини ташкил этади. Маъмурий элита бошқарув аппаратида халқали мавқени эгаллаган хизматчилар киради.

Демократик жамиятларда элитани тўрт асосий вазифага ажратиш кенг тарқалган.



Жамият учун энг мақбул, сиёсий муҳолифатларни тушунишга имкон берувчи ҳамда барча учун мақбул бўлган мурасали қарорларни топувчи, халқ билан мустаҳкам алоқаларни юқори даражадаги гуруҳий кооперациялаш билан қўшиб олиб берувчи барқарор демократик элита ҳисобланади.

Элита очик ва ёпиқ бўлади. Агар жамият турли табақалари сафига кириш очик бўлса очик шаклдаги элита. Бу тенденция демократик давлатларга хос. Ёпиқ элита у ўзининг тор социал муҳитида ўзини-ўзи такрор ишлаб чиқарса.

Жамиятда сиёсий элитани танлаш қандай йўл билан амалга оширилади. Элитани шакллантиришда танловнинг уч тамойили ажратиб кўрсатилади: Қонга кўра (Аристократик ҳолатига ва мавқеига); эгалик қилиш (мулкӣ ва пул аристократияси); эришилган ютуқларига (ақл ва қобилият аристократияси).

Сиёсий элита жамиятда изчилликни ташкил қилувчи, ички табақаланиш нисбий уюшган бошқарувчилик вазифасини бажаришга тайёрланган шахслар гуруҳидир. У қуйидаги омиллар туфайли мавжуд бўлади.

- Кишининг психологик, ижтимоӣ, малакавий салоҳияти;
- Меҳнат тақсимоти қонуни;
- Бошқарув меҳнатининг аҳамияти;
- Сиёсий раҳбарлар устидан тўла назорат ўрнатишнинг имконсизлиги;
- Сиёсатдан четда турувчи кенг аҳолининг сиёсий сусткашлиги.

8.2. Сиёсий етакчининг кўринишлари ва унга ёндашувнинг хилма-хиллиги.

Элита билан бир қаторда сиёсий жараёнларнинг энг муҳим субъекти бўлиб сиёсий лидерлар (етакчилар) ҳисобланади.

Лидер – раҳбар, раҳнамо, йўлбошчи деган маъноларни англатади.

Сиёсий етакчилик – сиёсий гуруҳий фаолият интеграциясининг дастакларидан бири бўлиб, индивид ёки ижтимоӣ гуруҳнинг бир қисми сифтида етакчи ролни бажаради. Яъни ўз ҳаракатини қабул қилган ва қўллаб-қувватлаган гуруҳ фаолиятини бирлаштиради ва йўналтиради.

Лидер (етакчи) ижтимоӣ ҳаётнинг барча соҳаларида, бизнесда, фанда, санъатда, оила ва мактабда амал қилади. Луғатни очиб қараганимизда лидер (анг. leader – етакчи, раҳбар) – бу қандайдир биргаликдаги фаолиятни ташкил этиш мақсадида бошқаларга таъсир этишга қобилиятли шахс. Сиёсий етакчилик аниқ намоён бўлади. Сиёсий етакчи – бу сиёсий фаолият ва ҳаракатнинг ташкилотчисигина эмас, шунингдек, сиёсат тарихини боришини ўзгартира оладиган, сиёсий жараёнларнинг йўналишини аниқлаш, истикболга қаратилган сиёсий мақсадларни белгилашга қодир шахсдир.

Етакчилик фаолиятини тушунтирувчи қўллаб назариялар мавжуд. Булар:



1. Хислатлар назарияси қаҳрамонларга хос бўлган сифатларни аниқлаш асосида яратилади. Сиёсий етакчига хос бўлган хислатлар орасида одатда ўткир ақл, кучли ирода ва мақсадга интилувчанлик, куч-қувват, ташкилотчилик қобилияти, ваколатга эгалик ва ўзига хос маъсулиятни олишга тайёргарлик кабилар кўрсатилади. Аммо интеллектуал ва ахлоқий сифатлар етакчи бўлишига тўсиқ ҳам бўлар экан. Баъзан кишиларнинг ажойиб қобилиятлари бутун ҳаёти давомида талаб этилмасдан қолавериши мумкин.

2. Вазиятлар назарияси етакчиликнинг маълум бир ижтимоий шароитларга боғлиқлиги ғоясига асосланди. Бунга кўра, айнан вужудга келган аниқ шарт-шароитлар етакчини саралайди ва хулқ-атворини белгилайди. Вазиятлар назарияси шахс индивидуал сифатларининг муҳим ролини инкор этмайди, бироқ уларни мутлақлаштирмайди ҳам. Бироқ бу тамойил етакчининг фаоллигини, унинг вазиятни ўз вақтида тўғри баҳолаш ва ўзгартириш, ўткир муаммолар ечилишини топа олиш қобилиятини етарлича акс эттирмайди.

3. Конституентлар назарияси етакчилик қобилиятини издошлар ва конституентлар орқали тушунтиради. Айни издош – деб ёзади Ф.Етенфорд, - етакчини ва вазиятни ўзгартиради, охир оқибатда етакчиликни қабул қилади ёки рад этилади. Анча афзалликларга эга бу назария етакчининг янгиликларга интилувчанлиги, мустақиллиги ва фаоллигини етарли ҳисобга олмайди.

4. Психологик томонлар ва интерфаол таҳлил етарлича мураккаб ва қатъий талқинга бўйсунмайдиган етакчилик табиатининг субъектив дастакларини ёритади. Фрейд фикрича етакчиликнинг асосида тушкунлик ҳолатидаги вазият – асосан шахвоний ҳарактердаги онгсиз қизиқиш ётади. Бу жараёнда у ижодкорликка, етакчиликка интилади. Фромм, Адерно авторитаризмга мойил ва ҳокимиятга интилувчи шахс турини аниқладилар. Бошқалар устидан чексиз ҳокимиятга эга бўлиш, уларни тўлиқ бўйсундириш бундай одамга алоҳида роҳат бағишлайди.

М.Вебер ўзининг “сиёсий истеъдод ва касб” (1919 йил) асарида ахлоқий сиёсий етакчи тўғрисида савол қўяр экан шундай дейди: Тарихни ривожлантириш учун йўл тутишда инсон қандай бўлиши керак. Сиёсий етакчининг муҳим сифатларидан бири: эхтирос, жавобгарликни хис этиш ва кўз билан чамалаш.

Сиёсий ишни амал қилиши учун эхтирос билан ёндашиш, ишга бор кучини сафарбар қилиш, - мана бу етакчининг биринчи қонуни. Аммо бир эхтироснинг ўзи етарли эмас. Агар эхтирос билан хизмат қилиш жавобгарлик асосида бўлмаса у ҳолда сиз сиёсий етакчи бўла олмайсиз. Жавобгарлик – етакчиликнинг йўлчи юлдузи ҳисобланади. Аммо энг асосий психологик сифат эхтирос ва жавобгарлик бирга қўшилган – кўз билан чамалашдир.

Сиёсий етакчи сиёсий жараёнлар билан бирга бутун жамият, сиёсий ташкилот ёки ҳаракатга раҳбарлик қилади, воқеаларнинг бориши ва сиёсий жараёнлар йўналишини белгилайди ва ўзгартира олади.

Раҳбар қандай хислатларга эга бўлиши керак.

Шахсий хислат:

1. Ижтимоий манфаатни шахсий манфаатдан устун қўйиш.
2. Адолатпарварлик.
3. Қўл остидагиларга ҳурмат ва ғамхўр бўлиш.
4. Камтар ва очиқ чехрали бўлиш.
5. Қулай руҳий муҳитни юзага келтириш.
6. Одамлар билан осонликча тил топиша олиш.
7. Мустақил фикр эгаси бўлиш.
8. Умумий маданият савиясининг юксаклиги
9. Ўзига ишонч.
10. Билимдонлик.
11. Ташкилотчилик.
12. Раҳбарликка хос хотирали бўлиш.

Амалий хислат:

1. Фикрнинг тиниқлиги.
2. Ташкилотчилик қобилияти.
3. Ўз сўзи устидан чиқа билиш.
4. Ташаббускорлик.
5. Ишбилармонлик.
6. Тадбиркорлик.
7. Объективлик.

8. Касбий ўз-ўзини тарбиялаш.

Касбий хислат:

1. Ишлаб чиқаришни билиш.
2. Кадрларга эътибор.
3. Ишбилармонлик.
4. Онгли интизом.
5. Сўз эркинлигини қарор топтириш.
6. Тежамкорлик.
7. Шахсий маданият.
8. Оила олдидаги масъулият.
9. Ватан ва оила олдидаги масъулият.
10. Инсоният олдидаги масъулият.

Ҳозирги демократик давлатларда сиёсий раҳбарларга хушсуръатлилик, нотиклик хусусияти ҳам асосий талаблар сифатида қўйилади.

8.3. Сиёсий етакчи ва мамлакат истиқболи.

Ҳозирги дунёда сиёсий етакчининг мавқеини кўтаришга қаратилган объектив ва субъектив омиллар улкан аҳамият касб этиб бормоқда. Дунё мамлакатлари етакчилари зиммасига юклатилаётган масъулият қандай омилларга боғлиқ? деган саволни қўйиш баробарида уни интернет тизими, ахборот воситалари орқали олинган сўнги маълумотларга асосланиб, фикримизни тасдиқловчи муаммоли саволларнинг суверенитети шубҳасиз бўлгани ҳолда уларнинг ҳозирги кунда бир-бирлари билан ҳар қачонгига қараганда янада маҳкамроқ боғланган. Бу ҳол жаҳон сиёсатчилари олдида шу пайтга қадар мутлақо бошқача талаблар қўймоқда. Унинг вазифаси инсониятнинг жаҳоншумул муаммоларни ҳал қилишда бутун дунё ҳамжамиятининг куч-қудратини бирлаштиришдан иборат.

Давлатларнинг, улар раҳбарларнинг биргаликдаги куч-қайратини билангина очлик, қашшоқлик, оилавий эпидемиялар, гиёҳвандлик, халқаро терроризмни тангликка олиб боровчи номутаносибликлар кучайишини тўхтатиб қолиш мумкин. Биргаликда ҳаракат қилиш билангина экологик фалокатнинг олдини олиш мумкин. Фан-техника ҳамкорлиги йўлидаги барча тўсиқларни олиб ташлаш, дунё хўжалигига айлантириш йўли билангина цивилизацияни тинч ривожланиши учун моддий асосни яратиш мумкин.

Ҳозир кўпгина сиёсий арбоблар давлатлар ичидаги ва халқаро майдондаги муаммоларни ҳал этишининг янги оқилона йўлларины таклиф этмоқдалар. Бу йўлнинг моҳияти ҳар икки томоннинг розилиги билан битимга келишуви, сиёсий аҳдлашувдан иборат бўлиб, унинг инсонпарварлигини белгилайди.

Муросага келиш жамиятда мавжуд бўлган ҳамма нуқтаи-низоларни аниқлаш, муҳокама этиш ва ҳисобга олишни назарда тутган бўлиб, у орқали шундай таклифларни ишлаб чиқиш керакки, қачонки, унга ҳамма ва кўпчилик қаршилиқ қилмасин.

Умумий аҳдлашувга қаратилган йўлни тутиш янги сиёсий тафаккурни қарор топтиради.

Ҳозир халқаро майдонда қуйидаги тенденция шаклланганлини яққол намоён бўлаётганлигини қуйидагиларда кўриш мумкин:

1. Миллий етакчилар глобал муаммоларни эндиликда четлаб ўта олмайдилар;
2. Норасмий етакчиларнинг роли ва таъсири ортиб бориши;
3. Етакчилар фаолияти иқтисодий ва ижтимоий муаммоаларни ҳал қилишга кўпроқ жалб қилинапти;
4. Етакчи – қаҳрамон ва етакчи – антиқаҳрамон каби сиёсатчиларнинг пайдо бўлиш эҳтимоли камаймоқда;
5. Ҳокимиятлар бўлиниши ҳисобига сиёсий етакчи ҳокимияти ҳам чекланмоқда.

2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўллари излашда дунё етакчи давлатлари етакчилари зиммасига юксак маъсулиятни юкламоқда.

Молиявий инқироздан қутилишнинг энг мақбул йўли, “дунё етакчи раҳбарларининг ягона ёндашувга келишлари, глобал молиявий инқирознинг жиддий ва узоқ давом этадиган оқибатларини бартараф этиш юзасидан умумий ва самарали дастур ишлаб чиқиш”¹ зарурдир.

Демак дунёдаги барча катта ва кичик давлатлар етакчи (лидер)лари зиммасига жаҳон ҳамжамияти тақдири топширилганлигини хис этишлари зарурлиги, дунёда мавжуд ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий соҳалардаги глобал муаммоларни бартараф этишда биргаликда умумий ечимга келишдек масъулият юкланган.

Қисқача хулосалар.

Сиёсий элита ва сиёсий етакчилик тўғрисида қадимдан кўплаб назариялар мавжуд.

Уруғчилик тузуми емирилаётган даврдаёқ, жамиятни олий ва қуйи, аслзодалар ва халққа бўлувчи қарашлар пайдо бўлади. Бу ғояларни Конфуций, Платон изчил асослашган. Аммо XX аср бошидагина сиёсий фанда Сорел ва Поретоларнинг хизмати туфайли тарқала бошланган. Элитанинг дастлабки замонавий классик концепцияси XIX аср охири XX аср бошларида пайдо бўлди. Улар Моска, Парета ва Михаель номлари билан боғлиқдир.

Етакчилиқни англашга интилиш қадимги даврдаёқ бўлган. Геродот ва Плутарх уларни тарих ижодкорлари деб аташган. Шарқда ҳам ана шундай қарашлар ҳукмрон бўлган. Жамиятнинг, халқнинг ҳолати ҳукмдорга боғлиқ эканлигини таъкидлашган. А.Навоий ҳукмдорни денгизга, халқни эса ундан сув оладиган дарёга қиёс қилади.

Ҳозирги замон жаҳон тажрибаси таҳлили шуни кўрсатадики фуқаролик жамиятини қуриш юқори билимга эга бўлган, замонавий ахборот технологиясини эгаллаган бошқарув фани асосларини яхши биладиган янги типдаги раҳбарлар зарур. Бундай сиёсий раҳбарлар мамлакатда туб ижтимоий-сиёсий, маънавий ислохатларнинг барқарор ривожланишга таъсир этади.

Таянч сўзлар.

Сиёсий элита, сиёсий элита моҳияти, тузилиши, сиёсий элита функциялари, сиёсий етакчи, сиёсий етакчи турлари, сиёсий етакчи функциялари, етакчи хислатлари, етакчи – раҳбарга қўйиладиган талаблар, ҳозирги дунёда етакчилик ривожланиши тенденциялари.

Назорат ва муҳокама учун саволлар.

1. Сиёсий лидер (етакчи)нинг ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги лидерлардан фарқи нимада?
2. Лидер (раҳбар)нинг жамиятда ўз ролини бажариш учун қандай сифатларга эга бўлиши керак?
3. Сиз қайси таснифдаги лидер (етакчи)ларни биласиз?
4. Харизма нима ва қандай етакчиларни харизмага оид етакчилар деб ҳисоблайдилар?
5. Нима учун сиёсий элита жамиятдаги бошқа тур элиталардан фарқ қилади?

¹ И.А.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т. “Ўзбекистон”, 2009, 6-б.

6. Сиёсий фанда қачон элита сўзи пайдо бўлган ва ким уни сиёсий муомалага киритди?
7. Сиёсий элитанинг қандай таснифини сиз биласиз?
8. Ҳозирги дунёда сиёсий етакчининг халқаро глобал муаммоларни бартараф этишдаги роли қандай?
9. Раҳбар шахснинг юксак хусусиятларини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов қандай изоҳлайди?
10. Популизм нима ва у қандай намоён бўлади?

Адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. “Ўзбекистон”, 2009, 4-12 б.
2. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократиялаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т. “Ўзбекистон”, 2005, 3-30 б.
3. Каримов И.А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазифа. Т. “Ўзбекитсон”, 2007, 1-48 б.
4. Каримов И.А. жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т. “Ўзбекистон”, 2009, 4-6 б.
5. Алиев Б. Хошимов Т. ва бошқалар. Политология фани бўйича таълим технологияси. Т. ТДИУ, 2006, 88-93 б.
6. Алиев Б. Бобоев А. Политология. Ўқув қўлланма. Т. ТДИУ, 2006. 140-156 б.
7. Авторлар жамоаси. Политология. Дарслик. М.Инфра-м. 2007, 77-112 б.
8. Авторлар жамоаси. Политология. Дарслик. М.Прспект. 2008, 57-75 б.
9. Х.Т.Одилқориев. Д.Х.Раззақов. Сиёсатшунослик. “Ўқитувчи” нашриёти. Т. 2008, 170-186 б.

9-МАВЗУ: СИЁСАТ ВА МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР.


9.1. Сиёсат ва миллатлараро муносабатлар.

Миллатлараро муносабатлар сиёсатнинг энг асосий соҳаларидан ҳисобланади. Ҳозирги ер шари аҳолисини асосини хилма-хил миллатлар ташкил этган бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусият ва қизиқишларга эга. Халқлар ва миллатлар ўртасидаги муносабатларни уларни тартибга солиш давлат миллий сиёсатининг моҳиятини ташкил этади. У кўпмиллатли давлатларда янада кенг миқёсли ва аҳамиятли ҳисобланади. Миллий сиёсат – тамойиллар, нормалар, қоидалар йўғиндиси бўлиб унинг ёрдамида миллий муносабатларни бошқариш амалга оширилади. Миллий сиёсат давлат томонидан амалга оширилар экан демак халқ ва миллатлар ўртасидаги муносабатлар сиёсий ва юридик ҳужжатлар орқали тартибга солинади.

Этнослар муаммоси билан кўп фанлар шуғулланади: этнография (аҳолишунослик), этноантропология (алоҳида ирқ ва этносларга тегишли индивидларни тавсифлаш), этносациология, этнополитология ва бошқалар. Этнополитология ривожланган халқаро фан ҳисобланади. Кўплаб буюк мутафаккирлар (Т.Гоббе, О.Бауэр, Р.Шпрингер, К.Каутский, М.Вебер, Н.Бердяев) уни тадқиқ этишда ўзларининг муносиб улушларини қўшганлар. Уларнинг ҳар бири миллий ривожланиш ва миллатлараро муносабатларнинг алоҳида томонларини тадқиқ қилиб сиёсий жараёнларда миллий жиҳатларнинг улкан аҳамиятини қайд қилганлар. Олимлар бевосита ўз эътиборларини миллат ходисасига: унинг келиб чиқиши, моҳияти, тадजीрий ривожланиши кабиларга қаратганлар. Турли илмий ёндашувлар миллатни таснифлаш йўлида чексиз тортишувларга сабаб бўлди.

Фанда миллат тушунчасига ягона ёндашув мавжуд эмас. Психологик назария вакиллари унда умумий тақдирга эга бўлган кишиларнинг маданий психологик бирлигини кўрадилар. Ҳозирги даврда Россия тадқиқотчилари миллатни давлат бирлиги билан боғлайдилар, кенг маънода сиёсат тушунчаси сифатида талқин қиладилар. Бунга кўра миллат ҳудуд ва тил, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётнинг умумийлиги билан ҳаракатланадиган бир давлат фуқароларининг йиғиндисидир.

Инсоният тарихан кўп сонли этносларга бўлинган. Кишиларнинг барча тарихий бирликлари этнос тушунчасида ифодаланади. Этнос – бир тилда гаплашадиган, ўзининг келиб чиқиши бирлигини тан оладиган, ўзининг турмуш тарзи ва урф-одатларига эга бўлган кишилар гуруҳи саналади.



Миллат, элат, этник ва демографик гуруҳлар этноснинг асосий кўринишларидир.

Ижтимоий тараққиётнинг турли босқичларида этнослар уруғ, қабила, элат ва миллат кўринишда намоён бўлганлар. Ҳар бир этнос:

Кишилар бирлигининг шакллари

Уруғ-қабила бирлиги. У инсон ҳайвонот дунёсидан ажралиб чиққандан кейин ибтидоий жамоа тузуми даврида вужудга келган. Уруғ ўзида қон-қардошлик алоқалари билан боғланган гуруҳдан иборат.

Уруғчилик шароитида қабилалар – бир неча уруғларнинг бирлашмаларидан пайдо бўлди. Қабилага ўз территориясига, ерига эга бўлган, кенгаш бошчилиқ қилган. Қабиланинг ўз номи, тили, урф-одатлари

Хусусий мулк ва синфларнинг вужудга келиши билан аста-секин уруғ-қабила бирлиги, янги, юқорироқ шаклдаги бирлик – элат вужудга келган. У тили ва келиб чиқиши жиҳатидан қон-қардош бўлган бир территорияда яшаган қабилаларнинг бирлашуви натижасида вужудга келди.

Миллат кишиларнинг иқтисодий алоқалари, тили, маданияти ва характери, хусусиятларининг умумийлиги, шаклланиши жараёнида пайдо бўлувчи кишилар умумийлигининг тарихий шаклидир. Миллат – кишиларнинг энг йирик ижтимоий-этниқ бирлиги бўлиб, одатда бир неча юз мингдан бир неча миллион кишини ташкил этади.

Миллий гуруҳлар: тарихий тараққиёт жараёнида ўз миллий бирлигидан ажралиб бошқа ҳудудларга бориб яшаган халқ миллий гуруҳдир.

Этниқ гуруҳлар: бир-бири билан алоқада бўладиган бир неча минг ёки бир неча юз кишидан иборат кишиларнинг кам сонли бирлашмаси. (Ўзбекистонда 258 дан кўпроқ ингушлар яшайди).

Ҳар бир этносларнинг ижтимоий шакллари ўзига хос хусусиятга эга, аммо уларнинг ҳар бири маълум тарихий шароитларда, маълум территорияда маданиятга, тилга, психологик умумиятга эга одамларнинг барқарор умумий уюшмаси сифатида намоён бўлади.

Миллат энг йирик этниқ форма сифатида бутун жамият ҳаёти ва буржуа ҳуқуқнинг кескин интеграциялашувида юз берган. Индустрал жамиятнинг вужудга келиши билан шаклланган.

XIX-XX аср давомида янги миллат ва элатларнинг кучли шаклланиши ва ривожланиши жараёни юз берди.

Ҳозир дунёда мингдан ортиқ этнослар мавжуд бўлиб, уларда тахминан 270 тасини таркибида 1 млн. дан ортиқ киши мавжуд Россияда 100 дар ортиқ этнослар яшайди. АҚШ да ундан ҳам кўп. Гарвард энциклопедиясида Америкадаги этнослар рўйхати 106 та деб берилган, аммо унда 170 хинд қабилалари бир гуруҳга киритилган, Яқин Шарқдан чиққанлар (суриялик, мисрлик, иордания, паластин ва ҳ.к.) “араблар” деб кўрсатилган. Албатта бунда аҳолини этниқ таркибини аниқлаш соддалаштирилган.

Дунёдаги кўпчилик мамлакатлар кўп миллатли, бу турли характердаги миллатлараро муносабатларни юзага келиши учун объектив асос ҳисобланади. Чунки ҳар қандай миллат ва элат ўзига хос қизиқишлари, эҳтиёжлари хаттоки ўзининг эҳтиросли тараққиётига эга.

Шунингдек, ҳозирги даврдаги миллат ва элатлар кўп сонли оз сонли, кучли, ожиз, ҳукмрон – тобе, қадимги ёш, ривожланган тараққиёт жиҳатдан орқада қолган, ўз давлатчилигига эга ва унга эга бўладиган кўринишларда намоён бўлади. Улар ўртасидаги бундай фарқ ва ижтимоий ҳолати этносларнинг миллатлараро муносабатларда кескин сиёсий муаммоларни келтириб чиқарди. Унинг асосий элементи – бу тенглик ёки тобелик, муаммоси иқтисодий ва маданий ривожланиш даражасидаги тенгсизлик муаммоси, миллат низо ва адоват. Бундай ҳар бир муаммони ҳал этиш ўта мураккаб сиёсий жараён ҳисобланади.

Сўнги асрлар давомида айниқса XX асрда миллий муносабатлар тобора сиёсийлашиб борди. Бу давлатнинг миллатни шакллантириш ва ривожлантириш соҳасидаги ролини ошиб бориш билан изоҳланади. Улар ичида миллатларни ўз тақдирини ўзи белгилаш, миллий ва интернатционал манфаатларни ҳисобга олиш, миллий маданиятларни ривожлантириш учун шароит яратиш, миллий маданият ваколатхоналарини очиш, уларни кадрлар билан таъминлаш ва бошқаларда ҳокимият тузилмаларининг фаолияти кучайди.

9.2. Миллий муносабатларда ўзаро уйғунлик, сиёсий барқарорлик омили.

“Миллатчилик”ни сиёсий тусга киришининг олдини олиш.

Миллатларнинг ўзаро муносабатларида асосий қоида – уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан тенг эканлигини тан олишдир. Буюк ва йирик миллатларнинг ўз сони ва имкониятларига ишониб, кичик миллатларга дўқ-пўписа қилиб, қурол кучи билан забт этиш ва бўйсундириш ниятлари кейинги вақтда Ветнам, Жазоир, Афғонистон мисолларида асоссизлиги ва амалга ошмаслиги исботланди. Собиқ Иттифокнинг мамлакатда энг кўп сонли миллатга имтиёзлар туғдириб, бошқа миллатларни моҳиятан камситиш сиёсат тўла равишда ўзини фош қилди ва ўн беш мустақил давлатга парчаланиб кетишининг асосий сабабларидан бири бўлди.

Демак, миллатларнинг сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан тенглигини тан олиш ҳозирги замон сиёсатининг муқаррар ва зарур қонун-қоидаси бўлиши шарт.

Давлатлар ўртасидаги тенглик ва ўзаро ҳурмат, ҳамкорликка асосланган иқтисодий муносабатлар мамлакатлар ва халқларни бир-бирига яқинлашувида асосий омилдир. Бундай ҳамкорлик ижтимоий тараққиётнинг, миллатлар гуллаб-яшнашининг зарурий заминидир.

Инсониятнинг кўп асрлик тараққиёти асосан уч нарсада мужассамлашган: Умуминсоний жаҳон цивилизацияси, бозор иқтисодиёти ва миллатлар. Умуминсоний жаҳон цивилизацияси жамият тараққиётининг замини муҳити ва асосидир; у шунинг учун ҳам доимий ҳаракатда ва ривожланишдаки, бозор иқтисодиёти ва муносабатларига суянадики, шу муносабатлар асосида шаклланади; бозор муносабатларини амалга ошириб, ҳаётий омилга айлантирадиган ҳақиқий амалий куч миллатлардир. Бу уч омил – цивилизация, бозор иқтисоди ва миллатлар, бир-бирлари билан чамбарчас ва узвий боғланган: Шундай экан, ҳозирги замон инсоният ҳаётини, жамият тараққиётини тахмин этмоқ учун миллатларнинг раванга, гуллаб-яшнаши барчанинг юксак орзусидир.

Миллий тараққиётни амалга оширувчи икки тенденция мавжуд бўлиб, миллатлар ҳаётида умумий томонларнинг кўринишини, шу билан бирга, миллий ўзига хосликнинг сақланиши ва такомиллашувини таъминлайди. Бу жараён умумсоциологик қонуният бўлиб, у жамият барча соҳаларининг тараққиёти оқибатида миллатлараро иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа муносабатлар кучайиши билан боғлиқдир. Бу икки тамойил бир вақтнинг ўзида доимий амал қилади. Миллатларнинг ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги ўзаро муносабатлари давомида улар учун умумий бўлган қадриятлар шаклланади. Ишлаб чиқариш, фан, техника, турмуш тарзи ва бошқа соҳаларда миллатлар бир-бирини бойитади ва натижада, яқинлашади. Миллат ўзининг тарихи, маънавияти миллий анъаналарини замон талабларига мос ҳолда бойитиб боради, умуминсоний қадриятлар ҳам ўзига хос шаклда такомиллашади. Шундай қилиб ўзаро яқинлашув жараёни миллатнинг йўқ бўлишини асло

билдирмайди, балки тараққиёт учун имкониятларни ва уларнинг амалга ошишини ифодалайди.

Давлатлар ва миллатлар ўртасидаги муносабатларга раҳна солувчи турли қарашлар, оқимлар мавжуд: Миллатпарастлик – миллатларнинг тенглигини инкор этиб, ўз миллатини бошқа миллатлардан устун қўйиш, унга имтиёзлар беришга интилиш, унинг манфаатларини бошқа миллатлар манфаатларидан афзал қўйиш, ўз миллатига сажда қилиб унга ҳамду санолар ўқиш, ўз миллатини кўкларга кўтариб, унга камчиликлари ва тарихан ташкил топган нуқсонларини сезмаслик ва кўрмасликни англатади. Миллатпарастлик миллатнинг ўсиши, гуллаб-яшнаши учун энг кўп қийинчиликлар туғдирувчи омиллардан биридир.

Миллатчилик – ўз миллатининг манфаатларини бошқа миллатлар ҳақ-ҳуқуқларидан юқори қўйиб ҳал қилишга интилувчи сиёсий оқим.

Миллий биқиклик – ўз миллатини ўзга миллатлардан узоқлаштириш, унинг ўзига хослигини ҳимоя этишни тор тушуниб, миллий худбинликни жорий қилиш, ўз миллатининг ўзга миллатлар билан эркин алоқада бўлишига путур етказиш англанади.

Миллий бақиклик ҳозирги замондаги иқтисодий, сиёсий ва маданий-маънавий алоқаларнинг моҳиятини тушунмаслик ва уни юзаки талқин этишининг махсулидир. Ҳозирги замон тараққиёти шундаки, миллатлар, минтақалар, мамлакатлар ва халқлар ўзаро турли муносабатларга киришиб, ҳар томонлама яқинлашмасдан ривожлана олмайдилар. Ана шундай яқинлашиш ва бошқа мамлакатлар ҳамда халқларнинг энг яхши ютуқларини ўзлаштириш ҳар бир миллат гуллаб-яшнашининг зарурий шартидир. Барча ривожланган давлатлар ва миллатлар шу йўлдан бормоқдалар.

Бундай қарашларга қарши курашнинг энг самарали йўли – бу миллатпарварлик барча миллатларга баробар ҳурмат билан қараш, демакдир. Ўз миллатини бошқа миллатлардан афзал кўриб, унга имтиёзлар беришни талаб қилиш ёки аксинча, ўз миллатига, унинг тили ва маданиятга бефарқ қараш миллатпарварлик қоидаларига зиддир. Шу билан бирга, миллатпарварлик барча миллатларни, уларнинг фарқ ва тафовутларини ҳисобга олмай туриб тенглаштиришни инкор этади.

Барча давлатларда миллий сиёсат ўзига хос хусусиятларга эга бўлиш унинг гуманистик, умуминсоний нуқтаи назардан ёндашув тамойилларини инкор қилмаслиги керак. Акс ҳолда миллий масалани муваффақиятли ҳал қилиб бўлмайди. Аниқ мамлакатлар сиёсатида, улар ижтимоий ривожланишининг қайси босқичларида бўлишдан қатъий назар, бу умуминсоний тамойиллар миллий масалани ҳал қилишни бир кўриниш сифатида намоён бўлиши лозим. Бу тамойилларнинг асосийлари қуйидагилар:

1. Миллий этник ва миллатлараро умуминсоний манфаатларнинг доимий уйғунлигини таъминлаш, миллат ва миллатлараро муносабатларнинг энг оптимал шакллари топиш.

2. Миллатларни ўз тақдирини ўзлари белгилашлари ҳуқуқини, эркин демократик сайлов асосида ижтимоий тузумни танлаб, мустақил давлат тузиш ҳуқуқини сўзсиз тан олиш.

3. Миллий мустақиллик шароитида инсон ҳуқуқларини тан олиш. Бу миллий мансубликка кўра фуқароларнинг нотенглигини мустаҳкамловчи ҳуқуқий норма ва қонунлар қабул қилинишига йўл қўймаслик барча миллатларнинг маданий анъана ва манфаатларини амалга оширишга имконият яратиш, миллий масалани ҳал қилишда зўрликнинг ҳар қандай шаклини инкор қилиш демакдир.

4. Кишиларнинг миллатлараро мулоқати ва миллий ҳиссиётларга тегишини барча жараёнларига алоҳида эътибор бериш, миллатчилик ва шовинизмнинг ҳар қандай шаклларига йўл бермаслик.

9.3. Миллий сиёсат ва миллий давлат уюшмалари.

Давлат жамиятининг амалий фаолият жараёнлари жамиятнинг муайян сиёсий ташкил этилиши-уюштирилиши йўналишига боғлиқ равишда содир бўлади. Шу жиҳатдан давлат

тузилмалари уч хил-унитар (яхлит), федератив, конфедератив (ҳамжиҳатлик) кўринишлари сиёсий бирликни англатади.

Унитар давлат тузилмасида мамлакат аҳолисининг аксарият қисми жамият ҳаётининг барча жабҳаларида асосан мақсад-манфаат бирлигини ифода этишлари туфайли ягона сиёсий-ҳуқуқий асосда амал қиладиган давлат ҳокимияти вужудга келади ва мазкур мамлакат жамиятини яхлит бирлаштириб турувчи ақидаларга суянган ҳолда уни сиёсий бошқаради. Ҳозирги кунда мана шундай унитар давлат тури сифатида Франция, Италия, Швеция, Норвегия, Дания, Финляндия, Португалия, Украина, Арманистон, Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Япония ва ҳ.к. мамлакатларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Федератив давлат тузилмаси маълум даражада давлат мустақиллигини юридик (де-юре) сақлаб қолган бир неча давлатлар уюшмаси бўлиб, унда ягона фуқаролик, ягона пул-молия тизими, ягона мудофа воситалари, ягона дипломатия асосида ички давлат ҳокимияти қисм-бўлақларининг нисбатан мустақил мақомга эга бўлишига йўл қўйилади. Ҳатто, кўпчилик федератив давлатлар конституцияларида уюшма аъзолари умумхалқ иродаси (референдум) воситасида федерациядан ажралиб чиқиб, мустақил бўлишлари ҳуқуқи ҳам ёзиб қўйилган. Масалан, Собиқ Совет Иттифоқида амал қилган барча конституцияларда иттифокчи жумҳуриятларнинг ажралиб чиқиш ҳуқуқлари акс эттирилган эди. Федератив давлат тури ҳозирги кунда АҚШ, Канада, Ҳиндистон, Нигерия, Россия, Австралия, Покистон, Олмония, Нидерландия, Бельгия, Гуржистон, Озарбайжон, Бразилия, Мексика ва ҳ.к. мамлакатларда амал қилиб турибди.

Ўзбекистон жумҳуриятининг давлат сиёсий уюшмаси тури бир томондан унинг таркибига Қорақалпоғистон жумҳурияти кирганлиги учун федератив асосни тақозо этса, иккинчи томондан, ўзбек давлатчилигининг барча ҳуқуқий асосларига кўра унитар давлат сифатида намоён бўлади.

Конфедератив давлат тузилмаси унинг таркибига кирган давлатларнинг ўз суверенитетини тўла сақлаган ҳолда давлат ҳокимияти ва бошқариш тизимларини мустақил амал қилдириш жараёнларини бошқа конфедерация аъзолари фаолиятлари билан бамаслаҳат, мутаносиб тарзда уйғунлаштириб туришни англатади. Конфедерация аъзолари аниқ бир мақсадга йўналишларида ўз давлат ҳокимиятлари фаолиятларини уйғунлаштириб турадиган махсус бирлашган давлат органлари (кўпинча, ҳарбий ва ташқи сиёсат соҳаларида) тузиб ишга соладилар. Агар махсус вужудга келтирилган бирлашма, конфедератив орган фаолияти у ёки бу конференция аъзосини қониқтирмаса, у қабул қилинган қарорларини ижро этмаслиги мумкин. Швейцария Конфедерацияси номи билан аталадиган давлат уюшмаси конфедератив давлат тузилмасининг ҳозирги кундаги бирдан-бир намунаси ҳисобланади.

9.4. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар.

Қабилалараро ва миллатлараро ғанимлик асрлар мобайнида давом этиб келмоқда. Инсониятнинг ижтимоий тарихида халқлар ўртасидаги ўзаро муносабатларига доир бу муаммо шу қадар мураккабки, ундан мураккаброқ муаммони ўзи йўқдир. Бундай чигал муаммоларни дунёнинг бирон жойида учратмайсиз. Эксплуататорлик кучларнинг узоқ йиллар ҳукмронлиги мобайнида миллатлараро муносабатларга шу қадар кўп қайғу-алам, нафрат ва адолат кўшиладики, уни узоқ вақтгача ҳал этиб бўлмайдигандек кўринади.

Ана шу кучларнинг тарафдорлари миллатлараро адоват учун масъулиятни зиммаларидан соқит қилишга интилиб онгли равишда ўзларининг синфий манфаатларини кўзлаб ана шундай нотўғри тасаввурларни оммалаштирдилар, тарқатдилар ва меҳнаткашларнинг онгига сингдирдилар. Шу боисдан кўп миллатлилиқ қадимдан тўхтовсиз давом этиб, тинкани қуритадиган миллатлараро жанжал ва мажароларга маҳкум этилган жамият билан давлатнинг заифлиги ҳамда яшай олмаслигининг нишонаси деб ҳисобланиб келинган. Масалан, кўп миллатли Австрия-Венгрия монархиясини одатда “курама” деб аталгани тасодиф эмас. Бу монархия замон синовига бардош беролмай, биринчи жаҳон уруши якунида барбод бўлган эди.

Барча замонлар ва халқларнинг энг яхши фарзандлари чинакам ижтимоий уйғунлик жамияти тўғрисида, дўстлик ва қардошлик давлати ҳақида, Алишер Навоий айтганидек, халқлар низоларни унутиб, уруғ оилага бирлашадиган келгуси замонлар тўғрисида орзу қилишган эди. Аммо бу орзулар узоқ вақтгача рўёбга чиқмай қолаверди, чунки ўша пайтдаги жамиятнинг эксплуататорлик табиати, уни ривожлантиришнинг объектив тенденциялари ва зиддиятлари миллий антагонизмларни янада кескинлаштиришга муқаррар равишда олиб келди.

Миллий масала ҳар хил тарихий даврларда ва турли мамлакатларда турлича ўз ифодасини топади. Ривожланиб бораётган капитализм даврида унинг мазмуни ҳар бир миллатни жипслаштириш учун, суверен миллий давлатларни барпо этиш учун, миллий зулмга ва тенгсизликка қарши курашдан иборат бўлиб қолади. Буюк француз буржуа революциясининг “озодлик” ва “тенглик” деган шиорлари билан бир қаторда “қардошлик” ва “суверенитет” деган шиорлари ҳам бор эди. Аммо капитализм шароитида уларни рўёбга чиқаришнинг, миллатларнинг чинакам эркинлиги ва тенглигига эришишнинг иложи бўлмайди.

Капитализм миллий масалани кенгайтириб, кескинлаштириб юборди. Империализм эса уни миллий-мустамлака масаласига айлантиради.

Аммо моҳият эътибори билан қараганда бу прогрессив жараён империализм даврида антагонистик шаклларда содир бўлиб, халқларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, уларнинг ўзларига азиз бўлган маданияти, анъаналари, қадриятларини поймол қилади.

Тарих – бу кўп миллатли буржуа давлатларнинг бир халқ иккинчи халқдан ажралиб чиқиши асосида парчаланиши ҳамда аҳолисининг таркиби озми-кўпми бир хилдаги миллатдан иборат мустақил миллий давлатларнинг ташкил топишидир. Афсуски, бундай иборани социализмга тадбиқан қўллашга тўғри келмоқда, сабаби, миллий масалага доир марксча-ленинча назариянинг “буюк кучи” ва “ҳаққонийлиги” амалда исботланмади. Бунинг мисоли бўлиб Югославия, Чехославакия, собиқ СССР ҳисобланади федератив тузилмалар заминида мустақил миллий давлатлар вужудга келди.

Октябрь инқилобидан кейинги дастлабки йилларда миллий масала соҳасида ижобий ишлар амалга оширилган бўлсада, аммо кўп ўтмай бу соҳада салбий жараёнлар устунлик қила бошлади.

Бундай ҳолатнинг юзага келишининг замини битта, у ҳам бўлса маъмурий-буйруқбозлик усулининг ғалабаси туфайли марксча-ленинча миллий сиёсатнинг кўпол равишда бузилганлиги, уни талқин этишда ҳаётдан узилганлик, буюк миллатчилик тенденциялари бўлди.

Сталинча қатағонлик ва турғунлик йилларида миллий сиёсатни амалга оширишда катта камчиликлар ва хатоликларга йўл қўйилди. Миллий масалани талқин этишда ҳаётдан узилишга йўл қўйилди. Кўп йиллар давомида мамлакатда миллий масала узил-кесил ҳал этилди, деган тасаввур билан яшалди. Бу ҳаётимизнинг жадаллик билан байналминаллаштириш тўғрисидаги юзаки тасаввурни вужудга келтирди.

30-йилларнинг бошларидан бошлаб мамлакатда раҳбарлик қилишнинг маъмурий, буйруқбозлик усуллари ғалаба қилди. Ҳудди шу даврдан бошлаб миллий сиёсат принциплари бузила бошлади. Бунинг яққол исботи Совет Ўзбекистонни ишчи-деҳқон ҳукуматининг 1924 йил 31 декабрда ўзбек тилига давлат мақомини бериш тўғрисидаги қабул қилинган 48-сонли махсус қонуннинг бажарилмаганида кўриш мумкин.

Миллий сиёсатнинг бузилиши оқибатида Ўзбекистонда ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришга нотўғри ёндашувлар пайдо бўлди. Жумҳуриятимизга асосан хом-ашё базаси деб қаралди, унинг иқтисодиётини ёппасига ялпи ривожлантиришга эътибор берилмади. Миллий масалада ва у билан боғлиқ бўлган масалаларда йўл қўйилган хато ва камчиликлар республикамизда ҳам миллатлар ўртасида низоларнинг келиб чиқишига, маънавий ва сиёсий иқлимнинг ёмонлашувига сабаб бўлди. Унинг аниқ ифодаси бўлиб 1989 йилги Фарғона, Қўқон, 1990 йилги Бука, Паркент фожиалари тимсолида яққол кўриш мумкин. Бу ҳунук, нохуш воқеалар замирида турғунлик йиллари қабоҳатлари,

адолатсизликлари, ижтимоий тенгсизлик ҳолатлари юзага келтирган ҳамда жумхурият халқининг тақдири билан узвий боғланган жуда кўплаб долзарб муаммолар, жумбоқлар ётади. Биз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маънавий ҳаётимизда кўпдан йиғилиб қолган бу муаммо ва масалаларни оқилона тарзда қадам-бақадам ҳал этиб бормасдан туриб, илгарига томон комил ишонч билан ижобий силжиш қила олмаймиз.

Республиканинг муҳим хусусиятларидан бири – миллий таркибининг ўзига хослигидир. Этник таркибда туб аҳоли устун мавқеини эгаллайди. Ҳозир Ўзбекистон аҳолиси 2008 йилда 26,5 млн.га етди, 139 миллат вакили қайд этилди. Ўзбеклар умум аҳолининг 80 фоизини ташкил этади.

Ўзбекистон фуқаролари, ўзларининг насл-насаби, ирқи, миллатидан ва бошқа ҳолатларидан қатъий назар, тенг ҳуқуққа эгадир. Конституциямиз Ўзбекистон фуқароси деб ҳисобланган барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва миллий анъаналарини ҳурмат қилишини кафолатлайди.

Ўзбекистоннинг миллий-маданий жиҳатдан ғоят ранг-баранглиги миллий ўзлигини англаш ва маънавий қайта тикланишининг кучайиб бориши билан узвий бирликда жамиятни янгилаш, уни очиқ жамиятга айлантириш учун қудратли омил бўлиб хизмат қилади ва республиканинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши учун қулай шароитлар вужудга келтиради.

Янгиланиш ва демократиянинг ёрқин тимсоли – бу жумҳуриятимизнинг Мустақиллик Декларациясининг қабул қилинганлиги бўлди. Ўзбекистон жумҳурияти Олий Кенгашининг иккинчи сессияси томонидан 1990 йил июнда яқдиллик билан қабул қилинган бу тарихий ҳужжатда бир овоздан Ўзбекистон давлат мустақиллиги эълон қилинди.

Халқнинг хоҳиш-иродаси билан мустақил суверен давлат деб эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси мустақил ички ва ташқи сиёсат олиб боришни, ўзининг барча фуқаролари манфаатларини ҳимоя қилишни, одамларга ҳуқуқ ва эркинликлар кафолатини беришни халқнинг фаровонлигини ошириб боришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессиясида 1991 йил 31 августда қабул қилган Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги қонунининг 15-моддасида Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари, миллатидан, элатидан, ижтимоий келиб чиқишидан, қайси динга мансублигидан ва эътиқодидан қатъий назар бир хил фуқаролик ҳуқуқларига эгадирлар. Республика конституцияси ҳамда унинг қонунлари ҳимоясида бўладилар дейилади.

Жумҳурият сиёсий мустақиллигининг катта ютуқларидан бири, бу ҳам бўлса ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилганлиги бўлди.

Ўзбекистон халқ депутатлари Олий Кенгашининг 1989 йил 21 октябрда Давлат тили тўғрисидаги қабул қилган қонуни асосида ўзбек тилининг давлат тили сифатида қонунлаштирилиши жумҳурият ижтимоий ҳаётида катта тарихий воқеа бўлиб, у ўзбек халқининг мустақил миллат тарзидаги табиий-қонуний ҳуқуқини тиклаш ва ҳаётга қайтиришда олға ташланган муҳим қадам бўлди.

Давлат тили ҳақидаги қонун жумҳурият аҳолисининг мутлақ кўпчилигини (80 фоизга яқин) ташкил этувчи ўзбек халқининг тили Ўзбекистон ҳудудида мустақил давлат тили сифатида тўла-тўқис амал қилишини тайин қилиб, барча меҳнат жамоалари, ўқув юртлари, вазирликлар, корхоналар ва бошқа давлат муассасаларида иш юритишни рус тилидан аста-секинлик билан босқичма-босқич ўзбек тилига ўткази боришни кўзда тутди. Бундай тадбирнинг ҳаётга тадбиқ этилиши жумҳуриятимиз сиёсий мустақиллигини янада қарор топтиришга ва унинг маданий-маърифий ҳаётий равнақига ёрдам беради.

Шу билан бирга ўзбек халқининг қадим-қадимдан авайлаб сақлаб, унинг неча-неча авлодларининг маънавий мулкига айланиб келган, бироқ сталинизм қатағонлари ва турғунлик йилларида эътиборсизлик ва бефарқликлар натижасида камситилиб, бўғилиб, ривожланишдан тўхтаб қолаётган миллий анъаналари, бетакрор урф-одатлари, диний расм-русумлари ва бошқа маънавий қадриятларини тиклаш, уларнинг эркин амал қилиши ва равнақига кенг йўл очиб бериш ҳам ошкоралик ва демократик жараён билан узвий

боғлиқдир. Бу борада ҳам жумҳурият воқелигида дастлабки ҳайрли ишлар қилинаётганлиги қувонарли ҳолдир.

Ўзбек халқининг асрий тарихий обидалари, маданий ёдкорликларини сақлаш ва таъмирлашга давлат аҳамияти берилаётганлиги, ислом қадриятлари қайта баҳоланаётганлиги, миллий халқ байрами Наврўзнинг умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлана бошланганлиги, минг йиллик тарихимиз битилган эски ўзбек ёзувини кенг ўрганишга йўл очилганлиги – булар халқимизнинг онги теранлашиб, унинг ўзлигини англаш даражаси кўтарилиб, ўз қадрини ростлаб, мустақиллик сари одим ташлаб бораётганлиги ёрқин шаҳодатдир.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ўз давлат сиёсатини эркин равишда ишлаб чиқишга эришди. Булар қуйидаги йўналишларда ўз ифодасини топди:

- Жумҳуриятда миллатлараро ва ижтимоий иноқликка эришиш йўлида барча жамоатчилик ва сиёсий кучларни жипслаштириш, ижтимоий, сиёсий вазиятнинг барқарорлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш;


- Реал суверен миллий давлатни, сиёсий ҳокимиятнинг демократик ташкилоти асосини, кўпфирқалик ва фикрлар хилма-хиллигини умуминсоний қадриятларни қарор топтириш;

- Ижтимоий йўналтирилган ва мулкнинг турли хил шаклларига асосланган самарали бозор иқтисодиётини яратиш;


- Фуқароларнинг юксак даражада фаровонлигига, ҳар жиҳатдан ижтимоий, ҳуқуқий ва иқтисодий ҳимояланишига эришиш ва ҳ.к.

Мустақиллик шабодасидан эркин нафас олаётган республика меҳнаткашларининг жамиятни янгилаш йўлидаги эркин ва ижодий меҳнати ўз натижаларини бермоқда. Қисқа давр ичида шу қадар кўп ниятларни рўёбга чиқаришга, иқтисодий, ижтимоий соҳада, сиёсатда, энг муҳими – аҳоли тафаккурида шу қадар туб ўзгаришларни амалга оширишга эришилдики, сўнги бир неча ўн йилликлар давомида буларни ҳаёлга келтириб ҳам, орзу қилиб ҳам бўлмас эди. Эркинликка: танлаш эркинлигига, фаолият эркинлигига эришилди. Унинг ноёб, ҳад-ҳисобсиз табиий бойликлари ҳамда салоҳиятини бутун аҳолининг манфаатлари ва республика фаровонлиги йўлида мустақил тасарруф этиш ҳуқуқи, ўз тақдирини ўзи белгилаш, ўзбекистонликларнинг бир неча авлодларининг тарихий истикболи учун масъул бўлиш ҳуқуқи қўлга киритилди. Тоталитар тизим ва мафкуравий диктатдан, ярим мустамлака иқтисодий қарамлигидан юқори самарадор бозор иқтисодиётига эга бўлган демократик ҳуқуқий жамият қуриш сари қатъий ва орқага қайтмас қадам ташланди.





Давлатимиз қабул қилган барча ҳужжатларда умуминсонийлик тамойили тўлиқ ўз аксини топган. Ўзбекистонда ташкил топган миллий маданий марказлар шу тамойилни изчил амалга ошириш жараёнидир.



Ўзбекистон халқи қандай миллатга мансублигидан қатъий назар уларнинг мақсадлари, тақдирлар, йўллари (озод, фаровон, эркин жамият) бир бўлганлиги боис, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, ўзаро бир-бирини бойитиш асосида тараққий этадилар. Миллий тараққиётга тўсиқ бўладиган тартиблар, қоидалар, қонунлар барҳам топган. Миллатларнинг эркин ривожланиши учун объектив шароитлар мавжуд. Ҳеч бир миллатнинг қадриятларига таҳдид қилувчи ҳаракатларга замин йўқ. Ўзбекистон ҳар қандай миллатга инсониятнинг ва мамлакатимизнинг бойлиги деб қарайди ва миллий сиёсатни шу асосда олиб бормоқда.

Қисқача хулоса.

Миллий муносабатлар тушунчаси билан миллий сиёсат тушунчаси ўзаро боғлиқ диалектик бирликдаги мутаносиб категориялардир. Миллий муносабатлар шаклланиб амал қилаётган давлат доирасидагина ҳокимиятнинг миллий сиёсати асослари яратилади ва

амалга оширилади. Шунинг учун табиийки, миллий сиёсат – миллий муносабатлар оқимини давлат ҳокимияти режалаштирилган ҳолда бошқаришни англатади.

Жаҳон харитасида битта миллатдан ташкил топган давлатни учратиб бўлмайди, демак миллий масалани мувозанатли тарзда, мутаносиб ҳолда ҳал қилиш асосан кўпмиллатли давлат уюшмаси доирасида амалга оширилади.

Жаҳон тараққиёти илгарилаб боргани сари миллатлар ва халқлари ўртасидаги ҳар томонлама хусусиятга эга бўлган алоқалар ривожланиб бориши мойиллиги кенгроқ ва чуқурроқ ўрин эгаллай бошлайди. Мазкур мойиллик ер юзида кенг кўламда содир бўлаётган илмий-техник инқилобнинг ривожланиши, давлатлар ва халқлар ўртасидаги ўзаро алоқадорликнинг кенгая бориши халқаро муносабатларда эса янгича сиёсий тафаккур ақидаларининг қарор топиши жараёнлари билан чамбарчас бирликда ривожланиб бориши хусусиятига эгадир.

Таянч сўзлар.

Уруғ-қабила муносабатлари, этнос, элат, миллат, этник гуруҳ, этнографик гуруҳ, миллий гуруҳ, миллий муносабатлар, миллий масала, миллий сиёсат, миллий ўзликни англаш, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳукуқи, унитар, федератив, конфедератив давлат ҳукуқий шакллари.

Назорат ва муҳокама учун саволлар.

1. Уруғ-қабила, элат, миллатнинг асосий белгилари ва моҳиятини тушунтириб беринг?
2. Миллий масаланинг келиб чиқиши ва уни ҳал қилишга бўлган ёндашувларни мисоллар ёрдамида тушунтириб беринг?
3. Миллий сиёсатнинг кўпмиллатли давлатларда ўзига хос ва умумий хусусиятлари қандай?
4. Собиқ Иттифок даврида миллий сиёсатнинг моҳияти, оқибатлари ҳақида нималарни биласиз?
5. Сиёсатда аҳолининг этник гуруҳлари қандай роль ўйнайди?
6. Миллатга таъриф беринг?
7. Миллий давлат тузилмаси шакллари ҳақида нималарни биласиз?
8. Миллий маданий марказларнинг асосий фаолият йўналиши қандай?
9. Мустақил Ўзбекистонда олиб борилаётган миллий сиёсатнинг инсонпарварлик моҳиятини кўрсатиб беринг?

Адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. “Ўзбекистон”, 2009, 5-12 б.
2. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. Т. “Ўзбекистон”, 2005, 133-222 б.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т. “Маънавият”, 2008, 110-119 б.
4. Алиев Б. Хошимов Т. ва бошқалар, Политология. Ўқув қўлланма. Т. ТДИУ, 2006. 58-59 б.
5. Алиев Б. Бобоев А. ва бошқалар. Политология фани бўйича таълим технологияси. Т. ТДИУ. 2006, 94-98 б.
6. Авторлар жамоаси. Политология. Дарслик. М.ИНФРА-М. 2007, 364-375 б.
7. Авторлар жамоаси. Политология. Дарслик. Проспект, М 2008. 239-263 б.
8. Х.Т.Одилқориев, Д.Х.Раззақов. Сиёсатшунослик. “Ўқитувчи” нашриёти. Т. 2008, 260 б.

10-МАВЗУ: СИЁСІЙ ОНГ.

10.1. Сиёсий онг тушунчаси. Унинг ҳаракат механизми.

Сиёсий онг – ижтимоий онгнинг асосий формаларидан биридир. У давлат ва жамият сиёсий ташкилотининг пайдо бўлиш билан юзага келади. Қадимги грек мутафаккирлари Платон ва Аристотел жамият учун давлат тузилмалари ҳамда хулқ атвор тизими сиёсий маконда зарур эканлигини таъкидлаганлар.

Сиёсий онг – бу ижтимоий онг соҳаси бўлиб, у социал хиссиёт, тасаввурлар, қарашларнинг йиғиндисини, аниқ сиёсий муносабатларни, шунингдек, унинг таркибий қисмини ташкил этади.

Сиёсий онгнинг мазмуни сиёсий фаолият шаклида намоён бўлади, у сиёсий тузилма билан чатишган ҳолда, унинг амал қилишининг таркибий қисмини ифодалайди.

Сиёсий онгнинг мазмуни амал қилаётган сиёсий муносабатлар ва ҳокимият, шунингдек, сиёсий воқеликдаги хиссий ва абстракт тасаввурлар йиғиндисидир.

Сиёсий онгнинг муҳим жиҳати – унинг аниқ тарихий характерга эга эканлигидир. Биринчи навбатда жамиятда ҳукмронлик қилаётган ижтимоий гуруҳнинг тасаввурлари ва қадриятлари умумлашади.

Сиёсий онгнинг ўзига хос томони – ундаги жўшқинлик, ўзгарувчанлик бўлиб, сиёсий борлиқнинг ўзига хослиги билан белгиланади.

Тез ўзгарувчан сиёсий онг воқелигида акс этишнинг уч воситасини ажратиб кўрсатиш мумкин.

1) Билиш тизими, унинг амал қилиш қодалари, шунингдек, муаммо ва қарама-қаршиликлар:

2) Хис-туйғули, яъни сиёсий воқеликни ижобий ёки салбий хис-хаяжон, сезгида акс этиш;

3) Баҳоли – сиёсий ҳаракатнинг мақсади, унинг натижалари ва оқибатларини мулоҳаза этиш ва фикрлаш.

Ушбу сиёсий онг даражасини таснифи америка политологлари Г.Алмонд ва С.Вербага тегишли.

Ҳар бир халқнинг, ҳар қандай социал бирлик сиёсий онги унга хос бўлган менталитет асосида шаклланади.

Сиёсий онг жамиятнинг объектив тарзда мавжуд бўлган ижтимоий-сиёсий структураси ва унга хос бўлган сиёсий фаолиятнинг турларини, уларга мувофиқ келадиган сиёсий ташкилотлар ва муассасаларини акс эттиради.

Сиёсий онг ижтимоий мавжудот ва моҳият бўлган инсон ақл-заковатининг, маънавий-ахлоқий фаоллигининг олий даражасини англатади. Инсоннинг дунёқараши, эътиқоди, сиёсий руҳий йўналиши, сиёсий хулқ-атвори, сиёсий мафкураси унинг онгида шаклланиб, бир қолипга тушади сўнг улар инсоннинг сиёсий хатти-ҳаракатларига айланиб, ўз ифодасини топади, унинг амалий фаолияти рамзи сифатида намоён бўлади.

Объектив воқелик киши онгига таъсир кўрсатиб унда турли тасаввурлар, ғоялар ҳосил қилади ҳамда унда онг мазмунини вужудга келтиради.

Инсоннинг сиёсий онги жамият ишлаб чиққан ва одамлар томонидан ўзлаштирган хиссий ва қадриятли йўналишига хос асосий муаммолар ҳамда сиёсий жараёнлар оқимида, муносабат воситасида намоён бўлади. Сиёсий онг таркибида илмий, сиёсий, фалсафий, ахлоқий, эстетик, диний қадриятлар ҳам муҳим ўрин тутади.

Сиёсий онг – бу кишиларнинг сиёсий тизим ва ҳаёт, сиёсий муносабатлар тўғрисидаги билимлар, тасаввурлар, эътиқодлар, ўзлари яшаб турган сиёсий тузумга баҳо беришлари йиғиндисидан иборат.

Сиёсий онг – сиёсий борлиқнинг субъектив акс этишидир. У сиёсий воқелик қандай бўлса, шундай ҳолисона тарзда акс эттиришдир. Бироқ, сиёсий онг сиёсий воқеликни

механик тарзда акс эттирмайди. У сиёсий воқеликнинг ичига кириб, ундан илгарилаб кетувчи ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг ўзгариши ва ривожланишини акс эттиради.

Сиёсий онг – жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва унинг барча соҳаларига катта таъсир кўрсатадиган ижтимоий ходисадир. Шунингдек, алоҳида олинган кишиларнинг ҳам, жамият ижтимоий-сиёсий бирлашмаларининг ҳам хулқ-атвори ва фаолиятининг характери кўп жиҳатдан сиёсий онгнинг даражасига боғлиқ.

Сиёсий онгнинг шаклланиши ва ривожланишига қуйидаги манбалар асосий омил бўлиб хизмат қилади:

Биринчи манба – инсоннинг оилавий муҳитидир. Сиёсий ғоялар ва хиссиётлар унга оиладаги тарбия орқали берилади. Бунга тўғри келувчи ижтимоий-руҳий қарашлар – сиёсий онгнинг пойдеворини барпо этади. Унинг негизида эса фуқаро шахси шаклланади.

Иккинчи манба – бу кенг маънодаги ахборотдир. У инсонга ҳам муомала орқали, ҳам оммавий ахборот воситалари орқали кириб боради.

Учинчи манба – бу индивиднинг шахсий тажрибасидир. Бу шахсий тажриба олинган билимни рад қилади ёки тасдиқлайди. Бироқ у ҳар қандай ҳолатда ҳам сиёсий онгнинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнига муҳим таъсир кўрсатади.

Юқорида қайд этилган манбалар инсонга сиёсат дунёсини таҳлил этишга ва унга нисбатан муносабатини белгилаб олишга имкон берувчи билимлар йиғиндисини ташкил этади.

Сиёсий онг ижтимоий онгнинг бошқа шакллари каби бир қатор функцияларни бажаради. Бу функцияларга қуйидагилар киради:

1. Сиёсий ҳаёт тўғрисида билиш – ахборот бериш. Кишилар эртами ёки кечми, хоҳлайдими ёки йўқми аммо муқаррар равишда сиёсат дунёсига дуч келади. У кишиларнинг ҳаёти ва тақдирига давлат, партиялар ва бошқа жамоат ташкилотлари орқали таъсир кўрсатади. Сиёсат кишиларга сиёсий ахборот кўринишида кириб боради.

Сиёсий онг кишиларга сиёсий билимлар ва ахборотларни ўзлаштиришга, ижтимоий-сиёсий ҳаётда ўз ўрнини белгилашга ва унда тўғри мўлжални олишга ёрдам беради.

2. Сиёсий баҳолаш. Сиёсий онг социал-сиёсий воқеликни нафақат билади, изоҳлайди, балки уни баҳолайди. Кишилар у ёки бу ходисалар, воқеаларни англаш жараёнида уларга ўз муносабатларини билдирадилар. Айнан сиёсий воқеликни баҳолаш асосида кишилар ўзларининг сиёсий қарашларини шакллантирадилар.

3. Сиёсий-ижтимоий йўналтириш. Сиёсий онг кишиларга ўзларини жамият ва давлат олдида нафақат бурчларига, мажбуриятларига, балки муайян ҳуқуқлар, эркинликлар ва сиёсий манфаатларга эга бўлган фуқаролар эркинликларини англашга ёрдам беради. Бу билан сиёсий онг ўзининг йўналтирувчилик функцияси орқали кишиларнинг ижтимоий ҳаётда иштирок этишлари, сиёсий партияларга, ташкилотларга ўзларининг фикрлари билан бирлашмалари зарурлигини уйғотади.

4. Сиёсий ҳаёт ва манфаатларни тартибга солиш. Сиёсий онг воқеликни идрок этиш асосида, ҳамда у томонидан ишлаб чиқилган сиёсий ғоялар негизида кишиларнинг сиёсий-ижтимоий хулқ-атворларини, фаолиятини тартибга солади.

Политология нуктаи назаридан ёндошилганда сиёсий онг инсонлар ижтимоий-сиёсий ва маънавий-ахлоқий ҳаётлари давомида уларнинг турли гуруҳлари туб мақсад-манфаатлари ҳамда тасаввур-қарашларининг сиёсий ҳаёт воситасида акс эттирилишидир. Демак сиёсий онг билан сиёсий ҳаёт мутаносиблиги ва диалектик бирлиги жамият ҳаётида катта таъсир кучига эга бўлиб, давлат ҳокимиятининг ички ва ташқи сиёсат юритишида ҳам катта аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, сиёсий онг социал субъектларнинг ижтимоий ҳаётнинг асосий соҳаси ҳақидаги билимлар, тасаввурлар ва баҳолашларининг йиғиндисидан иборатдир. У бир қатор функцияларни: билиш, баҳолаш, йўналтириш, тартибга солиш каби функцияларни бажариш билан жамият ҳаётида муҳим роль ўйнайди, уни ҳаракатга келтиради, ўзгартиради.

10.2. Сиёсий онгнинг даражаси, ўзаро фарқи, ўз-ўзини англаш жараёни.

Сиёсий онгни шаклланишда киши томонидан ўз-ўзини ёки ўзлигини англаш хусусияти алоҳида аҳамият касб этади. Ўз-ўзини англаш – халқ ўзининг ҳақиқий мавжуд субъект, муайян моддий ва маънавий бойликларнинг ифодаловчиси эканлигини, ягона тил, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар ва давлатга мансублигини, манфаатлар ҳамда эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб етиши жараёнида шаклланади.

Демак, ўз-ўзини англаш инсон онгли фаолиятининг энг олий кўринишларидан бири ҳисобланадиган экан.

Ўз-ўзини англаш кишиларда сиёсий онгнинг шаклланишига фаол таъсир кўрсатади ва уларнинг ижтимоий етуклик даражасини белгилайди.

Ўз-ўзини англаш хусусиятларини шаклланишида индивидни ўраб турувчи иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, маданий муҳитнинг таъсири муҳим аҳамиятга эга. Ана шу муҳит таъсирида инсоннинг ўз-ўзини англаш қобилияти ўса боради.

Ўз-ўзини англаш бевосита моддий куч сифатида миллат шаъни, кадр-қиммати, обрў-эътибори, ор-номуси поймол этилганда ёки унинг моддий ва маънавий манфаатларига зид ҳаракатлар ва ҳолатларда намоён бўлади. Масалан, ўз мустақиллигимиз учун курашда, шўролар тузуми шароитида ўзлигимизни сақлаб қолиш учун бўлган ҳаракатларда намоён бўлди.

Ўз-ўзини англаш миллатлар учун сиёсий онглиликнинг ошишигагина эмас, балки амалий натижаларга ҳам олиб келади. Бундай натижалардан энг муҳими – миллий мустақиллик ва озодликдир. Ўз-ўзини англаш жаҳон тарихида миллат озодлик ҳаракатларининг кучайишига, бунинг натижасида империяларнинг сиёсий жиҳатдан тушкунликка учрашига, сўнгра эса уларнинг парчаланиб кетишига олиб келди. Португалия, Испания, Голландия, Англия каби империя давлатларининг ўз мустамлакаларидан маҳрум бўлишига, Собиқ Совет империяси ўрнида мустақил давлатларнинг вужудга келиши бунга ёрқин мисол бўла олади.

Мустақилликни қўлга киритган Ўзбекистонда миллий ўзлигини англаш икки йўналишда: собиқ шўролар даврида топталган урф-одатларимиз, кадр-қимматимиз, қадриятларимизни тиклаш ва маънавий меросимизни ўзлаштиришга бўлган ҳаракатларда ҳамда янги адолатли демократик ҳуқуқий устиворликка асосланган жамият қуриш ҳаракатларида намоён бўлмоқда.

Ўз-ўзини англаш фақат маълум ҳудудда содир бўладиган ижтимоий жараёнларгагина эмас, балки бошқа ҳудудлардаги ижтимоий жараёнларга ҳам таъсир қилади. Ўз-ўзини англаш бир вақтнинг ўзида ҳам бевосита муносабатда турувчи ходисаларни ва айна пайтда билвосита муносабатда бўлувчи ходисаларни ҳам ўзида акс эттиради. Худди шу маънода ер қуррасининг у ёки бу ҳудудида содир бўладиган ходисалар фақат маҳаллий аҳамиятга эга бўлмай, балки умуминсоний тарихий-сиёсий аҳамиятга ҳам эгадир. Бу хусусиятни кишилар томонидан англаниши улар сиёсий онгининг ўсишига олиб келади. Уларнинг глобал даражада фикрлаш қобилиятини ўстиради.

Сиёсий онг ўзининг мазмуни ва мақсад йўналишлари жиҳатидан ҳозирги кунда уч асосий шаклларида мавжуд бўлади:

1. Алоҳида шахс сиёсий онги;
2. Ижтимоий гуруҳ сиёсий онги;
3. Оммавий сиёсий онг.

Айни вақтда мазкур шаклларга бўлиниш сиёсий онг амал қилиши босқичлари ва даражаларини ҳам англатади. Чунки алоҳида шахс сиёсий онгининг моҳиятли қирралари ижтимоий гуруҳ сиёсий онгли асосларини, ижтимоий гуруҳлар ҳар бирининг сиёсий онги бутун жамият миқёсида шаклланиб қарор топган оммавий-сиёсий онг шаклини вужудга келтиради.

Биринчи шаклдаги сиёсий онг мазмунини ҳар бир шахс хусусияти ва сифати ташкил этади.

Шахс сиёсий онгининг амал қилиш жараёнларини бошқариш механизмларини таҳлил этилганда уларнинг икки йўналишда содир бўлиши намоён бўлади:

1. Сиёсий талаб-эҳтиёжлар; кадриятлар, хис-туйғулар сиёсий онг важ-сабаблари йўналишида амал қилади;

2. Сиёсий билимлар, сиёсий ахборотга эга бўлади. Сиёсатга қизиқишнинг вужудга келиши, сиёсий эътиқодларнинг шаклланиши каби жараёнлар сиёсий онгнинг билиш-англаш йўналишини ташкил этади.

Ижтимоий гуруҳ сиёсий онги у ёки бу даражада шаклланган ва ижтимоий уюшган катта, ўрта, кичик ижтимоий гуруҳлар онгларининг мужассамашган ифодасидир. Ижтимоий гуруҳ, табақа, қатлам даражаларидаги сиёсий онг бир томондан ижтимоий-миллий, катта муҳит доирасида ва иккинчи томондан сиёсий элита, ҳарбийлар, ҳукмрон сиёсий партия раҳбарияти, тайзиқ гуруҳлари каби кичик муҳит доирасида намоён бўлади.

Оммавий сиёсий онг жамиятда содир бўлаётган сиёсий воқеа-ходисаларга бўлган оммавий муносабат заминида вужудга келиб, долзарб сиёсий мазмунга эга бўлган, ўта сиёсий муҳим оқибатларга олиб келиши кутилаётган сиёсий жараёнларга нисбатан оммавий муносабатда ўз ифодасини топади.

Оммавий сиёсий (маданият) онг аниқ тарихий ва ўзгарувчан характерга эга. У тез-тез кўтарилиш ва пасайиш даврларини ўз бошидан кечиради.

Ижтимоий онгнинг сиёсий туркуми, ўз навбатида яна бир қатор кўринишларга бўлинади, яъни ғоявий-ижтимоий, руҳий илмий, амалий, назарий, тажрибали сиёсий онг турлари мавжуд бўлиб, улар сиёсий ҳаёт жараёнларида у ёки бу даражада намоён бўлиш хусусиятига эгадир.

Шундай қилиб, якка одам (шахс), ижтимоий гуруҳ, табақа, қатлам ва бутун жамият сиёсий онгининг бир-бирига узвий боғлиқ бўлиб сиёсий ҳаёт воқеа ва ходисалари орқали намоён бўлади, бир-бирини бойитиш табиатига эга.

Ижтимоий онгнинг сиёсий туркуми ўз навбатида яна бир қатор кўринишларга бўлинади яъни ғоявий-ижтимоий, руҳий, илмий, амалий, назарий, тажрибали-сиёсий онг турлари мавжуд (шакллари) бўлиб, улар сиёсий ҳаёт жараёнларида у ёки бу даражада намоён бўлиш хусусиятига эга.

Сиёсий онг даражаларига кундалик-амалий сиёсий онг ва ғоявий-сиёсий онг киради. Кундалик сиёсий онг кишиларнинг амалий фаолияти, ижтимоий тажрибаси орқали ва уларни бевосита қуршаб турган муҳитнинг таъсири натижасида стихияли тарзда шаклланади. Унда оқилоналик ва хис-туйғу, соф, яъни турмуш тажрибаси ва анъаналар, бир зумлик, ўткинчи кайфият ва барқарор йўл-йўриқлар назарий жиҳатдан ишланмаган ва бир-бири билан ўзаро боғланмаган бўлади. Кундалик амалий сиёсий онг кўп ҳолларда барқарор бўлмайди. Чунки у хис-туйғу ва ўзгариб турувчи бевосита тажрибага боғлиқ бўлгани сабабли омонат бўлади. Ундаги барқарор томонлар фикрнинг ўзгариб, мослашиб боришга халакит беради. Бир ижтимоий гуруҳ вакилларининг иқтисодий ахволида умумийлик бўлгани учун уларнинг сиёсий онгида ҳам умумийлик бўлади. Ҳокимиятга муносабати кундалик ҳаётнинг минглаб далилларида намоён бўлади. Унда ақл-заковатни умумлаштириш, таҳлил қилиш фаолияти намоён бўлмайди, унинг тарихий истиқбол, назарий формулалари ва фалсафий категориялари бўлмайди.

Кундалик-амалий сиёсий онг объектив иқтисодий воқеликка тўғридан-тўғри боғлиқ бўлгани учун унинг кундалик аниқ мазмунида муайян ижтимоий гуруҳнинг назарий-сиёсий мафкурасининг куртаклари бўлади. Назарий мафкура кундалик онгнинг мазмунини танқидий таҳлил қилиб, аниқ, тарихан ва ижтимоий жиҳатдан асослаб берилган сиёсий дастурни ишлаб чиқади. Мафкура мавжуд кайфиятларни пасив ўрганиш эмас, балки стратегик ва тактик тизимдир, у ижтимоий онгга актив таъсир қилишга қаратилган.

Сиёсий мафкура ижтимоий онгга таъсир қилиш учун ғоят катта имкониятларга эга. Чунки у фақат қарашлар, ғояларнинг тизимидангина иборат эмас, балки ижтимоий-сиёсий

ташкilotлар, давлат ҳокимияти каби муассасалардан иборат ғоявий таъсир кўрсатиш воситаларига ҳам эга.

Ҳар бир мафкуранинг ўз ташкilotига, тарғиботининг ўзига хос турига, оммага мафкуравий таъсир кўрсатиш тамойиллари бўлади. Аммо оммавий ахборот воситалари ва кенг демократик ошкоралик мавжуд бўлган шароитда ҳукмрон мафкуранинг омма онгини муайян изга солиб бориш таъсири камаяди. Расмий мафкурани кундалик сиёсий онг билан мослаб олиб боришга тўғри келади.

Шундай қилиб, сиёсий онг мураккаб ва кўп қиррали ходиса. У нафақат сиёсий воқеликни акс эттиради, балки уни ижод қилади, ўзгартиради.

10.3. Сиёсий онг шаклланишининг асосий омиллари.

Демократик сиёсий онг.

Сиёсий онг қандай шаклланади. У аввало инсонда муайян ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий шарт-шароитлар, тарихий тажриба, миллий қадриятлар, сиёсий ҳаётни идрок этишга қаратилган урф-одат, анъаналар негизида шаклланади. Бундай шарт-шароит бўлмаса инсонда сиёсий онг шаклланмайди. Сиёсий онгнинг шаклланиши мураккаб жараён. Бу аввало, ижтимоий-сиёсий шарт-шароит – демократик тартиботнинг мавжудлигига боғлиқ, агар у бўлмаса юксак сиёсий онг шаклланмайди. Қардаким авторитар, маъмурий-буйруқбозлик тизим бўлса, у сиёсий онгни ривожланишига йўл қўймайди.

Демократик онг кишиларнинг озодлик, эркинлик, ижтимоий адолат, фикрлар хилма-хиллиги, ошкоралик ва мулоҳазалар эркинлиги ҳақидаги хис-туйғулари, қарашлари, ғоялари, назарияларнинг мажмуидир. Демократик онг ҳам янги ходиса, аммо чуқур тарихий илдизларга эга. Халқнинг озодлик, эркинлик, адолат, ошкоралик, мулоҳазаларининг хилма-хиллиги ҳақидаги ўзига хос интилишлари, қарашлари удумлари асосида бундай онгнинг тарихий заминлари бор.

Демократик онг ҳуқуқий, демократик, инсонпарвар давлат, ижтимоий адолатга асосланган жамият куриш жараёнида шаклланади. У давлат томонидан ўз фуқароларига демократик ҳуқуқлар, эркинликларни бериши, ошкоралик, фикрлар, мулоҳазалар хилма-хиллиги учун шарт-шароитни барпо қилиши, буларни поймол қилганларни қатъий жазолаши орқали вужудга келади. Демократик онг сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, фалсафий онглار воситаси билан тарбия орқали ҳам шаклланади. Кишиларда демократик онгни тарбиялашда телевидение, радио, газета, журналларнинг роли каттадир. Бу жараёнда ижтимоий ташкilotлар, муассасаларнинг фаол иштирок этишлари мумкин.

Демократик онг жамият, кишиларнинг ҳаёти, фаолияти, тараққиётида муҳим роль ўйнайди. Демократик онг шаклланган, ривожланган мамлакатларда моддий ва маънавий ишлаб чиқариш юқори даражада бўлади, моддий ва маънавий бойликлар кўплаб барпо этилади: кишиларнинг хилма-хил эҳтиёжлари қондирилиб борилади, юксак қадриятлар мавжуд бўлади, кишилар эркин яшайдилар, ишлайдилар, чинакам ошкоралик, фикрлар, қарашлар хилма-хиллиги ҳукм суради.

Сиёсий онгнинг шаклланиши фақат демократик сиёсий тазимнинг мавжудлиги билан белгиланиб қолмайди. У жамият иқтисодиётининг даражасига, халқнинг моддий фаровонлигига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Жамият иқтисодиётининг юқори даражада тараққий этиши фуқаролик жамиятининг билимдон, малакали, касбий тайёргарликка эга бўлган бошқарув кадрлари корпусининг шаклланиши учун зарур база ҳисобланади.

Иқтисодиётнинг ривожланиши, халқнинг фаровонлигига эришуви – сиёсий онг шаклланишининг асосий шартларидан биридир.

Сиёсий онгнинг шаклланиши жамиятнинг маънавий-маърифий ривожланишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Сабаби, маънавий-маърифий жиҳатдан қашшоқ, саводсиз бўлган инсон жамият англаган сиёсатдан ташқарида бўлади. Инсонда маълумотчилик даражаси қанчалик

юқори бўлса, у шунчалик сиёсий билимдон бўлади. Инсон қанчалик маълумотли бўлса, унга сиёсий баҳс – мунозараларда иштирок этиш эҳтимоли шунчалик юқори бўлади.

“Маънавият – инсонни рухан покланиш, қалбан уйғонишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини баққувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”.¹

Индивид қанчалик маълумотли бўлса, у муайян жамоат ташкилотларининг фаол аъзоси бўлиши, ўзини ўраб турган ижтимоий-сиёсий муҳитга ишонч билдириши эҳтимоли шунчалик юқори бўлади.

Шундай қилиб, сиёсий онг муайян ижтимоий-сиёсий, ижтимоий, маънавий-маърифий омиллар, шарт-шаротлар негизида шаклланади ва инсон фазилатларининг очилишига ёрдам беради.

Қисқача хулосалар.

Сиёсий онг ижтимоий онг шаклланишининг олий даражадаги кўринишидир. Уни қандай англамоқ керак, сиёсий онг жамият ҳаётининг деярли барча жабҳаларига таъсир этиб туради. Шу нуқтаи назардан сиёсий онг мавжуд сиёсий тузум ва сиёсий асоснинг маълум тарихий муддатда сақланишига ёки тарихий жараён ва унинг эҳтиёжлари асосида ўзгаришга бевосита алоқадордир. Сиёсий онг жамиятда ҳукмрон давлат сиёсатини алоҳида ёки оммавий шаклда акс этади. Бу сиёсий онгнинг диалектик табиатидан далолат беради, яъни сиёсий онг, методологик жиҳатдан яққалик, алоҳидалик ва махсуслик диалектикаси асосида мавжуд сиёсий ходисаларга шахсий ва оммавий онгнинг муносабатларини ифодалайди.

Сиёсий онг жамиятнинг иқтисодий базасига яқин туради, синфлар, ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини бевосита акс эттиради, жамият ҳаётида муҳим роль ўйнайди.

Таянч сўзлар.

Сиёсий онг, манбалари, функциялари, сиёсий онгнинг даражалари, сиёсий онгнинг шакллари, элитар сиёсий онг, оддий сиёсий онг, гуруҳий сиёсий онг, оммавий сиёсий онг, сиёсий онгнинг шаклланиш омиллари, ўз-ўзини англаш, сиёсий онг турлари.

Назорат ва муҳокама учун саволлар.

1. Сиёсий онгнинг таркибий қасмларини кўрсатинг?
2. Сиёсий онг қандай жараёнларни акс эттиради?
3. Сиёсий онгнинг функциялари қайсилар?
4. Сиёсий онгнинг намоён бўлиш шакллари.
5. Сиёсий онгнинг шаклланиши қандай омилларга боғлиқ?
6. Миллий ўзликни англаш қандай кўринишларда ўз ифодасини топмоқда?
7. Шарқона сиёсий онг ҳақида гапириш мумкинми?
8. Сиёсий бошқариш соҳасидаги ўзгаришлар жамиятимиз сиёсий онгига қандай таъсир қилмоқда?
9. Сиёсий онгнинг таркибига нималар киради?
10. Сиёсий онгни юксалтириш омиллари нимада деб биласиз?

Адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. “Ўзбекистон”, 2009, 7-13 б.
2. Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. “Ўзбекистон”, 2003. 3-51, 214-247 б.

¹ И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т. “Маънавият”, 2008, 19 б.

3. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. “Ўзбекистон”, 2005, 156-223 б.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. “Маънавият”, 2008, 18-боб.
5. Алиев Б. Хошимов Т. Политология. Ўқув қўлланма. Т. ТДИУ, 2006, 184-195 б.
6. Алиев Б. Бобоев А. ва бошқалар. “Политология” фани бўйича таълим технологияси. Т. ТДИУ, 2006. 132-139 б.
7. Авторлар жамоаси Политология. Дарслик. М. Проспект. 2008, 429-442 б.
8. Х.Т.Одилқориев. Д.Х.Раззаков. Сиёсатшунослик. Т. “Ўқитувчи” нашриёти. 2008, 321-332 б.

III БЎЛИМ. СИЁСИЙ ОНГ, МАДАНИЯТ ВА МАФКУРАЛАР.

11-Мавзу: Сиёсий маданият.

11.1. Сиёсий маданият тушунчаси.

Сиёсий маданият тизими ва асосий элементлари.

Мустақил давлат тараққиёти учун зарур бўлган омилларидан бири сиёсий маданият. Сиёсий маданият инсоннинг умум билим даражаси, дунёқараши, ахлоқ-одоби билан узвий боғлиқдир. Сиёсий маданият ўз ҳолича жамиятдан ташқарида, ёки умуммаданиятдан узилган ҳолда бўла олмайди. Сиёсий маданият, бу одамлар ва жамоалар, синфлар ва сиёсий фиркаларнинг аниқ мақсадга онгли интилиш, мақсад ва моҳиятини чуқур тушуниши, эҳтиросга берилмай истиклол йўлидан боришни таъминловчи муҳим омилдир. Сиёсий маданият жамият, давлат ва одамлар ўртасидаги одоб-ахлоқ, кадриятлар ва қоидалар асосидаги муносабатлар кўриниши ҳамдир. Бунда давлат сиёсатини билиш, қонунчилик асосида ўз муносабати сиёсий маданиятнинг ҳолати ва даражаси кўп нарсаларга боғлиқ: аҳоли ишлаб чиқилган сиёсий йўлни қандай қабул қилади, уни ихтиёрий равишда қабул қиладими ёки мажбур этиш орқали қабул қиладими, унинг орзу-умидларини акс эттирадими ёки унга нимага, кимга тақлидада муносабатда бўладими? Аҳолининг сиёсий-бошқарув қарорларига муносабатни билиб олишга сўнг эса шу қарорларни амалга ошириш учун чоралар топишга имкон беради.

Сиёсий маданият ҳақида гапирганда, биринчи навбатда, сиёсий онгнинг даражаси, сиёсий мафкуранинг моҳияти, сиёсий руҳиятнинг сифат мазмуни ҳамда сиёсий хулқ-атворнинг мураккаб таркибини теран равишда таҳлил қилиш керак бўлади, чунки улар ўртасидаги диалектик бирлик сиёсий маданият амалиётининг муштарак қонунияти мазмунини ташкил этади.

Сиёсий маданият ижтимоий-иқтисодий тенгсизлик вужудга келиб, синфий жамият ташкил топганда кейин шакллана бошлайди ва амал қилади. Лекин у тўла тан олинмаган ҳолда, объектив зарурият сифатида амал қилар эди, чунки унинг туб табиатини инсон ва инсоният умумий маданияти иқтисодиётдан, сиёсий жараёнлардан, ижтимоий муносабатлардан, маънавий-ахлоқий кадриятлардан ажратиб англаб бўлмайди.

Сиёсий маданият термини анча кейин пайдо бўлди. Уни илмий муомалага XVIII асрда немис файласуфи И.Гердер олиб кирган деган қарашлар мавжуд. Ҳозирги замон политологиясида “Сиёсий маданият” тушунчаси америкалик назариётчи Х.Файер ўзининг 1956 йилда ёзган “Европанинг буюк давлатлари бошқарув тизими” китобида тилга олади. Кейинчалик Г.Алмонд ва С.Верба беш мамлакат – АҚШ, Буюк Британия, Германия, Мексика ва Италия сиёсий жараёнларини таҳлил қилиб ўзларининг “Фуқаролик маданияти” (1963) китобини ёзадилар.

“Сиёсий маданият” тушунчасини талқин қилишда турлича ёндашувлар мавжуд унга 30 дан ортиқ таъриф берилганлиги, унинг мураккаб ва етарли даражада ўрганилмаганлигидан далолат беради.

Сиёсий маданият моддий ва маънавий маданиятлар билан бир қаторда ўзига хос мустақил маданият туридир. Унинг ўзига хос томони шундан иборатки, ўзининг фаолият

соҳасининг алоҳидалиги (сиёсий соҳаси, сиёсий ҳокимиятнинг амал қилиши) ва ушбу маданият соҳасини характерловчи элементларнинг ўзига хослиги билан белгиланади. (Сиёсий тасаввур ва қадриятлар, сиёсий кўрсатма ва хулқ-атвор). Сиёсий маданиятни жамият сиёсий ҳаёти билан чамбарчас боғлиқлигини ҳисобга олиш унинг ўзига хос характерини ва чегарасини аниқлашга ёрдам беради, бу ўзига хосликни тўғри баҳоламаслик эса сиёсий маданият мазмунини сийқалаштиради.

Сиёсий маданият қачон пайдо бўлган? У жамият сиёсий ҳаётига қандай таъсир кўрсатади?

Сиёсий маданият социал воқелик сифатида синфлар ва давлатнинг пайдо бўлиши билан юзага келган. Аммо сиёсий ҳаёт маданияти синфларнинг юзага келишидан аввал Қадимги Шарқда, Қадимги Греция ва Римда шаклланган. Ўша вақтдаёқ мутафаккирлар етук сиёсий ижтимоий тузумнинг хулқ-атвор, сиёсий ҳаётни бошқариш санъати билимларни пайдо бўлиши ва улардан жамият ҳаёти амалиётида фойдаланишга сиёсий маданиятни юзага келганлиги сифатида қараш керак. Афлотун, Арастуларнинг озодлик, давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги ажойиб фикрлари ҳозир ҳам долзарб ҳисобланади. Сиёсий маданиятнинг вужудга келиш жараёни тарихини очиб беришда Ўрта Осиё мутафаккирлари Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоийларнинг инсонпарварлик, эркин фикр ва озод нафас олиш, тинчлик ва осойишталик, илм ва адолат, ақлли, иродали ва фанни севувчи бўлиши каби қарашлари қимматлидир. Буржуа революциялари даври сиёсий таълимоти сифатида В.Макиавелли, И.Монтескье, Ж.Руссоларнинг ҳокимиятни тақсимлаш назарияси, демократик революция, фуқаролик жамияти ва давлат ҳақидаги ғоялари ҳам тақсинга лойик.

Ҳар қандай жамиятнинг сиёсий ҳаётини англаш, унинг сиёсий маданиятини ҳар тарафлама ўрганиш орқалигина эришилади. Фақат шу орқалигина сиёсий тизимнинг манбаи, характери ва ўзига хос хусусиятларини, жамиятда ҳукмронлик қилаётган сиёсий тартибот, ижтимоий гуруҳларнинг хатти-ҳаракати ва сиёсий онги, сиёсий жараёнларнинг йўналиши ва ҳаракати ҳақида маълумотга эга бўлиш мумкин.

Сиёсий маданият одамларнинг хулқ-атворида ва турли ташкилотларнинг фаолиятига таъсир кўрсатади, уларнинг ички ва ташқи ходисаларни идрок этиш, сиёсий тизим ва тартиботларга, ҳукмрон гуруҳ ва алоҳида сиёсий раҳбарлар фаолиятига, шахснинг жамият сиёсий ҳаётида тутган ўрнига баҳо беришда асосий мезон ҳисобланади. У сиёсий йўлни ишлаб чиқиш, аниқ сиёсий-бошқарув қарорларини қабул қилиш ва рўёбга чиқариш учун кенг истиқбол йўлларини очиб беради.

Сиёсий маданиятнинг ҳозирги вақтда илмий муомалада мавжуд бўлган қуйидаги талқинларини келтириб ўтиш мумкин:

1. Сиёсий маданият бу – ўзига сиёсий маърифатни, сиёсий онглилигини ҳамда ижтимоий-сиёсий фаолиятни ҳам қамраб олган шахс ва ижтимоий бирликнинг маданиятидир.

2. Сиёсий маданият бу – ўз ичига ижтимоий-сиёсий институтлар ва сиёсий жараёнлар билан бевосита алоқадор бўлган элементларни қамраб олган жамият маънавий маданиятининг бир қисмидир.

3. Сиёсий маданият – конкрет ижтимоий бирлик ёки шахсга тегишли бўлган сиёсий онг ва сиёсий хулқ-атвор йиғиндисидир.


4. Сиёсий маданият – тарихан қарор топган сиёсий муносабатлар тизимида ижтимоий субъектнинг ўз сиёсий билимлари, қадриятларидан келиб чиққан ҳолда мўлжалланган ниятларни, ҳамда ўзига хос сиёсий хулқ-атворини намоён қилиши, амалга оширишидир.

Сиёсий маданиятнинг юқорида келтирилган умумий талқинларидан келиб чиқиб унга қуйидаги таърифни бериш мумкин:

Сиёсий маданият бу – сиёсий ҳокимият ва сиёсий ҳаётга бўлган муносабат, уни идрок этишдаги сиёсий тафаккур ва сиёсий фаолият маданиятидир. Шунингдек, сиёсий

институтларнинг характери ва фаолият тартибининг ҳамда жамият сиёсий ҳаёти барча жабҳаларининг баркамол ҳолатидир.

Аммо ушбу таъриф сиёсий маданият мазмунини тўлалигича очиб беролмайди. Бунинг учун унинг асосий таркибий қисмларини (компонентларини) киритиш керак.



1. Сиёсий онг: а) мафкуравий, ғоявий қисмлари; б) руҳий қисмларидан иборатдир.

Сиёсий маданиятнинг таркибий қисми бўлиб, сиёсий онг элементи, аввало, жамиятда ҳукмрон бўлган, ёки бирорта, ижтимоий гуруҳга хос бўлган жамият сиёсий ҳаётининг турли жиҳатларига сингиб кетган қарашлар ҳисобланади. Булар сиёсий тизим ва унинг алоҳида институтлари: сиёсий тартибот, ҳокимият механизми ва бошқарув, қарорларни қабул қилиш ва уларни амалга ошириш, ҳокимиятнинг ваколатли эгаси, сиёсий ҳаётда қатнашувнинг самарадорлиги ва билимдонлиги.

Сиёсий онг сиёсий маданиятга тасаввурлар асосида киритилганлигини назарда тутмоқ керак.

2. Сиёсий қадриятлар: а) миллий-маданий қадриятлари; б) тарихий хотираси ва анъаналари; в) Миллий давлатчиликни амалга ошириш; ўз миллий қадриятларидан келиб чиқиб сиёсий мўлжалари.

Сиёсий қадриятнинг мазмуни ва йўналганлиги сиёсий воқеиликнинг шахс, гуруҳ, жамият қадриятлари тузилмасидаги ўрни билан боғлиқ.

Кўпчилик чет эл тадқиқотчилари америкаликларнинг сиёсатга: сиёсий фаолиятга кизиқишлари паст даражада сиёсий ҳаётга сушт муносабатда эканликларини таъкидлайдилар. Уларнинг кўпчилиги ўзларининг фуқаролик фаолликларини сайловларда қатнашиш билангина чеклайдилар. АҚШнинг иккита йирик фирқаси: демократлар ва республикачилар фуқаролардан аъзолик баъдали эвазига ҳеч нарса олишга қодир эмаслар: мажлисларда қатнашиш, аъзолик баъдалини тўлаш ёки ўзига хос вазифани бажаришни талаб эта олмайдилар. Шу туфайли партия ташкилотларининг халқ оммасини ўз томонига оғдириб олиш соҳадаги қилган ҳаракатлари кўпинча натижасиз яқунланади.

Бу ҳолат Ғарбий Европа мамлакатларида кўплаб кузатилади. Кузатишларга қараганда фақат 10 фоиз Голландияликлар ва 25 фоиз Австрияликлар сиёсат билан кизиқишларини айтганлар.

3. Сиёсий кўрсатма: Сиёсий кўрсатма бу субъектнинг сиёсий воқеиликка муносабати. Бу сиёсий билимни қабул қилиш ёки қилмаслик, сиёсий фаолиятнинг турли жиҳатларига бўлган муносабат.

4. Сиёсий хулқ-атвор: а) Сиёсий вазият; жараёндаги хатти-ҳаракат, фаолият йўналиши, б) ижтимоий-сиёсий фаолият услубининг намуналари, турлари хусусиятлари.

Намунали хулқ-атворни шакллантиришда сиёсий анъаналар катта роль ўйнайди. Анъаналарда жамият мақсадлари ва манфаатларига жавоб берадиган, уни асосий йўл-йўриқ сифатида эътироф этиб, мустаҳкамлайдиган ўтмиш сиёсий тажрибалари жамланган.

Жамият сиёсий маданиятнинг кўзгуси бўлиб жамият сиёсий –маданий тараққиётининг якуни бўлган сиёсий тизимнинг ташкилот тузилмаси, сиёсий тартиботи ҳисобланади. Улар жамият сиёсий етуқлигининг кўрсаткичидир.

Хуллас, сиёсий тасаввур, қимматдорлик, йўл-йўриқ ва ҳуқ-атвор бир бутун ҳолда сиёсий маданият мазмунини очиб беради.

Сиёсий маданиятнинг ўзига хос элементи бўлиб сиёсий белгилар, рамзлар (символ) ҳисобланиб, улар ўзида жўшқиликни акс эттирган бўлиб, кескин жалб этиш хусусиятига эга. Масалан, нацистлар бошлиғи Гитлер ўз мақсадларини рўёбга чиқариш учун сиёсий белгилардан усталик билан фойдаланган. Англия сиёсий белгиларидан бири (сиёсий маданияти белгиларидан) бу монархиядир. У Британия фуқароларининг бирлиги, ватанпарварлик ҳиссиётларини ўзида акс эттирувчи, халқни бирлаштириш манбаи деб ҳисобланади.

Жамиятда ҳукмрон бўлган сиёсий маданият тарихий ривожланиш жараёнида ижтимоий, шунингдек, сиёсий тузилмада ҳукмрон мавқега эга бўлган синфнинг манфаатларига мослашади.

Собиқ советлар ҳокимияти даврида ҳукмрон табақа аҳолининг сиёсий маданияти ва ҳуқ-атворига авторитар-патриархал маданиятни сингдиради.

Сиёсий ҳаётнинг барқарорлиги сиёсий маданият ва жамият сиёсий системаси ўртасида ўзаро уйғунлик бўлишини талаб этади. Агарда ўзаро уйғунлик бўлмаса у ҳолда турли ижтимоий гуруҳлар ўртасида сиёсий лоқайдлик, тартибот мақсад ва идеалларига нисбатан бепаворлик, ҳаттоки сиёсий адолатсизлик юзага келади.

Шарқий Европа давлатларида, собиқ СССРда сиёсий тартиботларнинг мағлубиятга учраши бунга мисол ҳисобланади.

Юқоридагиларни хулоса қилиб, сиёсий маданиятнинг кенг маънодаги таърифини берамиз: сиёсий маданият ўз мазмуни ва моҳиятига кўра одамлар ҳаётий фаолиятининг синфий, ижтимоий ҳосиласи, уларнинг сиёсий бунёдкорлиги, фаолияти ҳисобланиб, синфлар, қатламлар ва миллий тузилмалар, гуруҳлар ва бирликлар томонидан ўзгартириш жараёнини акс эттиради.

Сиёсий маданият жамият сиёсий ҳаётида муҳим функцияни бажаради. Синфий ва миллий манфаатларни рўёбга чиқаришни сиёсий жиҳатдан таъминлаш белгиловчи функция ҳисобланади.

Бу функциянинг мазмуни турлича маънога эга. Унинг мазмуни ижтимоий-сиёсий формациянинг ривожланиши, жамият тараққиёти даражасига қараб ўзгаради. Уни амалга ошириш формалари ҳам турличадир.

Иккинчидан, сиёсий маданият синфлар: ижтимоий гуруҳлар, қатламлар, миллий ва миллий тузилмалар манфаатлари йўлида сиёсий муносабатларни қайта ўзгартириш ва ўзлаштириш функцияси. Бу функцияни амалда тадбиқ этиш билимларини ижодий қўллаш, жамият сиёсий ҳаётини, сиёсий фирқалар, давлат ҳокимияти органлари ва боғлиқ. Ҳозирги кун вазиятидан келиб чиқиб, сиёсий маданиятга объектив ижтимоий тараққиёт қонунларини инкор этган субъектив валютаризм қанчалик зиён етказганлигини кўриш мумкин. Мустақилликни қўлга киритгандан кейин республикада катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Сиёсий тизим ҳокимиятни ташкил этишдаги ўзгаришлар, демократиялаш, янги ҳуқуқий давлатни тузишдаги ҳатти-ҳаракатлар, сиёсий маданиятни бойитади.

Учинчидан – сиёсий маданиятни норматив тартибга солувчи функция, бундай функция барқарор сиёсий тизим, сиёсий ташкилотлар бўлишини таъминлайди. У бевосита сиёсий нормалар, олий мақсадлар ёрдамида амалга оширилади. Сиёсий маданият жамиятда барқарорликни қарор топишига кўмаклашади.

Тўртинчидан – тарбиявий функция. Бу функция сиёсий маданиятда марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Юксак мақсадлар, қадриятлар, нормалар асосида шахс сиёсий маданиятини шакллантириш унинг моҳиятини ташкил этади. Бизнинг жамиятимизда бу функция инсонпарвар, демократик жамиятга хос бўлган шахсни шакллантиришга

қаратилган. У сиёсий фаолликни, фуқаролик масъулиятини тарбиялайди, ижтимоий-сиёсий фаолият кўникмаларини шакллантиради.

Бешинчидан – алоқа функцияси. Сиёсий маданият фуқаронинг сиёсий тизим ва бошқа жамият аъзолари билан алоқаси формаси сифатида намоён бўлади. Сиёсий маданият фуқаронинг ғоявий-сиёсий алоқасини таъминлашга қаратилган ва турли авлодлар сиёсий тажрибаларининг давомийлиги, жамият барча аъзоларининг жамиятни англаш вазифаларини амалга оширишда биргаликдаги ҳамкорлиги масалаларини назарда тутади.

Бу функцияни амалга оширишнинг муҳим воситаси бўлиб, таълим, тарбия тизими, оммавий-ахборот воситалари, маданий-оқартув муассасалари, адабиёт ва санъат ҳисобланади. Бу функцияни ривожлантиришнинг шарт-шароити – ошкоралиқдир. Ошкораликсиз демократия, омманинг сиёсий ижодкорлиги, уларнинг бошқарувда иштирок этиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Ва ниҳоят олтинчидан сиёсий маданият олдиндан айтиб беришлик функциясини бажаради. Маълум тарихий тажриба, синфлар, ижтимоий гуруҳлар, қатламлар, миллатлар, умуман жамият сиёсий ҳаёти ҳақида маълум билимларга эга бўлиш аниқ. Ижтимоий-сиёсий шароитда ижтимоий-сиёсий муносабатларни олдиндан айтиб бериш учун имконият беради.

Жамият сиёсий маданияти ва шахснинг сиёсий маданияти тушунчалари мавжуд. Булар қандай тушунчалар? – Жамият сиёсий маданияти турмуш маданияти, жамият ҳамма тузилмаларининг ҳаётий фаолиятининг кўзгуси бўлиб, ижтимоий ривожланиш субъектида ҳамма сиёсий маданиятларни умумлашмаси ҳисобланади. У ўтмишдаги барча прогрессив, шунингдек, инқирозли ходисаларни ҳам, айтайлик, буюк давлатчилик, миллатчилик, бой-феодалларча рухият, ҳокимиятга сиғиниш кабиларни мерос қилиб олиши мумкин. Бунга собиқ иттифоқ тарихидан кўп мисоллар келтириш мумкин. Шахснинг сиёсий маданияти жамият жами тузилмасининг ёки ижтимоий ҳаётнинг таъсири остида шаклланади.

Шахснинг сиёсий маданияти сиёсий онг, шунингдек, анъаналар, принциплар, сиёсий фаолият заминиди, шахсий ва фуқаролик хатти-ҳаракатида, синфлар, социал қатлам ва гуруҳлар, миллатлар ва миллий тузилмалар даражасида намоён бўлади. Ғоялар қанчалик англаб етилган бўлса, шунчалар эътиқоднинг ўзи мустаҳкам бўлади. Жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларини тубдан янгилаш халқнинг катта сиёсий фаоллигини, юқори сиёсий маданиятни намоёиш этади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, сиёсий маданият ҳамма вақт ҳам барча жамиятларда битта мазмунда, бир тур ёки кўринишда амал қилмайди. Унинг хилма-хиллиги ва турли кўринишда намоён бўлиши хусусиятлари сиёсатшунос олимлар Г.Альмонд ва С.Верба томонидан атрофлича, чуқур таҳлил этиб берилган.

Уларнинг таъкидлашларича сиёсий маданиятнинг **ибтидоий, фуқаролик ва фаоллик турлари мавжуд** бўлиб улар оммавий, гуруҳий, алоҳида якка кўринишлар ва шаклларда намоён бўладилар.

Сиёсий маданиятнинг ибтидоий (бошланғич) тури ибтидоий жамоадан қулдорлик тузумига ўтиш даврида шаклланган бўлиб тарихий ворислик ақидалари сифатида ҳозирги маданият таркибида ҳам ўрин эгаллайди, чунки инсон мақсад-манфаатларининг умумийлиги, табиат кучлари олдида унинг ожизлиги ҳали ҳам маълум даражада сақланиб қолаётганлиги ўша даврда объектив зарурият сифатида вужудга келган биргаликда меҳнат қилиш, биргаликда ҳимоялаш ва сиғиниш ўз ифодасини топган.

Сиёсий маданиятнинг фуқаролик тури унинг энг оммавий, кенг тарқалган, ҳар бир ижтимоий-сиёсий тузум доирасида амал қиладиган асосий тури бўлиб расмий сиёсий муносабатлар жараёнини қамраб олган.

Фуқаро сиёсий маданияти умумжамят ва умуминсоний сиёсий маданиятнинг таркибий қисмидир, лекин айни вақтда у ўзига хос хусусиятларга ҳам эга бўлади. Бу хусусиятлар шахснинг фуқаролик рухияси, бурчи, ҳуқуқлари, мақсад-манфаатлари билан чирмашиб кетади.

Г.Альмонд ва С.Верба сиёсий маданият **фаоллик турининг** биринчи навбатдаги субъектлари сифатида сиёсий ҳокимият эгалари бўлган кишилар, улардан кейин эса жамият

сиёсий системаси таркибига кирадиган барча сиёсий партиялар, ижтимоий-жамоат ташкилотлари, демократик ҳаракатлар бошлиқлари, сиёсий элиталар, лидерларни таърифлайдилар.

Фаол сиёсий маданиятнинг туб моҳияти жамият истиқболини олдиндан кўра билиш, уни илмий методологик таҳлил қила билишдир. Келажак сиёсий ҳаёт йўналишларини ўтмишдаги сиёсий муносабатлар тарихий тажрибаси ва сабоқларини оқилона ҳисобга олган ҳолда, содир бўлаётган сиёсий жараёнлар оқимини объектив ва чуқур илмий-назарий таҳлил қилиш асосида ривожлантириш билан бирга истиқбол мақсадларини аниқ ифодалаш юксак даражада амал қиладиган сиёсий маданиятнинг асосий мазмунини ташкил қилади.

Сиёсий маданият турли кўламда ва теранликда, хилма-хил табиатга мансуб ҳолда намоён бўлиш хусусиятга эга. Унинг шахс, ижтимоий гуруҳ ёки омма сиёсий маданиятлари доирасида амал қилиш шакллари маълум бўлиб, улар ўз нисбий мустақиллигига эга.

Сиёсий маданиятнинг алоҳида, яқка тарзда намоён бўлиш жараёни у ёки бу жамиятда муайян сиёсий мақом ва мавқеига эга бўлган айрим шахслар фаолиятларида ўз ифодасини топади. Ҳар бир шахс ўзининг қайси сиёсий партия сафига кириб қандай тарзда қатнашишини ўзи белгилайди.

Гуруҳий сиёсий маданият муайян бир ижтимоий гуруҳ туб мақсад-манфаатлари, талаб-ихтиёжларининг аниқ ифодаси сифатида намоён бўлади ва амал қилади.

Гуруҳ сиёсий маданияти сиёсий партиялар ва ижтимоий жамоат ташкилотлари ҳаракат дастурлари ҳамда низомлари воситасида муайян бир мақсад томон йўналтирилади ва бошқарилади.

Сиёсий маданиятнинг оммавий шакли гуруҳий сиёсий маданиятнинг намоён бўлишига нисбатан камроқ, олдиндан режалаштирмаган ҳолда, жамият сиёсий ҳаётнинг кескин паллаларида намоён бўлади ва амал қилади. Сиёсий ҳокимият ёки унинг сиёсий фаолият йўналишлари кескин ўзгарган пайтларда, масалан, нарх-наво оширилиши муносабати билан халқ чиқишлари мана шу шаклдаги оммавий сиёсий маданият амал қилишга олиб келади.

11.2. Сиёсий маданиятнинг моделлари: либерал ва шарқона.

Ҳар бир сиёсий маданиятда ўзгача ўзига хос қиёфа берган у ёки бу хусусиятлар ва таснифлар йиғиндисини ажратиш мумкин. Сиёсий маданиятда миллий, минтақавий, диний, этник ва бошқа ўзига хосликлар бор. Бироқ барчаси учун умумий бўлган белгилар ҳам бор. Маданиятнинг универсал муҳим унсурлари ва умум дунёқарашлик йўналишларига асосланиб, сиёсий маданиятнинг асосий моделларини ажратиш мумкин.

Миллий маданият, ижтимоий-тарихий, географик, диний ва бошқа унсурлар сиёсий маданиятнинг мутаносиб моделини ажратиш зарурлигини тақозо қилади.

Сиёсий маданиятнинг қуйидаги моделлари мавжуд:

- Тоталитар-авторитар модели.
- Либерал-демократик модели.
- Шарқона сиёсий маданият модели.

Тоталитар-авторитар моделга асосланган мамлакатларда ўз мафкураси ва ғояларини халққа мажбуран сингдириш, бошқача фикрлашга нисбатан умумий муросасизлик, ихтиёрий бирлашмаларнинг йўқлиги, можароларни ҳал қилишда кучга таяниш, кучли давлат ҳокимиятига сиғиниш, ички ва ташқи душманларни излаш ва уларга халқ нафратини кўзғатиш ушбу моделга хос хусусиятдир.

Либерал-демократик моделга хос жиҳатлар: Плюролистик қарашларнинг мавжудлиги, сиёсий низоларнинг тинч йўл билан ҳал қилиниши, мавжуд сиёсий тизимини тан олиниши, халқнинг давлатни бошқаришдаги кенг иштироки кабилардир..

Шарқона сиёсий маданият моделига тегишли хусусият қандай? Жамият тарихини ўрганиш шуни кўрсатадики, инсониятнинг илк ўтмиши, биринчи моддий ва маънавий маданият масканлари Шарқда шаклланган ва инсониятнинг кейинги тараққиёти учун замин тайёрлаб берган.

Шарқ халқларининг босиқлиги, ҳар қандай кескин вазиятда ҳам масала ва муаммоларни тинчлик, мубоҳаса, музокара, мунозара йўли билан ҳал қилиш, борини авайлаб асраш, йўғини эса яратиш, ҳаётнинг негизи ва замини изчил кундалик меҳнат эканлигини тан олиш ва унга риоя қилиш, авлодларнинг ўзаро чамбарчас боғлиқлигини кўзда тутиб, ота-она ҳамда фарзандларга алоҳида меҳрибонлик билдириш, ҳаётнинг ўткинчи эканлигини билиб мол-дунё еғиш, ёки шон-шухратга, юксак лавозимларга эришган билан инсон зоти осмонга устун бўлолмайди деб ҳамма вақт ўзини тия билиш, бундан ўзига хос хислат ва хусусиятлар Шарқ ва шарқоналикни ифодалашга ёрдам беради.

Шарқ биринчи бўлиб инсон қанчалик сабр-тоқатли, иродали, ўткир зехнли, жисмонан бақувват ва рухан эгилмас бўлишини инсониятга намоён этди.

Президент И.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” – асарларида таъкидлаганларидек, - “қаерда давлат ва жамият тараққий топса, халқнинг тинч-осойишта ҳаёт кечириши, ўз олдига эзгу ва буюк мақсадлар қўйиб яшаши учун етарли шарт-шароитлар яратилган бўлса, ўша ерда эркин фикрлаш муҳити ва шу асосда маънавий юксалиш учун янги имкониятлар туғилади”.¹

Янги тарих давридан бошлаб, яъни XVI асрдан Ғарб мамлакатлари ва халқлари инсониятнинг олди қаторига чиқа бошладилар. Лекин Ғарб Шарқнинг тажрибаси заминига суяниб қолоқлик ва қашшоқлик оламидан кутилиб чиқа олди. Ана шу сабабли Шарқ Ғарбнинг диққатини ўзига жалб этган.

Ана шу айтиб ўтилган хусусиятлар шарқона сиёсий маданият моделининг асосини ташкил этади.

Сиёсий маданиятни вазифали асосларига кўра ўринларга ажратиш мумкин. Г.Альмонд ва С.Верба “Фуқаролар маданияти” китобида сиёсий маданиятнинг уч ўрнини ажратиб кўрсатганлар.

1. Патриархал (анъанавий) сиёсий маданият у аҳолининг сиёсий тизимдан узилганлиги, ихтисослашган сиёсий роллар мавжуд эмаслиги, дохийлар ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий, ҳам диний вазифаларни бажариши, аҳолининг манфаатли йўналишларида табақалаштирилмаслиги, ҳудудий ва ижтимоий-маданий айнийлаштиришнинг устунлиги билан таснифланади.

2. “Табаолик” сиёсий маданияти пасив сиёсий хулқ-атвор, ҳукмрон қадриятларга таяниш, сиёсий тизимга тегишли боқимандаликка ҳосдир.

3. Иштирокчилик сиёсий маданияти. Унга индивидларнинг сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиши, сиёсий саводхонлик, функционал табақалашганликка ҳосдир.

Бу моделлар реал ҳаётда соф кўринишда жуда кам учратади.

11.3. Мустақиллик ва миллий сиёсий маданиятни қайта тиклаш зарурияти ва унинг сиёсий аҳамияти.

Мустақил давлат тараққиёти учун зарур бўлган омиллардан бири сиёсий маданиятдир. Сиёсий маданият анча мураккаб ҳодиса. Чунки сиёсий маданият маълум даражадаги сиёсий илмни, мустақил фикрлаш ва хулоса чиқариш (жараёни) қобилятини, қатъий сиёсий эътиқодни, ўзини тута билиш, бошқара олиш ва ўзгалар манфаатини устун қўя билиш қобиляти каби хусусиятларни ўз ичига олади. Сиёсий маданиятни ифодаловчи бу

¹ И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т. “Маънавият”. 2008, 28-29 б.

белгилар жуда кўл келади. Масалан, ҳозирги демократия жараёнида ҳуқуқий жамиятга ўтиш даври учун ҳам одамлар, халқнинг сиёсий маданияти даркор. Ҳозирги миллий уйғониш ва умуминсоний қадриятларнинг тикланиши даврида ҳам яхшини ёмондан, кераклигини кераксиздан ажратиб олиш омманинг сиёсий маданиятга боғлиқ.

Бизнинг ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятимизда амал қилиши лозим бўлган сиёсий маданият турлари, кўринишлари, шакллари бўш ерда эмас, балки ўзбек халқининг кўп асрлик даври давомида яратган, улкан ва нодир маънавий-ахлоқий қадриятларни асос қилиб олган ҳолда қарор топмоқда. Президент И.А.Каримов ўзининг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” асарида уқтириб ўтганидек, - “ҳозирги кунда шаклланиб қарор топаётган янги демократик мазмунли сиёсий маданият, аввало жумҳурият аҳолисининг миллий-тарихий турмуш ва тафаккур тарзидан, халқ анъаналари ва урф-одатларидан келиб чиқади, чуқур илдизлари ўтмишдаги анъанавий жамоатчилик турмуш тарзига бориб тақаладиган маънавий-маданият асослари, Ўзбекистон халқига хос хусусиятдир: катталарни ҳурмат қилиш, оила ва фарзандлар ҳақида ғамхўрлик, очик кўнгиллик, одамларнинг миллатидан қатъий назар, улар билан ўзаро хайрихоҳлик муносабатларида мулоқат қилиши, ҳар бир фуқаро сиёсий онгида ва сиёсий маданиятида кенг ўрин эгаллаган, бошқалар кулфатларига ҳамдардлик ва ўзаро ёрдам туйғуси ўзбек халқи асрлар давомида амалга ошириб келаётган сиёсий муносабатлар меъёрини кўрсатади”¹.

Ўзбеклар сиёсий маданиятига хос белгилардан яна бири – бу ўз диёрига, ўз Ватанига бўлган чексиз ва чуқур меҳр-муҳаббат, унинг тинчлиги, хавфсизлиги, равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилиш руҳининг кучлилиги, илм фанга, билимларга, маънавият-маърифатга доимий чанқоқлигидир.

Кейинги йилларда халқимизнинг ўзлигини англаши, мустақил, эркин давлат, демократик жамият куришга бўлган хоҳиш-иродаси нечоғли кучли эканини мамлакатимиз социал-иқтисодий ва сиёсий ҳаётда бўлаётган ўзгаришлар тўлиқ тасдиқламоқда.

Шундай бўлсада, Президент И.А.Каримов “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” асарида, иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида сўзлаган маърузасида таъкидлаганидек, - “аҳолининг сиёсий фаоллиги ҳам замон талаблари даражасида эмаслигини, ҳамон сушт эканини қайта-қайта айтишига тўғри келмоқда. Сиёсий маданиятни юксалтириш керак”, - дейди Президентимиз. Одамлар ҳокимият қарорлари қандай қабул қилинишини, унинг ижроси қандай назорат қилинаётганини билишлари, бу қарорларни тайёрлаш ва амалга оширишда фаол иштирок этишлари зарур. Бошқача қилиб айтганда, “жамият марказда ва жойларда сайланган ҳокимият ўз тақдирини қай тарзда ҳал этаётгани, уларнинг истиқболини қай тарзда белгилаётганидан ҳабардор бўлиб туриши керак”.²

Ҳозирги туб ўзгаришлар жараёнида, мулкчилик муносабатлари ўзгараётган ишбилармонлик, тадбиркорлик, кичик корхоналар, турли банк ва жамғарма жамоалари кенг тармоқ отиб бораётган бир вақтда тўғри сўзлик, ўз сўзи устидан чиқиш каби маънавий ва сиёсий маданият омиллари ниҳоятда зарур. Масалан, чет элларда одамлар орасида, айниқса, сиёсатдонлар, бизнесменлар, олимлар ва ҳуқуқшунослар доирасида қоғозбозлик эмас, сўзга ишониш катта роль ўйнайди. Ўз фаолиятида сўзи устидан чикмаган, иши билан сўзи бир бўлмаган одам жамоатчилик ичида мутахассис сифатида мавқесини туширади. Демак сиёсий маданиятни оширишда, жаҳон тажрибасининг яхши томонларини ўзлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мустақиллик эълон қилингандан кейин ўтган муддат давомида фуқаролар, ижтимоий гуруҳлар, табақалар ўзаро муносабатларида ҳам, сиёсий мулоқат тарзларида ҳали жуда муҳим ижобий ўзгаришлар содир этилиб, улар кейинги йилларда ўтказилган президентлик сайловлари, Конституциянинг умумхалқ муҳокамаси, Олий Мажлисга бўлиб ўтган сайловлар, икки палатали парламент, президент муддатини 5 йилдан 7 йилга ўзгартириш билан боғлиқ референдум ва шу каби йирик сиёсий ҳаёт воқеа-ҳодисаларида намоён бўлди,

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т. “Ўзбекистон”, 1992, 7-бет.

² И.А.Каримов. “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда”. Т. “Ўзбекистон”, 1999. 20-21-бетлар.

барча фуқаролар сиёсий фаолликларида янги жамият сиёсий маданиятининг нисбатан юксак даражаси ва сифати ўз ифодасини топди.

Оммавий ёки гуруҳий сиёсий маданият дарз кетаётган паллаларда давлат ҳокимиятининг масъул раҳбарлари – бошқарувчи сиёсий элита етарли даражада совуққонлик, хушёрлик намуналарини кўрсатиб, жуда кўп содир бўлиши эҳтмол бўлган можаро-тўқнашувларнинг олдини олишга муваффақ бўлдилар ва бу билан ўзларининг сиёсий маданиятлари даражаси омма сиёсий маданият даражасидан анча юқори эканлигини ҳаёт тажрибаси синовларидан ўтказдилар.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ янги жамиятга хос қонунлар, қарашлар, нормалар ҳаётимизга кириб қела бошлади. Шу билан бирга шарқона маданият, миллий меросимизга таяниш ҳам янгиланаётган сиёсий маданиятимизда самарали ўринни эгалламоқда.



Сиёсий маданиятни ўзгартиришдаги қийинчиликлар республика аҳолисининг маданий-тарихий минталитетини ўзгартириш зарурлиги билан боғлиқ. Демократик институтлар, демократия амалиёти илдиз отган сари Ўзбекистонда сиёсий маданият янгилана ва такомиллаша боради.

Қадимдан маълумки, давлат ҳокимиятининг вужудга келиши билан уни ким ёки кимлар бошқаришни масаласи кўндаланг бўлиб қолади. Давлат ҳокимияти ташкил топиши жараёнида уни бошқарадиган одамлар гуруҳи ҳам шакллана боради. Демак, бу икки жараён давлат ҳокимиятининг туғилиши ҳамда уни амалга оширадиган ижтимоий-сиёсий гуруҳнинг шаклланиши, бир-бири билан диалектик узвий боғлиқликда ёнма-ён, баробар содир бўлади.

Демак, миллат ҳокимиятининг вужудга келиши уни амалга оширадиган мутахассис кадрлар корпуси шаклланиши заруриятини туғдиради. Ўз навбатида, мазкур зарурият туфайли тайёрланган кадрлар давлат ҳокимиятини изчил ва омилкорлик билан амал қилиш динамикасини таъминлади.

Давлат ҳокимиятининг амал қилиш кўлами кенгайиб, жамиятни бошқариш жараёнлари мураккаблашиб ва чуқурлашиб боргани сари бу ишларга мутассадди бўлиб қолган одамларни тайёрлаш, танлаш, жой-жойига қўйиш, бир жойдан иккинчи жойга кўчириш, қуйи мансаблардан юқори мансабларга кўтариш каби чора-тадбирлар мажмуаси кадрлар сиёсати сифатида шакллана боради ёки бошқача айтганда, кадрлар масаласи билан шуғулланиш ва уни ҳал қилиш режаларини амалга ошириш давлат ҳокимияти кадрлар сиёсатининг асосий мазмунини ташкил этади. Кадрлар масаласи ва уни ҳал қилиш, борасидаги сиёсат ҳар қандай давлат ҳокимиятининг, иқтисодий-хўжалик, ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий, мафкуравий, мудофа-муҳофаза, ҳаёт соҳаларининг уйғун ва мустақил равишда ишлаб туришини доимий таъминлашдан иборатдир.

Унинг асосий мазмунини кадрлар тайёрлаш тизимини вужудга келтириш, уларга энг замонавий бошқариш маҳоратини ўргатиш, энг илғор бошқариш тажрибаларини

айрибошлаш воситасида оммалаштириш, жамиятни бошқариш санъатини такомиллаштириб бориш ҳақида қайғуриш, кадрлар қайта ўқишлари ва малака оширишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш, тажрибали ва ёши улуғ кадрлар билан ёнма-ён ёш истеъдодли кадрларни чиниқтириш каби чора-тадбирлар ташкил этади.

Ана шу мазмундаги вазифаларнинг узоқ муддатга мўлжалланган мажмуаси кадрлар сиёсатидаги стратегик йўналиш, уларни амалга ошириш воситалари, усуллари, услубларини қўллаш эса кадрлар сиёсатидаги тактик йўналиш бўлиб хизмат қилади.

Янгича фикрловчи кишиларни тайёрламасдан, тарбия қилмасдан ўз олдимизга қўйган вазифа ва мақсадларни рўёбга чиқара олмаймиз. Шунинг учун ҳам бозор иқтисодиёти қийинчиликлари ҳар қадамда ўз таъсирини кўрсатаётган, мустақил давлатларнинг кўпчилигида таълим тизимини ислоҳ қилиш у ёқда турсин, балки, мавжуд таълим-тарбиянинг ўзида беқарорлик ва қийинчиликлар сезилиб турган бир даврда Ўзбекистон ўз кўлами ва аҳамияти, мазмун ва моҳияти жиҳатидан бекиёс ва ечими жуда катта моддий сарф-ҳаражатлар билан боғлиқ бўлган ғоят улкан муаммо кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишга қарор қилинди. Хўш, унинг бош мақсади, сабаби в вазифалари, зарурият ва моҳияти нималарда эди?

Президентимиз “Тафаккур” журнали бош муҳаррири саволларига берган жавобларида айтганидек, “Умумий ва махсус билимларга эга, онгли тафаккури ҳар хил “илмлар”дан озод, замонавий дунёқараш, миллий ва умуминсоний кадриятларга ворис бўлган инсонларгина фуқаролик жамият барпо этишга ва уни янада такомиллаштиришга қодир бўлади”¹. Демак, таълим-тарбия тизимини замон талаблари асосида ўзгартирмасдан туриб, онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса озод ва обод Ватанни, ҳуқуқий, демократик давлатни, фуқаролик жамиятини қуриб бўлмайди. Чунки, ҳуқуқий, демократик давлат барпо этишдек буюк мақсад ва эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгилалиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи амалга ошираётган ислохотларимиз самараси, тақдири авваломбор, замон талабларига тўла жавоб берадиган юқори, ҳар томонлама малакали, маънавий баркамол кадрлар тайёрлаш билан бевосита боғлиқ эканлигини асло унутмаслигимиз керак. Мамлакатимизнинг мустақиллик йўлидаги биринчи қадамлариданоқ бой-маданиятимизни тиклаш, уни янада ривожлантириш, миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш муаммоси қўйилганининг мақсади ва сабаби ҳам ана шундадир.

Ўзбекистон давлат ҳокимияти ишлаб чиқиб, амалга оширилаётган кадрлар сиёсатида эркинлик, ижодкорлик, ташаббускорлик, яратувчанлик муҳитини вужудга келтириш кўзда тутилган бўлиб, унда барча мутахассис кадрларни иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий ахлоқий муаммоларнинг самарадор ечимини ишлаб топишга, рўй-рост фикрлашувга ундайдиган демократик шарт-шароитлар яратиб бериш мўлжалланганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” асарида кадрлар сиёсати хусусида фикр юритиб қуйидагиларни ёзган эди. “... бозорнинг ўзгарувчан шароитларида меҳнат қилишга лаёқатли бўлган ўзимизнинг юқори малакали маҳаллий кадрларимиз Ўзбекистон мустақиллигини тасаввур қилиш қийин”.²

Ўзбекистон ҳам бошқа мамлакатларда бўлгани каби жамият ижтимоий тараққиётнинг янги босқичига кўтарилиши билан боғлиқ бўлган мураккаб даврда кадрлар масаласи энг долзарб муаммолардан бирига айланди.

Чунки, жамиятни идора этишнинг янги муносабатлари механизми ва усуллари тамомила бошқача тус олган ҳолда ўзига хос мураккаблашиб боради. Ана шундай шароитда кадрлар сиёсати яна ҳам муҳим аҳамият касб этиб, жамият олдида турган энг долзарб вазифалардан бирига айланади. Бу долзарб муаммони ҳар жиҳатдан пухта ва мукамал ҳолда оқилона ҳал этиш ҳар қандай давлатнинг, у қайси ижтимоий-сиёсий тизимда

¹ И.А.Каримов. “Жамиятимиз мафқураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этиш”. “Тафаккур” журнали, бош муҳаррири саволларига жавоблар. 1998 йил 2-сон.

² И.А.Каримов. Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1.: “Ўзбекистон”, 1996, 76-бет.

бўлишдан қатъий назар, энг зарурий ва масъулиятли вазифалардан бирига айланиши объектив қонуниятдир. Чунки, ҳаёт оқимини, жамиятнинг иқтисодий-сиёсий ривожланишидаги йўлини белгилаб олиш ва амалий ҳаётга тўғри йўналтириш ҳар томонлама билимдонликни, катта ҳаётий тажрибани тақозо этади. Шунинг учун ҳам юксак ақлий камолотга эришган, етук мутахассис кадрлар тайёрлаш, танлаш ва улардан тўғри, ўз ўрнида билиб фойдаланиш ҳар қандай давлатнинг ютуғини таъминловчи, ривожига-ривож қўшувчи бош омил ҳисобланади.

Мустақил Ўзбекистон давлатини ривожлантириш жараёни кадрлар сиёсатида муносиб ўрин эгаллаши учун юқори малакали мутахассис кадрлар республика иқтисодиётини ҳар томонлама тараққий эттиришлари, уларнинг интенсив омиллардан оқилона фойдаланишлари, халқ хўжалигини бошқаришда иқтисодий усул ва воситаларни жорий этишлари, яъни ишлаб чиқарувчиларнинг моддий ва маънавий манфаатдорликларини биринчи ўринга қўйишлари керак. Айни вақтда илм-фан ютуқлари, янги техника ва технологияларга асосий эътиборни қаратиб, ишлаб чиқаришда амалий ҳамкорликни вужудга келтириш, ҳар қандай янги ташаббусни илмий асосларга қўя билиш, олимлар ва муҳандислар жамиятни янгилашда ҳамкорлик асосида астойдил иштирок этишларини таъминлаш зарур.

Бу вазифани адо этиш айна илм фан ва техника-технология мутахассис кадрлар ҳам тайёрлаб беришни таъминлайди. Барқарорликни сақлаб қолиш имкониятларини излаш ва ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш соҳасида Республикада олиб борилаётган ишлар, 1997 йилда “Таълим тўғрисида”ги Қонунлар ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” каби ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва уларни ҳаётга тадбиқ этиш учун олиб борилаётган чора-тадбирларда ўз аксини топмоқда, булар яқин келажакда ўз самараларини бера бошлайди.¹

XX аср охирида саноати ривожланган мамлакатлар билан интеллектуал давлатлар ўртасидаги иқтисодий мусобақа фан-техника ва технологиялар ва пировард-натигада таълим соҳасига кўчди. Чунки, рақобатбардош кадрларни етиштирмай туриб, рақобатга қодир иқтисодиёт бўлиши мумкин эмас.

Бу борада Ўзбекистон Республикасида касбий таълим “Миллий дастур” асосида шундай ҳаракатланмоғи керакки, у мамлакатимиз ва хорижда фан-техника, технология ҳамда иқтисодиёт соҳаларида бўлажак тараққиётни ҳисобга олган ҳолда рақобатбардош кадрлар тайёрлашни таъминлай оладиган бўлмоғи даркор. Ҳар томонлама етук кадрларнинг янги авлоди истиқболга монанд вазифалар қўйиш ва уларни ечишга қодир, юқори савияда фикрлаш маданиятга эга, сиёсий-ижтимоий ва илмий-техникавий ахборотлар дунёсида мустақил ўз йўлини топа оладиган бўлиши керак.

Миллий дастур бундай талабларга мос келадиган кадрларни тайёрлаш учун янги моделни – кадрлар тайёрлашнинг Ўзбекистон моделини назарда тутди. Бу моделнинг асосини қуйидагилар ташкил этади.

- шахс кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти бўлиб, таълимий хизматларнинг истеъмолчиси ва яратувчисидир (ўқувчи-ўқитувчи тандеми);
- узлуксиз таълим – малакали кадрлар тайёрлаш тизимининг ўқув-илмий ишлаб чиқариш ва тарбиявий базасидир;
- давлат ва жамият – малакали кадрлар тайёрлаш ва уларга бўлган заруриятнинг асосий кафолатчиси;
- фан – юқори малакали кадрларни етиштирувчи ва истеъмолчиси;
- иқтисодиёт кадрларга асосий буюртмачи бўлиб, тайёрланган мутахассисларнинг сифатига баҳо беради, шунга яраша кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техника жиҳатидан таъминлайди.

Мазкур модел уч қутбга эга. Биринчи қутб – шахс узлуксиз таълим тизимида билимларни истеъмол қилиш ва яратиш борасида ўзининг фуқаролик бурчини тўла-тўқис амалга оширувчи инсон. Иккинчи қутб – давлат ва жамият, шахснинг фуқаролик бурчлари самарали амалга оширилишида ва иқтисодиёт тармоқдарини малакали кадрлар билан

¹ Олий таълим. Меъёрий ҳужжатлар тўплами. –Т.: “Шарқ”, 2001, 3-52-бетлар.

таъминлаш бўйича миллий вазифаларни ҳал қилади. Учинчи қутб иқтисодийёт бўлиб, у давлат бюджети ёки контракт асосида ўзи учун зарур бўлган кадрлар етиштиришни моддий-техника базаси ва молия билан таъминлайди.

Миллий дастур кадрлар тайёрлаш тизимининг ана шу учала қутбини ўзаро қутбий узвий бирлаштиришни таъминловчи барча шарт-шароитлар, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий психология ва бошқа шарт-шароитлар яратилишини кўзлайди.

Касбкорлик ва ижтимоий маънода ўқитувчининг шахсига алоҳида эътибор талаб этади. Президент И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис I чақириқ IX сессиясида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, ўқитувчи ва мураббийларнинг ҳаётий талабларини қондириш, уларни рағбатлантириш, ўз иши, касбидан мамнун бўлишини таъминлаш лозим¹. Бу вазифаларнинг ҳал қилинишига Миллий дастурнинг “Қишлоқ мактабининг тараққиёти”, “Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш”, “Илмий ва педагогик кадрлар”, “Ижтимоий муҳофаза” номли мақсадли дастурлари йўналтирилмоқда.

Миллий дастурда иккинчи қутб бўлган давлат ва жамиятга алоҳида ўрин ажратилади. Давлат ва жамият рақобатбардош маҳсулот ярата оладиган ва хизматлар кўрсатиш қобилиятига эга малакали кадрлар тайёрлаш тизимини узлуксиз ривожлантириш ва такомиллаштириш кафолатини олади. Чунончи:

- фуқароларнинг билим олиш, касб танлаш ва малака ошириш ҳуқуқининг амалда бажарилишини;
- кафолатли таълимнинг ҳимоя қилинишини;
- давлат таълим муассасаларининг молиявий таъминланишини;
- ўқиш, яшаш ва дам олиш шарт-шароитларини таъминлаш борасидаги вазифаларни ечишда ўзини-ўзи бошқарувнинг ортиб боришини;
- ўқувчилар ҳамда педагогик кадрларнинг ижтимоий муҳофазасини;
- жисмонан саломатлиги чекланган шахсларнинг касбий таълим олишини;
- ўқитувчилар, ота-оналар ва ўқувчиларга консалтинглар бериш, психологик-педагогик, ижтимоий ва тиббий ёрдам кўрсатиш ва маслаҳатлар бериш марказлари кўпайтирилишини кафолатлайди.

Дастлабки икки қутб, шахс, давлат ва жамият қутблари орасини тўлдирувчи учинчи қутб иқтисодийёт ҳисобланади. Бир жиҳатдан, иқтисод кадрлар тайёрлаш тизими учун таянч бўлса, иккинчи томондан иқтисод ўзига зарур ва малакали кадрларнинг истеъмолчисидир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳар бир шахс ҳамда давлат ва жамият манфаатлари, иқтисодий ҳолат ва рақобатбардошлик билан боғлиқ бўлган бир қатор муаммоларни ечишга йўналтирилган.

Президент И.А.Каримов “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида” гапирар экан, уни “Мустақиллигимизнинг, бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг кафолати ҳисобланади”², - деган эди.

Миллий дастурнинг мақсад ва вазифалари, мустаҳкам илмий асосга таянади.

Биринчидан, Миллий дастур негизида тизимли ёндашув ётади. Рақобатбардош кадрлар тайёрлаш тизимининг самарали ишлашига таъсир кўрсатувчи ўзаро боғланган барча омиллар кўриб чиқилади. Қуйидаги йўналишларни қамраб олган ўн тўртта мақсадли йўналиш тизимли ёндашув натижаси ҳисобланади.

1. Таълим-тарбия йўналиши:

- кадрлар тайёрлаш сифати ва кадрлар рақобатбардошлилиги;
- маънавият ва маърифат;
- профессионал таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси;
- иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшлар;
- илмий педагогик кадрлар;
- кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;
- қишлоқ мактабларини ривожлантириш.

¹ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6 – Т.: “Ўзбекистон”, 1998, 328-бет.

² И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6 – Т.: “Ўзбекистон”, 1998, 337-346-бетлар.

2. Информацион йўналиш:

- ахборот технологияси ва таълимини информатизациялаш;
- ўқув жараёни ахборотлар билан таъминлаш ва XXI аср кутубхонаси;
- олий профессионал таълим ҳолатини баҳолаш ва кадрлар тайёрлашни башорат қилиш тизими.

3. Ижтимоий йўналиш:

- болалар ва ўқувчи ёшлар саломатлиги муҳофазаси;
- махсус таълим (алоҳида нуқсонли болалар тарбияси ва таълими);
- ижтимоий ҳимоя.

Иккинчидан, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш вазифасини ҳал қилиш профессионал таълимнинг ҳамма босқич ва табақалари учун халқаро моделлар ва меъёрлар асосида яратиладиган, илмий асосланган, илғор таълим стандартлари комплексига таянади.

Учинчидан, Миллий дастурда кўзланган режаларни амалга ошириш негизида, ўзбек моделининг энг асосий тамойили ислохатларни босқичма-босқич ўтказиш принципи ётади.

Биринчи босқичда (1991-2001 йиллар) амалдаги кадрлар тайёрлаш тизими салоҳиятларини сақлаган ҳолда бор тизимнинг ривожланиши учун ҳуқуқий меъёрий, илмий-методик, молиявий-моддий шарт-шароитларни яратиш билан боғлиқ бўлган вазифалар ижроси таъминланади.

Иккинчи босқичда (2001-2005 йиллар) – режалаштирилган масалалар бўйича Миллий дастур тўла амалга оширилмоқда.

Учинчи босқичда (2005 йилдан кейинги йиллар) – XXI аср рақобатбардош кадрларини тайёрлашнинг ялпи тизимини тараққий эттириш ва такомиллаштириш назарда тутилади.

Миллий дастурнинг биринчи босқичини ишлаб чиқиш ва унинг амалда бажарилиши мустақиллик йилларида эришилган интеллектуал ва моддий, илмий-методик, меъёрий ва ҳуқуқий потенциаллари, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг таълим ва фан, техника ва технология, иқтисодиёт ва маданият соҳаларидаги ютуқларга таянади.

Кадрлар тайёрлаш тизимида профессионал-техник таълимни, айниқса, қишлоқ минтақаларида қайта ташкил қилиш бошланган. Қишлоқларда ҳозир замонавий касб-ҳунар мактаблари ва лицейлар, бизнес-мактаблар шаклланимоқда.

Олий таълим соҳасида марказдан белгилаш ўрнига кадрлар тайёрлашнинг минтақавий ва демократик принципларига амал қилиш сиёсати ўтказилмоқда, олий ўқув юртлари кўпаймоқда, университетлар сафи кенгайди. Республика эҳтиёжларига жавоб бера оладиган таълим йўналишлари ва мутахассисликлар классификатори ишлаб чиқилди. Олий мактабда кўп босқичли ўқиш тизимига ўтилди, билимнинг янги соҳаларида кадрлар тайёрлаш бошланди.

Рейтинг тизими ва тест усули асосида абитуриент ва талабаларнинг билимдонлигини ҳолисона баҳолаш усуллари жорий қилинди.

Илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. Янги талабаларга мувофиқ равишда аспирантура ва докторантурада кадрлар тайёрлашга кенг йўл очилган. Олий аттестация хайъати фаолият кўрсатаёпти.

Иқтидорли ўқувчи ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича мақсадли давлат сиёсати амалга оширилаяпти. Махсус фондлар яратилди ва қобилиятли ёшларни хориждаги етакчи ўқув ва илмий марказларида ўқитиш ташкил қилинди. Аспирант ва талабалар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияси, буюк алломалар номи билан аталган стипендиялар жорий қилинган.

Ўқув-таълим ва фан соҳаларида халқаро алоқалар кенгаймоқда. Бир қатор нуфузли халқаро ташкилотлар билан яқин муносабатлар ўрнатилмоқда. Таълим соҳаларида ҳукуматлараро битимлар тузилган.

Таълим жараёнининг мазмунига оид муаммолар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилмоқда. Ўқув режалари ва ўқув дастурларига ўсиб келаётган авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, одамийлик элементлари кириб бормоқда. Гуманитар, иқтисодий-

ижтимоий фанлар туркуми бутунлай янгидан кўриб чиқилмоқда. Таълимнинг барча табақаларига маънавият, иқтисод ва ҳуқуқ асосларини ўрганиш киритилмоқда, чет тилларини ўрганишга катта аҳамият берилмоқда.

Юқоридаги каби ўзгаришлар ва ютуқлар кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур учун база бўлиб хизмат қилмоқда.

Узлуксиз таълим тизимининг янги ўзбек модели қуйидаги тузулмалардан иборат:

- умумий таълим;
- мактабгача таълим;
- бошланғич таълим (I-IV-синфлар);
- умумий ўрта таълим (I-IX-синфлар);
- уч йиллик ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими.

Умумий таълим тизимида ўқитиш олти-етти ёшдан бошланади¹. Умумий таълим мажбурий ҳисобланади.

Мактабдан ташқари таълим узлуксиз таълимнинг ажралмас қисмидир. У ўқувчи ёшларнинг истеъдоди ва қобилиятини ўстиришга йўналтирилгани боис уларнинг хоҳишлари, истак ва қизиқишларига қараб дарс соатлари ва предметлари белгиланади.

Олий профессионал таълим, одатда, ўн саккиз ёшдан бошланади ва ўқиш муддати давлат таълим стандартлари доирасида камида тўрт йил давом этади. Олий профессионал таълим бакалаврлик ва магистратурадан иборат.

Олий мактабдан кейинги таълим жамиятнинг илмий ва илмий-педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган бўлиб, шахснинг касб-корлиги бўйича таълимий, маънавий ва маърифий қизиқишлари қондирилади. Олий мактабдан кейинги таълим олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот муассасаларида (аспирантура, докторантура ва ҳ.к.) амалга оширилади.

Таълим тизимини ислоҳ этиш вазифалари муваффақиятли ҳал этилса, ижтимоий-сиёсий иқлим кескин ўзгаради, одамлар онгида демократик қадриятлар қарор топади, инсон жамиятдаги ўрнини онгли равишда ўзи белгилайди. Президентимиз таъкидлаганидек, “жамият янгилаш, эркин демократик давлатни шакллантириш, тараққиёт ва равнақ йўлидаги барча саъй-ҳаракатларимизни биз айнан ана шу тамойил асосида ташкил этишимиз керак”.

Қисқача хулоса.

Ҳар қандай жамиятнинг сиёсий ҳаётини англаш унинг сиёсий маданиятини англаш, сиёсий маданиятини ҳар тарафлама ўрганиш орқали эришилади. Фақат шу орқалигина сиёсий тизимнинг манбаи, характери ва ўзига хос хусусиятларини, жамиятда ҳукмронлик қилаётган сиёсий ташкилот, ижтимоий гуруҳларнинг ҳатти-ҳаракати, сиёсий жараёнларнинг йўналиши ва характери ҳақида аниқ маълумотга эга бўлиш мумкин.

Сиёсий маданият одамларнинг ҳулқ-атворида ва турли ташкилотларнинг фаолиятига таъсир кўрсатади, унинг ички ва ташқи ходисаларни идрок этиш, сиёсий тизим ва тартиботларга, ҳукмрон гуруҳ ва алоҳида сиёсий раҳбарлар фаолиятига, шахснинг жамият сиёсий ҳаётида тутган ўрнига баҳо беришда асосий мезон ҳисобланади. У сиёсий йўлни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш учун кенг истиқбол йўлларини очиб беради.

Таянч сўзлар.

Маданият, сиёсий маданият, маданий сиёсат, сиёсий маданиятнинг таркибий қисмлари, сиёсий маданият элементлари, сиёсий маданият турлари, минтақавий сиёсий маданият, умуминсоний сиёсий маданият, миллий сиёсий маданият, сиёсий маданият моделлари, таълим тўғрисидаги қонун, кадрлар тайёрлаш миллий дастури.

¹ Олий таълим. Меъёрий ҳужжатлар тўплами. – Т.: “Шарқ”, 2001, 7-бет.

Назорат ва муҳокама учун саволлар.

1. Сиёсий маданият нима?
2. Сиёсий маданият қачон пайдо бўлган?
3. Ҳар қандай жамиятда қарши маданият элементлари бўлади. Буни қандай тушунмоқ керак?
4. Қандай сиёсий маданият барқарор сиёсий тизимни таъминлайди?
5. Сиёсий маданиятли шахс деб қандай кишиларга айтамыз, сизнингча улар қандай хислатларга эга бўлиши керак?
6. Давлатда, уюшган жамиятда кадрларга нисбатан олиб бориладиган муайян сиёсат ҳар доим бирдай бўладими, агар бўлса сабаби нимада?
7. Кадрларнинг жамиятдаги роли, ўрни ва вазифаларини янгитдан мушоҳада қилиш жараёни бошланди. Бу нима дегани?
8. Ҳозирги кунда ходимларга қўйилган талаб қандай?

Адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. “Ўзбекистон”, 2009. 3-35-бетлар.
2. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т. “Ўзбекистон”, 2005, 3-30 б.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т. “Маънавият”. 2008, 18-19 б.
4. Алиев Б Хошимов Т. ва бошқалар. Политология. Ўқув қўлланма. ТДЮИ. 2006, 196-210 б.
5. Алиев Б. Бобоев А. Политология фани бўйича таълим технологияси. Т. ТДИУ, 2006, 104-114 б.
6. Авторлар жамоаси. Политология. Дарслик, М.ИНФО – М, 2007. 252-271 б.
7. Авторлар жамоаси. Политология. Дарслик, М.Прспект. 2008, 429-442 б.
8. Х.Т.Одилқориев. Д.Х.Раззаков. Сиёсатшунослик. “Ўқитувчи” нашриёти. Т. 2008, 321-332 б.

12-МАВЗУ: МАФКУРА ВА СИЁСАТ.

12.1. Сиёсат ва мафкура тушунчаси, сиёсатда мафкуравий манфаатлар турли хиллиги, кураши ва монандлиги.

Ҳозирги инсоният тараққиёти босқичида мафкура, хусусан сиёсий мафкуранинг ўрни ва аҳамияти ҳақидаги масала энг долзарб, зиддиятли бўлиб, ғоят эҳтиросли, қарама-қарши мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Сиёсий мафкура жамиятнинг сиёсий ҳаёти, сиёсий тизим тузилиши, турли ижтимоий кучлар ва гуруҳларнинг ўрни ва роли тўғрисидаги ғоялар, унинг ҳокимиятга эга бўлиши, ундан фойдаланиш йўллари, механизмлари тўғрисидаги қарашларни амалга оширишга бўлган ишонч, мақсадлар йўлидаги фаолиятдир.

Мафкура, умуман сиёсий мафкура хусусан, жамият ҳаётида ижтимоий тенгсизлик ва ижтимоий адолатсизлик тартиботлари ўрнатила бошлаши билан узвий боғлиқ тарзда шакллана бошлайди ва такомиллашиб жамият ҳаётида фаол амал қила бошлайди. Мафкура биринчи навбатда, ҳукмрон ижтимоий гуруҳларнинг тенгсизлик ва адолатсизлик тартибларини ғоявий-сиёсий оқлаш ҳамда уларни ҳимоя қилиш қуроли сифатида шаклланиб, ундан кейин тенгсизлик ва адолатсизлик оқибатларидан жабрланаётган жамият кўпчилигининг ўрнатилган тартиб-қоидаларга қарши кўтарилаётган курашини ифода этувчи ғоявий-сиёсий қурол сифатида қарор топади.

Мафкурада ижтимоий гуруҳлар, табақалар, қатламлар манфаатлари ва қарашлари акс эттирилади.

Мафкура атамаси юнонча идея ва логос сўзларининг бирикмасидан ташкил топган, ғоялар ҳақидаги таълимот деган маънони англатади.

Мафкура ибораси биринчи марта ўтган асрнинг бошларида (яъни XIX аср бошларида) чоп этилган тўрт жилдди “Мафкуранинг таркибий қисмлари” номли француз файласуфи ва иқтисодчи олими Десют де Траси асарида илмий муомалага киритилган бўлиб, эътиқод, сиёсат, ахлоқ, ҳуқуқ ва бошқа ҳаёт соҳаларининг асосларини таъминлайдиган ғоялар ҳақидаги илмий таълимот йўналиши сифатида баён қилинган.

Сиёсий мафкура ҳокимиятнинг сиёсий муносабатлари механизми тўғрисидаги ғоялар, қарашлар, тасаввурларнинг илмий-назарий ва дунёқараш-методологик муштараклиги эканлигини таъкидлаш керак. Сиёсий мафкуранинг ғоявий йўналганлиги мавжуд сиёсий ҳокимиятни сақлаб қолиш, уни мустаҳкамлаш, ёки ҳукмронлик қилаётган ижтимоий гуруҳларнинг сиёсий ҳукмронлигини чеклаш, заифлаштириш, имконият туғилган тақдирда уни ағдариб ташлаш ўз сиёсий ҳокимиятини ўрнатиш томон ҳаракат қилишнинг ғоявий-мафкуравий асосини ташкил қилади.

Сиёсий мафкуранинг ғоявий йўналганлиги муқаррар тарзда илмий-назарий асосланишга муҳтож бўлади. Сиёсий ҳокимият эгаси бўлган ижтимоий-сиёсий кучлар ҳам, унга даъвогар бўлган ижтимоий-сиёсий кучлар ҳам аввало ўз мақсад интилишларини ғоявий-сиёсий жиҳатдан асослаш, уларнинг ҳуқуқий ва ахлоқий табиатини намоиш этиш учун курашадилар.

Сиёсий мафкура меросийлик ва ворисийлик қонун-қоидаларига амал қилади. Олдинги жамиятларда шаклланиб, амал қилиб келган сиёсий-ғоявий таълимотларнинг ҳаётчан қисмлари янги жамият таркибига ҳам ўтиб унинг расмий ва норасмий сиёсий мафкураларига сингдирилади.

Масалан, ижтимоий тенглик ва ижтимоий адолат, инсонпарварлик, ватанпарварлик, инсон ҳуқуқлари, демократия каби умуминсоний қадриятлар меҳнаткаш ижтимоий гуруҳларнинг асрий орзу-умидлари сифатида тўла қондирилишига қадар улар сиёсий мафкурасининг асосини ташкил этиб қолаверади, фақат бир жамиятдан иккинчиси ўтиб борган сари мазмунан бойиб, ривожланиб бораверади.

Сиёсий мафкура ижтимоий ҳаётда муайян функцияларни бажаради. Булар:

1. Мўлжаллаш. Бу функция шунда ифодаланадики, мафкура жамият, ижтимоий раванк, шахс ҳокимият ҳақидаги фундаментал тасаввурларни ўзига қамраб олиб, у инсон фаолиятининг маъно-мазмунини ва мўлжалини кўрсатиб беради.

2. Сафарбар этиш. Фозил жамият ғоясини таклиф этиб уни амалга ошириш учун жамиятни, ижтимоий гуруҳларни сафарбар қилади.


3. Бирлаштириш. Сиёсий мафкура жамиятни бирлаштирувчи омил бўлиб юзага чиқади.


4. Юмшатиш. Сиёсий мафкура жамият, гуруҳлар, индивид эҳтиёжлари ва уларни қондиришнинг имкониятлари ўртасида номувофиклик юзага келган вазиятдаги ижтимоий кескинликни юмшатишга хизмат қилади.

5. Муайян ижтимоий гуруҳ манфаатларини ифодалаш ва химоялаш. Бунинг маъноси шуки, сиёсий мафкура у ёки бу ижтимоий гуруҳ манфаатлари асосида вужудга келади ва уларни бошқа гуруҳлар манфаатлари билан ўзаро муносабатда соғлом рақобат, муроса ёки келишув, айрим ҳолларда ихтилофда бўлиши мумкин. Мафкуранинг функцияси – аҳолининг оммавий сиёсий онгини эгаллаш, қишилар мўлжал қиладиган мақсад ва вазифаларни белгилашдир.

Умуман мафкура, хусусан сиёсий мафкура ҳам ижтимоий онг маҳсули сифатида илмий ёки ғайри илмий, ҳақиқий ёки хато белгилари билан баҳоланиши зарур. Илмий мафкура ҳақидаги таълимот ишлаб чиқиши муносабати билан сиёсий мафкура яхлит ва тугал бир мазмунга эга бўлади. Илмий мазмундаги сиёсий мафкура айни вақтда унинг ҳақиқий бўлишини, ғайриилмий сиёсий мафкура эса айни бир вақтнинг ўзида унинг хато бўлишини ҳам англатади.

Қарама-қарши манфаатлар мавжуд бўлган жамиятларда сиёсий мафкура инқилобий ёки реакцион, тараққийпарвар ёки турғун (консерватив), кескин (радикал) ёки муросачи (либерал), байналминал ёки миллатчи руҳдаги мафкуралар сифатида баҳоланади.





12.2. Siёсий мафкуранинг хилма-хиллиги ва деидолизация (мафкурасизлантириш).

Siёсий мафкура замон ва макондан ташқарида бўлган мавхум рухий ходиса эмас. У муайян тарихий шароит билан боғлиқ – аниқ ижтимоий мазмунга эга бўлган маънавий ходисадир. Ҳар бир тарихий давр ўзига хос, ўзига мос мафкуравий оқимларни илгари суради. Бундан ҳозирги замон ҳам мустасно эмас.

Ҳозирги даврда энг йирик ва кенг тарқалган мафкуравий оқимлардан бири – либерализм. Бу атама латинча “**либералис**” сўзидан олинган бўлиб “**эркин**” деган маънони англатади.

Либерализмнинг пойдеворини шахс эркинлиги, унинг барча жамият институтларига нисбатан энг олий кадрият эканлиги, шахснинг ҳам ўз олдига, ҳам жамият олдига масъулияти барча кишиларнинг ўзини-ўзи рўёбга чиқариш ҳуқуқини тан олишлиги каби принциплар ташкил этади.


Мафкуранинг ҳар қандай кўриниши ўзгармасдан қола олмаслиги каби либерализм ҳам ўзгармасдан қолмади. У ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг таъсири остида XX асрнинг 30-йилларида **неолиберализмга** ўсиб ўтди. Неолибераллар сиёсий дастурининг негизини бошқарувчи ва бошқарилаётганларнинг ўзаро келишуви, сиёсий қарорларни қабул қилиш амалиётини демократиялаш ташкил этади.

Тараққиёт натижасида консерватизм ҳам муҳим ўзгаришларга юз тутди. Улар ҳам либераллар сингари бозор, рақобат эркинлиги таъминланиши, иқтисодиётга давлатнинг арилишишни чеклашни талаб қилдилар.


XX асрнинг 70-йилларида консерватизмнинг тарихида янги босқич – **неоконсерватизм** бошланди.

Давлатнинг ижтимоий вазифаларини чеклаш неоконсерватизм ғоявий-сиёсий кўрсатмаларини белгиловчи аломатидир. Неоконсерватизм шахснинг ижтимоий фаоллигини тан олиб, вазифали таълимотларнинг инсонпарвар ғояларини бирлаштирди.

Ҳозирги замоннинг энг таъсирли мафкуравий оқимларидан бири – социал-демократиядир. Улар жамиятни эволюцион йўл билан ўзгартириш, давлатнинг жамият иқтисодий ҳаётига аралашини, даромадларни йўқсиллар фойдасига тақсимлашни ёқлайдилар.



Бу ғоялар XX аср ижтимоий онгига жуда катта таъсир кўрсатди, бироқ демократик социализм моделларининг амалга ошмаганлиги “умумий фаровонлик” давлатни рўёбга чиқариш билан боғлиқ қийинчиликлар, “реал социализм”нинг барбод бўлиши социал демократиянинг жаҳондаги таъсирига путур етказди.



Шуни таъкидлаш лозимки жамият сиёсий ҳаётида амал қилаётган барча турдаги ва кўринишдаги сиёсий мафкуралар таркибига у ёки бу даражада буддизм ҳамда уларнинг хилма-хил мазхаблари таъсири сингдирилгандир. Айтиш мумкинки, ҳар бир ижтимоий гуруҳ, табақа, қатлам ўзининг туб манфаатларига зид келмайдиган диний ақидаларни ўзининг сиёсий мафкураси мазмуни билан боғлайди ва шундай тарзда амал қилдиради.

Ўзбекистон ҳам ўз хусусиятларидан келиб чиқиб исломдаги барча умуминсоний қадриятларни ўзининг сиёсий мафкураси билан боғлайди.

Жаҳон тарихини умумлашган тарзда бир пиллапоя кўринишида тасаввур қилсак, унинг ҳар бир зиммасини инсоният олдида янги имкониятлар ва истиқболлар эшигини очиб берувчи тараққиёт босқичи дейиш мумкин. Бу тарих мазмунини эса кўп жиҳатдан турли ижтимоий табақалар, сиёсий оқимлар, халқлар ва миллатлар, алоҳида давлатлар ва ижтимоий тузумларнинг хилма-хил мақсад ва манфаатларини ўзида акс эттирувчи ғоялар ва мафкураларнинг амалиёти белгилайди. Тарихий жараён табиатидан келиб чиқадиган мазкур хусусиятнинг диалектикаси инсоният учун доимий бўлган “эзгулик” ва “ёвузлик” ўртасидаги абадий кураш деб аталмиш мухтасар таърифда ўз аксини топган.

“Эзгулик” тараққиётга интилувчи кучларни, инсонпарварлик ва юксак ахлоқ фалсафасини, ижтимоий адолат принциплари ёки “Авесто”да баён қилинган “эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу иш”нинг негизини ташкил этадиган қадриятларни ўзида мужассам этади. “Ёвузлик” эса тарихий реакция, тараққиёт ғилдирагини орқага буриш, қора кучлар фаолияти ва ҳукмронлигини ифодалайди. Инсониятнинг, жумладан, Ўзбекистоннинг кейинги юз йиллик солномасида ҳам турли босқинчиликлар оқибатида зулм, зўрлик, кулфат уруғларини сочиш ва қон тўкилишига сабаб бўлган бузғунчи ғоялар ва мафкураларнинг ҳалокатли таъсири билан боғлиқ қайғули саҳифалар кўп. Бу ғоялар ўзларида сиёсий босқинчилик ва мустабидлик интилишларини гоҳ яширин, гоҳ ошкора ифодалаган ҳолда диний, миллий, синфий шиорларни байроқ қилиб майдонга чиққанини кўрамиз. Лекин моҳият ҳамиша ўзгармай қолаверган. Яъни, улар миллатлар ва халқларнинг турмуш тарзи, маданияти, анъана ва урф-одатларини куч билан ўзгартиришга, кенг халқ оммасини бошқаларнинг сиёсий иродасига бўйсундириш ва мафкуравий асоратга солишга, ўзаро адоватга асосланган ижтимоий тартибларни қарор топтиришга, миллатга ёт мафкуравий тасаввурларни тикиштиришга қаратилган. Бузғунчи ғоялар ва мафкураларнинг амалга оширилиши миллатлар ва халқлар азалий маданиятининг емирилишига, давлат ва жамият ҳаётида салбий ҳодисаларнинг кучайишига сабаб бўлган, кўплаб халқларни ўз йўлини ўзи танлаш ҳуқуқидан маҳрум этган.

Ғоялар ва мустабид мафкуралар тарихида собиқ коммунистик таълимот алоҳида ўрин тутати. У ташқи жиҳатдан адолат идеалини ўзида мужассам этган олижаноб интилишларни асос қилиб олгандек кўринса-да, охир-оқибатда мустабид жамиятни шакллантириш мафкурасига айланади.

Большевизм билан бир қаторда, XX асрнинг бошида илдизлари социалистик ғоядан сув ичган мустабид ғоя ва мафкуранинг бошқа шакли фашизм пайдо бўлди. Собиқ социалист Б.Муссолини Италияда фашистлар ҳаракатининг асосчиси бўлди. Германияда миллий социалистик партия тузган А.Гитлер эса фашизмнинг “маънавий ота”сига айланди. Фашизм II-Жаҳон уруши оловини ёқди, 50 млн.дан ортиқ кишининг қирилиб кетишига сабаб бўлди. Бизнинг мамлакат ҳам мотам либосига ўралди. Иккинчи Жаҳон уруши жабҳаларида курашган Ўзбекистон жангчилардан 263005 нафари ҳалок бўлди, 132670 киши дом-дараксиз кетди, 60452 киши ногирон бўлди.

Коммунизм ва фашизм мафкуралари ўртасида кўплаб ўхшаш жиҳатлар мавжуд. Айни пайтда жиддий тафовутлар ҳам кўзга ташланади. Асосий фарқлардан бири, бу миллат омилининг турлича баҳолашидир. Агар коммунистик таълимот, халқларнинг миллий-этник ўзига хосликларини йўқотиш, “пролетар байналминаллиги” шиори билан майдонга чиққан бўлса, фашизм бир ҳукмрон миллатнинг “ирқий-этник софлиги”ни мутлақлаштиришни тарғиб-ташвиқ этади. У ирқчиликнинг ҳомийси ҳисобланади.

“Расизм” сўзи “раса” (ирқ) атамасидан келиб чиққан. Бу атама XVII асрдан бошлаб Европада “инсоният насли”ни турли ирқий гуруҳлар, жумладан, “оқ”, “қора” ва “сарик” ирққа ажратиш учун қўллана бошлади. Ирқчилик таълимоти “оқ танли”ларнинг афзаллиги, уларнинг азалдан “олий ирқ” этиб тайинлангани, бошқа ирқларнинг эса “оқ”ларга караганда номукаммал яратилганлиги ва ҳамиша тараққиётнинг қуйи поғоналарида туришини “асослаб” беради. Унинг асосий ғояси ўзининг “илохий” табиатига қаратилган

эди. Ирқчилик миллий мансублиги ва терисининг рангига кўра ажралиб турувчи кишиларга тайзиқ ўтказиш, уларни ҳақоратлаш, уриш ва ўлдириш каби ҳаракат-ҳодисаларда яққол намоён бўлди. Ижтимоий ҳукмронлик шаклларида бирининг мафкураси бўлар экан, у буюк давлатчилик, ашаддий шовинизм, “танланган” халқларнинг миллий афзаллиги ғоялари билан чамбарчас боғланиб кетди.

Ирқчилик – кўп қиёфали. Масалан, ўзини олий ирқ ҳисоблаган инглиз, испан, француз босқинчилари ўрта асрлар ва айниқса, XVIII-XIX асрларда Америка, Австрия, Африка ва Осиёда ерли халқларни кўплаб кириб ташладилар. Жанубий Африка Республикаси томонидан XX асрда узоқ йиллар мобайнида ўтказиб келинган ирқий айирмачилик сиёсати – шафқатсиз ирқий таҳқирлаш ва камситишларда ўз ифодасини топди. 1865 йилда АҚШда тузилган “Ку-клукс-клан” террористик ташкилоти ҳам ўзининг ошқора ирқчилик йўналишидаги фаолияти билан ажралиб турди. Негрларнинг фуқаролик ҳуқуқларига қарши кураш ва уларни мамлакатдан чиқариб юбориш унинг асосий ғояси ҳисобланади.

Яна бир ёзув ғоя-терроризм бугунги кунда ҳам инсониятга катта таҳдид солмоқда. Жамиятга доимий қўрқув, фитна-ғаламаслик муҳитини вужудга келтириш, зўровонлик йўли билан жамият барқарорлигини бузиш, **гуноҳсиз кишилар**, жумладан, болаларнинг ҳалок бўлишига олиб келадиган сиёсий мақсадларга ўлдириш ва портлатишлар, бу мудҳиш ғоянинг асл моҳиятини ташкил этади.

Сиёсий терроризм XIX асрдаёқ вужудга келган эди. Лекин у XX юз йилликда кенг кулоч ёзди. Ғарбий Германиядаги “қизил армия” ва Италиядаги “қизил бригада” гуруҳлари, Испаниядаги банклар ташкилоти, Олстърдаги “Инқилобий-ҳалоскорлик армияси”, Перудаги “Порлоқ ҳаёт” каби бирлашмалар замонавий сиёсий террористларнинг авлоди эди. Кейинги йилларда дунёнинг ўнлаб мамлакатларида, жумладан, бизнинг ёш давлатимиз чегарасига яқин давлатлар ҳудудларида ҳам терроризм ўчоқлари пайдо бўлди.

Икки тизим амал қилган яқин ўтмишда шиддатли ғоявий-мафкуравий кураш содир бўлиб турган. Мана шу курашнинг асосий йўналишларини икки оқим мафкурасизлантириш (**деидеологизация**) ва мафкуралаштириш (идеологизация) ташкил этган.

Мафкуралаштириш – бу кенг омма, жамоатчилик учун маъқул ва мажбурий тарзда “янги мафкура” яратиб, жамиятдаги барча ижтимоий-сиёсий зиддиятларни ва тўқнашувларни шу восита ёрдамида бир йўла ҳал қилиш демакдир.

Демак, ғоявий-сиёсий кураш жараёнларининг икки асосий йўналишда – мафкурасизлантириш ва мафкуралаштириш тамойилларда ифода топган экан.

Ривожланган мамлакатларнинг “Социализм” дунёсига қарама-қарши тургани шароитида улардаги ижтимоий-сиёсий тафаккури оламида XX асрнинг ўрталаридан бошлаб мафкурасизлаштириш оқимининг кенг ўрин эгаллаб, ғоявий кураш соҳасида ёйила бошлаганлиги маълум. Мазкур оқим заминида ётган асосий мақсад йўналиш ғоявий курашда “объективлик”ни қалқон қилиб олиб мафкуранинг партиявийлиги ақидасини бутунлай инкор этиш ташкил қилар эди.

Мафкурасизлаштириш, шу жумладан ишчилар синфи сиёсий мафкурасини ҳам инкор этиш монополистик буржуазия туб манфаатларини ҳимоя қилишга мўлжалланган эди.

XX асрнинг 50-60 йилларида ривожланган мамлакатларнинг бир қатор сиёсатшунос ва социолог олимлари, шу жумладан С.М.Липеет, Э.Шиле, Р.Арон, Д.Бёлл, К.Поппер мафкурасизлаштиришни марксизм таъминотига ва умуман, ижтимоий-сиёсий тафаккурнинг сўл ва ўта сўл оқимларига қарши қаратилган социологик ҳамда сиёсатшунослик таъминотлари сифатида ишлаб чиқдилар ва кенг тарғиб қила бошладилар. Мазкур мафкурасизлаштириш таълимотининг асосий мақсадини бир томондан, монополистик гуруҳ мафкурасини партиясиз, сиёсатсиз “тоза фан” сифатида тарғиб қилиб, иккинчи томондан, ҳар қандай мафкуранинг ғайри илмий табиатга эга эканлигини исботламоқчи бўладилар.

Мафкурасизлаштириш маслакдошлари ўзларининг шу тарздаги фикр-мулоҳазаларини исботлашга уриниб, яна бир далил келтирадилар: илмий-техника инқилоб бизга кенг ва чуқур амал қилиш натижасида гўё ўтган асрдан мерос бўлиб ўтган ва қотиб қолган ғоявий

мафкуравий акидалар ўрнига объектив табиатли, “бетараф” илм-фан ва дин-эътиқод келган бўлиб, янги вазият ва янги шарт-шароит мафкурасизлаштиришни тақазо этаётган эмиш.

Мафкурасизлаштириш таъминоти кейинги йилларда “индустриал жамият” ва икки тузумнинг қўмилиб кетиши (“конвергенция”) ҳақидаги тамойиллар билан уйғунлаштириш сифатида талқин этила бошланди.

Икки томонлама – ҳам илмий-методологик ҳам сиёсий ҳаёт амалиёти томонидан мафкурасизлаштириш таъминоти жиддий зарбага учраши натижасида унинг олдинги ижодкорлари ва қатъий тарғиботчилари бу соҳадаги ўз мавқеларини бир оз бўйсунтиришга, унинг айрим томонларини қайта кўриб чиқишга ҳамда танқидий мулоҳазаларнинг бирмунчасини тан олишга мажбур бўлдилар. Лекин мафкурасизлантириш учун кураш заифланган ҳолда бўлсада, ҳамон давом этмоқда, мафкурасизлантириш таълимотига мойиллик эса ҳам монополистик гуруҳлар туб манфаатларини ҳимоя қилишга астойдил бел боғлаган политолог ва социолог олимлар, тарғиботчилар доирасида кучли тарзда мавжуддир.

12.3. Мустақиллик ва миллий мафкурага бўлган эҳтиёж.

Ўзбекистоннинг мустақил суверен давлат мақомига эга бўлганлиги, жамиятда юз берган демократик жараёнлар, хурфикрлиликка интилиш халқнинг миллий онги муттасил ошиб бориши мавжуд ҳодисаларга янгича тафаккур билан қарашни тақазо қиларди. Жумладан, Ўзбекистон бутунлай янги тарихий шароитларда бутунлай янгича қарашларни, муносабатларни қарор топгандагина республика ўзининг тўла сиёсий суверенитети ва иқтисодий мустақиллигига эришгандагина белгилаши мумкинлигини анча олдин тушунган ва бу борада ўзининг қатъий қарорига келган эди. Бинобарин, халқни янги йўлдан бошлаб бориш, унинг қарашлари ва орзу-мақсадларини бир йўналишга буриб, кучларни уйғунлаштириш учун ягона ғоявий қурол зарур эди. Ўзбекистон учун буюк тарихий воқеа, миллий мафкура шаклланишида янги давр бошланиши эди. Бу ҳол табиий суръатда кишиларнинг сиёсий онги ошишига олиб келади. Одамлар жамиятда юз берган ўзгаришлар шиддати олдида бирмунча гангиб қолишди. Ана шундай пайтда умумхалқ, умумдавлат мос келадиган энг мақбул йўлни танлаш, бунинг учун эса мафкуравий яккахокимликка барҳам берган ҳолда аҳолининг барча табақалари, қатламларини, талаб-эҳтиёжларини маънавий-руҳий чанқоқлигини қондира оладиган етук ва баркамол ғояни яратиш зарур эди.

Масаланинг яна бир бошқа томони ҳам бор эди. Бу бевосита узоқ йиллар мобайнида ҳукмрон бўлган ғоя ва акидалардан халос бўлиш, унинг бир ёқлама, ҳавойи, баландпарвоз даъватларидан воз кечиш каби оғир, вақт талаб этадиган жараён билан боғлиқ. Энди тафаккур тарзи, қарашларни тубдан ўзгартириш учун энг аввало, ўша даврнинг бош мафкурачиси собиқ коммунистик партия ғояларидан воз кечиш, қолаверса, бутунлай янги, замон талаблари ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар мазмун-моҳиятидан келиб чиқадиган мафкурани ишга солиш лозим эди.

Шу боис республикада мафкуравий акидаларга ва бир қолипдаги сафсатабозликка бўйсунадиган, инсон, халқ, жамият манфаатларига путур етказаётган сиёсий, мафкуравий ва давлат тузилмаларидан дадил воз кечила бошланди. Демократиянинг асосий хусусияти – адолат ва қонуннинг устиворлигини таъминлашга қаратилган чоралар кўрилди. Мамлакат ва халқ манфаатлари йўлида бирлашган, кучларни уйғунлаштириш, барча имкониятлардан эхтиросларга берилмай, ақл-идрок билан фойдаланиш йўли тutilди.

Миллий истиқлол, миллий такланиш мафкурасини яратиш ва ҳаётга тадбиқ этиш Ўзбекистон учун муҳим масалага айланди.

Ўзбекистон истиқлол мафкурасининг жамият барча ҳаёт жабҳаларида кенг ва чуқур тарзда амал қилиш учун биринчи навбатда барча фуқаролар сиёсий онгига, сиёсий руҳиятига ҳақиқий, фидокорона меҳнат қилиш зарурлиги руҳини сингдириб юбориш лозим. Сиёсий

мафкуранинг истиқлол хизматидаги аҳамияти шундан иборатки, у юксак равақ топтириш воситасида Ўзбекистон миллий мустақиллигини янада мустаҳкамлайди ва уни жаҳондаги энг ривожланган мамлакатлар қаторига чиқиб олиши йўллари кўрсатиб беради.

Истиқлол мафкурасида инсон билиши лозим бўлган етакчи тамойиллардан бири сифатида шаклланиши инсон ҳуқуқлари ва бурч-вазифаларининг ҳамоҳанг тарзда ифода топишини ҳамда намоён бўлишини англатади.

“Ватанни севиш – иймондандир” – дейди улуғларимиз. Ватанга чин эътиқод истиқлол мафкурасининг бош мезонларидан бирини ташкил этиши табиий бир ҳолдир. Ватанни севиш, унда гуллаб яшнаётган ватандошларни ҳам севиш, ёши улуғларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, кичикларга меҳр-шафқатли бўлиш, бошқача қилиб айтганимизда, инсоний фазилатларга эга бўлиш демакдир. Мана шу тарзда инсонпарварлик, ватанпарварлик руҳи билан уйғунлашиб истиқлол мафкурасининг туб моҳиятини ташкил этади ва бойитади.

Ҳар бир мафкуранинг, айниқса, истиқлол мақсадлари сари йўналтирилган истиқлол мафкурасининг ўзак-мағзини илмий дунёқараш ташкил этади.

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда советча догма ва стерео ўринларидан қутилишини таъминлайдиган, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришга хизмат қиладиган сиёсий мафкура қарор топмоқда. Ўзбекистон миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг асосий мақсад-муддаоларини ифодалайдиган, унинг ўтмиш ва келажагини бир-бири билан боғлайдиган ҳаётимиз йўналишини белгилайдиган мафкурадир.

Биз ижтимоий-сиёсий жараёнлар одамлар ҳаётини кескин тарзда бир ўзандан иккинчи ўзганга буриб юборган, ҳаётимиз бутунлай бошқача тус олган ва турмушимиз ўзгача мазмун касб этган мураккаб руҳий-маънавий ҳолатни бошдан кечиряпмиз. Йиллар мобайнида қотиб қолган онгимиз уйғонмоқда.

Мустақиллик, ҳуррият деган сўзлар бутун жозибаси билан бирга бекиёс қудратини, буюк ўзгартирувчилик мўжизасини кўрсатмоқда. У дунёқарашимизни тубдан ўзгартириб, фикримиз, тафаккуримизни бойитмоқда. Воқеалар ривожини бутун моҳияти билан англашни, дунёга кенгроқ ва зийракроқ назар билан қарашни, шўро тузумидан бошқа адолатли тузумлар ҳам борлигини, бошқача яшаш ҳам мумкин эканлигини, коммунистик мафкурадан бўлак ҳаёт лаззатини, инсон қадр-қимматини ҳимоя қиладиган ўзга ғоялар ҳам мавжудлигини кўрсатиб берди. Зотан мустақилликнинг буюк моҳияти, бекиёс қадрияти ана шунда.

Мустақиллик инсон имкониятларини тобора кенгайтириб, унинг яратувчилик иқтидорини ва бунёдкорлик қобилиятини янада кучайтирмоқда. Энди одамлар реал воқеликка, ўз ҳаётини қутилмаган бутунлай янги изга солишга эҳтиёж сезилмоқда. Улар яшаш ҳуқуқи, ўз оиласи дахлсизлиги ва истиқбол хусусида кўпроқ ўйлайдиган бўлиб қолишди. Айни пайтда истиқлолнинг мазмун-моҳиятини кундан-кунга чуқурроқ англай бошлашди.

Тўғри, ҳаётимиз биз орзу қилгандек мукамал эмас. Ҳали турмушнинг ҳал этилмаган муаммолари кўп. Юлғичлик, фирибгарлик, порахўрлик, хизмат вазифасини суистеъмол қилиш, тўрачилик, манманлик, кибру-хаво, мансаб касаллиги ўткир ва юқумлилигича қолмоқда. Бироқ булар мустақилликнинг, омма ва жамиятнинг муштарақ равақи билан қонунинг устиворлик кучи ортиши билан бартараф этиб бориладиган иллатлардир.

Маънавий оламимиздаги ўзгаришлар барча янгиланишларнинг асосидир. Зеро, Ватан, миллат тушунчалари тобора чуқурлашмоқда. Биз энди яшаб турган заминимиз, фуқаролигимиз жиҳатидан дахлдор бўлган мамлакатимиз, миллий равақимиз ва истиқболимиз хусусида жиддийроқ ўйлайдиган бўлдик. Ҳар қандай моддий манфаатдорлик, ҳар қандай иқтисодий тараққиёт бевосита маънавий етуклик, маънавий баркамоллик туйғулари билан боғлиқ ҳолдагина ривож топиши мумкинлигини яққол кўряпмиз. Миллий равақ ҳамма вақт ақлий имкониятнинг бекиёс кучига, онг ва тафаккур ривожига муҳтож эканлигини, унга таяниш ва суяниш лозимлигини чуқур англай бошладик.

Айни вақтда Ўзбекистоннинг иқтисодий имкониятлари, унинг тараққиёт йўллари хусусида ўзимизда ҳам, хорижда ҳам кўп гапирилмоқда. Мамлакатимизда миллий

барқарорлик, миллатлараро муносабатларининг мутаносиблиги, иқтисодий жараёнларнинг бир меъёрга ривожланиши, ишлаб чиқаришнинг тобора такомиллашиб бораётганлиги, мамлакат маънавий-сиёсий муҳитининг соғломлиги, халқ орзу-умидлари билан давлат сиёсатининг уйғунлиги натижаси эканлиги жаҳон сиёсатдонлари томонидан тан олинмоқда. Ана шундай муҳитни вужудга келтириш, мамлакатда барқарор тараққиётга эришиш – бу бевосита давлат сиёсатининг халқ талаб ва эҳтиёжларини, руҳий ва маънавий ҳолатини нечоғлик ҳисобга олинганлиги билан белгиланади.

Ўзининг етакчи сиёсий мафкураси бўлмаган жамият боши берк кўчага кириб қолган одамга ўхшайди. Миллий озодлик билан миллий равнақ топиш, ҳар томонлама гуллаб яшнаш тамойили миллий истиқлол тамойилининг асосий мазмунини ташкил этишини бугунги кунда барча тараққийпарвар кучлар эътироф этаётган ҳақиқатдир.

Миллий истиқлол тушунчаси тўла миллий мустақиллик, давлат суверенитети категорияларига нисбатан анча кенг қамровли тушунча бўлиб, улардан ташқари яна мазкур мамлакатнинг ҳар томонлама камолотга эришиши зарурлигини ҳам акс эттиради. Истиқлол тушунчаси мустақил мамлакатлар, давлатлар, халқлар тараққиёт даражасига кўтарилиб, улар каторидан тенг ва ўзига муносиб ўрин эгаллаш мақсад-манфаатларини ҳам рўёбга чиқариш учун сайи-ҳаракат ва кураш маъносини англатади.

Ўзбекистон истиқлол мафкурасининг туб моҳиятини чин инсонпарварлик ақидаси ташкил этади. Ижтимоий тенглик ва ижтимоий адолат ақидаларига оғишмай ва изчил амал қилиш, инсонпарварлик, ватанпарварлик, миллий ўзлигини англаш, умумбашарият манфаатлари ва қадриятлари устиворлиги ақидасига амал қилиш ҳозир шаклланиб, амал қилинаётган Ўзбекистон истиқлол мафкурасининг асосий мазмунини ташкил этади, зеро мазкур тамойилларнинг барчаси мустақил Ўзбекистон давлат ҳокимиятининг амалиёт дастурида Президент И.А.Каримовнинг асарлари, рисоалари, нутқларида ўзининг тўла ифодасини топгандир.

“Ҳеч шубҳасиз, - дейди Юртбошимиз, - юртимизда эркин, адолатли, фаровон ҳаёт қуриш жараёнида ижтимоий-сиёсий муносабатлар, одамларнинг онги ва тафаккури ҳам ўзига хос, шу билан бирга, мутлақо янгича маъно касб этиб бормоқда. Хусусан, шахс ва давлат, инсон ва жамият ўртасидаги муносабатлар янгича мазмун ва шакл топиб, янги хусусиятлар, янги тамойиллар асосида такомиллашиб бораётганини сезиш, англаш қийин эмас”.¹

Қисқача хулоса.

Зўравонлик билан ўрнатилган ғоялар утопик, ҳаётий ғоялар реал ҳаёт талабларига жавоб бермайдиган, халқнинг аънавий турмуш тарзига, жамият тараққиёти қонунларига мутлақо зид, сиёсий аёвсиз курашлар, таъқиб, тайзиқ ва зўравонликка асосланган ғоядир.

Лекин тарихий ҳақиқат шундан иборатки, мустабидчилик мафкураларимизнинг турли андозалари ва уларнинг лойиҳалари асосида яратилган демократияга қарши тузумларнинг пировард натижада ҳалокатга учраши муқаррардир.

Бироқ, ҳозирда ғоявий кураш тобора янгиланиб, янги қиёфага кирмоқда. Кўп синовлар, азобу-уқубатлар, хатолар, фожиалар, қатағонларни бошдан кечирган асримиз поёнига етиб янги аср биринчи чорагида турли хил эски ва янги мафкураларнинг ўзаро кураши ҳар қачонгидан ҳам кўра шиддатли тус олмоқда. Ранг-баранг, баъзан бир-бирига зид дунёқарашлар, сиёсий, миллий, диний оқимлар, мазҳаб ва секталар ўртасидаги фикр талашувлари гоҳо баҳс-мунозара доирасидан чиқиб қонли тўқнашувлар, оммавий қирғинларга сабаб бўлмоқда, одамлар бошига беҳисоб қайғу-кулфатлар солмоқда.

Ана шу сабабдан ҳам мустақил Ўзбекистонда ҳозирги даврда миллат, жамият, жамиятни бирлаштирувчи байроғи бўлган миллий ғоя ва мафкурани шакллантириш ва халқимиз онгига сингдириш юзасидан фаоллик билан иш олиб борилмоқда.

¹ И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т. “Маънавият”. 2008, 125-б.

Таянч тушунчалар.

Мафкура, сиёсий мафкура, сиёсий мафкура функциялари, либерализм, неолиберализм, консерватизм, неоконсерватизм, социал-демократия, бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси, глобаллашув жараёни, геосиёсат, мафкуравий полигон, мафкуравий профилактика, мафкуравий иммунитет.

Назорат ва муҳокама учун саволлар.

1. Мафкура тушунчасининг қандай талқинлари бор?
2. Сиёсий мафкурасиз давлат мавжуд бўладими?
3. Қандай сиёсий мафкураларни биласиз?
4. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси ва глобаллашув жараёнлари моҳияти қандай?
5. Ҳозирги даврда геополитик мақсадларнинг намоён бўлиш сабаблари?
6. Геосиёсат тушунчасининг моҳияти, мазмуни нимадан иборат?
7. Жаҳон майдонларини мафкуравий бўлиб олишга урунишлар?
8. Мафкуравий профилактика, мафкуравий иммунитет сўзлари қандай маъноларни англатади?
9. Марказий Осиёда ёт ва бегона ғоялар, уларга қарши кураш зарурияти.
10. Миллий мустақиллик мафкураси, миллий истиқлол мафкураси тушунчалари ўртасида қандай фарқ бор?

Адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. “Ўзбекистон”, 2009, 30-35 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. “Ўзбекистон”, 1997. 19-33 б.
3. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. “Фидокор” газетаси муҳбири саволларига жавоблар. Т. “Ўзбекистон”, 2000.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т. “Маънавият”. 2008, 11-18 б.
5. Алиев Б. Хошимов Т. ва бошқалар. Политология ўқув қўлланма. Т. ТДИУ. 2006, 211-228 б.
6. Алиев Б. Бобоев А. Политология фани бўйича таълим технологияси. Т. ТДИУ. 2006, 104-115 б.
7. Авторлар жамоаси. Политология. Дарслик. М. ИНФРА-М. 2007, 287-301 б.
8. Авторлар жамоаси. Политология. Дарслик, М. Проспект, 2008, 457-471 б.
9. Х.Т.Одилқориев. Д.Х.Раззаков. Сиёсатшунослик. “Ўқитувчи” нашриёти. Т. 2008, 170-186 б.

13-Мавзу: Халқаро тизим ва халқаро сиёсат.

13.1. “Халқаро тизим” ва “халқаро сиёсат” тушунчаси ҳамда унинг бир бутун мувозанатни сақлаш манфаатлари.

Давлатлар ва халқлар ўртасидаги муносабатлар сиёсат ва сиёсий фаолиятнинг натижаларига боғлиқ. Бинобарин, сиёсатнинг ўзгариши билан халқаро муносабатларда ҳам муҳим сифат ўзгаришлари рўй беради.


Давлатлар сиёсий фаолияти орқали халқаро муносабатларнинг боришига бирор даражада таъсир кўрсатадилар ва шунга мувофиқ тарзда бу муносабатлар турли даражада ривожланади. Гарчи, алоҳида бир давлат олиб борадиган ташқи сиёсатининг ўзгариши халқаро муносабатларнинг батамом ўзгаришига олиб келмаса-да, бироқ унинг айрим жиҳатларига ўзининг таъсирини кўрсатади.

Ўтмишдаги халқаро сиёсатда баъзи давлатлар (АҚШ) ўз манфаатларидан келиб чиқиб халқаро **вақеаларни** мустақил ҳал қилишга ҳаракат қилиб келган бўлсалар, эндиликда вазият тубдан ўзгарди. Ҳозирда унинг ўрнини янгича жаҳон тартибларини халқаро ҳуқуқ нормаларига, барча мамлакатларнинг манфаатларини ҳисобга олишга қаратилган, халқларнинг ўз сиёсий йўлини ўзлари эркин танлашлари, халқаро муаммоларни биргаликда бартараф этиш сиёсати эгаллади. Шунингдек, ҳозирги давр, жаҳон тараққиёти интеллектуал (ақл-заковат) куч-қудратидан омилкор ва самарадор равишда фойдаланишни тақазо этади. Демак, фан ва техника, янги технологиялар соҳаларида ҳам ўзаро манфаатдор руҳда кенг ҳамкорлик қилиш мақсадга мувофиқ келади. Меҳнат умумдорлигини бир неча бор оширишга, маҳсулот тан нархини камайтиришга, унинг сифатини яхшилашга мўлжал қилинган фан-техника ютуқларини бевосита ишлаб чиқиришга жорий қилиб, улкан самараларга эришиш учун халқаро миқёсда ҳамкорлик қилиш ҳозир биз яшаб турган компьютер асри, янги технологиялар асри талабидир.

Халқаро муносабатларда сиёсатнинг етакчилик ролини халқаро ташкилотлар ва ҳаракатларнинг фаолияти орқали ҳам намоён бўлади. Улар халқаро муносабатларга шундай таъсир кўрсатадики, бунинг натижасида муайян шароитларда вужудга келган ўзаро муносабатлар у ёки бу даражада ўзгариши мумкин.

Сиёсат халқаро муносабатларнинг умумлашган ифодаси бўлганлиги учун ҳам давлатлар ва халқлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ўзгариши сиёсатнинг ўзгаришида тўла намоён бўлади. Давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг бутун тарихи сиёсат ва сиёсий фаолият ривожланишининг тарихи ҳамдир.

Халқаро тизим ҳақида сўз борар экан, аввало, дунёда юз бераётган ўзгаришларга икки томонлама ёндашиш, яъни бир томондан дунёда юз бераётган ўзгариш ва жараёнлар ҳаётга беқарорлик бахш этса, тартибга мойиллик тизими шаклланади. Бу ходисага объектив бир воқелик сифатида қараш лозим. Демак, бунга халқаро сиёсатга, халқаро ҳамжамиятга хос бўлган жараён сифатида қараш лозим.



1. Халқлар (умум инсоният) – иркидан, миллатидан, синфий мансублигидан, қарда яшашидан қатъий назар ҳамма учун бир хилдаги тушунча.

2. Давлат (давлатлар) – иқтисодий жиҳатдан ҳукмронлик қилувчи синфнинг сиёсий ташкилоти бўлиб, бу ташкилотнинг мақсади мавжуд тартибни қўриқлаш ва бошқа синфларнинг қаршилигини бостиришдан иборат. Давлатлар – турли тартиботларга асосланган халқаро ҳамжамиятдир.

3. Халқаро ташкилотлар – мустақил давлатлар ёки миллий жамиятлар (ассоциациялар)нинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий мақсадларга эришишлари учун тузилган бирлашмалари, мамлакатлар ўртасида кўп томонлама ҳамкорлик қилишнинг энг муҳим турларидан бири.


Халқаро ташкилотларнинг умумий хусусияти ҳар бир давлат чегарасидан четга чиқади.

4. Сиёсий ташкилотлар – давлат, партиялар ва сиёсат билан ўзаро таъсирда бўлувчи, расмий ёки норасмий барча ташкилотлар киради. Ташкилотлар сиёсий тизимида (халқаро тизимда) муҳим роль ўйнайди, чунки у маълум мақсад, тартиблар асосида уюшган кишилар гуруҳидир.

5. Сиёсий ҳаракатлар – маълум сиёсий манфаатларни, мақсадларни амалга оширишга йўналтирилган ижтимоий фаолият ҳисобланади. Сиёсий ҳаракатлар алоҳида мамлакатларга хос бўлган ҳодиса эмас. Ҳар қандай мамлакатда ҳам кишилар ўзларининг мақсад ва манфаатлари йўлида курашади. Уларнинг бу кураши қандай шаклда бўлишидан қатъий назар, у сиёсий хусусиятга эга бўлади.

Халқаро сиёсат ва муносабатлар икки ёки ундан ортиқ мамлакатлар, турли хил сиёсий ва нодавлат ташкилотлар билан боғлиқ бўлган алоқаларни ифода этади. Унинг фаолияти халқларнинг талаб ва эҳтиёжлари, давлат манфаатлари халқаро нормалар ва қадриятлар билан боғлиқ бўлади.

Халқаро сиёсат – халқаро сиёсат субъектларининг халқаро меъёрлар, нормалар, қадриятлар асосида ўзаро муносабатларни сақлаб қолиш вазифаларини, такомиллаштиришга қаратилган фаолиятдир.



Халқаро сиёсат тушунчасининг пайдо бўлишини ер юзида тобора кўпроқ мамлакатлар ва халқларнинг феодализмдан капитализмга ўтиши жараёни билан боғлаш мумкин.

XVIII аср охири ва XIX аср бошларида Оврупода Наполеон Бонопарт олиб борган уруш сиёсати аслида феодал тартиблардан капиталистик тартибга ўтиш, янги халқаро муносабатлар тартиб-қоидаларини ўрнатиш давлатлар ташқи сиёсат йўналишларини муштарак жаҳон сиёсатига айлантириш эди.

Наполеон бошлаган уруш **Европа** қитъасига ёйилиб ундан ташқари Африка ва Америка қитъаларини **ҳам қамраб олган бўлиб, биринчи** марта унга қарши халқаро миқёсида уюшган қаршилиқ ҳаракати вужудга келди. Ҳолиб давлатлар **Венада Конгресс чақириб** урушдан кейинги **Европа** тақдирига тегишли ҳужжатлар қабул қилдилар.

Вена Конгресси 1 октябр 1814 йилдан 9 июнь 1915 йилгача давом этиб, охири куни 9 июнда “Якунловчи аҳд”ни қабул қилдилар. (У 121-модда ва 17 иловадан иборат).

Халқаро муносабатларнинг халқаро сиёсати 2 босқичи биринчи жаҳон уруши ва унинг нихоясида қабул қилинган. “Версал (Париж) тинчлик битими” ва Версал анжуманида “Миллатлар иттифоқи”да таъсис этилди. (50 мамлакат аъзо).

Миллатлар иттифоқи ва унинг доимий органлари биринчи марта халқаро муносабатларнинг жаҳон тизими оқимида амал қилдириш механизминини ишлаб чиқиш ва иккинчи жаҳон уруши бошлангунга қадар давлатлар ташқи сиёсати амалиётида дастур сифатида киритилишига ҳаракат қилиб, уларни бошқариб туришга интилади. Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши Миллатлар Иттифоқи ўз бурч-вазифаларини ўтаб бўлганлигини, унинг фаолиятидаги зиддиятли ва заиф жиҳатларини очиб берди ҳамда жаҳон сиёсатининг бошқарилишида янги халқаро ташкилотлар зарур эканлигини кўрсатиб берди.

Халқаро сиёсатнинг учинчи босқичи уч буюк давлат раҳбарларининг (АҚШ-Рузвельт, Черчил-Англия, Сталин-СССР) Техрон, Қрим (Ялта), Поттедам (Берлин) анжуманлари халқаро муносабатлар оқимини белгилашда муҳим роль ўйнайди.

7 июль, 1 август 1945 йил Поттедам анжуманида 1945 йил 25 апрелда АҚШнинг Сан-Франсиско шаҳрида БМТ анжуманини чақириб, унинг Низомини қабул қилишга келишиб олинди. БМТнинг таъсис анжумани 23 июнь 1945 йил Сан-Франсискода очилиб, унинг низоми 50 та давлат вакиллари томонидан имзоланди. У 1945 йил 24 октябрда кучга кирди.

БМТнинг Низомида Давлат мустақиллигини ҳурмат қилиш, тинч-тотув яшаш ақидаларига риоя қилиш, давлатни ўзига юклатилган халқаро бурч ва вазифаларини оғишмай адо этиш, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш каби қоидалар белгилаб берилган.

Демак, халқаро сиёсат – халқаро муносабатларда иштирок этаётган давлатлар, субъектлар, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар, сиёсий ва носиёсий ташкилотлар, ижтимоий гуруҳлар ва шахсларнинг халқаро меъёрлар, қадриятлар асосида ўзаро муносабатларини сақлаб туришга қаратилган фаолиятларидир.

13.2. Давлатлар ташқи сиёсати ва дипломатик муносабатлар.

Сиёсатни амалга ошириш икки йўналишда, яъни ички ва ташқи сиёсатда ўз ифодасини топади. Бу ҳар икки йўналиш ҳар бир суверен мамлакатларга хос бўлган қонуниятдир.

Давлатларнинг миллий манфаатлари уларнинг ташқи сиёсатида ўз ифодасини топган бўлиб, у ёки бу мамлакат сиёсий тузуми, давлат тизими, ижтимоий-иқтисодий муносабатлари табиатини намоён этишга хизмат қилади.

Ички сиёсат омилқорлиги ва самарадорлиги мазкур мамлакатнинг барча ҳаёт жабҳаларида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий барқарорлик, осойишталик, мўътадиллик вазиятларини таъминлай олишида ўз ифодасини топади. Биринчи навбатда, иқтисодий барқарорликка эришиш белгиловчи аҳамият касб этади, нафақат мазкур жамиятни бошқараётган давлат ҳокимияти тизимларининг халқаро муносабатлар майдонига дадил чиқа олиш имкониятини оширади, балки ишонч, ўзаро манфаат руҳида ҳар томонлама алоқалар ўрнатишда зарур шарт-шароитларни вужудга келтиради.

Ташқи сиёсат – давлатнинг мамлакат ташқарисида, давлатлараро муносабатларда ўзининг миллий ва умумбашарий мақсадлари, хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган фаолиятидир.

Ташқи сиёсат тушунчаси кўп ҳолларда дипломатия тушунчаси билан муштараклашиб, айрим ҳолларда ҳатто бир-бири билан чатишма ҳолида ҳам инъикос этилади.

Ташқи сиёсат қуйидаги кўринишларда амалга оширилади:

1. Давлатларнинг ички кўринишида (Ташқи ишлар вазирлиги) амалга оширади. Аммо биринчи навбатда шуни таъкидлаш маълумки, олий даражадаги органлар мавжуд, булар:

Ташқи алоқаларни амалга оширувчи конституцион органлар – парламент, давлат бошлиғи, ҳукумат бошлиғи, ҳукумат – ташқи алоқаларни олиб боришга умумий раҳбарлик қиладилар, ташқи алоқаларни ташкил этадилар ва тартибга соладилар. Кўпчилик мамлакатларнинг конституцияларида, парламент уруш ва тинчлик масалаларини ҳал этиш, мамлакат ҳудудига ўзгаришлар киритиш халқаро шартномаларни тасдиқлаш ёки бекор қилиш, бевосита халқаро муносабатларда иштирок этиш ва ҳоказолар бўйича ваколатларга эга.

Давлат бошлиғи халқаро муносабатларда давлатнинг олий вакили сифатида иштирок этади. Одатда у махсус ваколатларсиз ҳам бошқа давлатларнинг бошлиқлари билан учрашади, улар билан музокаралар олиб боради, халқаро шартнома ва битимларни имзолайди, расмий равишда элчи ва вакилларни тайинлайди ва вазифасидан бўшатади, чет давлатлар элчи ва бошқа вакилларининг ишонч ва чақирув ёрлиқларини қабул қилади.

Хукумат бошлиғи ва бутун хукумат ташқи алоқа органлари ҳисобланиб, давлатнинг ташқи сиёсатда тутган йўлига умумий раҳбарлик қилади, уни амалга оширади, хукумат ташқи сиёсат, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш соҳасидаги асосий йўналишни белгилайди ҳамда тегишли таклифларни кўриб чиқади, тасдиқлаш учун парламент ва давлат бошлиғига тақдим этади, ташқи алоқага доир қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини таъминлайди, назорат қилади.

Ташқи ишлар вазирлиги давлатнинг ташқи ишлари бўйича ихтисослашган органи ҳисобланади, у бевосита ва ҳар куни тегишли давлатнинг дипломатик фаолиятини амалга оширади, чет давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва делегациялари билан алоқада бўлади, улар билан музокаралар олиб боради, битимларнинг лойиҳаларини тайёрлайди, давлатнинг халқаро ташкилотларга аъзолигидан келиб чиқувчи хизмат ва алоқаларни амалга оширади, халқаро дипломатик тадбир ва учрашувларда иштирок этади ва ҳоказо.

Бошқа баъзи-бир мамлакатларда мазкур вазирлик ўзгача номланади: Масалан, Англияда у – Форин-Оффис, АҚШда – давлат департаменти, Аргентина ва Францияда – Ташқи муносабатлар вазирлиги, Швецияда – сиёсий департамент ва ҳоказо, аммо улар қайси номда аталишидан қатъий назар, унинг бурч-вазифаси ўз давлати дипломатияси фаолиятини бошқаришни ташкил этади.

2. Ташқи кўринишда ташқи сиёсатни амалга ошириш воситаси дипломатиядир.

Дипломатия – давлат, хукумат бошлиқлари ва махсус ташқи алоқа органларининг, давлат ташқи сиёсатининг мақсад ва вазифаларини, шунингдек, чет элларда давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашни амалга оширишга қаратилган расмий фаолияти. Дипломатия – ташқи сиёсатнинг, давлат халқаро фаолиятининг ажралмас қисми.

Дипломатияда дипломатик ваколатхоналарининг икки шакли бўлиб, 1) доимий дипломатик ваколатхоналар (элчилар, махсус ваколатхоналар, миссия) кўринишида бўлади; 2) муваққат ваколатхоналаридир.

Дипломатик муносабатлар ўрнатиш, олиб бориш ва уларни такомиллаштиришнинг халқаро ҳуқуқ доирасида шаклланиб амал қиладиган восита-усуллари мавжуд бўлиб, улар орасида бевосита фаолиятни элчи бажаради.

Элчи – ҳозир мустақил давлатларнинг бошқа мустақил давлатларда фаолият олиб борадиган вакилидир. Элчи лавозим энг олий дипломатик лавозим ҳисобланиб, унинг ваколатлари даражасини аниқ белгилаб қўйиш мақсадида элчи сўзидан олдин **“Фавқуллодда ва мухтор”** атамаларини қўшиб айтилади. “Фавқуллодда ва мухтор” элчи лавозимига тайинлаш маросими шу қадар масулиятли ходиса ҳисобланадики – уни фақат давлат бошлиғигина ёки подшо тайинлайдилар.

У ёки бу сабабларга кўра (дам олиш, бетоблик, ўз давлати томонидан маслаҳатлашгани чақириб олганлик) элчи ўз вазифасини адо эта олмаса, ўрнига **“Муваққат ишлар вакили”** тайинланади ва унга вақтинча элчихона фаолиятини бошқариб туриш вазифаси юклатилади. У элчига нисбатан чекланган ҳуқуқ доирасида иш юритиш ҳамда кундалик дипломатик алоқаларни давом эттириш имкониятларига эга бўлади.

Одатда йирик давлат элчихонаси қуйидаги тузилишга эга бўлади: Сиёсат масалалари бўйича гуруҳ; ички сиёсат масалалари бўйича гуруҳ; матбуот бўлими; консуллик бўлими; хўжалик бўлими; элчихона котибияти; харбий ва харбий денгиз атташесининг маҳкамаси.

Ўзларига юклатилган вазифаларни самарали бажариш учун элчихона ходимлари дипломатик имтиёзлар ва дахлсизлик ҳуқуқларидан фойдаланадилар, элчихона эгаллаб турган жой эса дахлсиз ҳудуд сифатида амал қилади.

Агар элчихона ўзи жойлашган давлат миқёсида уни юборган давлат манфаатларини муҳофаза (этса) қилиш дипломатик алоқаларини олиб борса, мазкур мамлакат ҳудудида жойлашган иқтисодий, савдо-тижорат, илмий-техник, маданий-маънавий жиҳатлардан муҳим марказлари (шаҳар, туманлари)да очиладиган ваколатхона (консуллик) мана шу марказ доирасида ўз давлатининг манфаатлари йўлида дипломатик бурч-вазифаларни бажариб турадиган ва уни расмий тайинланган **консульт** бошқаради.

Одатда у ёки бу давлатнинг бир неча йирик марказларида консулхоналар очилса, улар бошлиқларининг бири **Бош консул** мақомига эга бўлади.

Элчи ва консуль лавозимларидан кейин ўз мартабаси даражаси жиҳатидан **“Дипломатик вакил”** лавозими туради. Вакил хорижий давлатларда ҳам халқаро ташкилотлар ёки марказларда ҳам доимий ёки муваққат мақомда амалий фаолият олиб боради. Айрим вазиятларда эса вакил ўзининг тайинланган лавозими аҳамияти жиҳатидан элчи даражасидаги вазифаларни бажариши мумкин. Масалан: БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзолари бўлган АҚШ, Англия, Хитой, Россия ва Франция.

Давлатлараро дипломатик муносабатларнинг муҳим белгиловчи шаклларида бири **“Нота”**лар айирбошлаш амалиётидир. Нота сўзи аслида “ёзма белги” маъносида тушунилади. Ноталар бериш муҳим халқаро ёки ўзаро масалалари юзасидан расмий мурожатномасини англатади.

Шунингдек ноталар ва бошқа расмий дипломатик ҳужжатлар **“Меморандум, Эсдалик хати”** ёзма белги билдириш ҳам бўлиши мумкин.

Дипломатик алоқалар натижаларини расмийлаштирадиган ҳужжатларни ташқи сиёсат тилида **“Битим”** деб атайдилар.

Халқаро сиёсий муносабатлар амалиётида тайинланган элчининг бошқа давлат бошлиғига ўзининг **“ишонч ёрлиғини”** топшириши шарт. Шундан кейингина элчи ва унинг ходимлари **“Дипломатик дахлсизлик”** ҳуқуқига эга бўлган ҳолда ўз фаолиятини олиб боради.

Агар элчихона ходимлари ўз бурчларини мазкур давлатда ҳукм сураётган тартиблар, қонун-қоидалар доирасидан чиқмасдан адо этиб турсалар, уларни **“маъқул шахс” (персона грата)** сифатида баҳолаб фаолиятини қўллаб-қувватлайдилар.

Бордию улардан бирортаси, ёки бирор гуруҳи ўзлари турган мамлакат қонун-қоидаларига ҳилоф хатти-ҳаракатлар билан қўлга тушсалар ёки шу тарзда баёнотлар эълон қилсалар, улар **“Номаълум шахс” (персона нон грата)** сифатида дипломатик дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этилиб, белгиланган муддатда мамлакатдан чиқарилиб юбориладилар.

Дипломатик ваколатхоналар икки асосий тур – **элчихоналар ва махсус ваколатхона (миссия)**лар кўринишида фаолият олиб боришлари мумкин. Улар ўртасидаги фарқ, асосан дипломатик муносабатларга киришаётган томонлар ёки уларнинг бири эгаллаб турган геосиёсий ва геостратегик мавқега боғлиқ.

Биринчи марта элчихоналар институти XVII-XVIII асрларда пайдо бўлган. Ҳозирги кунда элчихоналарнинг ҳуқуқий ҳолатини аниқловчи халқаро ҳуқуқий қоидалар “Дипломатик алоқалар ҳақидаги 1961 йил Вена конференцияси”да жамланган.

13.3. Янги жаҳон тартиботи: бугуни ва истиқболи.

Инсоният жамияти тараққиёти ғояси, унинг ижтимоий ривожлантириш босқичи томон янада юқорилаб бориш ижтимоий онгда бир неча юз йиллар олдин таркиб топган. Тараққиёт объектив қонуният бўлиб, унинг асосида ишлаб чиқириш кучларини ривожлантириш, аввало унинг асосида ҳисобланган инсон ётади.

Тараққиёт ҳақиқий воқелик эканлигини инсониятнинг минг йиллик тарихи исботлади. Жамият ўзининг энг илк босқичида у нимани акс эттирган? Озчиликни ташкил этган одамларнинг дастлабки гуруҳлари ўзларига фаолият олиб борганлар. Кейинчалик, меҳнат қуролларининг такомиллашуви, тажрибанинг ортиши, ўзи ва табиат ҳақидаги билимларни ўзлаштириш туфайли, инсон ўз келажагининг мустақил ижодкори бўлиши учун шароит яратди. Бу йўл мураккаб ва зиддиятли бўлган. Босилган ҳар бир қадам мураккаб кечган. Келажак томон ҳаракат ўз ичига инқирозли ва турғунлик деб аталган бир неча ўнлаб йилларни олган. Ривожланиш бир текисда бормаган. Айни бир босқичда айрим халқлар, тараққиётида олдинга кетган бўлсалар, бошқаларда бу тараққиёт секинлашган. Умуман айтганда, тараққиёт инсониятни тарихий нарвон босқичидан юқорига кўтарган.

Таъкидлаб ўтилгандек, ижтимоий тараққиёт асосида ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ётади. Инсониятнинг бутун тарихи бу унинг такомиллашиши тарихидир. Оддий тош меҳнат қуроллари бронза, кейинчалик эса темир қуроллари билан алмашган. Истеъмол маҳсулотлари билан таъминлаш воситаси бўлган овчилик ва тўпловчилик, чорвачилик ва деҳқончилик билан алмашди. Табиатдан тортиш кучи сифатида кенг фойдаланиш, кейинчалик табиий энергия-буғ, электр қуввати ва ҳоказолар асосида ҳаракат қилувчи механик мосламалар инсоннинг жисмоний интилишларини анча енгиллаштирди. Билим доирасининг доим ўсиб бориши ва инсоннинг билимга бўлган қобилияти тўпланган ахборотларни узатиш тизимини такомиллаштириш заруриятини уйғотди. Сўнг, таълим тизими, китоб босиш, кўп йиллар ўтгандан сўнг эса замонавий оммавий алоқа йўли воситалари келди.

Шубҳасиз жуда секинлик билан бўлсада одамларнинг ўзлари ўзгарганлар. Ҳали ҳам XX асрнинг охирида ер юзининг баъзи қисмида яшаётган одамлар гуруҳи ўз ўтмиш аجدодларининг билими, қобилияти ва турмуш тарзидан узоққа кетмаганлар. Шунга қарамай, сайёрамизда яшаган, яшаётган ўтмишда ва ҳозирги аҳолини солиштирсак, улар ўртасидаги масофа улкан эканлиги кўзга ташланади.

Шунингдек, фақат ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўзи ривожланмайди. Кетма-кет унинг орқасида ижтимоий муносабатлар ҳам ўзгара боради. Ижтимоий жараён шундай ифодаланганки, одамлар ўртасидаги муносабатларни янада такомиллашиш томон ривожланган. Уруғ жамоа тузуми жамият тараққиётининг ибтидоий босқичини акс эттирган бўлиб, у ўзига хос хусусиятга эга бўлган – кулдорликка ўрин бўшатди; кулдорлик феодализмга, феодализм эса капитализм билан алмашади. Ўзгарувчан жамият ижтимоий ташкилоти билан ўзаро чуқур алоқада сиёсий тизимида ривожланиш юз берди. Ижтимоий тузилманинг мураккаблашуви, сиёсий усқурма соҳаси фаолиятининг кенгайиши, фуқаролик жамияти билан хилма-хил алоқаларнинг ривожланиш, унинг олдига янгидан-янги ва тобора мураккаб вазифаларни қўйди. Уни ҳал этиш мақсадида сиёсий фаолиятга кенг кишилар гуруҳи жалб этилди, сиёсий тизимда демократиялаш жараёни юз берди. “Демократия” деган тушунчанинг ўзи қадимги дунёда юзага келган. У автократик мустабид бошқарув усулидан фарқ қилган ҳолда эркин озчиликни ташкил этган мулкдорлар гуруҳини жамият сиёсий муаммоларни ҳал этишда қатнашишини аниқлаган. Кишилиқ жамиятининг тараққиёти жараёнида “демократия” тушунчасининг мазмунини ўзгарган. Феодализм жамияти демократияси расм-русумларининг даражаси ҳақида гапирганда – феодализм жамияти ҳукмрон синфи – дворянларининг сиёсий жараёнларда фаол иштирок этишини назарда тутилади.

XVII-XIX асрлардаги буржуа революциялари буржуа демократиясига йўл очиб, у дастлаб мулкдорлар учун демократия ҳисобланган бўлса, кейинчалик меҳнаткашларнинг узоқ йиллар давомидаги матонатли кураш натижасида у кенг характерни касб этган.

Сиёсий тизимдаги ривожланиш доимо ижтимоий тузум тараққиёти йўлидан бормаган. Кулдорлик демократияси феодализм автократияси билан алмашиб мумкин бўлган, феодализм тузумини ағдариб ташлаш эса баъзан буржуа ижтимоий тузумига суянган мустабид тартиботни ўрнатишга олиб келган. Шунга қарамай демократия меъёрларининг мустаҳкамланиши ва кенгайиши каби жараён ўзига йўл очиб борган.

Маданият соҳасида тараққиёт эса анча мураккаб кўчган. Кенг маънода айтиладиган бўлса маданияти – жамиятнинг, халқнинг, ижтимоий гуруҳнинг моддий ва маънавий, интеллектуал (ақлий) ва ҳис-туйғуларининг умумлаштиришидир. Санъат ва адабиётдан бўлак у турмуш тарзини, қадриятлар ва урф-одатларни ҳам ўз ичига олади. Маданият одамнинг уни ўраб турган дунёда юз бераётган жараёнларни аниқлашга, ўзи ва ўзига ўхшаганларни таҳлил этиш учун бўлган қобилиятни акс эттиради. Айнан ана шу уни инсоний, идрокли, танқидий фикрловчи шахсга айлантиради. Маданият орқали инсон ўзини аниқлайди, ўзининг ютуқларига реалистик баҳо беради, яшаш мазмунини тинимсиз излайди ва уни акс эттирувчи асарларни яратди. Маданиятни тараққий эттириш нуқтаи-назаридан иккита асосий таркибий бўлакни ажратиш мумкин. Биринчиси – ишлаб чиқариш босқичлари, ижтимоий

муносабатлар ва сиёсий тизим, улар билан биргаликда ёки ёнма-ён ривожланиш. Иккинчиси – нисбатан мустақилликни ўзида юқори даражада акс эттирган адабиёт ва санъат.

Адабиёт ва санъатнинг юқори даражага эришуви вақти ва унинг вужудга келишининг ижтимоий шароитлари билан қатъий чегараланмаган. Машхур Фидия ва Праксителнинг асарлари, Гомер поэмаси, Алишер Навоийнинг поэтик асарлари, машхур тиббиётшунос Абу али Ибн Сино, рассом Леонардо до Винчи, Рафаэл, Бехзод асарлари кейинги даврларда бошқа ижтимоий тизимларда яратиладиган сифат жиҳатдан афзал бўлса борки, улардан асло қолишмайди. Санъат соҳасидаги тараққиёт ёмондан яхшига томон ривожланиш эмас. Унинг мазмуни бошқада – бадий образларнинг ранг-баранг тасвири янгиликка томон ривожланишга, алоҳида турли қатламлар қалбига кириб бориш маданиятининг демократиятлашуви ва инсонпарварлашуви билан характерланган.

Инсониятнинг тараққиёт йўлидан ривожланиши қандай содир бўлмоқда? Атроф-муҳит билан мулоқатда ўзининг мавжудлиги муаммоларини ҳал этишда (жонсиз табиат ва биосфера билан) инсон, ақлли мавжудот сифатида меҳнат курулларини ва ўзини такомиллаштиради.

Ишлаб чиқарувчи кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари диалектикасига мувофиқ ҳар бир тарихий даврдаги ғоя ва амалиёт тараққиёти ўзининг специфик, аниқ-тарихий мазмуни билан бойитилиб, ушбу давр ижтимоий асосида зиддиятини белгилайди. Бундай зиддиятни бартараф этиш (шубҳасиз, агар жамият турғунлик ҳолатида бўлмаса) тарихий жараённинг асосий йўналишини белгилайди.

Асосий зиддиятлар билан бир қаторда жамиятда асосий бўлмаган бошқа зиддиятлар ҳам жамланади. Унинг мавжуд жамият учун кескинлиги айрим ҳолатларда оғир кўчиши мумкин. Унинг сабаби шуки, борлиқнинг ҳар бир кесимида жамиятда ҳозирги замон, келажак ва ўтмиши бир вақтда мавжуд бўлади. Инсоният олдинга қадам ташлаган сари ҳар бир аниқ босқичда тарихий мерос жамланади. У жамиятда қарор топган ижтимоий тузилмага ҳам, сиёсий кучларнинг жойлашувига ҳам қадриятлар тизимида ҳам ўз тамғасини босади. Шу жиҳатдан асосий бўлган зиддиятларни асосийга нисбатан бартараф этишга бўлган эҳтиёж қарама-қаршилик, ҳозирги замон ва ўтмиш ўртасидаги тўқнашувлар орқали сиқиб чиқарилиши ҳолатига дуч келиши мумкин.

Табиий, бу мавжуд жамиятдаги асосий, белгиловчи зиддиятнинг йўли, шакли ва даражасига таъсир этиши мумкин ва таъсир этади ҳам.

Дунёвий демократик тартиб – инсониятнинг азалий орзуси. Кўплаб лойиха ва фалсафий асарлар унга бағишланган. Бундай тартиботнинг у ёки бу элементларини социал революциялар ўз байроқларига шиор қилиб олганлар. 1776 йилда қабул қилинган Америка Декларацияси халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва мустабид ҳукуматни ағдариб ташлаш ҳукукини тасдиқлади. Франция революцияси 1789 йилда инсон ва фуқаро ҳукуки ҳақида тарихий Декларацияни қабул қилди, Конституцион йўл билан “ҳар қандай халқ озодлигига нисбатан” курулли куч ишлатмасликни мустаҳкамлади.

1917 йилда Россияда қабул қилинган тинчлик ҳақидаги Декретда адолатли, демократик тинчлик концепцияси мукамал ўз аксини топган. Декрет жаҳон урушини тинч йўл билан бартараф этишга бағишланган. Унда босиб олишга қаратилган урушлар “инсониятга қарши катта жиноят” деб эълон қилинган.

Дунё турли шароитларда яшовчи халқлар учун адолатли бўлиши, у халқаро миқёсда ҳам, миллий жиҳатдан ҳам демократик бўлиши керак. У дунёдаги ҳамма халқлар ёки миллатлар вакилларининг иштирокида ўрнатилади. Унинг шартлари бутун дунё халқлари вакилларининг ваколатли анжумани томонидан қатъий тасдиқланиши зарур.

Айниқса давлатларни халқаро ва ички нуқтаи назардан демократиялашнинг зарурлиги демократияга қарши давлатлар томонидан бошлаб юборилган иккинчи жаҳон урушидан кейин муҳим аҳамият касб этди. Бундай шароитда халқаро демократик тартибот ғояси чекланган доирада бўлсада БМТ Уставида ўз аксини топди. Келажак авлодни уруш гирдобидан ҳоли этиш марказий масала деб белгилаб қўйилди. Шуниси муҳимки, бу масала инсон ҳуқуқлари, катта ва кичик миллатлар тенг ҳуқуқчилигини ўрнатиш билан боғлиқ

эканлиги эътироф этилди. Шунинг ўзидаёқ мамлакат ичида ва халқаро майдонда уруш ва демократия ўртасидаги алоқа яққол кўзга ташланиб турибди. БМТ Устави фақат мақсаднигина эмас, балки халқаро демократик тартиботнинг асосий принципларини белгилади.

Устав қабул қилинганидан сўнг бошланган “совук уруш” бу мақсад ва принципларни амалга оширишда жиддий тўсиқ бўлиб қолди. Шунга қарамай бундай вазиятда ҳам демократик институтлар ва тамойилларнинг ривожланиш жараёни тўхтаб қолгани йўқ. Давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг маркази сифатида БМТнинг муассаса тизими ривожланишида давом этди. Инсон ҳуқуқлари институтининг ташкил этилиши ноёб аҳамиятга эга бўлди. Инсон эркинликлари ва ҳуқуқларининг ўзига хос халқаро мажмуаси яратилди. Россия ва собиқ социалистик давлатлар томонидан бу қонун тўпламининг қабул қилиниши уларнинг ижтимоий-сиёсий тузумида, уни демократиялашда ўзгаришларга олиб келди.

“Совук уруш”нинг тугаши билан янгича дунё демократик тартиботнинг қарор топиши зарурлигини талаб этувчи омиллар намоён бўла бошлади. Ҳамма табиий ва ижтимоий муаммолар кўпчилик давлатларнинг биргаликдаги интилишлари орқали ҳал этилиши мумкин бўлди.

Тарихий тажриба тасдиқлаганидек, ҳаттоки кўпчилик бўлмаган давлатлар ўртасида ўзаро муносабатларни ўрнатиш осонлик билан кўчмаган. Давлатлар сони 200 га етган даврда вазифа янада мураккаблашди. Бундай вазиятда демократиянинг зарурий шарти бўлиб қатъий тартиб, интизомлик ва уларнинг жавобгарлиги шубҳасиз муҳим ҳисобланади. Янги жаҳон тартиботи асосида авваломбор ҳуқуқнинг устиворлиги, давлатлар томонидан озодлик ва адолатлиликни тан олиш, айниқса ожизлар ҳуқуқларини ҳурмат қилиш аҳамият касб этади.

Демократизм тамойилларининг мазмунини аниқлаш – бу ишнинг бир томони. Уни амалга ошириш ҳам мураккаб вазифа. Демократия ниқоби остида қонунга хилоф ҳаракатларни қилиш учун интилиш борасида кўпгина уринишлар бўлган. Рейганнинг ҳарбий сиёсатини (доктринасини) эсга олиш кифоя. Ушбу сиёсатга асосланган ҳолда АҚШ маъмурияти унингча демократик бўлмаган давлатлар ва ҳукуматларга қарши бир томонлама куч ишлатиш ҳуқуқини ўзига ўзлаштирган. Ана шундай хатти-ҳаракат Гренада, Панама, Никарагуага нисбатан бўлган эди. Халқаро ҳамжамиятнинг унга бўлган муносабати тақсинга лойиқ. АҚШнинг Никарагуага нисбатан тутган сиёсати халқаро суд томонидан қораланган эди. Бу воқеа – мислсиз ҳодиса.

Демократизм принципларининг қарор топиши дунё тартиботини ривожлантиришда янги босқич ҳисобланади. Принципнинг ҳаққонийлиги маълум механизми юзага келтиришни яна бир бор демократик асосларда, ишончли ҳуқуқ тартиботга ва давлатларнинг коллектив жавобгарлигига асосланиши керак. Дунёнинг бирор қисмида юз берган салбий ҳодиса уни фалокат ёқасига олиб келиши мумкин. У демократик тартибот билан чиқиша олмайди, шунинг учун сиёсий, иқтисодий, миллий, ирқий худбинликка тўсиқ қўйиш керак.

Ҳамма нарсани қилиш мумкин, деб ҳисобланган тамойил ўрнига эндиликда жавобгарлик, авваломбор уруш муаммосини ҳал этишда ҳамманинг ва ҳар бир кишининг жавобгарлиги, ҳар бир давлатнинг ҳавфсизлигини таъминлаш учун жавобгарлик тамойили ўрин алмашмоқда.

Халқаро ҳамжамиятнинг ва алоҳида олинган ҳар бир давлатнинг дунё ҳамжамияти олдидаги жавобгарлиги ошмоқда. Бу дунё халқлари сиёсий онгининг ўсганлигидан далолатдир. Шунга қарамай оммавий ахборот воситалари ҳуқуқий билимларни ўз матбуот саҳифаларида, радио, телевидение орқали кенг ташвиқот қилишлари зарур. Халқаро ҳуқуқнинг ўн йиллиги муносабати билан БМТ Бош Ассамблеяси қабул қилган резолюцияда асосий вазифа қилиб халқаро ҳуқуқий билимларни тарқатиш лозимлиги белгиланди.

Шундай қилиб, инсоният олдида унинг омон қолиши ва прогрессив ривожланишини таъминлашга қодир бўлган янги жаҳон тартиботини яратиш каби тарихий вазифа қўндаланг турибди.

У адолатлилиқ тамойилига ва демократияга давлатнинг ижтимоий-сиёсий тизимлари тамойилларига асосланган тартибот бўлиши мумкин. Тарихий тажриба, демократия ҳам халқаро, ҳам миллий тизимларни ривожлантиришни тўғри йўли эканлиги ҳақида эҳтирослар қолдирмайди.

Жаҳон халқлари янги минг йилликка қадам қўйдилар. “Улар ўз келажагининг порлоқ истиқболли бўлишини истайдилар. Жаҳон миқёсидаги мафкуравий қарама-қаршилиқларнинг ағдар-тўнтарлари ўтмишида қоляпти. Халқларнинг тинчлиги, ҳамкорлиги, ўзаро хавфсизлигидан бошқа йўл йўқ эканига қатъий ишонч ортиб борапти. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг муштарак манфаатлари билан узвий боғлиқ ҳолда унинг замонавий ривожланиш даражасига хос бўлган чуқур демократик жараёнлар ўзанида устивор миллий мақсадларга эришиш сари бормоқда. Ўзбек халқини инсониятнинг ягона оиласида осон бўлмаган, аммо буюк келажакка кетаётганлигига унинг ишончи комил”.¹

Қисқача хулоса.

Халқаро тизим ва унинг тузилмалари ўртасидаги муносабатлар маърифийлик томон юз тутмоқда. Ҳозирги халқаро муносабатлар, уларнинг ривожланишидаги маълум зиддиятларга қарамасдан ўзаро боғлиқлик, яхлит дунё ҳақидаги муштарак қарашлар халқаро сиёсатда тобора етакчи ўринни эгаллаб бормоқда.

Давлатлар пайдо бўлибдики улар ўз сиёсатини ички ва ташқи соҳаларда амалга оширади. Ички ва ташқи сиёсат умумий ва алоҳидалик хусусиятга эга. Ҳар қандай мамлакат ички сиёсати ташқи сиёсатда ўз ифодасини топади. Ички сиёсатнинг самарадорлиги сиёсий ҳокимиятнинг қандай кучлар томонидан амалга оширилиши билан белгиланади.

Халқаро сиёсатнинг шаклланиши ҳамда амал қилиши жараёнларида халқаро ташкилотларнинг ўрни ва аҳамияти каттадир.

Биз яшаб турган ҳозирги даврда халқаро сиёсат моҳиятини умуминсоний манфаатлар ва қадриятлар устунлиги белгилаётган шароитда уларнинг аҳамиятини янада ортиб бориши объектив қонуният кучига эга бўлиб бораётганлигидан далолат беради.

Таянч сўзлар.

Халқаро муносабатлар, халқаро тузим, халқаро сиёсат, ички сиёсат, давлатларнинг ташқи сиёсати, дипломатия, халқаро ташкилотлар, Ўзбекистон халқаро муносабатлар субъекти.

Назорат ва муҳокама учун саволлар.

1. Ҳозирги халқаро муносабатларнинг моҳияти ва мазмуни қандай?
2. Сиёсат ва сиёсий фаолият, сиёсий муносабатларнинг ташкил топиши ва ривожланишида қандай роль ўйнайди?
3. Сиёсий тизим нима?
4. Халқаро сиёсатнинг вужудга келиш тарихи қандай?
5. Жаҳон сиёсатининг ажралмас бўлак, қисмлари қайсилар?
6. Нима учун ички сиёсат – ташқи сиёсатнинг пофдевори ҳисобланади?
7. Давлатларнинг ташқи сиёсати: моҳияти, вазифалари қандай?
8. XXI аср жаҳон давлатлари ташқи сиёсатидаги асосий йўналишлар.
9. Дипломатия – ташқи сиёсатни амалга ошириш воситаси эканлиги.
10. Сиёсий муносабатларда халқаро ташкилотларнинг ўрни ва роли қандай?

¹ И.А.Каримов .“Биздан озод ва обод ватан қолсин”. Т. “Ўзбекистон”, 1994, 149 б.

Адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. “Ўзбекистон”, 2009, 6 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. “Ўзбекистон”, 1997, 3-19, 296-324 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясида сўзлаган нутқи – Фидокор, 2000, 12 сентябрь.
4. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т. “Ўзбекистон”. 2009, 4-40 б.
5. Алиев Б. Хошимов Т. ва бошқалар. Политлогия. Ўқув қўлланма. Т. ТДЮИ, 2006, 229-244 б.
6. Алиев Б. Бобоев А. Политология фани бўйича таълим технологияси. Т. ТДИУ, 2006, 161-165 б.
7. Авторлар жамоаси. Политология. Дарслик. М. ИНФРА-М. 2007, 274-289 б.
8. Авторлар жамоаси. Политология. Дарслик. М. Проспект, 2008, 513-522 б.
9. Х.Т.Одилқориев, Д.Х.Раззаков. Сиёсатшунослик. “Ўқитувчи” нашриёти. 2008, 259-278 б.

14-МАВЗУ: ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМ.

14.1. Ҳозирги замон тараққиёти ва терроризм ҳамда халқаро терроризмнинг инсоният ҳаётига таҳдиди, унинг классик ва замонавий кўринишлари.

Терроризмнинг –тарихи узун. Инсоният тарихи каби у доим цивилизация ва тараққиётнинг кушандаси сифатида мафдонга чиққан. Замонлар ўтган сайин тобора кабиҳлашиб, тобора маккорона тус олиб борган.

Терроризм – лотин тилида “қўрқув”, “дахшат” маъноларини ифодалайди.

Оддийгина айтганда, террор – инсонларда қўрқув уйғотиш, уларни дахшатга солиш орқали бирорбир мақсадга эришишни англатади.

У иқтисодий, сиёсий, диний, ғоявий, миллий, гуруҳий, индивидуал шаклларда намоён бўлиши мумкин. Таъқиб, зўравонлик, қўпоровчилик ва қотиллик террорчиликнинг ҳар қандай курилиши учун умумий хусусият бўлиб, у гуманизм, демократия, адолат тамойилларига зиддир. Шунинг учун терроризм қандай “байроқ” остида амалга оширилмасин, моҳиятан инсониятга, тараққиётга, эзгуликка қарши жиноятдир. Иқтисодий манфаатларни кўзловчи ва моддий бойликларни ўзлаштиришни мақсад қилиб олган террорчилик ҳаракатлари кенг тарқалган. Унда рақибларини ёки уларнинг яқинларини жисмоний йўқ қилиш, ўғирларб кетиш, зўравонлик, тажовуз билан қўрқитиб, ўз ҳукмини ўтказишга уриниш, бойликларини ўзлаштириб олиш усулларида кенг фойдаланилади. Терроризм кишилиқ жамиятининг барча босқичларида содир бўлган ва бўладиган ноёб ходисадир. Масалан, диний мазмундаги террорчилик (Зардуштнинг ўлдирилиши), сиёсий терроризм Цезернинг ўлдирилиши ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Ҳукмрон миллатнинг манфаатларига ҳисобга олиниб, қолган барча кичик этник гуруҳларнинг миллий эҳтиёжлари инобатга олинмасдан ўтказиладиган тайзиқ сиёсати миллий терроризмни келтириб чиқарса, муайян синфларнинг манфаатлари ва иродаси қонун даражасига кўтарилиб, бошқа ҳар қандай ижтимоий гуруҳлар манфаатлари инкор этиладиган жамиятлардаги сиёсат эса синфий террор сиёсатининг алоҳида кўрилиши сифатида намоён бўлади. Терроризм қандай байроқ кўтариб чиқмасин, қандай шиорлар билан ниқобланмасин, унинг реакцион, жинояткорона моҳиятини фарқлаб олиш, ёвуз ниятни очиб ташлаш онгли, хурфидирли инсоннинг, ҳар бир ватанпарвар фуқаронинг бурчидир.

Терроризм ўта салбий ижтимоий ходиса сифатида у ёки бу кўринишда қадим-қадимдан маълум. Қизиги шундаки, ўз олдига қўйилган мақсадларга эришиш мумкин эмаслигини ҳисобга олган террористлар тарихнинг барча даврларида қайси минтақа ёки

мамлакат ҳудудида фаолият кўрсатилишидан қатъий назар ҳар доим халқ оммасининг айрим қатлам ва гуруҳларини “йўлдан уриш”, турли йўллар билан улар қалбига йўл топиш тактикасига амал қилиб келганлар. Террорчилик ўта салбий ижтимоий ходиса сифатида неча асрлар давомида фаолият юритиб келаётган бўлса, ҳар доим халқ номидан чиқариш, унинг манфаатларини акс эттирувчи “ҳаққоний халқпарвар” ҳаракат деб ўзини таърифлаш амалиёти унинг барча кўринишларига хос хусусият бўлиб қолаверади.

Терроризмнинг бугунги ҳолатига келадиган бўлсак шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўзининг бир неча асрлар давомида синовдан ўтган аҳолининг айрим қисми онгини заҳарлаш йўли билан ҳокимиятни қўлга киритиш амалиётига содиқ қолган ҳолда даврлар ўтиши билан унинг ўз кураш шакли, усуллари ва воситаларини усталик билан ўзлаштириб келганлигини гувоҳи бўламиз. Масалан, бир замонлар террорчилар планетамизнинг турли жойларида алоҳида-алоҳида, яъни бир-биридан тамоман ажралган ҳолда ҳаракат қилган бўлсалар, бугунги ХХI аср бошларида улар ўз “фаолиятини” минтақавий, хаттоки сайёравий даражада мувофиқлаштириш имкониятини қўлга киритишаётганлигини кузатиш мумкин.

Терроризмнинг ўта хавфи халқаро сиёсий ходисага айланаётганлиги тўғрисида сўз борар экан, унинг асосий сабаблари қуйидаги объектив умумсайёравий ижтимоий силжишлар билан белгиланаётганлигини гувоҳи бўламиз: аввало асосий сабаблардан бири ХХ асрнинг охириги ўн йиллигида деярли бутун дунёда террор йўли билан аҳолини тушкунликда сақлаш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш амалиётига батамом зид бўлган демократиянинг кенг ёйилиб бориши, яъни аксарият мамлакатларда сиёсий ҳокимият халқ хоҳиш-иродасининг ифодаси бўлган тамойил устиворлик касб этаётганлиги билан боғлиқ бўлса, иккинчи асосий сабаб сиёсат, иқтисод, ижтимоий соҳа ва маданиятнинг турли жабҳаларида одамларнинг онги, дунёқараши ва тафаккурига ҳамда мўлжал ва режаларга салбий таъсир қилувчи, хатто унинг издан чиқарувчи жараёнлари кучайиши ўз сиёсий мақсадларини амалга оширишнинг энг жирканч йўлларини ахтариб юрган гуруҳлар, шунингдек, биринчи навбатда террорчи гуруҳлар учун ноёб “сиёсий-руҳий макон” яратилишига бориб тақалади.

Яна қайтарамиз, Терроризм – бугунги кунда пайдо бўлган ходиса эмас. Бироқ ўтмишда содир этилган террорчилик ҳаракатларини ҳозирги террор билан солиштириб бўлмайди. Аввало, ўтмишда террор бир кишига қаратилган ва уни амалга ошириш ниҳоятда мураккаб бўлган. Бунда кўпинча қироллар, монархларга суиқасд уюштирилган. Масалан, 1605 йилда Гай Фокс исмли террорчи Британия қироли Жеймс ва парламентни йўқ қилиш учун портловчи модда билан тўлдирилган 29 та бочкани ер остига қўмган. Бугунги куннинг “Гай Фокс”лари эса кичкинагина ҳамёнига сиғадиган портловчи билан чекланадилар. Афсуски портловчи моддани тайёрлаш усуллари Интернет саҳифаларидан осонгина топиш мумкин. Тан олиш керак, биз яшаётган дунёда бу каби маълумотни ёвуз кучлар қўлига тушушидан асраш имкониятлари мураккаб.

Душманни энгиш учун яхшилаб ўрганиш керак. Шундай экан, терроризмни буткул тугатиш учун унинг жирканч башарасини очиб ташлаш лозим.

Террор тобора шафқатсиз ва даҳшатли тус олиб бомоқда. Бунда террорчилар “Мақсад воситаларни оқлайди” матнига амал қиладилар. Маълумотларга кўра террор қанчалик даҳшатли тусга эга бўлса, ёвуз кучлар уни шунчалик юқори баҳолайдилар. Иккинчидан, илгари террор рақиби ёки душманини жисмонан йўқ қилишга қаратилган бўлса, бугун террор одам танламаяпти. Учинчидан, террор ниҳоятда яширин, катта тайёргарлик билан амалга оширилаётганлиги ва бунда замонавий техникадан кенг фойдаланилаётганлиги унинг хавфини янада оширмоқда. Ва ниҳоят, терроризмга қарши кураш туфайли террорчилик ҳаракатларининг сони камайган бўлсада, уларда қурбон бўлаётган инсонларнинг **сони** тобора ортиб бормоқда.

Лекин терроризмнинг кўпчилик эътибор бермайдиган бир жиҳати бор. Унинг асл мақсади фақатгина катта моддий зарар етказиш эмас. Бу мақсадга эришиш воситаси, холос. Террордан кўзланган мақсад мутлақо бошқа – 100-1000 кишини қонини тўкиш эвазига миллионлаб инсонларнинг юрагига ваҳима солиш, уларда қўрқув уйғотиш ва охир-оқибат

жамиятда парокандалик туғдиришдир. Демак, ўлим – улар учун восита, мақсад эса кучли таъсир қилишдир.

Террордан фойдаланиш қўрқоқлик белгиси. Чунки очик рақобат шароитида қонуний кураш йўли билан муваффақият қозонишига кўзи етмаган, ўз кучига ишонмаган, ожиз кимсаларгина террордан қурол сифатида фойдаланадилар. Террорни амалга оширган ва бу йўлда жонини қурбон қилган кимсалар ўзларини қахрамон деб биладилар. Аслида эса улар террорни уюштирувчи газандаларнинг ўйинига жон тикиб юборилган қўғирчоқ эканликларини билмайдилар.


Терроризмнинг хавфли сиёсий ходисага айланаётганлигининг асосий сабаблари нимада?

1. Терроризмга зид бўлган демократиянинг кенг ёйилиб бориши, сиёсий ҳокимият халқ хоҳиш-иродасининг ифодаси деган тамойилни устиворлик касб этганлиги билан боғлиқ.

2. Сиёсат, иқтисод, ижтимоий соҳа ва маънавиятнинг турли жабҳаларида одамларнинг онги, дунёқараш ва тафаккури ўсиши уларнинг жирканч йўллари ахтариб юрган террорчи гуруҳлар учун ноёб йўллари яратишга мажбур этади.

Замон ўзгариб умумбашарий сиёсий ва мафкуравий курашнинг анъанавий шакллари иш бермай қолгандан сўнг, терроризм эндиликда бошқа йўллари ахтариб топмоқда. Бугунги кунда барча террорчиларни диний қарашлари, мафкуравий мойиллиги ва тафаккуридан қатъий назар, уларни асосан икки жиҳати, у ҳам бўлса беҳисоб пул ва ҳокимиятга интилиш қизиқтирадиган бўлиб қолди.

Замонавий халқаро терроризмнинг энг хатарли хусусиятларидан бири унинг такомиллашган қурол аслаҳа ва технологиялардан фойдаланиш имконияти ва кўламининг ошиб бораётганлидир.



Энг замонавий банкларда ўзининг ўта махфий ҳисоб рақамларини олган, одамзодни хароб қиладиган наркотикларни қўлга киритган ва уни ишлаб чиқариш технологиясини ўзлаштирган, у диний ақидалардан ўта устамонлик билан фойдаланади.

14.2. Халқаро терроризмга барҳам беришнинг ҳуқуқий ва сиёсий меъёрлар тизимини шакллантириш.

Президент И.А.Каримов ўзининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида ва ундан кейинги турли даражаларда қилган чиқишларида терроризмга қарши кураш инсоният олдида турган долзарб масала эканлигига эътиборни қаратиб, террорни унинг манбалари, базалари, қурол-яроғ келтириш йўллари, таъминот усуллари, наркотикларни тарқатиш сўқмоқларидан маҳрум қилиш, буларни бартараф этиш учун террорга қарши халқаро марказ тузиш сингари қимматли фикрларни илгари суради.

2001 йил 11 сентябрь АҚШга қилинган хужумдан сўнг дунёнинг 100 дан ортиқ давлатлари террорнинг ҳар қандай кўринишини тағ-томири билан суғириб ташлашга бел боғладилар.

Жумладан, 11 сентябрь қонли террорчиликдан кейин АҚШ Халқаро ҳамжамиятга мурожат қилиб, ҳар бир мамлакатдан террорга муносабатини билдиришни ва уни эълон қилишни сўради. Ушбу масала “Сиз ё биз билан, ёки биз билан эмассиз” деган қатъий, хатто ултиматум тарзда қўйилди. Бунга халқаро ҳамжамиятнинг мутлоқ аксарият кўпчилигини ташкил этган мамлакатлар ижобий жавоб бердилар.

Шундай қилиб, терроризм балосига чек қўйишга қаратилган бундай умумдунё яқдиллиги бугунги халқаро ҳамжамият фаолиятининг бош йўналишига, нуфузли ташкилотларнинг ҳақиқий ташвишига айланди.

Аслида 11 сентябрда ўтказилган, бироқ фожиали террорчилик ҳаракати туфайли биров орқага сурилган БМТ Бош Ассамблеясининг охириги мажлисида ушбу муаммо кун тартибига қўйилди, унда халқаро ҳамжамиятнинг терроризмга қарши ҳаракатлари маъқулланди, бу ҳақда махсус резолюция қабул қилинди.

Европа давлатлари ҳам бу муаммони ўз ташвишлари деб қабул қилди. Терроризмга қарши барча ҳаракатларда қатнашишга тайёр эканликларини билдирдилар.

Терроризмга қарши курашнинг асосий жабҳаларидан бирини Дипломатик фронт деб аташ мумкин бўлиб қолди.

Дипломатик дегани – фақатгина сиёсий чоралар билан чекланмайди, балки сиёсий механизмлар воситасида барча омилларни ҳаракатга келтиришни назарда тутади.

Терроризм ўз-ўзидан фаолият кўрсатмайди. Унинг иқтисодий базаси Ғарб давлатлари иқтисодиётига сингиб кетган.

Иккинчи – Наркобизнесдир. Булар терроризмнинг молиявий таянчларидир.

Халқаро ҳамжамият Афғонистондаги сиёсий кучларга мурожат этиб, муромага келишга қаратилган давлатлар билан чиқмоқдалар.

Дипломатик алоқага эга бўлган уч давлатдан икkitаси Бирлашган Араб Амирликлари ва Саудия Арабистони подшоҳлиги толибонлар билан алоқаларни расман бекор қилди.

Нуфузли минтақавий ва халқаро тизимлар дунёдаги барча террорчиларга муносабатини янада ойдинлаштирди.

НАТО ўзининг ярим асрдан кўпроқ давом этган тарихида илк марта Вашингтон Шартномасининг биринчи моддасини кучга киритди. Унга кўра, ушбу ташкилот аъзоларидан бирига уруш эълон қилиниши барча аъзо давлатларга уруш эълон қилиш маъносида кўрилди ва шунга яраша чоралар кўрилади.

Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги ташкилоти каби бундан олдин сиёсий масалаларни ҳеч қачон муҳокама қилмаган иқтисодий тузилма ҳам Шанхайда ўтган охириги йиғилишда халқаро терроризм масаласини кўриб чиқиб уни қораловчи хужжат қабул қилди.

11 сентябрь воқеалари содир бўлгунча АҚШ ва Ғарбнинг бошқа мамлакатларида фаолият кўрсатиб келган 40 дан ортиқ йирик иқтисодий, молиявий ва тижорат муассасаларнинг банкларидаги ҳисоб рақамлар музлатиб қўйилди.

Ўзбекистон ҳам мустақилликни илк кунларидан бошлабқ терроризм ва наркобизнесга қарши кураш соҳаларида ҳамкорликка доир маълумотларни марказлаштирувчи ягона ахборот тизимини яратиш зурарати етилганлиги саъй-ҳаракатларни бирлаштириб наркобизнес ва терроризмга, минтақавий ва жаҳон ҳамкорлиги жараёнлари ривожига ҳалақит берадиган барча иллатларга қарши кураш лозим ва ниҳоят “Терроризмга қарши курашувчи халқаро марказ тузиш лозим” деган даълат билан чиқди.

Терроризмнинг ҳар қандай кўринишларини олдини олиш вазифаси қатор ҳуқуқий тадбирларни амалга оширишни тақазо этади. Жумладан:

1) Давлатнинг ижтимоий сиёсати ижтимоий норозиликни келтириб чиқармаслиги, яъни адолатсизликларга олиб бормаслиги керак.

2) Инсон ресурсларидан оқилона фойдаланиш, бозор муносабатларини ривожлантириш, чет эл инвестициялари хажмини ошириш ҳисобига қўшимча ишчи жойларини яратиш.

3) Ижро ҳокимиятини ислоҳ қилиш, унинг ҳар бир бўғин ва даражасида ижтимоий масъулиятини ошириш.

4) Аксилтеррор давлат концепциясини ишлаб чиқиш ва унда минтақавий миллий ва диний таҳдид омилларини ҳисобга олиш.

5) Халқаро терроризмга қарши иккиёқлама ва кўп томонлама давлатлараро шартномалар яратиш ва ўзаро ҳамкорликни кучайтириш.

14.3. Диний фундаментализм ва халқаро терроризм. Терроризмга қарши курашда миллий ва умуминсоний манфаатлар уйғунлиги.

Диний фундаментализм нима? Насроний динида Инжилнинг соф ҳолига қайтариш. Ислом динидаги фундаментал ғояларга қайтиш маъноларини англатади.

“Фундаментализм” нима, қаердан пайдо бўлди, деган ўринли савол туғилади. Уни тушунмоқ учун ушбу атамани диний ва сиёсатшунослик нуқтаи назаридан кўриб чиқиш керак бўлади.

Ҳозирги “Фундаментализм” деганда, кўпчилик Ислом фундаментализмининг назарда тутадилар. Аслида “фундаментализм” XX асрда Христиан “Модернизм”нинг ривожига қарши вужудга келган ўзига хос Христиан оқимига берилган номдир. Мазкур модернизм турли соҳаларда акс таъсир кўрсатиб АҚШда айниқса шиддатли тус олди. 1909 йилда бир гуруҳ америка ислоҳатчилари Фундаментлар (асослар): “Ҳақиқатга шаҳодат келтириш” номли рисолини нашр этиб Христиан динининг фундаментал (асоскор) назарияларини ташкил этишини изохлаб беришди. Библияни том маънода мутлоқ тўғрилиги ва халоскорлиги ҳақидаги қараш мазкур йўналишнинг мағзини ташкил этди. 1920 йилларда авж олган баҳслар давомида мавқени кўллаб-қувватловчилар “Фундаменталистлар” деб аталди. Кейинчалик Хинд ва Яхудий фундаменталистлари ҳақида гапирилди. 1970 йилларга келиб Ғарбда олимлар ва жамоатчилик турли жамиятларда бу атамани Ислом давлатларидаги диний тикланиш ва жонланиш ҳаракатларига нисбатан кенг қўллай бошлади. XX асрнинг сўнги чорагида исломий қайта жонлантириш жараёнига алоқадор шахслар ва ҳаракатлар ҳам шу сўз билан аталди.

Фундаментализм – ҳар бир диннинг пойдевори, яъни диний китоблари ва пайғамбарлари ҳаётига таклидан яшашга даъват бўлса, иккинчи томондан мазкур олийжаноб даъватлар ниқоби остида айрим дин ҳаракатлари ва диндорлар ҳокимият тепасига интилади ва бу йўлда қон тўкиш, одамларни хонавайрон қилиш, болани отасидан, онани оиладан ажратишдан ҳам тап тортмайди.

Айрим дин арбобларининг ҳокимиятга интилиши инсоният тарихида янгилик эмас.

Муҳаммад пайғамбар ҳам диний ҳам дунёвий раҳбар бўлган ва илк ислом даврида диний ва дунёвий ҳокимият орасида низо келиб чиқишининг сабабини билмаган.

Ундан кейин пайғамбарлар йўқ бўлгани сабабли унинг ўринбосарлари Ҳалифалар унинг ишини давом эттирган. Ҳалифалар фақат диний раҳбар бўлибгина қолмай, дунёвий раҳбар ҳам бўлганлар.

Пайғамбар вафотидан 25 йил ўтгач имонни софлаш мақсадида кўзғолонлар бўлиб ҳукуматни эгаллаган Муовия ўзини “Исломда биринчи подшоҳ” деб эълон қилди.

945 йилдан кейин ҳалифага фақат диний нуфуз қолдирилди, ҳукмронлик эса Султон қўлига ўтди. Султон атамаси дунёвий раҳбар маъносини касб этди.

Диний-руҳий раҳбар эса – Имом бўлиб қолди. Ҳалифа ва Султон ўртасида ҳукмронлик учун кураш олиб борилди. Уларнинг қайси бири кучли бўлса ҳокимият ўшанга ўтган. Уларнинг курашига мўғуллар хотима берди.

Ҳозирги замонда Ислом фундаментализмнинг тарафдорлари ва раҳнамолари кўплаб баҳслар туғдирмоқда.

Террорчилик хуружлари бирон-бир давлатда миллий манфаатлар етарли даражада инобатга олинмай ўтказиладиган сиёсат натижасида миллий эҳтиёжлари қондирилмаган этник гуруҳлар томонидан мавжуд сиёсий тузумга бўлган муносабатларда содир бўлидиган ижтимоий ходиса. Алоҳида олинган давлатда, мазкур давлатга ўз номини берган миллат ёки этник бирликлар томонидан бошқа кам сонли этник гуруҳларга ўз иродасини тайзиқ орқали ўтказишга уруниш “Миллий террор сиёсати” сифатида баҳоланади. Ана шундай террор (зўравонлик) сиёсатиға қарши бошқа кам сонли миллатлар томонидан ўз миллий қардриятларини сақлаб қолишга бўлган интилиш мавжуд сиёсатга нисбатан норозилик кайфиятини туғдиради. Бу эса, илмий атама билан ифодаланса, агрессив (ашаддий) миллатчилик туйғусини шакллантиради. Диний экстремизм – фақатгина муайян диний манфаатларни астойдил ҳимоя қилиб, бошқа ҳар қандай манфаатлар ва мафкураларни инкор этувчи, тор доирадаги манфаатларни ифодаловчи ғоялар билан иш кўрадиган ташкилотлар ёки мутаассиб кишининг мафкураси. Ана шу мафкураға асосланган ҳаракатлар Шимолий Ирландия, Босния ва Герцеговина, Косова ва Яқин Шарқ можароларида яққол намоён бўлмоқда. Диний экстремизмнинг кучайишини ижтимоий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида илмий-техника тараққиёти ютуқларининг бутун дунёда эътироф этилиши туфайли диний дунёқараш дунёни англашнинг ягона шакли сифатида бутунлай четга суриб қўйилишидан даҳшатга тушувчи ўта мутаассиб диндорлар ашаддий ҳаракатларининг фаоллиги билан тушунтириш мумкин. Демак онг ижтимоий тараққиётни таъминловчи ягона куч сифатидаги мавқеини эндиликда дунёвийликка беришга мажбур бўлмоқда. Бу эса диний экстремистик хуружларнинг янада жонлантиришиға сабабчи бўлмоқда. Диний экстремизмнинг янада ашаддийлашуви эса ўз навбатида терроризмни келтириб чиқарувчи асосий манбаға айланмоқда. Халқаро жинойтчи гуруҳлар билан терроризмнинг манфаатларидаги муштараклик шундаки, улар барча мамлакат ва халқаро ташкилотларда қонундан ташқари (нокунуний) деб эълон қилинган. Террорчилар ўзларига зарур бўлган портловчи моддалар ёки замонавий қурол-аслаҳаларни айнан халқаро жинойтчи гуруҳлар воситачилигида қўлга киритади. Шунинг учун улар ўзаро бир-бирини қўллаб-қувватлашға мажбурдирлар. Кейинги пайтда наркобизнес билан халқаро жинойтчи гуруҳлар қўшилиб, халқаро синдикатларға бирлашиб ҳаракат қилмоқдалар. Чунки, наркобизнес билан шуғулланувчи жинойтчиларнинг миллати ҳам, эътиқоди ҳам йўқ бўлиб, улар учун ягона илохий қудрат пул, валюта ҳисобланади. Ҳозирги пайтда энг даромадли “бизнес” ҳисобланган наркобизнес жуда катта сармоя манбаиға айланиб улгурди. Шунинг учун халқаро террорчиларнинг ҳам асосий даромад манбаиға айланган наркобизнес бор ерда, албатта, террорчи гуруҳларнинг яшаши ва фаолияти учун шарт-шароит туғилади.

Терроризмнинг диний экстремизм билан бугунги кунда чирмашиб кетиш жараёни кечмоқда. Бу ёвуз кучлар экстремизм ва халқаро терроризм бугунги кунда бири мафкуравий тайзиқ бўлса, иккинчиси мафкура ва сиёсий мўлжалларни рўёбға чиқариш, амалға оширишнинг шакли ҳамда воситаси сифатида бир-бирини тўлдирмоқда. Зотан терроризм ошқора ноинсоний кўргазма, услуб, ҳулқ-атвор, хатти-ҳаракат ва фаолиятдан иборат жараён, тизим сифатида диний экстремизмдан кўра яширинроқ, иккинчи бор таянчға эға эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов башарият осойишталигига хавф солиб турган “Халқаро терроризм” деб аталиши сиёсий ва қолаверса, **дунё барқарорлигига қаратилган жинойий ходиса тўғрисида тўхталиб, “ўзгалар қонини тўкиш ҳисобига мўмай даромад олишни истовчилар йўқ бўлиб кетадиган замонлар келишиға ҳали анча борға ўхшайди**. Бу тоифаға кирувчи “бизнесчилар” учун қон ва нопок сиёсий кўринган пул дунёнинг турли бурчакларида халқаро хоинларни ёллаш ва синаб кўриш мумкин бўладиган можароларни рағбатлантириш борасида энг қулай восита эканлиги”¹ни алоҳида таъкидлаб ўтган эди.

¹ И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. “Ўзбекистон”, 2000, 28-29 б.

Замон ўзгариб умумбашарий, сиёсий ва мафкуравий курашнинг ноанъанавий шакллари иш бермай қолгандан сўнг, терроризм эндиликда бошқа йўллари ахтариб топмоқда.

Моҳиятдан, амалиётга демократия ва эркин иқтисодий муносабатлар тизими, рақобатга қаршилиқ хусусияти, ватанфурушлиқ халқаро террорчилар сафига турли, батамон бир-бирига ўхшайдиган диний маслак, миллат цивилизацион мойилликка мансуб, аммо пул ва ҳокимият йўлида интилан кимсаларни олиб кирмоқда.

Мустақиллигимизга раҳна солиши мумкин бўлган турли куч ва оқимлар мавжудлиги бугун ҳаммамизга аён. Истиқлолга эришганимиздан бери мамлакатимиз ҳар хил шаклдаги турли таҳдидларни ҳам бошидан кечирди. 1991 йил декабрда Наманганда, 1999 йил 19 февралда Тошкентда рўй берган фожиаи воқеалар, ўша йили Янгиободда, 2000-2001 йилларда Сурхандарёнинг Сариосиё ва Узун туманларида сарҳадларимизга қилинган тажовуз ва хуружлар 2004 йил 28 март, 1 апрель кунлари Тошкент шаҳри, Бухоро вилоятида бўлган террорчилик ҳаракати мисолида яққол намоён бўлиши, бу унчалик узоқ тарих эмас. 1999 йил 16 февраль куни Президент И.Каримов “Мен эй одамзод, оғох бўлинглар, оғох бўлинглар, оғох бўлинглар, деб доим куйиб-ёниб даъват этаман. Бу гап эҳтимол баъзи бировлар учун ортиқчадай туюлар. Лекин мен оғохлик, оғох бўлиш ҳақида гапирганимда бугунгига ўхшаш воқеаларни назарда тутаман”¹ деган эди.

Ҳар қандай қудратли давлат ўз ички муаммоларини ўзи ҳал қила олади. Лекин, умумбашарий муаммолар қаторидаги наркобизнес ўзидан дахшатлироқ бошқа умумбашарий иллатларни ҳам етаклаб келмоқда. Бугунги кунда наркобизнеснинг халқаро террорчилик билан боғланиб кетгани ҳеч кимга сир эмас. Бу эса **ойлада, маҳаллада, бутун жамиятда** хушёрликни оширишни талаб қилмоқда. Кенг маънода ана шундай иллатларни давлатлараро ҳамкорлик асосида изчиллик билан бартараф қилиш замон талаби бўлиб қолди.

Давлатимиз раҳбари умумий хавфга қарши курашда тинчликсевар кучларни бирлаштириш зарурлиги ҳақида “экстремизм, наркобизнес, уюшган жиноятчиликка ва халқаро терроризмга қарши янги кураш олиб борилмас экан, мақсадга эришиб бўлмайди. Айниқса, яқка-ёлғиз, тарқоқ ҳолда ва ноизчил усуллар билан кураш олиб бориш истиқболсиз экани тобора равшанлашмоқда”² деб қатъий таъкидлаган эди. Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг 1999 йил ноябрь ойида Истанбулда бўлган саммитида Президентимиз террорчиликка қарши давлатлараро миқёсдаги курашни мувофиқлаштирувчи халқаро марказ тузиш ҳақидаги таклифни илгари сурган эди, бироқ, саммит иштирокчилари терроризмга қарши халқаро марказ тузиш масаласига жиддий эътибор бермаган эди. Кейинчалик бу фикр қанчалик вақтида айтилганига бутун дунё ишонч ҳосил қилди, халқаро терроризм таҳдиди тобора кучайиб борди. Ўзбекистон ташаббуси билан террорчиликка қарши бир қатор давлатлар уюша бошладилар.

2000 йил 20-21 апрель кунлари Тошкентда Маказий Осиё иқтисодий ҳамжамятнинг давлатлараро кенгаши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарлари минтақавий хавфсизлик ва мамлакатлараро муносабатларга доир масалаларни муҳокама қилдилар ҳамда “Террорчилик, сиёсий ва диний экстремизм халқаро уюшган жиноятчиликка қарши кураш ва минтақа давлатларига таҳдид соладиган бошқа хавф-хатарнинг олдини олишга қаратилган ҳамкорлик тўғрисида”ги Шартномани имзоладилар. Бу Марказий Осиёдаги мавжуд вазиятдан келиб чиққан муҳим ва оқилона қадам эди.

Эндиликда террорчилик, ақидапарастлик, наркобизнес каби умуминсоният учун ёт бўлган ярамас иллатларни ва унинг кирдикорларини деярли бутун дунё тушуниб етди. 2000 йил 21 июнда Москвада бўлиб ўтган МДХ давлат раҳбарларининг саммитида жиноятчилик, террорчилик ва экстремизмнинг турли кўринишларига қарши биргаликда курашиш масаласи муҳокама қилинди. 2001 йил 14-15 июнь кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг саммитида террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши

¹ Каримов И.А. “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз”. Т. “Ўзбекистон”, 2000, 7-б.


² “Халқ сўзи”, 2001 йил 20 июнь

кураш борасидаги “Шанхай конвенцияси” имзоланди. Айни пайтда барча давлатлар чегара билмайдиган бу муаммоларни хал қилиш мақсадида жипслашмоқда.

2004 йил 17 июнь Тошкентда ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг саммити бўлди. Унда Ўзбекистонда содир этилган террорчилик ҳаракати нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақасида вазиятни издан чиқаришга қаратилганлиги қайд этилди. Унда террорчиларнинг базиларини йўқотиш, террорчиликни молиялаштирадиган марказларга қарши кескин кураш олиб бориш зарурлиги таъкидланди.

Айниқса, 2001 йил 11 сентябрь куни халқаро террористик кучларнинг Нью-Йорк ва Вашингтон шаҳарларида содир этган мудҳиш ҳужумларидан кейин дунёдаги етакчи давлатлар АҚШ бошчилигида коалиция тузиб, бу ёвуз душманга қарши аёвсиз курашга киришдилар. Ўзбекистон ҳукумати биринчилардан бўлиб АҚШда содир этилган террорчилик ҳаракатларини қоралади ва АҚШ бошчилигида ташкил этилган аксилтеррор коалицияни қўллаб-қувватлади. Шу мақсадда Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, терроризм балосини таг-томири билан кўпориб ташлаш ишига хисса қўшиш мақсадида ўз аэродромларидан бирини мазкур коалиция қуролли кучлари ихтиёрига берди. Афғонистондаги аксилтеррор операциясининг биринчи босқичида “Толибон” ва “Ал-Қоида” кучларига зарба берилди. Аксилтеррор операциясининг кейинги босқичи шубҳа остига олинган террорчиларни қидиришдан иборат бўлди. Бунда экстремизм, терроризмга қарши кураш учун халқаро саммитлар ва бошқа халқаро келишувларда иштирок этган давлатлар бир-бирига ўзаро ёрдам қўлини чўзмоқда ва у ўз натижаларини бермоқда.

Халқаро терроризмга қарши курашда Ўзбекистон ўзининг сўзида қатъий турган давлатлардан ҳисобланганлигини ҳаёт тўла тасдиқлади. Терроризмнинг кучайиб бориши, камикадзе гуруҳларининг тайёрланиши энг қудратли ҳарбий-саноат мажмуаларига эга давлатларнинг ҳам хавфсизлигига раҳна сола бошлаган эди. Терроризмга қарши курашда барча давлатлар яқдил фикр билдирган бўлсалар-да амалий фаолиятда айрим давлатлар қатъиятсизлик қилган бўлсалар, айримлари очикдан-очик ўзининг сиёсий манфаатлари йўлидаги тор мақсадларни кўзладилар. Ҳолбуки Афғонистонда олиб борилаётган уруш аслида, терроризмни таг-томири билан кўпориб ташлашга қаратилган узок муддатли комплекс сиёсатнинг ажралмас қисми ҳисобланади.



Терроризмни бартараф этиш фақат куч ишлитиш йўли билангина эмас, шунингдек бошқа омилларни ҳам эътиборга олишни назарда тутади.

Булар:

1. Тараққийпарвар инсониятни муштарак манфаатлар асосида жипслаштириш.
2. Умуминсоний манфаатлар устиворлигини тан олиш.
3. Илмий билимларга асосланиш.
4. Жамият тараққиёт йўлини аниқ белгилаб олиш.

14.4. Диний ақидапарастлик ва халқаро терроризмнинг Ўзбекистонга таҳдиди.

Ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида: ўқиш, меҳнат қилиш, илмий, сиёсий фаолият, диний эътиқод ва бошқаларда одамлар маълум қоидаларга таяниб ҳаракат қиладилар. Қоида воқеаликдаги бирор ҳодисани ўрганиш, билиш учун йироқ бўлса, ақида ана шу йўриқнинг мутлақлаштирилишидир. Фақат чекланган соҳада қўл келиши мумкин бўлган қоидалар қўлланилиши мумкин бўлган соҳани сунъий тарзда кенгайтириш эса бир қатор сабаблар туфайли амалга оширилди.

Фан тарихи турли даврларда мавжуд эҳтиёж ва имкониятлар таъсирида фаннинг у ёки бу соҳаси тез ривожланганлигидан гувоҳлик беради. Масалан, XVII-XVIII асрларда механика, XIX аср бошларида биология, XIX аср охирида физика фанлари тез ривожланган. Бу фанлар қўлга киритган ютуқлардан ортқча илҳомланиб келган баъзи олимлар шу ютуқларни фан ва ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларига тадбиқ қилмоқчи бўлдилар. Масалан, механикада қўлга киритилган улкан ютуқлар баъзи олимларда оламдаги барча ҳодисаларни, жумладан биологик ва ижтимоий ҳодисаларни ҳам механика фани ютуқлари асосида изоҳлаш мумкин, деган хулосага олиб келди. Хаттоки, одамни ҳам улар бир механизм сифатида тавсифлай бошладилар.

Биологик соҳасида қўлга киритилган ютуқлар, хусусан, Дарвин таълимотининг кашф этилиши, баъзи олимларда биологик қонунлари универсал хусусиятга эга, деган тасаввурни келтириб чиқарди. Улар ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини ҳам эволюция назарияси ёрдамида изоҳлаш мумкин, дея бошладилар. Бу эса моҳият-эътибори билан мутлақо нотўғри назария эди.

Шўролар даврида ижтимоий фанлар соҳасида Маркс ва Ленин таълимотининг якка ҳукмрон бўлиши ҳам фалсафий ақидапарастликнинг ашаддий кўринишларидан биридир. Бу даврда Маркс ва Ленин таълимотига озроқ бўлса ҳам мос келмайдиган назарияларнинг барчаси ғайри илмий бўлиб ҳисобланган. Оқибатда, алоҳида назарияларгина эмас, фаннинг бутун бошлиқ йўналишлари ҳам инкор этиб келинди. Социология, ижтимоий психология, кибернетика, генетика сингари замонавий фан соҳалари узоқ вақт тан олинмади. Бу эса шўроларнинг нафақат назарий соҳаларига, балки амалиёт ва иқтисодиётга ҳам салбий таъсирини кўрсатди.

Диний ақидапарастлик эса у ёки бу диндаги муайян қоидаларнигина эътироф этиб, бошқаларини инкор қилиш, уларни ўринли ва ўринсиз қўллашга интилишдир. Барча динларда ҳам ақидапарастлар турли мазҳаб ва йўналишлар орасида танглик, низолар ва тўқнашувлар келиб чиқишига сабаб бўлишган.

Ислом динида ҳам турли оқим ва йўналишлар доирасида ақидапараст гуруҳлар бўлган. Шу билан бирга, баъзи диний оқимлар ҳам бўлганки, уларнинг таъминоти тўлалигича ақидапарастлик негизига қурилган. Баъзи оқимларда эса ақидапарастлик устунлик хусусиятига эга. Ана шундай оқимлардан бири ваҳҳобийликдир.

Исломдаги ақидапарастлик бу дин оламга ёйила бошлаган дастлабки асрлардаёқ пайдо бўла бошлаган эди. Аммо бу оқим бир неча асрдан кейин уюшган бир куч сифатида майдонга чиқди. XVIII асрдан бошлаб эса ақидапарастликнинг кўринишларидан бўлган ваҳҳобийлик оқими тарқала бошлади. XX асрнинг сўнгги чорагида бу оқим бир қатор мамлакатларда, жумладан, МДХга аъзо давлатларда ҳам барқарорликка таҳдид сола бошлади.

Нима учун ақидапарастлар маънавиятга қарши бу қадар қаттиқ кураш олиб борадилар? Маълумки маънавий қашшоқлик иқтисодий-қашшоқликдан ҳам дахшатлироқдир. Миясидан дунёвий, умуминсоний қадриятлар мутлақо чиқариб ташланган, уларнинг ўрнига фақат ақидапарастлик ғоялари қўйилган инсонлар маъновий лямперларга айланадилар. Маънавий жихатдан қашшоқ бу одамлар эса жамиятда нотинчлик, беқарорлик келтириб чиқарадилар. Ҳар қандай жамиятда экстремистик ва террористик кучлар, асосан қашшоқларга таянади. Марксизм жамиятни турли силкинишларга гирифтор қилувчи йўқсил

ва қашшоқларни ижтимоий тараққиётнинг асосий омили деб эълон қилди. Бу табиий хол эди. Жамиятни силкинишлар, инқилоблар орқали ўзгартиришни мақсад қилиб қўйган таълимот учун йўқсил ва қашшоқлардан бошқа таянч бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун совет тузуми даврида озгина ери ва бир дона хўкизи бор деҳқонлар ҳам социализмга душман унсурлар сифатида қулоқ қилинган эдилар.

Ақидапарастлар одамларни маънавий қашшоқ ижрочилар – зомбиларга айлантirmoқчи эканлар, жамиятдаги соғлом кучлар маънавий қашшоқлар моддий қашшоқлардан хавфли эканини унутмасликлари керак.

Таажжубланарлиси ва ачинарлиси шундаки, ўзбеклар сингари улкан маънавий меросга эга бўлган халқ орасидан маънавий люмперлар чиқиб қолмоқда, буни фақат соғлом кучлар хушёрликни йўқотгани, беғамликка берилгани ва ақидапарастлар хуружига қарши уюшиб жавоб бермагани билан изохлаш мумкин.

Кейинги йилларда диний ақидапарастликнинг жонланиши, чет элдаги ақидапараст экстремистик кучларнинг мамлакатимизга таъсир ўтказишга урунишлари аҳолининг муайян қатламлари, айниқса ёшларни маънавий жиҳатдан ҳам муҳофаза қилиш зарурлигини кўрсатмоқда. Маънавий муҳофазанинг моддий муҳофазадан фарқи шундаки, ёшлар онгида бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик, уни ҳаётбахш маънавий меросимиз, миллий ва умуминсоний қадриятлар билан курашиш лозимлиги ҳақидаги маъно-иборалари негизида худди шу мазмун ётади.

Хулоса қилиб айтганда, фақатгина чинакам маърифатли инсон одам қадрини, миллат қадриятларини, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун фидоийлик билан курашиши мумкин. Фақат мана шундай баркамол инсонгина ноилмий, гоёлардан холи бўлиши мумкин.

Ха, Сукрот юз марта ҳақ: “Дунёдаги барча адашишларнинг асосий сабаби илмсизликдир”.

Илмсизлик – мутийликка, мутийлик эса жаҳолатга олиб боради.

Қисқача хулоса.

Террорчилик ҳаракатлари оқибатида айнан олинган у ёки бу давлатга етказилган маънавий ва моддий талофатлар саноғининг адоғига етиб бўлмайди. Моддий талофатлар-ку майли, вақти-соати келиб, уларнинг ўрни қопланар, вайрон этилган иморатлар жойида, эҳтимол, уларданда гўзалроқ ва маҳобатлироқ бинолар қад кўтарар. Бироқ етказилган маънавий зиённинг излари халқлар хотирасида абадул абад муҳрланиб қолиши аниқ. Террорчилик деган иллат таг-томири билан суғуриб ташланмас экан, бу аччиқ қисмат оламдаги ҳар бир инсон ёки халқнинг бошига тушиши мумкинлигини бутун жаҳон аҳли теран англамоқда. Шунинг учун ҳам халқаро ҳамжамият террорчиларнинг базаларини ер билан яксон қилиб, қулини кўкка совиришга, бошқача айтганда, бутун дунёга хавф солиб турган жаҳолат бошоғини батамон қуриштишга қатъий азм қилди. Тарихнинг гувоҳлик беришига кўпчилик томонидан бир тан бўлиб амалга оширилган тадбир, шубҳасиз, ҳақ ишдир ва табиийдирки, ҳар қандай қийинчиликлару тўсиқларни енгиб ўтиб, пировард натижада, албатта зафар билан якунланади.

Таянч сўзлар.

Терроризм, фанатизм, жаҳолат, наркобизнес, фундаментализм, экстремизм, ақидапарастлик, халқаро терроризм, терроризмга қарши курашувчи халқаро марказ, аксилтеррор.

Назорат ва муҳокама учун саволлар.

1. Терроризм нима ва у қандай маънони англатади?
2. Терроризмнинг бугунги моҳиятини ташкил этувчи тамойиллар қайсилар?
3. Терроризм бугунги кунда пайдо бўлган ходисами ёки ўтмишда ҳам бўлганми?
4. Террордан қўзланган асосий мақсад нима?
5. Диний фундаментализм нима, унинг асл мақсади қандай?
6. Диний фундаментализм ва халқаро терроризм ўртасида қандай ўхшашлик бор?
7. Террорчи ким? Уни кимнингдир ёвуз ниятини бажарадиган ижрочи кимса деса бўладими?
8. Наркобизнес террорчилар молиявий таъминотининг манбаи бўла оладими?
9. Терроризмга барҳам беришнинг йўллари, воситалари, усуллари қандай?
10. Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов Терроризмга қарши курашувчи халқаро марказ тузиш таклифининг аҳамияти нимада?

Адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. “Ўзбекистон”, 2009. 30-35 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. “Ўзбекистон”, 1997, 33-79 б.
3. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13-Т. 2005, 433 б.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т. “Маънавият”. 2008, 128-159 б.
5. Алиев Б. Хошимов Т. ва бошқалар. Политология. Ўқув қўлланма. Т. ТДИУ, 2006, 258-274 б.
6. Авторлар жамоаси. Политология. Дарслик. М.ИНФРА. М. 2007, 287-301 б.
7. Авторлар жамоаси. Политология Дарслик. М. Проспект. 2008. 457-471 б.
8. Х.Т.Одилқориев, Д.Х.Раззақов. Сиёсатшунослик. Т. “Ўқитувчи” нашриёти, 2008, 286-298 б.

15-МАВЗУ: МИНТАҚАВИЙ МОЖАРОЛАР ВА СИЁСИЙ ЕЧИМЛАР.

15.1. Минтақавий можароларда социал, диний, этник муаммолар, улар ўртасидаги зиддиятлар.

Инсоният цивилизациясининг ривожланиш тарихи, айниқса, ҳар жиҳатдан бир-бирига боғлиқ бўлган ҳозирги дунё воқеалиги шундан далолат берадики, алоҳида олинган бир давлатдаги ҳеч бир можаро узоқ вақт давомида миллий чегаралар доирасида қолиб кетмайди. Бир қанча сабабларга кўра бундай можаро назорат қилиб бўлмайдиган даражада ёйилиб кетиши муқаррар. Бу эса эртами-кечми қўшни давлатлар олдига барча салбий оқибатлари билан бир қаторда муаммоларни кўндаланг қўяди. Ҳатто минтақадаги вазиятни беқарорлаштириш даражасига бориб етади. Шу нуқтаи назардан қараганда, можаронинг яширин ва ошкора тарзда кенгайиш тангликни янада чуқурлаштиради. Чунки танглик чиққан ҳудудда ўз манфаатларини таъминлашга интиладиган ташқи кучлар ҳамма вақт шай туради.

Хўш минтақавий можароларни келтириб чиқарадиган социал, диний, этник муаммолар қайсилар?

1. Бир тизимдан бошқа тизимга ўтган ёш мамлакатларда мавжуд бўладиган ижтимоий муаммолар: ўтиш давридаги ислохотларнинг қийинчиликлари, аҳолининг объектив табақалашув жараёни ва мулкдорлик белгиси бўйича табиий тафовутлар бўлса.

2. Минтақадаги давлатларнинг мустақиллигини қарор топтириш ва мустаҳкамлаш даврида ислом омили ва унинг хилма-хил кўринишлари фаоллашуви, айниқса, дин шу жумладан ислом дини асосларига қарама-қарши диний экстремизм ва фундаментализм каби кескин ҳодиса – жиддий можароларни, зиддиятларни келтириб чиқариб, барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид солмоқда.

3. Этник ва миллатлараро муносабатлар полиэтник давлатлар хавфсизлигининг муҳим омили эканлиги.

Сайёрамизда 1600 дан ортиқ этник гуруҳ яшайди. Аммо уларнинг кўпчилиги ўз миллий давлатчилигига эга эмас. Дунё сиёсий харитасида 200 дан ортиқ давлатлар бўлиб, улар икки турга: Полиэтник (кўп элатли) ва моноэтник (бир элатли) давлатларга бўлинади. Ҳозирги замонда ҳал қилиниши мушкул муаммолардан бири шу масалага, этник ўзлигини англашнинг ўсиб боришига бориб тақалади. Дунёда яшаётган этносларнинг кўпчилиги ўз миллий давлатчилигига эга эмас.

Полиэтник мамлакатларда ўз давлатига ном берган асосий миллат билан бу мамлакатларда яшовчи этник озчилик ўртасидаги ўзаро муносабатлар яъни сиёсий барқарорлик ва миллий хавфсизлик кўпинча ана шу муносабатларда этник ва миллатлараро зиддиятлар бўлиб келган. Бу этник изчилик ўзлигини англаш, алоҳида давлат қуриш майиллари билан боғлиқ кечади.

Жаҳон тажрибаси полиэтник давлатлар хавфсизлигида ва тараққиётида миллатлараро муносабатларнинг ижобий ва салбий роль ўйнаганини кўрсатади. Айрим мамлакатларда кўп элатлилиқ омили демократик ўзгаришларни жадаллаштиришда, ижтимоий-иқтисодий тараққиётда, фуқаролик жамиятини қуришда ижобий восита бўлиб хизмат қилган. Айрим мамлакатларда эса кўп элатчилиқ омили мамлакатни орқага улоқтириб ташлаган, ижтимоий-сиёсий фалокатларни келтириб чиқарган. Кўп элатлилиқ хатто бутун-бутун мамлакатларнинг тинчлиги, барқарорлигига путур етказган.

Марказий Осиё минтақасида миллатлараро муносабатларга бўлаётган хавфнинг илдизлари ҳали тугатилган эмас.

- Ташқи миграция жараёнлари барқарорлашган бўлсада, у билан боғлиқ далиллар бузиб талқин қилинмоқда;

- Республика ҳукумати томонидан олиб борилаётган ишлар ноҳолис баҳоланган ҳолда, Оролбўйи муаммосига, миллий тус беришга ҳаракат қилинмоқда;

- Ўзбекистоннинг гўёки кўшни давлатларга ҳудудий даъволари мавжудлиги ҳақида гапирилмоқда;
- Миллий ғоя масаласи фақат ўзбекларнинг ғояси сифатида талқин этилмоқда;
- Гўёки, миллий тилларда ахборот майдонининг қисқариб бораётгани ҳақида гапирилмоқда.

“Ҳар қандай миллат, у нақадар кичик бўлмасин инсониятнинг бойлигидир ва ҳар қандай миллий бирликнинг, унинг тил, маданий ва бошқа хусусиятларининг йўқ бўлиб кетиши ер юзидаги маданий ва генетик фондининг, шахс имкониятларининг қашшоқлашувига олиб келади. Шу боис ҳар бир этник бирликни сақлаб қолиш унга мансуб одамларнинг энг муҳим мақсади бўлмоғи керак”¹.

15.2. Минтақавий муаммоларнинг кўринишлари. Фуқаролар уруши, сепаратизм, миллатлараро тўқнашув.

XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларида юз берган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий бахслар халқаро муносабатлар тизимида дунё геостратегик кучлар мувозанатининг ўзгаришига ва кўп қутбли кучлар марказининг пайдо бўлишига олиб келди. Геосиёсий мувозанатнинг ўзгариши халқаро муносабатларда янги тизимнинг шаклланиши жаҳонда юз бераётган глобализация ва интеграция жараёнлари билан бевосита боғлиқ. Замонавий халқаро муносабатлар тизимидаги глобаллашув ва интеграциялашув жараёнлари кундан-кунга миллий, минтақавий ва халқаро тус олиб бормоқда. Бу жараёнда эса минтақавий ва халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда уни ривожлантириш ҳар бир давлатнинг ташқи сиёсатида устивор масалага айланмоқда. Дунё харитасида қатор янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг умумжаҳон халқаро муносабатлар тизимига кириб келиши бу жараёнларни янада жонлантирди.

Бугунги кунда дунё сиёсатида Марказий Осиё минтақасига қизиқиш тобора кучаймоқда. Бундай вазият эса минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашни талаб этади. Минтақанинг геосиёсий ва геостратегик ҳолати дунёнинг қатор етакчи куч марказларининг эътибори ва манфаатларининг кучайишига сабаб бўлмоқда. Натижада дунёнинг кучли давлатлари ўртасида Марказий Осиё минтақасида ўз таъсир доираларини кенгайтириш борасидаги сиёсий ўйинлар юз бермоқда.

Президентимиз таъкидлаганларидек, - “ёрқин намоёни бўлган бундай ютуқлар айти пайтда катта куч-қувват ва молиявий имкониятларга эга бўлган айрим сиёсий кучларнинг ғаразли ниятларини амалга оширишда мафкуравий қурол сифатида ишлатилмоқда”.²

Ялпи хавфсизликка таҳдид солаётган минтақавий можароларнинг туркум омилларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Икчи омиллар: Мафкура ва маънавиятда юзага келган бўшлиқ ҳамда унинг турли диний ва экстремистик ғоялар билан тўлдирилиши; аҳолини кўпчилигини қамраб олган қашшоқлик ва ишсизлик сонининг кўпайиши; минтақадаги баъзи давлатларнинг ўзини-ўзи ҳимоя қила олмаслиги; коррупция, порахўрликнинг кучайиши; минтақадаги ҳудудий тоза ичимлик суви борасидаги муаммолар.

Ташқи омиллар: Марказий Осиё минтақасининг дунёдаги можароли нуқталарига яқин жойлашиши (Шимолий Кавказ, Афғонистон, Кашмир). Баъзи бир сиёсий кучлар томонидан минтақадаги вазиятнинг барқарорлашувига бўлган манфаат ва таъсир; 2001 йилнинг 11 сентябридан бошлаб, минтақа мамлакатлари Осиё давлатлари учун ҳам Европа давлатлари учун ҳам муҳим геосиёсий аҳамият касб этади.

Биз ҳозир фақат Марказий Осиё минтақасидаги туркум омиллар тўғрисида сўз юритдик, аммо минтақавий муаммо жой танламайди, чегара билмайди. Демак минтақавий

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. Т. “Ўзбекистон”, 1997. 73-74 б.

² И.А.Каримов. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини хис этишдир. Т. “Ўзбекистон”, 2008. 5 б.

можаролар дунёнинг ривожланган минтақаларига ҳам, ривожланаётган минтақаларига ҳам хос тус олади.


Дунёда янги тартибларни шакллантириш жараёни минтақалар даражасидаги ва минтақалар ичидаги эскидан сақланиб келаётган, зимдан тутаб ётган ҳар хил тарихий, этник, сиёсий, диний ва бошқа сабабларга эга бўлган можароларнинг кескинлашуви билан бирга юз беради.

Минтақавий можарони фақат тарафларнинг қуролли қарама-қаршилиги, шу жумладан тинч аҳоли ўртасида кўплаб қурбонларга олиб келадиган қарама-қаршилиги деб ҳисобламаслик керак. у муайян жамият ва қўшни давлатлар ҳаётига таъсир кўрсатадиган қарама-қаршиликлар ҳамдир.

Демак, минтақавий можаролар келиб чиқишининг икки сабаби мавжуд.



Бунда у уч асосий кўринишда яққол намоён бўлади.



Фуқаролик урушлари сиёсий жиҳатдан энг самарасиз ҳисобланади. Яхлит бир миллат маконда рўй беришига қарамасдан, фуқаровий урушнинг ижтимоий таянчлари бир миллатга мансуб турли-туман уруғ-аймоқлардан шаклланади. Шу туфайли у маълум сиёсий маконда вужудга келган бўлса, кейинчалик у қўшни ҳудудларга ёйилиши мумкин.

Миллатлараро харбий-сиёсий тўқнашувлар: Минтақавий можароларнинг бу шаклида энг кўп қон тўкилиши, миллионлаб қочоқларнинг ўз юртини тарк этишга сабаб бўлиши мумкин. Бунинг нохуш томони шундаки, воқеалар шунчалар чигаллашиб кетадики, унда қайси томон ютади ва аксинча ютқазади деган саволнинг ўзи инсонни ўйлантириб қўяди. Буни собиқ Югославия федератив давлатининг парчаланиши оқибатида юзага келган миллий муаммолар, аниқроғи Косово масаласида Серб ва Косово албанлари ўртасида юзага келган зиддият ва тўқнашувлар мисолида кузатиш мумкин.

Сепаратизм (фр. ва лот. алоҳида ажралиб чиқиш, алоҳида бўлиб олиш) – Ички Конституциявий меъёрлар ҳамда халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга зид ҳолда бир гуруҳ сиёсатлашган шахслар томонидан тарихан бир миллат истиқомат қилиб келган ҳудудни алоҳида давлат деб эълон қилишга олиб келиш (М: Эфиопия, Россия – “Ичкерия Республикаси”, Индонезия – “Шарқий тимор”, Ироқ – “Қурдистон Республикаси”, ва ҳ.к.)

Минтақавий можаролар устида сўз борар экан у минтақа халқларини қандай мусибатли оқибатларга олиб келиши мумкин: Минтақавий можаролар қандай кўринишда бўлмасин унинг оқибатлари ўта айянчилдир. Президент И.Каримов табири билан айтганда

“Уруш жамият ва давлатнинг ҳолатига ҳалокатли таъсир кўрсатади. Бу – урушнинг табиий йўлдоши бўлган иқтисодий вайронагарчиликдангина эмас, балки миллатнинг келажаги учун муҳим аҳамият касб этувчи бошқа соҳаларда ҳам намоён бўлади. Қандай бўлмасин, ватандошлар ўртасида нифоқни авж олдириш, ўз уйларини ташлаб кетишга мажбур бўлган қочоқлар оқими, жамиятда жиноятчи унсурларнинг кўпайиши, урушни пул топишнинг ягона манбаига айлантириш, миллатнинг генофондига путур етказиш, ёш авлодни ҳатто бошланғич таълим олиш имкониятидан ҳам маҳрум қилиш”¹га олиб келади.

БМТ маълумотномасида қайд этилишича ҳозирда дунёда 50 миллиондан ортиқ қочоқ бор. Бошқа мамлакатларда бошпана топган 13 млн. дан ортиқ киши рўйхатга олинган. Фуқаролар уруши туфайли 30 млн. одам ўз яшаб турган жойларини ташлаб, бошқа мамлакатларга қочоқ сифатида кетишга мажбур бўлган.

Минтақавий можароларнинг яна бир хавfli томони шундаки, улар бир мамлакат доирасидан чиқиб кетиши ва бошқа мамлакатларга ҳам ёйилиши мумкин.

Минтақадаги ҳар бир давлат этник жиҳатдан ранг-баранг бўлгани сабабли, ҳар қандай танглик кескинлашиб, кўшни мамлакатлар фуқаролари ўртасидаги тотувлик ва барқарорликка путур етказади. Айрим бузғунчи гуруҳларнинг зиддиятлар оловини ёқишга ва чегарадош давлатлар аҳолиси орасидаги кам сонли этник гуруҳлар миллий туйғуларини уйғотиш орқали уни кўшни мамлакатларга кўчирилишга уриниш катта ташвиш туғдиради.

Сепаратизм ягона, бир бутун давлатни иккига ажралиши туфайли кўплаб мураккаб иқтисодий, сиёсий, миллий, оилавий муаммоларни келтириб чиқаради, уни узоқ йиллар давомида бартараф этишга тўғри келади.

15.3. Минтақавий ва халқаро можароларнинг ечими ва меанизмида сиёсий йўлнинг афзаллиги.

Минтақавий можаролар ечимига куч ишлатишдан келиб чиқиш амалиётидан воз кечиш, унга сиёсий ёндашувнинг афзаллигини алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқ. Лекин, сиёсий ечим-ечимлар орасида энг мушкул бўлганлиги боис, бетиним вариантларни излаш, топилган вариантларни эса торозу палласига бирма-бир қўйиш орқали амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон нафақат чегарадош мамлакатлардаги, шунингдек дунёдаги ҳарбий-сиёсий можароларни тинч сиёсий йўл билан ҳал қилишга ва уларни олдини олишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатларни, амалий қадамларни қўллаб-қувватлабгина қолмай, бу борада амалий таклифларни илгари сурмоқда. Афғонистондаги террористлар ҳаракати нафақат Марказий Осиё давлатларига, балки бутун инсониятга хавф солаётганлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов томонидан маҳаллий учрашув ва халқаро нуфузли ташкилотлар минбарларидан кўп марта тақдорланди.

Жумладан, 1993 йилнинг 4 мартда Ўзбекистон раҳбари МДХ хорижий раҳбарлар халқаро уюшмаси аъзолари билан бўлиб ўтган матбуот анжуманида барчанинг диққат эътиборини Афғонистон ва Тожикистон фожиаларига, терроризм билан боғлиқ ўткир муаммоларга қаратди. “Навбатдаги ваҳшийликка қарши жамоатчилик фикрини вужудга келтиринг”, - деб даъват этди.

1993 йилнинг 28 сентябрида БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида БМТ нинг тинчликпарварлик фаолиятини, айниқса, можаролар чиқадиган жойларда тинчлик ўрнатиш фаолиятини янада кучайтиришга чақирди.

БМТ нинг 50 йиллиги муносабати билан Бош Ассамблеянинг 1995 йилнинг 24 октябридаги махсус тантанали мажлисида Президент И.Каримов нутқ сўзлаб, Афғонистоннинг ички ишларига ташқи кучларнинг аралашувини таъқиқлашни таклиф эди.

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. “Ўзбекистон”, 1997. 22-б.

1999 йилнинг 18 ноябрида ЕХХТ нинг Истанбул Саммитида Президентимиз нутқ сўзлаб, халқаро терроризмга қарши кураш марказини ташкил этиш масаласини кескин тарзда кун тартибига қўйди.

2000 йил 8 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг “Минг йиллик саммити”да Ўзбекистон раҳбари жаҳон ҳамжамиятини XXI аср вабосига қарши ҳамкорлик курашига чакиради.

2001 йил 11 сентябрь куни АҚШ нинг Нью Йорк ва Вашингтон шаҳарларида террорчиларнинг навбатдаги ғаразли мақсадлари амалга оширилди. Натижада мисли кўрилмаган талофат кўрилди. АҚШ ҳукумати жаҳон аҳолисини терроризмга қарши курашга чақирди. Ўзбекистон халқаро терроризмга қарши курашга тайёр эканлигини маълум қилди.

2008 йил НАТО/Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши (СЕАП) нинг Бухарестда бўлиб ўтган саммитида Афғонистондаги вазиятни юмшатиш мақсадида НАТО иштирокида 6+2 мулоқот гуруҳини 6+3 гуруҳига айлантириш таклифи билан чиқди.

Ўзбекистоннинг можароларни сиёсий йўл билан бартараф этиш борасидаги ташаббуси можароларни олдини олиш ва кейинчалик уни бартараф этишнинг бирдан бир услуби сиёсий мулоқат ва музокара шакли эканлигини бугун ҳеч ким шубҳа остига ола олмайди.

15.4. Марказий Осиёнинг ягона геосиёсий макон эканлиги.

“Геосиёсат” тушунчаси ўзида (“гео” – “ер”, “сиёсат” эса – “давлат” ва “ижтимоий иш”) маъноларини англатади. “Геосиёсат” атамасида геосиёсий муддаолар, уларнинг кўринишлари, турли хил давлат ва халқларнинг манфаатлари тизими, унга бўлган ёндашув услублари, воситалари у ёки бу давлатнинг ҳудудий жойлашуви, салоҳиятига бўлган муносабатда ифодаланган мақсадлар ўз ифодасини топади.

“Геосиёсат” узоқ тарихга эга бўлсада, у тушунча сифатида XX асрнинг бошларида шаклланган. Бу атама Р.Челлен томонидан муомалага киритилган бўлиб, ҳозирги даврда давлатлар ва дунё мамлакатлари халқаро сиёсатида, фалсафада, сиёсий фанларда кенг қўлланилмоқда. Геосиёсат кўп қиррали тушунча сифатида турли манфаатларни ўзида мужассам этади. Ҳозирги даврда геосиёсий мақсадлар кўпроқ мафкуравий сиёсат билан ҳамохангликда намоён бўлаётганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Бунда мафкуравий таъсир кўрсатиш геосиёсатнинг энг таъсирчан воситаси сифатида намоён бўлмоқда. Яъни турли давлатларнинг мақсадлари халқнинг турли қатламлари, хусусан ёшлар онги ва қалбига мафкуравий таъсир кўрсатиш орқали, уларнинг фаолиятини ўз таъсирига, яъни манфаатларига йўналтирилган мафкуравий муҳитни яратишни кўзлаган ҳолда амалга ошишини аниқ билиш қийин ва мураккабдир. Ана шу сабабдан ҳам Президентимиз мафкуравий полигонлар ядро полигонларига қараганда хавфлироқ бўлиб қолганлигини алоҳида таъкидлаганлар.

Ядро полигонларини қаерда жойлашганини, унинг қувватини, қандай мақсадга йўналганлигини муайян даражада аниқ билиш мумкин. Аммо, ёвуз, ёт мафкуравий мақсадларни қаерда ва қандай йўллар билан ва қайси инсонлар қалбини эгаллаб олаётганлигини осонликча билиб бўлмайди. Бугун “икки қутбли мафкура” ўртасидаги курашга барҳам берилган бўлсада, аммо дунёда мафкуравий курашлар тўхтаб қолгани йўқ. Аксинча, жаҳон майдонларини мафкуравий бўлиб олишга урунишлар турли йўллар билан содир бўлмоқда. Масалан, Ўзбекистон мустақилликни кўлга киритганидан кейин мафкура соҳасида ҳаёт осонликча кечмади. Миллий истиқлол ғоясига зид бўлган ёт ва бегона ғоялар кириб келишга ва ёшларимиз онгини эгаллашга, уларни мамлакатимизда белгиланган улўф мақсадларни амалга оширишга қарама-қарши қўйишга урунишлар бўлганлигининг гувоҳимиз. Бундай ҳаракатларни улар ўзларини “дўст”, “миллатдош”, “ватандош”, “диндош” этиб кўрсатиш никоби билан амалга оширишга урунишдилар. Натижада, ҳақиқий қадриятларимизга зид бўлган турли хил оқимлар ёшларимиз онгини эгаллашга ҳаракат қилди.

Жаҳон геосиёсатида халқларни маънавий-мафкуравий жиҳатдан тобе этишга интилиш ва бугунги кунда дунёни шундай тарзда бўлиб олишга урунишлар давом этмоқда. Бунинг учун улар ҳозирги замон оммавий ахборот воситалари, уларнинг ютуқларидан, ҳамда турли хил марказлар, айти пайтда ўзаро ҳамкорликка йўналтирилган ижтимоий, маданий, иқтисодий воситалардан фойдаланиш орқали дунёнинг турли ҳудудларида соғлом мафкуравий муҳитни шакллантириш мақсадларини ҳам кўзламоқдалар.

Миллий истиқлол ғоясини чуқур эгаллаш орқалигина бундай мафкуравий майдонларда олиб борилаётган курашларнинг, моҳиятини тўғри тушуниш ва олдини олиш мумкин. Мафкуравий жараёнлар фикр, ғоя, мафкура, тизим сифатида инсон онгига йўналтирилганлиги, ўзига хос мақсадлари борлиги билан характерланади. Улар айрим инсонлар онгини эгаллаб олиш орқали ўзига хос таъсир кўрсатиш майдонини яратади. Бу майдон ичида турли халқлар, инсонлар фаолияти мужассамлашади.

Маърифий ривожланиш ва дунё халқлари ривожини шуни тақозо этадики, геосиёсат ҳам маълум бир мақсадларни кўзлар экан, у фақат инсоният орзу қилиб келган тинчлик ва барқарорликка, мамлакатлар ва халқлар равнақига, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик ғояларини ўзида мужассам этиб, ҳозирги геосиёсий мақсадларнинг бош мезонига айланиб бориши лозим. У носоғлом мафкура ва ғояларни бошқа халқлар онгига, қалбига сингдириб, мафкуравий жиҳатдан дунёни бўлиб олишга эмас, ўзаро манфаатли ҳамкорликка, дунёвий муаммоларни ўзаро ҳамжиҳатлик билан ҳал этишга хизмат қилиши керак. Шу маънода, геосиёсатга янгича ёндашув янги асрда янгича ёндашув, янги асрда янгича маъно ва аҳамият касб этади ва дунё тараққиётига хизмат қилади.

XX асрнинг охирида дунёда жаҳоншумул воқеалар рўй берди. Унинг сиёсий харитаси, жумладан Марказий Осиёнинг манзараси тубдан ўзгариб кетди. Ушбу вазиятнинг моҳияти қуйидагидан иборат:

Биринчидан, собиқ шўролар ҳукмронлиги шароитида коммунистик мафкура минтақа халқлари азалдан қон-қардош бўлишларига қарамасдан уларни зўрма-зўраки “бирлаштириб” турган эди. У минтақа халқлари онгига зўравонлик билан ягона “Ягона Ватан” ва совет халқи – янги тарихий бирлик деган сохта тушунчаларни сингдиришга зўр бериб уринар эди. Минтақа халқлари бундан қанчалик норози бўлмасин, ўзларининг тарихий ва маънавий яқинлигига интилмасин, аммо бу интилишларга нисбатан мафкуравий тайзиқ бениҳоя кучли эди.

Минтақадаги собиқ иттифокдош республикалар ўзларининг мустақиллигини қўлга киритиши билан бу мафкура барбод бўлди. Мустақиллигини қўлга киритган минтақа мамлакатларининг ҳар бири олдида ўзларининг ички ҳаёти ва истиқлолини мустаҳкамлаш, барқарорликни таъминлаш ва ўзлари учун мақбул улкан тараққиёт йўлини белгилаб олишдек жуда мураккаб вазифалар юзага келди. Бу жараённинг минтақа мамлакатларининг ўзаро муносабатларини уйғунлаштириб туришга хизмат қиладиган маънавий-мафкуравий омиллар шаклланишига таъсир ўтказиш табиийдир.

Иккинчидан, минтақадаги мамлакатлар ўз мустақиллигини қўлга киритган бўлишига қарамасдан, 1991 йилгача собиқ марказ хали ўз ҳукмронлигини қайтадан тиклашга мойил эди. Шунинг учун ҳам минтақа мамлакатларини бир-бирига қарама-қарши қўйиш, миллатлараро зиддиятларни келтириб чиқариш каби сиёсатни давом эттирди. Бу ўз навбатида, ўша даврда маълум даражада минтақа халқларининг ўзаро муносабатларига ҳам муайян таъсир кўрсатди.

Учинчидан, мустақилликни қўлга киритган минтақамиз мамлакатларини ўз таъсир доирасига ўтказиш учун яна бошқа бир қатор мамлакатлар ҳам ҳаракатни бошлаб юбордилар. Уларнинг кўпчилиги ташқаридан беғараз кўрсатаётгандай бўлиб кўринсаларда, аслида ҳар бир кўрсатаётган “ёрдамлари” эвазига минтақа ўз мавқеини мустаҳкамлашга ҳаракат қилдилар. Аслида бундай ҳаракатларнинг бўлиши табиий ҳолдек кўринади. Аммо, бу ҳаракатларда ҳам минтақа давлатлари ва халқларини бир-бирига қарама-қарши қўйишга интилишлар йўқ эмас. Демак, ана шу интилишлар ҳам минтақа мамлакатларининг

мустақиллик шароитида юзага келган муаммоларни ўзаро яқдиллик билан ҳал қилишга хизмат қиладиган омилнинг юзага келишига ўзининг таъсирини ўтказди.

Тўртинчидан, Минтақада юзага келган муаммоларни ҳал қилишга хизмат қилувчи янги маънавий-мафкуравий вазиятни юмшатиш эҳтиёжи ҳам ошиб борди. Президент Ислоҳ Каримов таъкидлагани каби: “СССР парчаланиб кетганидан кейин бизнинг иродамиз ёки интилишимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда Ўзбекистон амалда фронт яқинидаги давлатга айланиб қолди. Унинг ташқи чегараларида Афғонистон ва Тожикистонда сўнгги йилларда юз минглаб инсонлар ҳаётига зомин бўлган иккита танглик ўчоғи аланга олиб турибди”.

Ўзбекистоннинг Афғонистондаги фронт яқинидаги давлатга айланиб қолиши фақат мамлакатмиз учунгина эмас, балки бутун минтақадаги барча мамлакатлар учун ҳам катта хавф-хатарни вужудга келтирди.

Бешинчидан, Ўзбекистон ўзининг иқтисодий салоҳияти, хом-ашё ресурсларга бойлиги, ишчи кучи ва демократик имкониятлари билангина эмас, кўп жиҳатдан геополитик жойлашувига кўра ҳам, минтақада етакчи ўринда турганлиги билан ҳам, ажралиб туради. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонга нисбатан бўладиган ҳар қандай хавф-хатар, албатта, бутун минтақага таъсир қиладди. Шу маънода ҳам турли сиёсий кучлар ва ҳаракатлар Афғонистондаги уруш оловини кучайтириш ва минтақадаги вазиятни мураккаблаштириш ҳамда минтақа давлатларини унга жалб қилишнинг турли йўллари ва услубларини ишга солишга уруниб келдилар. Вазият шу даражада мураккаблашади, кўшни мамлакатларни бир-бирининг ички ишларига “аралашувида” айблаб пировард натижада қардош халқлар ўртасидаги азалий дўстлик хавф остида қолди.

Марказий Осиё минтақасидаги мафкуравий жараёнлар тизимида Афғонистонда давом этаётган фуқаролар уруши ҳам алоҳида ўрин эгаллаб турибди. “Йигирма йилдан буён давом этиб келаётган ҳарбий можаролар оқибатида умуминсоний цивилизациядан узилиб қолган Афғонистон ҳудуди халқаро террорчилик ва диний экстремизм, қурол-яроқ ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдоси ўчоғи бўлиб қолди. Бу эса турли зарарли ғояларнинг террорчилик, таҳдид ва таҳлил йўли билан бутун минтақага ёйилиш хавфини туғдирмоқда”.¹

Шунинг учун ҳам Президентимиз бу хавфнинг олдини олиш зарурлигига жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини қаратмоқда.

2000 йилнинг сентябр ойида ҳам БМТ Бош Ассамблеяси “Минг йиллик саммити”да Президентимиз минтақавий хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган халқаро терроризм ва наркобизнесга қарши фаол курашиш, Марказий Осиё минтақасидаги барқарор хавфсизликни таъминлаш ва жаҳон хавфсизлик тизимини такомиллаштириш муаммоларига эътибор қаратди. Бу масалаларни ўта мураккаб тус олаётганлигини асослаб берди.

Мустақил тараққиёт, эркин ва фаровон ҳаётга бўлган ишонч — эътиқодни мустаҳкамлаш йўлида хавф-хатарларнинг олдини олиш учун муттасил огоҳ бўлиб яшаш, биргаликда кураш олиб бориш минтақа халқлари учун ҳаётий заруриятга айланиб қолди. Минтақа халқлари учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган бу жараёни тўғри англаб етган Марказий Осиё мамлакатларининг раҳбарлари фақат 2000 йилнинг ўзида бир неча бор учрашдилар ва хавфсизликни таъминлаш ҳамда ўзаро иқтисодий интеграциялашувнинг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар. Жумладан, 2000 йил апрель ойида Тошкентда, 2001 йил август ойида Бишкекда ва октябр ойида яна Тошкентда, 2001 йил январида Остонада бўлиб ўтган учрашувларда минтақада хавфсизликни таъминлашга хизмат қилувчи муҳим қарорлар қабул қилинди. Хусусан, октябр ойида Тошкентда бўлиб ўтган учрашувда “Марказий Осиёда наркотикларнинг ноқонуний савдоси, уюшган жиноятчилик ва террорчиликка қарши кураш бўйича ҳамкорликнинг устувор йўналишлари” тўғрисидаги ўта муҳим ҳужжат шулар жумласидандир.

2004 йунида Тошкентда очилган ШХТнинг аксилтеррор тузилмаси терроризм диний экстремизм ва сепаратизм каби таҳдидларга қарши курашда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. “Ўзбекистон”, 1997, 21 б.

Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарларининг бу учрашувлари умумий хавфсизликни таъминлаш, минтақа халқларининг ўзаро дўстлигини мустаҳкамлаш ва мавжуд иқтисодий муаммоларни ҳал этиш имконини беради. Шу маънода Ўзбекистон Президенти томонидан олға сурилган “Туркистон – умумий уйимиз” ғоясининг амалай аҳамиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Шунинг билан бирга Президентимиз таъкидлаганидек, “Марказий Осиё мамлакатларининг тинчлиги ва барқарорлигига, мазкур минтақада яшовчи халқларнинг хавфсизлигига дахл қилувчи тажовузларнинг олдини олиш ва бартараф этиш борасидаги ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш зарур. Уларнинг бу йўлдаги саъй-ҳаракатлари, имкониятларини мувофиқлаштириш ва бирлаштириш айниқса муҳимдир”.¹

Ўзбекистон илгари сураётган Афғонистондаги ҳарбий можароларни сиёсий йўл билан ҳал этишга қаратилган “олти кўшув икки” гуруҳи фаолиятини йўлга қўйиш, террорчиликка қарши халқаро кураш марказини ташкил қилиш борасидаги ташаббуслар, минтақа мамлакатлари ўртасидаги интеграция жараёнларини кучайтириш юзасидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Президенти НАТО (Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши (СЕАП)нинг Бухарестда бўлиб ўтган саммитида Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича таклифлари яъни 6+1 мулоқат гуруҳини Афғонистондаги мавжуд вазиятни ҳисобга олган ҳолда ва НАТО нинг иштирок этишини назарда тутиб, 6+3 гуруҳига айлантириш ташаббусини муҳокама этиш мақсадида 2008 йил 29 апрелда Тошкентда (20 дан ортиқ) давлатлар вакиллари иштирокида семинар ўтказилди.

Умуман, Афғонистонда давом этаётган ҳарбий можароларни сиёсий йўл билан ҳал қилиш ғояси Марказий Осиё минтақасида хавфсизликни таъминлашга қаратилган дастлабки қадам бўлиб қолди. Албатта ана шу ижобий ҳаракатни давом эттириш, унга манфаатдор бўлган давлатларни фаоллаштириш бугунги куннинг энг долзарб вазифаси бўлиб қолмоқда.

Хуллас, бугунги кунда минтақада хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этиш минтақадаги барча мамлакатларнинг истиқболини ҳам белгилаб беради. Шунинг билан бирга бу минтақада яшаётган халқларнинг азалий қон-қариндошлиги, ҳамкорлиги ва маънавий-руҳий яқинлигини мустаҳкамлашда ўта муҳим амалий аҳамиятга молик масаладир.

Қисқача хулосалар.

Минтақавий можаро тинчлик, барқарорликка раҳна солувчи хавф-хатардир. Минтақавий можаро бир-бирига чегарадош бир нечта мамлакатларнинг у ёки бу нисидида ҳал қилинмаган ходисадир. Бу муаммо маҳаллий характерни касб этмай балки халқаро даражадаги ходисадир.

Минтақавий можароларни бартараф этишнинг энг қулай ва самарали йўли сиёсий яъни музокаралар билан ечишга боғлиқдир.

Энг афзали можароли вазиятнинг бевосита таҳдидга айланишидан илгари унинг олдини олиш, узоқ муддатга тинчлантиришга доир тегишли чораларнинг ишлаб чиқиши ва амалга оширилиши билан боғлиқ.

Минтақавий можароларни ҳал этишда жаҳон ҳамжамияти, халқаро ташкилотлар биргаликда куч-ғайратларни сарифлашлари керак.

Таянч сўзлар.

Минтақа, минтақавий можаро, минтақавий можаролар турлари, шакллари, йўналишлари, кўринишлари, фуқаролик уруши, миллатлараро ҳарбий сиёсий тўқнашувлар, Сепаратизм, Минтақавий можароларнинг омиллари, минтақавий можаролар келиб чиқиши сабаблари, минтақавий муаммоларни бартараф этиш йўллари.

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. “Ўзбекистон”, 1997, 26 б.

Назорат ва муҳокама учун саволлар.

1. Минтақавий можаролар қандай ҳолатларда юзага келади деб ўйлайсиз? Унинг сабаблари қайсилар!
2. Минтақавий можаролар ривожланаётган мамлакатларда содир бўладими ёки ривожланган мамлакатларга ҳам хосми?
3. Минтақавий можароларни бартараф этишнинг энг мақбул йўли қайси?
4. Минтақавий можаролар қандай кўринишларда намоён бўлиши мумкин?
5. Минтақавий муаммоларни бартараф этишда халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг роли қандай?
6. Марказий Осиё ягона геосиёсий макон эканлигини қандай изоҳлаш мумкин?
7. И.Каримовнинг минтақавий хавфсизликни таъминлаш ҳақидаги қарашлари.
8. И.Каримовнинг ушбу мавзуга бағишланган қайси асарини биласиз?
9. Бугунги кунда геополитик мақсадлар қандай шаклларда намоён бўлмоқда?
10. И.Каримовнинг Афғонистонга тегишли 6+2 гуруҳини 6+3 гуруҳига айлантириш ташаббуси.

Адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. “Ўзбекистон”, 2009, 33-34 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. “Ўзбекистон”, 1997, 3-32 б.
3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Т. “Ўзбекистон”, 2007, 6-8 б.
4. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т. “Ўзбекистон”. 2008, 5-6 б.
5. Алиев Б. Хошимов Т. ва бошқалар. Политология. Ўқув қўлланма. Т. ТДИУ, 2006, 98-113 б.
6. Алиев Б. Бобоев А. Политология фани бўйича таълим технологияси. Т. ТДИУ, 2006, 161-171 б.
7. Авторлар жамоаси. Политология. Проспект. М. 2008, 513-522 б.
8. Х.Т.Одилқориев. Д.Х.Раззаков. Сиёсатшунослик. “Ўқитувчи” нашриёти. Т. 2008, 170-186 б.

16-МАВЗУ: ХАЛҚАРО ХАВФСИЗЛИК: БАРҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ.

16.1. Халқаро хавфсизлик, халқаро барқарорлик ва халқаро тараққиёт, уларнинг узвий боғлиқлиги.

Инсоният XXI асрга қадам қўйди. Бу аср ўтган асрлардан тубдан фарқ қилади.

Агар унинг ижобий томонига назар ташласак қуйидагиларда кўрасиз:

а) Батамом янги давлатлар жаҳон сиёсат майдонига кириб келди, ер юзи халқларининг яшаш тарзи, услуби ва социал мўлжалларида янгиланиш содир бўлди.

б) Дунёвий демократик тартибот инсониятнинг кундалик амалий фаолиятига айланиб бормоқда.

в) Давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда умумбашарий кадриятлар устиворлиги, халқаро майдонда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, можароларни тинч йўл билан ҳал қилиш соҳасида биргаликдаги ҳамкорлик асосий тамойилига айланиб бормоқда.

г) Халқаро муносабатларни тартибга солувчи механизм яратилди.

д) Халқаро хавфсизликнинг кенг қамровли тизими (харбий, сиёсат, иқтисодий, гуманитар соҳаларда) амал қилди.

е) Технологик революцияга боғлиқ ҳолда ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланишида қудратли сакраш юз берди.

ж) Ҳозирги дунёнинг бир бутунлиги жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Инсоният ўзини жаҳон ҳамжамиятининг ягона бўғини эканлигини англаб етмоқда.

Унинг иккинчи томони шундаки, тоталитар тузум емирилгандан кейин дунёнинг қутбларга бўлиниши барҳам топди. “Совуқ уруш” хавфи орқага чекинди. Лекин дунё шу туфайли хавфсизроқ, барқарорроқ бўлиб қолмади. “Мамлакатлар, халқлар ўртасида, бир мамлакат ичида эса айрим ижтимоий гуруҳлар ўртасида иқтисодий ва ижтимоий табақаланиш кучайиб бораётганлиги – буларнинг ҳаммаси дунё хали ҳам аввалгидек мўрт бўлиб турганлигидан далолат беради”.¹

Хавфсизликка таҳдид солаётган муаммолар қайсилар деган савол туғилади.

- Ялпи хавфсизликка асосий таҳдидни этник, минтақавий, маҳаллий можаролар ва давлат ичидаги жангари сепаратизм;

- Терроризм ва зўравонлик, наркобизнес ва қурол-яроғ билан ноқонуний савдо қилиш, инсон ҳуқуқларини оммавий поймол этиш;

- Ядровий хавфсизлик ва экологик муаммолар;

- Минтақавий можаролар.

Улар халқаро хавфсизлик тизимини заифлаштириб қолмасдан, балки умумжаҳон барқарорлиги ва тараққиётга жиддий хавф солинмоқда.

Халқаро хавфсизлик тизимига таъсир этувчи омиллар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардир:

Тизимни бузувчи субъектив омиллар: Ўз миллий манфаатларини бошқаларнинг миллий манфаатларига қарши қўйиш, ўзгаларни менсимаслик, гегемонизм, империявий тафаккур. Ўз социал тизимини барчадан устун ҳисоблаб, бошқаларни эса уни қабул қилишга мажбурлаш сингари жараёнлар бўлса, иккинчиси, тизим бузар объектив омиллар: эскидан инсониятга мерос қолиб, бугунги кунда янада дахшатлироқ тус олган дунёнинг моддий, харбий, сиёсий салоҳиятига кўра қутбларга ажралиш амалиёти, диний, миллий, этник ва цивилизацияли зиддиятлар ва ядровий васвасадир.

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. “Ўзбекистон”, 1997, 6-б.

Юқорида санаб ўтилган таҳдидлар, гарчи турли минтақаларда турлича куч билан намоён бўлсада, инсониятда бир хил ташвиш туғдиради. Чунки бу муаммоларнинг кўпчилигини ялпи тамойиллар ва улкан воқеа-ҳодисалар келтириб чиқаради. Шу сабабли ушбу муаммоларни яқка тарзда эмас, халқаро ҳамкорлик доирасида хал этиш мумкин.

“Кўпинча улар кутилмаганда рўй бермоқда. Жуда катта қурбонлар кулфатларга сабаб бўлмоқда. Энг фожиалиси – инсонлар қурбон бўлмоқда. Беқарор, адоватли вазият вужудга келмоқда. Ижтимоий ривожланиш ва тараққиёт жараёнлари секинлашмоқда. Бу эса аҳолида эртанги кунга ишончсизлик, ўз ҳаётидан, қариндош-уруғлари ва яқин кишиларининг ҳаётида хавотир хиссини уйғотмоқда”.¹

Демак хавфсизлик, барқарорлик ва тараққиёт деган ана шу оддий сўзлар замирида чуқур маъно-мазмун бор экан.

Ҳозирги кунда умумий хавфсизликни таъмин этмай туриб давлатлар ўз хавфсизлиги ва барқарор ривожланишига эриша олмайди.

Хавфсизлик – узлуксиз ҳолатдир, ҳадсиз – ҳудудсиздир. Хавфсизлик таъминланган жойда барқарорлик бўлади, демак тараққиёт учун кенг уфқлар очилади.

Барқарорлик – тинчлик, осойишталик ва ижобий меҳнат муҳити қатъий, узил-кесил ҳамда мустаҳкам ўрнатилган муқим шароит. Барқарорлик ҳар қандай бунёдкорлик фаолиятининг замини ва зарурий шартидир. Инсониятнинг шу кунларгача кечирган тарихи – барқарорлик ва беқарорликдан (яъни синфий, ҳарбий, қабилавий ва гуруҳий қарашлар, тўқнашувлар, шафқатсиз урушлар саҳифаларидан) таркиб топган. Беқарорлик натижасида барқарорлик даврида яратилган моддий ва маънавий бойликлар нобуд қилинган, жамият тараққиёти сустлашган.

Бундай жараёнлар кишилар онгига чуқур сингиб кетган бўлсада инсоният тарихи, хусусан, охириги беш аср давомида жамиятни илмли асосда бошқариш имкониятларини излаш ва топишни тақазо этди. Бу йўналишдаги қарашлар Томас Морнинг (1478-1535)ни “Утопия”, Шарл Луи Монтесакье (1689-1755)нинг “Римликлар буюклиги ва инкирози сабаблари тўғрисида”, Томас Жерфферсоннинг (1743-1826) “АҚШ мустақиллиги баёоти” асарларида ўз ифодасини топган.

Халқаро хавфсизликнинг янги тизими қандай, у қандай умумтизимий мақсад ва вазифаларни ўз ичига олади?

Булар: 1) Дунёдаги барча катта-кичик давлатлар бир-бирлари билан ҳамкорликда яшашга мажбур эканликлари; 2) Ҳар бир давлатнинг барқарорлиги ва ривожланишидан манфаатдор эканлиги; 3) Уларнинг ҳар бири халқаро тизимни мустаҳкамлашга хизмат қилиши йўлида бир-бирларининг олдида масъулдир; 4) Халқаро муносабатларда ўзаро ёрдам ва ҳамкорликнинг кенгайиб бориши; 5) Жаҳон цивилизациясининг келажаги учун масъулиятни хис этиш; 6) Халқаро хавфсизлик ғояларини оммавийлаштиришда ҳамкорликни кенгайтириш; 7) Жаҳон ҳўжалик ҳаёти ягона бирлик сифатида шаклланиб бораётган шароитда бирон-бир давлат ундан ажралган ҳолда равақ топа олмайди; 8) Жаҳон сиёсатининг тобора уйғунлашиб, мураккаблашиб, ягона умуминсоний манфаатлар ва қадриятлар йўналишига кириб бориши ва ҳ.к.

Дўстлик ва ҳамкорлик – хавфсизлик, барқарорлик ва собитқадам ривожланиш деган сўзлар рамзидир. Чунки, айнан ана шу тушунчалар ҳар бир мамлакатнинг, ҳар бир халқнинг тинчлиги, фаровонлиги, равақи учун мустаҳкам пойдевор яратади. Сайёрамизда жуғрофий-сиёсий мувозанатнинг ажралмас шarti бўлиб қолади. Бу ҳар бир инсонга келажакка дадил ва ишонч билан қараш ҳуқуқини беради.²

Хулоса шуки, халқаро хавфсизликни таъминлаш ва сақлашнинг бош мезони бу хавфсизликни умумбашарий тизимга айлантиришдан иборатдир.

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. Т. “Ўзбекистон”. 1997, 15 б.

² И.А.Каримов. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик, шартлари ва тараққиёт қафолатлари. Т. “Ўзбекистон”, 1997, 16 б.

Хавфсизликни ва барқарорлашган дунёни барпо этиш ҳозирда жаҳонда юз бераётган объектив иқтисодий ҳамда сиёсий ривожланиш билан чамбарчас боғлиқ. Тараққиётни тўхтатиш мумкин эмас, демак, гоҳо бир мамлакатда, гоҳо иккинчи мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар бўлиши муқаррар. Дунёнинг бирон бир мамлакатадаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар, албатта ташқи сиёсий аҳамият касб этади. Чунки мамлакатлар бўшлиқда яшамайдилар. У қўшни давлатлар билан, дунё бозори билан турлича алоқалар орқали боғланган. Кўпинча харбий иттифоқларга аъзолар ёки ички хайрихоҳдирлар. Давлатлар кўпинча ўзларига ўхшаш ижтимоий тартиботга эга мамлакатларга нисбатан бирдам бўладилар. Шунинг учун ички тартибнинг ўзгаришига олиб келади.

Бу эса, ўз навбатида, маълум шароитларда ташқи сиёсат мувозанатининг бузилишига олиб келиши туфайли халқаро сиёсатда кескин вазиятлар юзага келиши мумкин. Икки система мавжуд бўлган яқин ўтмишида шундай ҳолатлар тез-тез бўлиб турган. Воқеаларга аралашуш юзага келган ихтилофларга кескинлик бағишлайди, унинг узоқ муддатли бўлишини таъминлаб бартараф этишни қийинлаштиради, айрим олинган мамлакатлардаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришларнинг халқаро кучлар жойлашувига барқарор бўлмаган таъсирини бартараф этишни куч ишлатиш йўли билан эмас, балки халқаро майдонда қабул қилинган ҳуқуқий нормалар, мажбуриятлар орқали хал этилиши мумкин.

Цивилизацияли муносабатларни бир мамлакат ички ишларга аралашмаслиги, курашувчи томонларни гиж-гижлатмаслиги, уларга моддий ва харбий ёрдам кўрсатишини, қуролли кучларни ташкил этишни қатъий ман этишини назарда тутди.

Қандайдир бир мамлакатдаги воқеаларнинг боришига баҳо беришда, зиддиятлар юзага келган тақдирда нима қилиш керак? Бундай муаммолар давлатлар ва халқаро ташкилотлар сай-ҳаракатлари орқали бартараф қилиниши керак.

Шубҳа йўқки, мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар қанчалик тартибга солинган бўлса, давлатлар ўртасидаги ўзаро ишонч самарали бўлса ихтилофларнинг олдини олиш шунчалар осон бўлади.

16.2. Халқаро хавфсизликни таъминлашда халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг роли.

Халқаро сиёсатнинг ажралмас таркибий қисми сифатида халқаро ва минтақавий ташкилотлар муҳим ўрин тутади. Улар халқаро сиёсатнинг йўналишларини белгилаб беришда, унинг амал қилиши ва давом этишида пировардида, умуминсоний мақсад-манфаатлар йўлида хизмат қилишда жуда муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро ташкилотларнинг ҳар бири халқаро сиёсатда ўзларининг фаолият мақсадлари йўналишларига қараб, ер юзи тараққиётидаги эгаллаб турган мавқеларига қараб, умуман халқаро сиёсий-амалий муносабатлар жараёнида ҳаракатларга киришадиган бошқа халқаро ташкилотлар тизимидаги мақомларига қараб аҳамият касб этадилар. Улар турли тарихий вақтда ва турли шарт-шароитларда вужудга келган ёки ташкил этилган бўлиб, ҳозирги кунда уларнинг умумий сони ҳамда фаолият самарадорликлари ортиб бораётганлигини алоҳида эътироф этиш зарур.

Халқаро муносабатлар тарихида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, уни мустаҳкамлаш ҳамда давлатлараро тинч-тотув ҳамкорликни ривожлантириш мақсадларида таъсис этилган суверен давлатларнинг ихтиёрий уюшмаси тарзидаги халқаро ташкилотдир.

БМТ Хавфсизлик Кенгашига АҚШ, Россия, Хитой, Англия, Франция доимий аъзолик мақомига эга, қолган ўн бир давлат навбат билан турли қитъа ва ҳудудлардан сайланиб туриладиган аъзолар сифатида кирадилар.

Хавфсизлик кенгаши ер юзида мустаҳкам тинчликни ўрнатиш, халқаро хавфсизликни барқарор этиш, инсоният ҳаётидан урушларни чиқариб ташлаш ва ҳар қандай қуролли

тўқнашувларнинг олдини олиш каби халқаро сиёсатнинг жуда муҳим муаммолари билан шуғулланади.

Хавфсизлик Кенгаши ер юзининг қайси бурчагида бўлмасин, тўқнашув ва низоларнинг олдини олиш чораларини кўради, уруш ва тинчлик муаммоларини муҳокама этиб, тегишли қарорлар чиқаради, уларни изчил хал қилади, фавқулотда ҳолатларни бартараф этишга ўз хиссасини қўшади. Унинг умуминсоний манфаатлар йўлидаги бундай олийжаноб фаолияти билан БМТнинг энг муҳим таркибий қисми халқаро сиёсатнинг тобора оқил, инсонпарвар, демократик руҳдаги тинчлик ва ҳамкорлик сиёсатига айланиб боришда улкан аҳамият касб этади.

Хавфсизлик Кенгаши ўтган 63 йил вақт давомида қанчадан-қанча жаҳон алангасига айланиб кетиши мумкин бўлган ҳудудий урушлар (Қурия уруши, Кариб инкирози, Кипр можароси, Ливан фуқаролар уруши, Ангола, Намибия, Мозамбик можаролари, Афғон уруши, Хиндистон-Покистон урушлари, Болкон уруши, Косово масаласи)ни дархол тўхтатиш, бемаъни қон тўкишларнинг олдини олиш, қурол ва куч ишлатмаслик, барча можароларни сиёсий мунозара ҳамда музокаралар васиталари ёрдамида хал қилиш механизмига айланиб, инсоният ҳаётини қирғин-барот урушлар хавфидан самарали муҳофаза этиб келмоқда.

БМТ ўзига хос халқаро ташкилот бўлиб, жаҳон сиёсатининг барча муҳим соҳаларини ўз фаолиятида уйғун тарзда мужассамлаштирган. Мана шу маънода у халқаро ташкилотларнинг бутун бир тизимини англатади.

БМТ тизимига бир қатор мустақил халқаро ташкилотлар киради, булар: Атом энергияси бўйича халқаро вакиллик (МАГАТЕ), Халқ таълими, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ташкилот (ЮНЕСКО), Халқаро болаларни химоя қилиш ташкилоти (ЮНИСЕФ), Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро жуяли 16 та халқаро ташкилотлар иқтисодий, ижтимоий ҳаёт, маданият, таълим, фан, соғлиқни сақлаш соҳалари бўйича фаолият олиб борадилар. Уларнинг ҳаммаси дунё халқларини бир-бирига яқинлаштиришга хизмат қилгани ҳолда, охир-оқибат халқаро майдонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

БМТнинг инсоният истиқболи йўлидаги фаолияти ўзининг янги босқичга кўтарилганлигини эътироф этиш билан бирга шаклан мустақил, аслида БМТ билан ҳамкорликда фаолият олиб бораётган ва амал қилаётган халқаро ташкилотларнинг хавфсизликка қўшаётган салмоқли улушини айтиб ўтиш лозим.

Булар: Америка давлатлари ташкилоти (АДТ), Европа иттифоқи, Африка бирлиги ташкилоти (АБТ), Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ), Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ), Европа-Осиё иқтисодий ҳамжамияти (ЕврАзЭС) ва ҳ.к.

Бу ташкилотларнинг мақсади аъзо мамлакатларнинг бир-бирига ўзаро ишончи, дўстлик ва қўшничиликни мустаҳкамлаш, улар ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни рағбатлантиришдан иборат. Шунингдек, бутун дунёда террорчилик кучайиб, ядровий, кимёвий, биологик, электрон террорчилик хавфи кучайганлиги муносабати билан уларга қарши кескин кураш олиб бориш мақсадини кўзлаган.

Демак, ҳозир биз яшаб турган давр тараққиётининг объектив хусусиятлари шундан иборатки, термоядро, экологик фалокатлар, терроризм хавфини бошқа дунё миқёсидаги муаммоларни изчил, тез, оғишмай, фақат биргаликда бартараф этиш, бир-бирига қарама-қарши сиёсатдан ўзаро ҳар томонлама ҳамкорлик сиёсатига ўтиб, жаҳон хўжалик ҳаёти оқимида қўшилиб кетиш зарурлиги, жаҳон цивилизациясини, инсоният ҳаёт-мамотини сақлаб қолиш учун биргаликда, ҳамжиҳатликда курашиш зарурли сифатида амал қилмоқда.

16.3. Ўзбекистон миллий хавфсизлик стратегиясининг асосий параметрлари, ички ва ташқи омиллари.

Мустақиллик эълон қилинган кундан бошлаб, Ватан хавфсизлигини мустаҳкамлаш, ҳудудий бутунлигини сақлаш давлатимизнинг диққат-эътиборида бўлди. Миллий хавфсизлик, аввало, мамлакатнинг мудофа қобилятига боғлиқ. Шу боисдан мамлакатнинг мудофа қобилятини мустаҳкамлаш чоралари кўрилди. 1991 йил сентябрда Ўзбекистон Республикаси Мудофа Вазирлиги тузилди. Ўзбекистоннинг ўз қуролли кучлари ташкил этилди.

Ўзбекистон Қуролли Кучлари қуруқликдаги қўшинлар, ҳарбий ҳаво кучлари, ҳаво ҳужумидан мудофа қўшинлари, махсус ва муҳандислик қурилиш қўшинлари ҳамда миллий гвардиядан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Президенти мамлакат Қуролли Кучларининг Олий бош қўмондони ҳисобланади.

Ўтган йилларда мамлакатимизда юқори малакали офицер кадрлар тайёлаш тизими яратилди. Тошкент умумқўшин командирлари, Самарқанд **автомобилчи** командир-муҳандислар, Чирчиқ танкчи командир-муҳандислари **ҳарбий билим юртларида** ва **Тошкент ахборт технологиялари университетида** ташкил этилган махсус факультет қуролли кучларимизга турли мутахассисликлар бўйича юқори малакали командирлар тайёрлаб бермоқда.

Тошкентда олий қўмондонлар тайёрловчи Ҳарбий академия фаолият кўрсатмоқда. Ҳарбий академия замонавий ҳарбий билимларни эгаллаган, жаҳон ҳарбий илмий ва жанговар тайёргарлигининг илғор тажрибаларини ўзлаштирган олий қўмондонларини тайёрлаб чиқармоқда.

Мустақиллик йилларида қуролли кучларимизни замонавий ҳарбий техникалар, қурол-яроғлар билан таъминлаш даражаси тобора ўсиб бормоқда.

Ўзбекистон 1995 йил июль ойида НАТОнинг “Тинчлик йўлида ҳамкорлик” дастурига қўшилди. Бу дастур томонидан АҚШда, Қозоғистон ва Ўзбекистонда уюштирилган ҳарбий машқларда Ўзбекистон ҳарбий қисмларининг иштироки зобит ва аскарларнинг ҳарбий-техник тайёргарлигини янада оширишга хизмат қилмоқда. Жумладан:

- Шимолий Каролинадаги Кемп Лежун денгиз пиёдалари полигонида Ўзбекистонлик аскарлар НАТОнинг “Тинчлик йўлида ҳамкорлик” дастурида 16 иштирокчи мамлакат армиялари вакиллари ҳамкорлигида ўтказилаётган машқларда қатнашдилар;

- Ўзбекистонлик десантчилар мамлакатимиз ҳудудида америкаликлар билан ҳамкорликда ўтказилган “Ультрабаланс – 96” тажриба машқларида юксак маҳоратларини намоиш этдилар;

- Тошкент, Чирчиқ, Самарқанд ҳарбий билим юртлари курсантларининг терма взводи 1997 йил май-июнь ойларида Норвегияда ўтказилган “Кооператив банкерс – 97” машқларида иштирок этдилар;

- Луизана штатидаги Форд Полк ҳарбий базасида 1997 йил июнь-июль ойларида Ўзбекистонлик аскарлар иштирокида “Кооператив наггет – 97” ҳамкорлик машқлари бўлиб ўтди.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, тинчлик йўлидаги бу ҳамкорлик дастурида иштрокимиздан кўзланган мақсад ўз мустақиллигимиз ва суверенитетимизни мустаҳкамлаш, ҳозирги замон ҳарбий-техникавий ютуқлардан баҳраманд бўлиш, малакали ҳарбий кадрлар тайёрлашдаги имкониятларимизни кенгайтириш, қуролли кучларимизнинг замонавий ҳарбий маҳоратини ошириб боришдан иборат.

Ҳақиқатда нима сабабдан ҳарбий кучларимизнинг маҳоратини оширишга ва замонавийлаштиришга эътиборини кучайтирмоқдамиз? Сабаби, Ўзбекистон ўзининг жуғрофий-сиёсий ҳолати жиҳатидан коллектив хавфсизлик тизими изчил йўлга қўйилмаган минтақада жойлашган.

Ўзбекистон амалда Форс кўрфази, Каспий денгизи ҳавзасининг нефть ва газга жуда бой конлари жойлашган ярим халқанинг стратегик марказидир. Бу ярим халқа атрофида яқин йилларда Евросиё ва жаҳон келажаги учун хал қилувчи роль ўйнайдиган энергия захиралари мавжуд.

Бунинг устига, биз Россия, Хитой ва Хиндистон, Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг бир-бирига мос келмайдиган манфаатлари юзага чиқадаган минтақанинг бир қисмимиз. XXI аср қиёфасини белгилаб берадиган бу куч марказлари ана шу минтақада ўз манфаатларини излайди. Евросиё марказлари туташган ерда жойлашган бизнинг ҳудудимиздан, ислом дунёсининг Туркия, Покистон, Эрон ва Саудия Арабистони каби қудратли мамлакатлари ҳам, юқоридаги кучлар каби, ўз манфаатларини излайди.

Яна бир таҳдид манбаи шу билан боғлиқки, Ўзбекистонни этник, демографик, иқтисодий ва бошқа муаммолар юки остида қолган мамлакатлар қуршаб турибди. Устига-устак юртимиз минтақадаги диний экстремизм, нарқобизнес ва ҳар хил ташқи кучлар томонидан рағбатлантириб келинаётган, ички можаро авж олган Афғонистон каби беқарорлик ўчоғи билан чегарадош. Бу давлатларда хориждаги энг кўп сонли миллатдошларимиз истиқомат қилиб турганлигини ҳисобга олиш ҳам керак.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда Президентимиз И.А.Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари” асарида қуйидагиларга тўхталиб ўтди:

Биринчи – минтақавий можаролар. Ўзбекистон амалда фронт яқинидаги давлатга айланиб қолди. Унинг ташқи чегараларида – Афғонистон ва Тожикистонда сўнгги йилларда юз берган, миллионлаб инсонлар ҳаётига зомин бўлган иккита танглик ўчоғининг мавжудлиги.

20 йилдан ортиқ вақт давомида уруш ҳаракатлари олиб борилган ва ханузгача танглик даво этаётган Афғонистондаги тангликнинг чуқурлиги ва кескинлигини, унинг минтақавий ва дунё миқёсидаги жуғрофий-сиёсий жараёнларга таъсирини эътиборга олиб, бу фожеани кўлами ва хавфи жиҳатидан ҳозирги дунёнинг энг катта минтақавий можаролари жумласига киритиш мумкин.

Тожикистондаги ўтган асрнинг 90 йилларидаги беқарорлиги ҳам бутун Марказий Осиёдаги минтақавий барқарорлик ҳолатига, жумладан, Ўзбекистоннинг миллий хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатди.

Вазиятнинг ривожланиши натижасида қуроли ёки бошқача тарздаги қўпоровчилик фаолияти атайлаб ёки беихтиёр кўшни давлатлар ҳудудига ўтиши мумкинлиги жиддий эътиборни талаб қилади. Масалан, 1997 йил 10 январь куни Тожикистоннинг Турсунзода шаҳридаги ҳукумат ва муҳолифат ўртасидаги тўқнашувлар натижасида Сурхондарё ҳудудига иккита снаряд тушиб, фуқароларимиздан 4 нафарини жароҳатлаган, улардан бири ҳалок бўлган.

Иккинчи – диний экстремизм ва фундаментализм. XX асрнинг охири диний қадриятларнинг уйғониш даври бўлди. Мана шу уйғониш билан бирга, динни ниқоб қилиб ўзларининг ғаразли манфаатлари йўлида фойдаланувчи оқимлар – Ваҳобийлик, “Хизбут-тахрир”, “Мусулмон биродарлари” каби ҳаракатлардир. Улар 1999 йилда Янгибодда, 2000 йилда Сариосиё ва Узун туманларига бостириб кириб, мамлакатимиз тинчлигини бузишга уриндилар.

Учинчи – буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик. 1991 йил янги давр бошланган тарихий нукта бўлди. Шу йили тоталитар тузумнинг собиқ қурбонлари ўз мамлакатларининг озод бўлишига эришдилар ва миллий давлат сифатида қайта тикланиш имкониятини қўлга киритдилар. Руслар ва русийзабон ҳаракатларга, Ўрта Осиёдаги Россияга эргашувчи муҳолиф кучларга ёрдам бериш учун Россия Федерацияси давлат ва хусусий тузилмаларининг тайзиқ ўтказиш имкониятларини ишга солишимиз керак, дейдилар. Шу тариқа Россия – Ўрта Осиё мамлакатларини катта-катта масалаларда унга ён беришга ундайди.

Тўртинчи – этник ва миллатлараро зиддиятлар. Маълумки, мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Улар ўртасида ҳеч қандай нифоқ чиқишига йўл қўйиб бўлмайди. Акс ҳолда давлатнинг ва минтақанинг хавфсизлигига таҳдид туғилиши мумкин. Президентимиз таъкидлаганидек, 1999 йил 16 февраль воқеалари Ўзбекистон мустақиллигига хавф-хатар борлигини аниқ намоён қилди. Бундай

қўпоровчиликдан мақсад – мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий барқарорликни, фуқаролар ва миллатлараро тотувликни издан чиқаришга уринишдир.

Навбатдаги таҳдидларга Юртбошимиз “корупция ва жиноятчилик”, “маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик муносабатлари” ва “экололик муаммолар”ни таъкидлаб ўтди.

Хавфсизлик масалаларига Президентимиз бир қанча нуфузли анжуманларда такрор ва такрор тўхталиб, бир неча амалий таклифларни билдирди. Жумладан:

1. 1992 йилнинг 13 октябрида, Тошкентда Президент И.А.Каримов ва Афғонистон Ислом давлати раҳбари Бурҳониддин Раббоний томонидан икки томонлама дипломатик муносабатлар ўрнатиш, ҳаво йўллари очиш тўғрисида ҳужжатлар имзоланди.

2. 1993 йилнинг 18 июнида Швейцариядаги “Форум фонд” халқаро иқтисодий ташкилоти IV сессиясида сўзлаган нутқида И.А.Каримов Афғонистонда барқарорликнинг таъминланиши Тожикистонда барқарорлик ўрнатилишининг асосий омили эканлигини таъкидлаб, Ўзбекистон минтақада ашаддий фундаментализмга асосланган ҳар қандай доктриналарни тарқатишга қатъиян қарши туришини маълум қилди.

3. 1993 йилнинг июлида Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо бўлган давлатлар раҳбарларининг олий даражадаги учрашувидаги нутқида Президентимиз иқтисодий ҳамкорликка тўсиқ ва ғов бўлиб турган асосий масала – Афғонистондаги нотинч ва беқарор вазиятга эътиборни қаратиб, муҳолиф кучларни яраштириш, афғон халқини тезроқ тинч меҳнатга жалб этиш биргаликда ҳаракат қилиш, шу мақсадда Афғонистондаги муҳолиф кучлар, манфаатдор халқаро ташкилотлар, БМТ вакиллари Тошкент шаҳрида музокаралар учун йиғилишга таклиф қилди.

4. 1995 йилнинг 12 мартда Копенгагенда ўтган халқаро конференцияда Юртбошимиз Афғонистон ва Тожикистондаги вазиятга жаҳон ҳамжамияти диққат-эътиборини яна бир марта қаратиб, бу мамлакатларда ўн миллионлаб одамлар очлик, қашшоқлик, вайронагарчилик шароитида яшамоқда. Бундай шароит ижтимоий портлаш омили бўлиб, у фақат Марказий Осиё минтақасида эмас, балки бутун дунёдаги хавфсизлик ва барқарорликни ларзага солишга қодирдир, деб уқтирди.

Булардан ташқари 1995 йил 28 августда Бишкекда ўтган туркий тилли давлатлар раҳбарлари учрашувида, ўша йилнинг 15 сентябрда Тошкентда ўтган Марказий Осиё хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига доир семинар кенгашида, 1998 йил 21 сентябрда Президент И.А.Каримов ташаббуси билан ташкил топгани, “6+2” гуруҳининг 1999 йил 19-20 июлда БМТ бош қотибининг Афғонистон бўйича махсус элчиси иштирокидаги учрашувида, 2001 йил 14 июндаги Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг саммитида минтақавий хавфсизлик тизимини шакллантириш таклифини илгари сурди.

Президент И.Каримов Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва миллий хавфсизликни таъминлашнинг кафолати сифатида қуйидаги шарт-шароитларни кўрсатиб ўтади.

Биринчи. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти ва давлатлараро хавфсизлик тизимида ўз ўрнини топиши керак. Бунинг учун республиканинг дунё ҳамжамиятига қарши суръатларини тезлаштириш ва уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиши керак. Халқаро ташкилотлар иқтисодиётни қайта қуриш, минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш гаровидир.

БМТни Ўзбекистон келажақда ялпи тинчлик ва барқарорликни таъминлайдиган кучли ташкилотга айланишини тарафдори. Бу миллий, минтақавий ва жаҳоншумул муаммоларни ҳал қилишдаги дунё давлатлари саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва бирлаштиришда унинг аҳамиятини кучайтиришдан мафаатдор.

Бундан буён ҳам Ўзбекистоннинг Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти тузилмаларидаги иштирокини кенгайтиради. Минтақавий хавфсизликни мустақамлашда бу ташкилот имкониятларидан, унинг Шимолий Атлантика ҳамкорлик кенгаши, Европа Иттифоқи, Европа Кенгаши, НАТО ва бошқа ташкилотлар билан алоқаларидан кенг фойдаланишни назарда тутди. Ўзбекистон Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Осиёдаги таянчи бўла олишлигини эълон қилди.

Кўшилмаслик ҳаракати, ислом Конференцияси ташкилоти ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар ишида фаол иштирок этиш тинчликни сақлашнинг бирдан-бир гаровидир.

Иккинчи. Миллий хавфсизликка эришишда давлатлараро битимлар тизимини барпо этиш муҳим йўналиш ҳисобланади. Ўзбекистон қанчалик кўп мамлакатлар билан дўстона амалий мулоқат ва ҳамкорлик муносабатларини ўрнатса, унинг хавфсизлиги шунчалик кўп кафолатланади.

Учинчи. Имзоланган давлатлараро битимларга сўзсиз амал қилиш — хавфсизлик кафолати ва шартидир.

Имзоланган ҳужжатларга сўзсиз риоя қилиш инсон ҳуқуқлари, кам сонли миллатлар ҳуқуқлари, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик, тинч-тотув яшаш тамойиллари сингари соҳалар, айниқса, долзарб ҳисобланади. Бу ҳолат янги мустақил давлатлар ўртасидаги муносабатларда ҳам ўта муҳим роль ўйнайди. Ҳамдўстлик барпо этилгандан буён ўтган вақт ичида турли муаммолар юзасидан бир неча юз битим ва шартномалар қабул қилинди. Афсуски уларнинг аксарияти қоғозда қолиб кетди.

Тўртинчи. Ташқи сиёсатни мафкурадан тўла холи этиш хавфсизликни таъминлашнинг муҳим кафолатидир. Ўзбекистон шу пайтгача дунёнинг барча мамлакатлари билан ўз муносабатларини, у мамлакатларнинг бошқарув тизими қандай бўлишидан қатъий назар, фақат халқаро ҳуқуқнинг барча тан олган мезонлари асосида алоқалар ўрнатган.

Маълумки ғоявий муҳолифлик ўтмишда давлатлараро муносабатларга соя солиб, давлатларнинг бир-бирига қарши икки гуруҳга бўлинишига сабаб бўлди. Дунёни ҳалокат ёқасига олиб келди.

Бешинчи. Ўзбекистон Кўшилмаслик ҳаракатига аъзо бўлгани сабабли ҳеч қандай блокка қўшилмайди. Ўзбекистон буни миллий хавфсизликнинг муҳим кафолати деб қарайди. Шу билан биргаликда ҳарбий блоklar билан ҳамкорлик қилиш тинчлик ишига, мамлакатлар ва халқларнинг хавфсизлиги мақсадларига хизмат қилса, Ўзбекистон доимо мулоқотга тайёр. Шу ўринда Ўзбекистон 1994 йилнинг июлида НАТОнинг коллектив хавфсизликнинг таъминланишига қаратилган “Тинчлик йўлида ҳамкорлик лойиҳасини” имзолади.

Олтинчи. Ўзбекистоннинг МДХ таркибида коллектив тизимдаги ҳамкорлиги иштироки минтақада барқарорлик ва тинчликнинг муҳим кафолатидир. Давлатларнинг имкониятлари ва саъй-ҳаракатларини хавфсизликни таъминлаш йўлида бирлаштириш муҳим аҳамиятга эга. У биринчидан, коллектив хавфсизлик тизимида иштирок этувчилар ўртасида кескинлик йўқлигидан далолат берса, иккинчидан, уларнинг бирлашишга интилишларини намоиш этади. МДХ мамлакатлари ўртасида тузилган хавфсизлик тўғрисидаги шартномалардан дастлабкиси 1992 йил май ойида Тошкентда имзоланган эди.

Еттинчи. Марказий Осиё давлатлари билан ҳар томонлама ўзаро ҳамкорлик миллий хавфсизликнинг асосий шартларидан биридир. Ўзбекистон Президентининг Ўш вилоятида бўлган чоғида, Бишкекдаги расмий учрашувда Марказий Осиё халқлари ўртасидаги яхши қўшничилик ва тинчлик анъаналарини мустаҳкамлаш, осойишталикни барқарорлаштириш борасидаги фаолияти юқори баҳоланиб, уни “Рухоният” маънавий тикланиш халқаро Ассоциацияси кенгаши “Халқлар ўртасидаги тинчлик ва тотувлик учун” мукофоти билан тақдирлаганлиги бунинг исботидир.

2002 йил 28 февраль 1 март кунлари Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида ўтказилган саммитида “МО ҳамкорлиги” зиммасига (террор, уюшган жамоатчилик) хавфсизликни таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда баҳамжиҳат иш кўриш тўла ҳуқуқ берилади.

Саккизинчи. Ҳозирги кунда давлат барқарорлигини таъминлаш жамиятнинг ижтимоий-руҳий, маънавий ва ахлоқий, маданий ва тарихий илдизларига таянади. Давлат мустақиллиги ва қудрати унинг жаҳон жамоатчилиги олдидаги маънавий-ахлоқий қиёфаси ва нуфузи билан ҳам белгиланади. Демак миллатимизнинг, халқимизнинг маънавий жиҳатдан уйғониш мустақиллигимиз, миллий хавфсизлигимиз гаровидир. Ушбу муҳим ишда биз Шарқнинг буюк маънавий таъминотидан, халқларни тинч ҳаёт кечиришга чақирувчи ислом фалсафасидан кенг фойдаланиш лозим.

Давлат хавфсизлигини таъмин этишнинг асоси – ёшлардир. Улар жаҳон умумбашарий ютуқларини эгаллаши, тарихимизни, маданиятимизни, буюк алломаларимиз қолдирган меросни чуқур билмоғи керак. Бугун зўр умидлар билан қураётган янги жамиятимизнинг мазмун-моҳияти ҳам ана шунда.

1992 йил 8 декабрь куни қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси”нинг 17-моддасида шундай дейилган: “Ўзбекистон Републикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглигини, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади”.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг яна бир йўналиши ва муҳим томони бу харбий сиёсатдир. 1995 йили 6 июльда Олий Мажлис Ўзбекистон Республикасининг харбий доктринасини қабул қилди. Бу доктринада мамлакатни ташқи тинчликсевар сиёсатига ҳамоҳанг ва монанд келадиган қоидалар ўз асосини топди. Бу қоидалар Ўзбекистон Республикаси мудофа сиёсатининг асосини ташкил этди. Бу сиёсат “Мустақиллик декларацияси”, “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг БМТ, МДХ ва бошқа Халқаро ташкилотларнинг аъзоси сифатидаги мажбуриятларига асосланади.

Ўзбекистон Республикаси халқаро майдонда сиёсий кучларнинг янгича жойлашувидаги ҳозирги ҳолатини ҳисобга олиб, давлат хавфсизлигини пухта таъминлаш ҳаётий зарурат эканлигини эътироф этди. Шу муносабат билан доктринанинг умумий қоидада Ўзбекистоннинг принциплари белгилаб олинди. Булар:

- бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, уларнинг суверенитетини ва мустақиллигини, шунингдек давлатлараро шаклланган чегараларнинг яхлитлиги ва ўзгармаслигини ҳурмат қилиш;

- ўз фуқароларининг ҳаёти ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш вазифасини ўз зиммасига олиш, ўзини-ўзи мудофа қилишдан иборат ажралмас ҳуқуқини амалга ошириш, давлатнинг зарур даражада қафолатланган харбий қудратга ва мудофа қобилиятига эга бўлишини таъминлаш ва бошқалар.

Докторинанинг сиёсий жиҳатлари ҳам Ўзбекистон тинчликсевар давлат эканлигини яна бир бор исботлади. Бу жиҳатлар қуйидаги ҳолатларни ўз ичига олади:

- жаҳондаги биронта ҳам давлатни ўзининг душмани деб ҳисобламайди, уларнинг биронтасига ҳам ҳудудий ёки бошқа даъвоси йўқ;

- халқаро муаммоларни, давлатлараро сиёсий, иқтисодий зиддиятларни уруш йўли билан ҳал этишга қатъиян қарши чиқади;

- жаҳон ҳамжамияти давлатлари ўртасида харбий можаролар чиқишининг олдини олиш, уруш хавфини бартараф этиш дипломатиясидан фойдаланишга фаол иштирок этиш, зиддиятлар кескинлашиб кетишининг олдини олишга куч-ғайрат сарфланиши ўз ташқи сиёсатининг асосий вазифаси деб ҳисоблайди;

- биронта ҳам мамлакатга қарши биринчи бўлиб харбий ҳаракатларни бошламайди;

- ядро қуролисиз яшаш принципларига амал қилади, ядро қурулини жойлаштирмайди, ишлаб чиқармайди ва сотиб олмайди;

- Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалалари юзасидан БМТнинг доимий семинарини чақириш;

- Марказий Осиё минтақасининг ядро қурулларида холи ҳудуд деб эълон қилиниши;

- кимёвий, бактериологик ва бошқа турдаги ялпи қирғин қурулларида ҳамма ерда йўқ қилиниши, Ўзбекистон Республикасининг кимёвий қуруллари таъқиқлаш тўғрисидаги конвенцияга ва бактериологик қуруллари таъқиқлаш муаммолари юзасидан музокараларга қўшилиши;

- одамлар руҳиятига ҳалокатли таъсир қиладиган воситалар, тектоник ва бошқа турдаги қурооллар ишлаб чиқарилишини таъқиқлашни ва инсониятнинг тинчликсеварлик манфаатига хизмат қиладиган ва коллектив хавфсизлигини таъминлашга омил бўлиши мумкин бўладиган, принципнол, муҳим бошқа қатор қоидаларни Ўзбекистон ташқи сиёсатининг стратегик устивор йўналишлари, деб белгилади ва жаҳон ҳамжамияти давлатларини ҳам, ҳар қандай урушларнинг олдини олишга имкон берувчи юқоридаги ҳолатларга риоя қилишга чақиради.

Ўзбекистон Республикасининг асосий ҳарбий стратегик вазиятларида икки ҳолат ҳисобга олинди;

- тинчлик даврида – давлатнинг муҳофа қобилятини республика дахлсизлиги таъминланишини кафолатлашга қодир даражада сақлаб туришдан, унинг суверенитетига ва ҳудудий яхлитлигига қарши қилиниши мумкин бўлган иғвогарлик ва тажовузларнинг олдини олишдан, қуроолли кучларнинг ҳужумлари ва мустақил тарзда ҳам умумий хавфсизлик тўғрисидаги шартномалар катнашчиси бўлган давлатлар қуроолли кучлари билан ўзаро ҳамкорликда бартараф этиш учун доимо тайёр туришини таъминлаш;

- уруш чиққан тақдирда – тажовузни ўз кучлари билан кафолатли тарзда бартараф этиш, шунингдек, тузилган шартномаларга мувофиқ МДХ таркибидаги давлатларнинг қўшма ҳарбий куч-қудрати билан тажовузкорларга қатъиян талофат етказишдан ҳамда унинг урушни давом эттириш имкониятидан муҳрум этишдан иборат бўлишини белгилайди.

Қуроолли кучларнинг ҳарбий қудрати жанговар қобилятини орттирувчи ҳамма омиллар ва имкониятлар ишга солиниши доктринада кўзда тутилади:

- хилма-хил қўшин турлари учун офицер кадрлар тайёрлаш тизимининг барпо этилиши;

- қуроолли кучларни замонавий жанговор техника қурол-яроғларнинг энг сўнгги намуналари билан қурооллантириш;

- ҳарбий кадрларни тайёрлаш жараёнида ҳарбий фаннинг сўнгги ютуқларини, жанговор ҳаракатлар олиб бориш тажрибасини, шу жумладан чет эл тажрибасини ҳам ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш ва бошқа қатор чора-тадбирлар белгиланди.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, вазият “биздан мавжуд ва потенциал хавф-хатарларнинг олдини олиш, чегараларимиз дахлсизлигини ва ҳудудимиз яхлитлигини таъминлашга қодир бўлган хавфсизлик тизимини барпо этишни талаб қилмоқда”. Қуроолли кучларни, чегара ва ички қўшинларимизни давлат сиёсатида монанд ҳолда такомиллаштириш, босқичма-босқич ислоҳ қилиш иши давлатимиз сиёсатининг устивор йўналишлари даражасига кўтарилмоқда.

Бугунги кунда қуроолли кучларнинг барча қўйи ва юқори таркибларини қамраб олган бошқарув тузилмаларини илғор мамлакатлар амалиёти даражасига олиб чиқиш устида жиддий ишлар амалга оширмоқда. Ватанимиз сарҳадларининг олдинга чизикларида турганлигини эътиборга олган ҳолда, чегара қўшинларини ислоҳ қилиш, унинг бошқарув тузилмасига жиддий ўзгартириш киритиш ишлари бошлаб юборилди.

Армиямизни ислоҳ қилиш жараёнида қуроолли кучларимизда маънавий-ахлоқий тарбия тузилмасини бутунлай қайта қуриш, унинг асосларида аскарларимиз онгида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини чуқур илдиз оттириш билан боғлиқ ишлар алоҳида аҳамият касб этиши лозим. 2009 йил 14 январьда Қуроолли Кучларимиз ташкил этилганлигининг 17 йиллик тантаналарини нишонлаган ҳарбийларимиз ҳар доим Ватан сарҳадларини химоя қилишга тайёрдирлар.

Қисқача хулоса.

Халқаро хавфсизлик тизимини барпо этишнинг энг самарали йўли бу сиёсий-иқтисодий, ҳарбий, гуманитар соҳаларда ягона, умум хусусиятни касб этган йўлни ишлаб чиқилганлигидир.

Булар **Харбий соҳада**: Ядровий давлатлар бир-бирига қарши, ёки учинчи давлатларга қарши уруш олиб боришдан воз кечиш;

Космосда қуролланиш пойгасига йўл қўймаслик, бирча ядровий қуроллари қисқартириш ва тўла йўқ қилиш, кимёвий қуроллари чеклаш ва тугатиш, оммавий қирғин келтирувчи бошқа воситалардан воз кечиш;

Давлатлар харбий имкониятлари даражасини қисқартириш устидан қатъий назорат ўрнатиш;

Харбий гуруҳларни тарқатиш, уларни кенгайтириш ва янгиларини ташкил этишга йўл қўймаслик;

Харбий бюджетларни пропорционал ва мувофиқ ҳолда қисқартириш.

Сиёсий соҳада: Халқаро амалиётда ҳар бир халқнинг ўз тараққиёт шакли ва йўллари эркин танлаш ҳуқуқини ҳурмат қилиш;

Халқаро тинчлик ва минтақавий ихтилофларни адолатли сиёсий бартараф этиш;

Давлатлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлаш, ҳужум қилмасликнинг тегишли кафолатини яратиш, чегараларнинг дахлсизлигини таъминлаш мақсадида комплекс тадбирларни белгилаш;

Халқаро терроризмни бартараф этишнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш.

Иқтисодий соҳада: Давлатлар хавфсизлигини таъминлаш учун янги иқтисодий тартибни ўрнатиш;

Жаҳон ҳамжамияти харбий соҳа учун ажратилган сарф-харажатларни қисқартириш орқали тушган маблағни ривожланаётган мамлакатлар учун сарфлаш.

Гуманитар соҳада: Тинчлик ғояларини, қуролланиш, халқаро хавфсизлик, ахборотнинг таъсирчан қувватини ошириш, халқлар ҳаёти билан таништириш йўлида муносабатларни ривожлантириш;

Жиноят, ирқчилик, фашизм ва бошқа ҳар қандай ирқий, миллий ва диний чекланишларни ва одамларни шу асосда камситилишларига йўл қўймаслик.

Ўзбекистон Республикаси ўз ташқи сиёсатида ушбу тамойилларга амал қилган ҳолда халқаро ва миллий хавфсизликни таъминлаш йўлида фаол қатнашиб келмоқда.

Таянч сўзлар.

Хавфсизлик, миллий хавфсизлик, халқаро хавфсизлик, тизим, тартибот, барқарорлик, тараққиёт, миллий хавфсизлик стратегияси, “Харбий доктрина”, минтақавий ташкилотлар, халқаро ташкилотлар ва хавфсизлик.

Назорат ва муҳокама учун саволлар.

1. Халқаро хавфсизлик, барқарорлик, тараққиёт сўзлари қандай умумий тушунчани англатади?
2. Анъанавий хавфсизлик билан минтақавий хавфсизлик, хавфсизликнинг хусусияти нимада?
3. Хавфсизликка таҳдид солувчи муаммолар қайсилар?
4. Хавфсизликни таъминлашнинг йўллари қандай?
5. Ҳозирги дунёнинг бир бутунлигини таъминловчи омиллар қайсилар?
6. Халқаро хавфсизликни таъминлашда халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг роли қандай?
7. Ўзбекистоннинг миллий хавфсизлик стратегияси: унинг йўналиши ва аҳамияти нимада?
8. Ўзбекистон Республикаси мудофа сиёсатининг асосини нима ташкил этади?
9. Халқаро ва минтақавий можароларни бартараф этишнинг энг мақул йўли қайси?
10. Айтингчи, нима қилсак турли хавф-хатарларнинг олдини олган бўламиз?

Адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. “Ўзбекистон”, 2009. 5-6, 33-34 б.
2. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т. 12. “Ўзбекистон” 2004. 336-349, 383-394 б.
3. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч қимга қарам бўлмайди. Т.13. Т. “Ўзбекистон”, 2005. 133-122, 306-439 б.
4. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т. “Ўзбекистон”. 2009, 4-12 б.
5. Алиев Б. Хошимов Т. ва бошқалар. Политология. Ўқув қўлланма. Т. ТДИУ. 2006, 290-300 б.
6. Алиев Б. Бобоев А. Политология фани бўйича таълим технологияси. Т. ТДИУ, 2006, 144-150 б.
7. Авторлар жамоаси. Политология. Дарслик. М. Инфра-М, 2007. 274-283 б.
8. Авторлар жамоаси. Политология. Дарслик. “Проспект” М. 2008. 536-553 б.
9. Х.Т.Одилқориев, Д.Х.Раззаков. Сиёсатшунослик. “Ўқитувчи” нашриёти. 2008, 278 б.

ХУЛОСА ЎРНИДА

СИЁСИЙ РИВОЖЛАНИШ ВА ЗАМОНИЙЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИ.

Жаҳондаги барча мамлакатлар бир-биридан сиёсий тузуми, бошқарув шакллари, сиёсий институтлари, аҳолисининг мамлакат сиёсий ва ижтимоий ҳаётда иштирок этиш имкониятлари, давлат ва жамиятда юзага келадиган ранг-баранг эҳтиёжларни қондиришнинг самарали йўллари топилганлиги, муаммоларни ҳал қилишда оқилона усуллардан фойдаланиши ва бошқа кўплаб мезонлар билан бир-бирларидан фарқ қиладилар. Улар ривожланишнинг ўзларига хос ва мос йўлни танлайдилар. Шу жиҳатдан олиб қараганда мамлакатларнинг ривожланиш ва замонавийлашув йўлини танлашида ҳам ўзига хос усуллар, имкониятлар ва тўсиқлар мавжуд бўлади.

Политология фанида замонавийлашувнинг асосий учта: классик андозаси, кечикувчи ва жонсиз (ноорганик) андоза ва жадаллашган андоза мавжуд дея тан олинади. Биринчи андоза, яъни классик хаотик андозага Ғарбий Европа давлатлари, Австралия, Канада ва АҚШни мисол тариқасида кўрсатиш мумкин. Бу мамлакатларда сиёсий тизим ва институтларнинг сифат ўзгаришлари биринчи галда жамиятда давтлабки замонавийлашувий элементлар вужудга келишдаёқ бошланган эди.

Ушбу давлатларда сиёсий замонавийлашув жараёнларининг юзага келиши ва амалга ошиб боришда бошқариш органлари ёки ҳокимият эмас, балки, жамият ва унда ташкил топган янги институтлар ва қадриятларнинг таъсири катта бўлди. Буни шундай изоҳлаш мумкинки, жамиятда ўрта ҳолларнинг кўпайиши ва улар сиёсий фаоллигининг кун сайин ошиб бориши, бугунги кунда мавжуд бўлган замонавий институтларнинг илк кўринишлари юзага кела бошлади. XVII асрда Шимолий Европада замонавий характерга эга бўлган социал институтларнинг бир вақтнинг ўзида вужудга келганлигини кузатиш мумкин. Булар 1) Парламент, 2) Мустақил суд, 3) Академия ва университет фанлари, 4) Молиявий институтлар, 5) Келажак оммавий коммуникация тизимини таъминлайдиган китоб чоп қилиш кабилардир. Бундай имкониятлар ва омилларнинг пайдо бўлиши эса жамиятнинг ва фуқароларнинг фаоллашувига таъсир кўрсата бошлаганлигини кузатиш мумкин. Мисол сифатида Англия, Франция, Италия, Германия каби давлатларни келтириш мумкин. Бу давлатларда сиёсий характердаги ташкилотларнинг, касаба уюшмаларининг ёки

партияларнинг вужудга келиши ва уларнинг мамлакат сиёсий ҳаётига оид муҳим қарорлар қабул қилишда кузатса бўлади.

Бу мамлакатлар иқтисодий тараққиётнинг илгарилаб бориши учун асос бўлган янгидан-янги институтлар юзага келишининг ҳам муҳим асосчилари ҳам ҳисобланар эдилар. Институтларнинг ичида энг муҳимларидан бири бу – хусусий мулкчилик институти ҳисобланди. Энди мазкур институтларнинг фаолиятини тартибга солиш учун ҳуқуқий ва қонуний асослар зарурати юзага келди. Ушбу қонунларни ва ҳуқуқий асосларни яратиш учун эса фуқароларнинг иродасини ифодалайдиган сиёсий ташкилотларнинг қарашларини ҳисобга олиш зарур эди. Мана шу жараёнларнинг ўзи бевосита сиёсий соҳадаги тараққиётни, ривожланишни ва энг асосийси замонавийлашувни таъминлаб берар эди. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ривожланган Ғарб давлатларидаги мавжуд сиёсий замонавийлашувни классик хаотик дейишга асос шуки, бу жамиятларда хусусий мулкчилик институтининг ривожланиши, унинг қафолатини бера оладиган ҳуқуқий ҳолатнинг вужудга келиши ва бунинг самараси ўлароқ, жамият ва шахс ҳаётига давлатнинг ва ҳокимиятнинг аралашувини чеклайдиган механизмларнинг эволюцион йўл билан яратилганлигидир. Бунинг асосида сиёсий тизим орқали ўз манфаатларини ранг-баранг ижтимоий муносабатлар ҳам шакллана борди. Ўз-ўзидан маълумки сиёсий тизимда ҳам бу ҳаракат ва интилишларга мос ҳолда ислохатлар амалга оширилди. Айнан ҳокимиятлар бўлиниши, яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимиятларнинг пайдо бўлишини Ғарбий Европа сиёсий замонавийлашувининг энг катта ютуқларидан бири сифатида қараш мумкин.

Сиёсий замонавийлашувнинг иккинчи андозази кечикувчи ва ноорганик андоза бўлиб, бунга Испания ва Португалияни, Лотин Америкасининг баъзи бир давлатлари, Япония кабиларни киритиш мумкин. Ушбу моделнинг классик моделдан фарқи шундаки, мазкур мамлакатларда замонавийлашув жараёнлари бир мунча кечроқ, яъни XVIII-XIX асрларда бошланган ва улардан модернга ўтишнинг баъзи – бир шарт-шароитлари, ривожланган бозор ва иқтисодий муносабатлар, фуқаролик жамият элементлари, ҳуқуқий меъёрларнинг етилмаганлиги кабиларнинг йўқлиги ва ҳокимиятларнинг авторитар характерга эга эканлиги билан ажралиб турар эди.

Замонавийлашувнинг бундай андозасига эга бўлган мамлакатларда одатда, бошқарув аппарати, бюрократик характерга эга бўлиш билан бирга босқичларни сакраб ўтиш, ислохатларни амалга оширишда мантиксизлик ҳолатлари билан чегараланар эди. Бу эса Жанубий Европа (Испания ва Португалия) давлатларида бир неча қонуниятларни юзага келтириш имконини яратди.

Биринчидан, замонавий жамиятга ўтиш фундаментал сиёсий масалаларни: давлат институтларининг шаклланиши, конституциянинг ишлаб чиқиши, миллий-давлатчилик тузилишининг умумий тамойилларини белгилаб олиниши кабиларни ҳал қилиш бошланди.

Иккинчидан, иқтисодий замонавийлашув масалалари кечиктирилар ва сиёсий муаммолар ҳал қилингандан сўнггина ечилар эди.

Учинчидан, замонавийлашувнинг кетма-кетлиги ва суратлари авторитар сиёсий тартиботлар томонидан тартибга солиб борилар эди.

Тўртинчидан, авторитар тартиботнинг қўлида ресурсларнинг тўпланиши бир вақтнинг ўзида информатсион технологияларга ўтиш, парламент демократиясини тузиш ва ҳуқуқий давлат қуриш кабиларни муваффақиятни ҳал қилди.

Умуман олганда, замонавийлашув жараёнларида сиёсатнинг устинлик қилиши бир қанча сабаблар асосида амалга оширилади. Ушбу жамиятларда замонавий жамиятга ўтиш ҳозирги ривожланган мамлакатлардан бир қанча вақт кейин бошланади ва унинг кечикувчи характери бир вақтнинг ўзида кўплаб муаммоларни келтириб чиқаришга сабаб бўлади.

Сиёсий замонавийлашувнинг учинчи ва ўзига хос андозаларидан бири, бу – жадаллашган моделдир. Замонавийлашувнинг ушбу андозасида асосан жамиятнинг иқтисодий соҳасига кўпроқ эътибор қаратилди, ҳамда ишлаб чиқиришнинг ўсиши, мамлакат экспорт салоҳиятининг ошиши мамлакатга кўплаб хориж инвестициясининг жалб қилиниши ва бунинг натижаси ўлароқ, аҳолининг ҳар томонлама савияси ошади.

Бундай мамлакатлар сафига Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларини киритиш мумкин. Улар тажрибасининг ўзига хос томони шундаки, улар дастлаб чекланган демократия асосида авторитар тартиблар билан жамиятни назорат қилар ва сиёсий эхтиросларни асосан иқтисодий муваффақиятли қадамлар хал қилишга ҳаракат қилар, бунинг натижаси ўлароқ инсонларнинг турмуш тарзи юксалиши баробарида жамиятда барқарорлик сақланар ва аста-секинлик билан жамият сиёсий ҳаётида демократия сари реал ҳаракатлар кузатиладди.

Демак, шундай хулосага келиш мумкин: замонавийлашувни ва демократлашувнинг маълум бир андозаси мавжуд эмас. Баъзи бир Африка ва Осиё давлатларига Ғарб замонавийлашувини олиб киришга бўлган интилишлар ўзини оқламаганлиги ва жамиятдаги мавжуд қарашлар уларни қабул қилмаслиги замонавийлашув ёки демократлаштиришнинг универсал қоидалари мавжуд деган қарашларни йўққа чиқарди, ҳамда Президент И.А. Каримов таъбири билан айтганда, ҳар бир жамиятнинг ўзига хос турмуш тарзи ва ривожланиш йўли мавжудлиги амалда исботланиб келмоқда.

Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатидаги тараққиёти ўзининг миллий хусусиятини сақлаган ҳолда жаҳон ҳамжамияти билан интеграцияси жараёни бораётганлиги, унинг ҳозирги замон жамият тизими андозаларига мувофиқ эркин, демократик, фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида ривожланаётганлигини қайд этмоқ зарур.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.

1. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. “Ўзбекистон”, 2009 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонун. 1996 йил 26 декабр.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун. 1998 йил 28 апрел.
4. “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги (1999 йил апрел) қонуни.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги қонун. 2000 йил 26 май.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги қонун. 2000 йил 15 декабр.
7. Ўзбекистон Республикаси “Олий Мажлисининг қонунчилик палатаси тўғрисида”ги (2002 йил 12 декабр) қонун.
8. Ўзбекистон Республикаси “Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги (2002 йил 12 декабр) қонуни.
9. “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги (2004 йил 30 апрел) қонуни.
10. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги (2007 йил 11 апрел) қонуни.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, маърузалари.

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. Т.- “Ўзбекистон” 1996.
2. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. “Ўзбекистон”, 1997.
3. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. Т. “Ўзбекистон”, 1998.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга интилоқда. Т- “Ўзбекистон”, 1999.
5. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. Т. “Ўзбекистон”, 2000.
6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашиш керак. Т.10. “Ўзбекистон”, 2002.
7. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик ва **маърифий дунё билан** ҳамкорлик йўли. Т.11. Т. “Ўзбекистон”, 2003.
8. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. “Ўзбекистон”, 2004.
9. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократиялаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Т. “Ўзбекистон”, 2005.
10. Каримов И.А. Ўзбек халқа ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. Т. “Ўзбекистон”, 2005.
11. Каримов И.А. Инсон ва унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т.14. Т. “Ўзбекистон”, 2006.
12. Каримов И.А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устивор вазифамиздир. Т. “Ўзбекистон”, НМИУ, 2007.

13. Каримов И.А. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини кураш – фаровон ҳаётимиз гаровидир. Т. “Ўзбекистон”, НМИУ, 2007.
14. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Т. “Ўзбекистон”, 2007.
15. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи. “Халқ сўзи”, 2008 йил 1 сентябр.
16. Каримов И.А. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Т. “Ўзбекистон”, 2008.
17. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т. “Ўзбекистон”, 2008.
18. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т. “Ўзбекистон”, 2009

3. Дарслик.

1. Дубков В.В. Политология. (Основа политических знаний). Учебник. Т. “Меҳнат”, 2004.
2. Латыниева В.В. Основы социологии и политологии. Учебник. М. Гардарика, 2005,
3. Политология. Учебник. – М.Юрайт-Издат, 2006.
4. Василенка И.А. Политология. Учебник. М. Гардирика. 2006.
5. Муаллифлар жамоаси. Политология. М. ИНФРА-М. 2007.
6. Муаллифлар жамоаси. Политология. Проспекти, 2008.
7. Политология. Учебник. М. Юрайт-Издат. 2008.
8. Х.Т.Одилқориев. Д.Х.Раззақов. Сиёсатшунослик. “Ўқитувчи” нашриёти. Т. 2008, 170-186 б.

4. Ўқув услубий қўлланмалар.

1. Политология. Ўқув қўлланма. А. Қодирий номидаги халқ мероси нашр. “ЎАЖБНТ” маркази. 2002.
2. В.П. Соловьев, В.П.Пугачев Сиёсатшуносликка кириш. Ўқув қўлланма. “Янги аср авлоди”. 2004.
3. Пугачев В.П., Соловьев А.И. Политологияга кириш. Т. “Янги аср авлоди”. 2004.
4. Алиев Б. ва бошқалар. Политология фанидан ўқув-услубий қўлланма. Т. ТДИУ. 2005.
5. Муаллифлар жамоаси. Учебно методические пособие по Политологии. Т.ТДИУ, 2005.
6. Алиев Б. Хошимов Т. ва бошқалар. Политология. Ўқув қўлланма. ТДЮИ. Т. 2006.
7. Алиев Б. ва бошқалар. Политология фанидан ўқув-услубий модуль. Т-ТДИУ. “Фан ва технологиялар нашриёти”. 2006.
8. Хошимов Т ва бошқалар. Политология фанидан ўқув-услубий қўлланма (илғор педагогик ва ахборот технологиялари асосида) Т. ТДИУ. 2006.
9. Алиев Б., Бобоев А. “Политология” фани бўйича таълим технологияси. Т. ТДИУ. 2006.
10. Г.Н. Смирнов ва бошқалар. Политология. Учебник. М. 2006.

5. Монографиялар.

1. Низомулмулк. Сиёсатнома. Т. “Адолат”, 1997.
2. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. Т. “Шарк”, 1998.
3. Даль Р.О. О демократии. М.АСПЕКТ ПРЕСС, 2000.
4. Афлотун қонунлари. Рус тилидан Урфан Отажон таржимаси. Т. “Янги аср авлоди”. 2002.
5. Дюверже М. Политические партии М. 2002.
6. Исломов З. Фуқаролик жамияти: кеча, бугун, эртага. Т. ТДЮИ. 2002.
7. Жўраев С. Фуқаролик фаолияти: назария ва амалиёт Т. ТошДШИ, 2003.
8. Эргашев И. Сиёсат фалсафаси. Т. “Академия”, 2004.
9. А.Ж.Холбеков, Т.Б. Матибоев. Ижтимоий адолат ва демократия: барқарор тараққиёт йўлида. Т. “Янги аср авлоди”, 2004.
10. Г.Ф.Жалалова. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг сиёсий жиҳатлари. Т. “Фан ва технология”, 2004.
11. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажрибалар. Т. “Янги аср авлоди”, 2006.

6. Халқаро ва хорижий меъёрий ҳужжатлар.

1. Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси. Т. ЮНЕСКО, 1995.
2. Европейская партия о местном самоуправлении – Brissees: TACTS services дасл Туропеан Комиссии, 1995.
3. Избирательные системы и наблюдение за выборами. Краткий обзор. Фонд Фридриха Науманна. Московское бюро. М. 1995.
4. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Асосий омилар. Т. БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, 2001.
5. Парижская партия для новой Европы, 21 ноября 1990 годф. Вармаво 6 БДИПГ ОБСЕ, 2001.
6. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси. . “Ўзбекистон”, Т. 2009.

7. Интернет сайдлари.

1. www.ref.uz
2. www.ziyo.edu.uz
3. www.perfarmanee.edu.uz
4. www.ee.edu.uz
5. www.gov.uz
6. www.google.uz
7. www.yandex.ru
8. www.referat.ru